

МАМАСОЛИ ЖҰМАБОВ

БОЛАЛАР АДАБИЁТИ

(Дарслик-мажмуа)

*Олий ўқув юртлари мактабгача адабият факультетларининг
талабалари учун*

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
таъдиқлаган*

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1994

*Махсус муҳаррир: филология фанлари номзоди.
САҒО МАТЧОНОВ*

Қўлингиздаги «Болалар адабиёти» дарслиги республика олий ўқув юртлиари мактабгача тарбия факультетларининг талабаларига мўлжалланган. Шунингдек, дарсликдан боилангич синф муаллимлари, боғчаларнинг тарбиячилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

МАМАСОЛИ ЖУМАБОВ

БОЛАЛАР АДАБИЁТИ

(дарслик-мажмуа)

Тошкент «Ўқитувчи» 1994

Муҳаррир *И. Файзуллаева*
Бадний муҳаррир *Б. Жураев*
Техн. муҳаррир *С. Турсунова*
Мусаххих *З. Ғиломова*

ИБ №6405

Теришга берилди 20.01.94. Ёзишга рухсат эилди 22.12.94. Бичими 84X108/32. Тип. қоғози. Литературная гарнитураси кегля 10 шпонси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 13,44. Шарти кр. отт. 13,50. Нашр. л. 13 66. 60 000 нускада босилди. Бужетма 2342.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент — 129, Навоий кўчаси 30. Шартнома 13—265—92.

Ўзбекистон Республикаси матбуот Давлат қўмитасининг 1-босмахнасида босилди. 700002, Тошкент, Сағбои кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй. 1994.

Ж 4803000000 — 166
353 (04) — 94 14—94

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1994

ISBN 5-645-02240-8

БОЛАЛАР АДАБИЁТИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

‘Болалар адабиёти сўз санъати ва тарбия воситасидир. Кичкинтойлар учун ёзиладиган ҳар қандай бадний асар уларнинг ёш хусусиятларига, савияларига мос, ёш китобхонлар қалбида ўй-фикрлар уйғотадиган, ёрқин образларга бой, юксак ғояларга, улкан ва порлоқ ишларга илҳомлантирадиган бўлиши зарур. Энг муҳими мавзулар тушунарли, содда ва қизиқарли тилда ифодаланиши керак.

Болалар адабиёти ёшларни имон-этиқодли кишилар сифатида ва ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда қудратли қуролдир.

Фақат чинакам бадний асарларгина болаларга кучли таъсир кўрсатиб, ана шу юксак талабларга жавоб бера олади. Шу сабабли бундай китоблар педагогик нуқтаи назаридан ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Болалар китоби бу вазифани бажаришда бадний тилга суянади. Адабий асарнинг тили унинг ғоявий мазмунини аниқ ва ифодали очиб бериш воситасидир. Яхши, аниқ, раво, образли, бой тил билан ёзилган асар ёзувчининг мақсад ва фикрларини китобхонларга тез ва осон етказди.

Алишер Навоий «Маҳбуб-ул қулуб» да тилни «кўнгил хазинасининг қулфи» ва сўзни шу «хазинанинг калити», деб таърифлайди. Буюк шоир кишиларни қисқа ва мазмунли, чуқур мантиқ билан сўзлашга чақиради. Бу талаб, шубҳасиз, болалар ёзувчиларига ҳам тааллуқлидир.

Болалар ёзувчиси содда, раво, қизиқарли ва мазмундор қилиб ёза билиши керак. Бунинг учун эса у халқ тилини пухта билмоғи лозим.

Раво тил билан ёзилган бадний асарлар китобхоннинг нутқиға ҳам катта таъсир кўрсатади, сўз бойлигини оширади.

Болалар ёзувчиларининг энг яхши китоблари ёш авлодди ҳаётга тўғри муносабатда бўлишга ўргатади, она-дёнримизга, меҳнатга муҳаббат, замонамизга садоқат руҳида тарбиялайди, уларни юртимизнинг муно-

сиб фарзандлари бўлишга чақиради. Китоб боланинг дунёқарашини шакллантиришга ёрдам беради, характерини тарбиялайди. Илм-фанга муҳаббатини оширади. Китоб халқимизнинг ўтмиши, илғор маданиятимиз, фан ва техникамиз ютуқлари билан таништиради, фахрифтихор туйғуларини ўстиради.

Бугунги кунда қудратли қурол бўлган адабиётдан кенг фойдаланмай туриб, янги жамият қурувчисини ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялаш мумкин эмас.

Болалар китобхонлигини ўқувчиларнинг педагогик-психологик хусусиятларига кўра қуйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар китобхонлиги (2 ёшдан 7 ёшгача).

2. Мактаб ёшидаги кичик болалар китобхонлиги (7 ёшдан 11—12 ёшгача).

3. Ўрта ва катта мактаб ёшидаги болалар китобхонлиги (13—14 ёшдан 15—17 ёшгача).

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар китобхонлиги

Бу давр болалар китобхонлиги асосан ота-оналар ва тарбиячилар томонидан амалга оширилади. Ҳали ўқиш, ёзиш-чизишни билмайдиган мактабгача тарбия ёшидаги болалар дунё сирларидан беҳабар бўладилар. Шунга қарамай, бизни қуршаган оламни тезроқ билиб олишга, уни ўрганишга интиладилар. Бунда ота-оналар, боғчаларда эса тарбиячилар болаларга яқиндан ёрдам бериши, яъни уларга бадий асарлардан парчалар ўқиб бериши лозим. Болаларга ўқиб бериладиган ҳар қандай асарнинг ҳажми қисқа, мазмуни содда бўлиши талаб этилади. Шунингдек, бундай китобларнинг расмлари ранг-баранг, ҳарфлари эса йирик-йирик бўлиши мақсадга мувофиқ.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар тинглайдиган асарларнинг кўпчилигини эртақ, қўшиқ, топишмоқ, мақол, тез айтиш каби халқ оғзаки ижоди асарлари ташкил этади. Бундан ташқари, ёзувчилар яратган ва юқоридаги талабларга тўла-тўқис жавоб берадиган асарлар ҳам мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун қўл келади. Аммо шу нарсани ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, болалар учун ижод қиладиган қалам соҳибн ҳаётдаги муҳим, характерли воқеа ва ҳодисаларни ба-

дий образлар орқали болалар нутқига хос тилда, уларнинг ёши, руҳияти ва савиясига мувофиқ равишда тасвирлаши лозим.

Болалар шоири Анвар Обиджоннинг «Сухбат» деган шеъри бор. Шоир унда болалар яхши кўрадиган ғозлар тўғрисида сўз юритади. Маълумки, болалар жониворлар, хусусан қушларга илк ёшларидан бошлаб қизиқадилар. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, «Сухбат» бола ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Воқеа жуда оддий ва содда. Ўзаро сухбатдан маълум бўладикки, ғозларнинг қорни оч, уларни боқиниш керак. Буни шоир ўйин воситасида ифода этади:

— Ғозлар, бир сўз дейсизми?

— Ға, ға-ға!

— Тотли сули ейсизми?

— Ҳа, ҳа, ҳа!

— Нега патни силайсиз?

— Ғоқ, ғоқ-ғоқ.

— Мендан нима тилайсиз?

— Боқ, боқ, боқ!

Бу хилдаги шеърлар кичкинтойларни мустақил фикрлашга, турмуш таассуротларини тўнлаб, улардан хулоса чиқаришга ўргатади.

Болаларнинг, айниқса, жажжи қизчаларнинг севимли машғулотларидан бири қўғирчоқ ўйнашдир. Кўлдош Сулаймоннинг «Қўғирчоқ» шеърида қўғирчоқларни асраб-авайлаш, оддий бир ўйинчоқ воситасида катталарнинг меҳнатини эъзозлаш масаласи ўртага ташланади.

Қуёш билан тенг туриб,
Озода кийинтириб,
Сенга тақамиз маржон,
Қўғирчоқ, қўғирчоқжон.
Қўлдан қўймаймиз сира,
Юқтирмаймиз гард, шира.
Овулчоқсан бизларга,
Қўғирчоқсан бизларга.

Ҳар қандай ёзувчи мактабгача тарбия ёшидаги болаларга ўқиб бериладиган асар тилининг бадиий жиҳатдан пухта-пишиқлигига, тушунарли, аниқ ва равлонлигига алоҳида эътибор беради. Бу ёшдаги болаларга тавсия этиладиган асарлар ҳаёт ҳақида муайян тасаввур бериши билан бирга завқ-шавқ бағишлайди:

Мен Лоламан, Лоламан,
Озода қиз бўламан.

Эрга билан тураман,
Юз-қўлимни юваман.
Мушугим бор қора мош,
Ўзи жудаям юввош
Мендан олдин туради,
Юз-қўлини ювади.

Ш. Саъдулла. «Лола ва мушук»

Хулоса қилиб айтганда, болалар ўзлари тинглаган асарлари ёрдамида аста-секин атроф-муҳит билан танишадилар, она-юртга меҳр-оқибатли бўлишни, табиатни асрашни, меҳнатни севишни ўрганадилар.

Мактаб ёшидаги кичик болалар китобхонлиги

Бу ёшдаги болалар китобхонлиги аввалгисидан бир оз фарқ қилади. Бу фарқ болаларнинг ёши ва билим савияси билан боғлиқ. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар асосан тарбиячилари, ота-оналари ёрдамида бадний асарлар билан танишсалар, бошланғич синф ўқувчилари бу ишни мустақил бажарадилар. Мустақиллик уларга ишонч ва завқ бағишлайди.

Бу ёшдаги болаларни теварак-атрофдаги турли воқеа-ҳодисалар ниҳоятда қизиқтиради. Уларнинг бизни қуршаган олам ҳақидаги саволларига бадний асарларда муфассал жавоб берилган.

11—12 ёшдаги болалар сеҳрли-фантастик эртак, саргузашт, ҳикоя, қисса ва дostonларни севиб ўқийдилар. Оллоёнинг «Фазогир чумоли» (эртак-қисса), Анвар Обиджоннинг «Даҳшатли Мешполвон» (эртак-қисса), Қуддус Муҳаммадийнинг «Эркинжон ойга чиқибди» (дoston), Юсуф Шомансурнинг «Ойдан келган болалар» (дoston) каби асарлари шу ёшдаги болаларга мўлжаллаб ёзилган.

Урта ва катта ёшдаги болалар китобхонлиги

Бу ёшдаги болалар ўзлари мустақил равишда китоб ўқиб қолмай, балки ўқиган китобларидаги қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолашга ўрганадилар, зарурат бўлса улар кўрсатган мардлик ва жасоратларни такрорлашга ҳозирланадилар.

Бу ёшдаги болаларга халқимизнинг шонли тарихи, бугунги ҳаёти ҳақида ёзилган турли жанрдаги асарларни тавсия этиш мумкин. «Широқ», «Тўмарис» каби афсоналар билан бирга, Ойбек, Ғафур Ғулом, Зафар Диёр, Қуддус Муҳаммадий, Ҳаким Назир, Ш. Саъдулла, А. Обиджон, Т. Адашбоев, Қамбар Ота ва бошқаларнинг замонавий мавзудаги энг яхши асарлари муҳим тарбиявий аҳамият касб этади.

Жаҳон болалар адабиётининг А. Пушкин, Л. Толстой, С. Сервантес, Д. Дефо, Ж. Свифт, Э. Войнич, К. Чуковский, С. Маршак каби намояндалари яратган асарлар болалар дунёқарашини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Кўриб ўтганимиздек, болалар адабиёти ўзига хос хусусиятлари билан катталар адабиётидан фарқ қилади. Зотан, болалар ёзувчиси дунё воқеаларини болалар тасаввури, тушунчасини назарда тутиб тасвирлайди. Шу орқали кичкинтойларни олға интилишга чақиради, ҳаётни чуқур англаш ва севишга ёрдам беради.

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ВА БОЛАЛАР КИТОБХОНЛИГИ

Фольклор ҳамма замонларда ҳам ижод сарчашмаси ҳисобланиб келади. Шунинг учун ҳам, инсоният алла, қўшиқлар, афсоналар, эртак ва достонларда ўзининг юксак орзу-умидлари, завқ-шавқи-ю курашларини ифодалаган. Халқ оғзаки ижоди ўзининг мазмунан ранг-баранглиги, юксак ғоялар билан йўғрилганлиги, халқ турмуши, меҳнати, хуллас халқ ҳаётининг барча томонлари билан узвий боғлиқлиги билан ҳам ғоятда эътиборлидир.

Болалар фольклори кўпинча катталар томонидан ижод қилинади (алла), баъзи ҳолларда болалар ўз ўйинчоқлари асосида ўзлари ҳам алла, қўшиқ ва овутмачоқлар тўқийдилар. Буларнинг ҳаммаси бир бўлиб фақат яхши тарбияни тарғиб қилади. Болалар халқ оғзаки ижодининг педагогика билан боғланиши алладан бошланади.

Алла

Халқ оғзаки ижодининг энг ривожланган жанрларидан бири

алладир. Алла болалар бешикдалигида, ҳали тили чиқмасиданоқ айтилади. Бошқача айтганда бешик қўшиғи болага она сути билан киради.

Аллалар поэтик жиҳатдан ҳам, оналарнинг ички туйғулари баёни сифатида ҳам халқ ижодининг бўлак турларидан ажралиб туради. Уларни боланинг онаси ёки тарбиячиси айтади (она, энага, кекса оналар, баъзан оталар томонидан ҳам айтилади). Аллалар болани овутиш, ухлатиш учун майин оҳангда ижро қилинади.

Қуйидаги онанинг юракдан айтган алласида бола образи қисқа, аммо чуқур мазмунли сўзлар ёрдамида ифодаланади:

Алла болам, алла,
Жоним болам, алла,
Икки кўзим алла,
Ширин сўзим алла.
Алла болам, бахти бор,
Ҳар нарсанинг вақти бор,
Жоним болам, алла,
Ширин болам, алла,
Икки кўзим алла.

Аллада яхши тарбия кўрган бола жамоат ўртасида, тўй-томошаларда ота-онанинг обрўйи, унинг шуҳрати сифатида таърифланади. Шунингдек, боланинг тўғри тарбияланишида ота-онанинг роли катта эканлиги кўрсатилади. Бола ёқимли қўшиқлар оҳангини осонгина ўрганиб олади. Алла болага завқ бағишлайди, маънавий-тарбиявий озуқа беради.

Ёт, болам, ухла, қўзим,
Уйларда ўчди чироқ.
Ухлар асаларилар,
Ухлар балиқлар тинчроқ.
Кўкда ой ярқирайди,
Деразадан қарайди.
Кўзларинг юмгин, қўзим,
Ёт, қувончим, қундузим,
Алла, алла.
Сув сепгандек, уйлар тинч
Қоронғи ҳужралар тинч..
Ҳеч дарвоза тиқ этмас,
Сичқон ухлар, миқ этмас.
Кимдир оҳ тортса, унда
Не ишимиз бор унда?
Кўзларинг юмгин, қўзим,
Овуноғим, қундузим!
Алла, алла.

Қушчам ғамсиз яшайди,
Унинг ҳар дам вақти чоғ,
Ширинликлар мўлу кўл,
Қўпдир қизиқ ўйинчоқ,
Бари сенгадир, қўзим!
Инглама ҳеч юлдузим!
Бахтиёр ўтсин умринг!
Ет, қуловчим, қундузим!

Алла, алла.

Алла, алла, аллаё.

Ухла, қўзим, аллаё.

Юм қўзингни юлдузим,

Юм юм қўзингни, қундузим!

Мақоллар

Халқ оғзаки ижодида **мақол**-ларнинг ўзига хос ўрни бор. У халқнинг, бир неча авлодларнинг ақлу фаросати ҳамда турмуш тажрибасининг якуни, улар донишмандлигининг маҳсулидир. Бола таълим-тарбиясида мақолларнинг ўрни катта. Мақоллар она-ватанни севишга, унинг ҳар бир қарич ери учун курашга («Юрт қўрисанг ўзарсан, қўримасанг тўзарсан»), касб-ҳунар эгаси бўлишга («Йигит кишига етмиш ҳунар ҳам оз»), ахил бўлиб меҳнат қилишга («Қўпчилик қўлда унум кўп»), тўғри сўз ва ҳалол кишилар бўлиб камол топишга («Эгри озади, тўғри ўзади»), яхши одоб ва олижаноб хулқли бўлишга («Одоб бозорда сотилмас», «Ялқовликнинг охири — хўрлик») чақиради.

Она юртинг омон бўлса,
Ранг-рўйинг сомон бўлмас.

Она юртинг — олтин бешик.

Юрт қўрисанг, ўзарсан,
Қўримасанг тўзарсан.

Булбул чаманни севар,
Одам — Ватанни.

* * *

Меҳнатсиз роҳат йўқ.

Эринчоқлик бошга бало келтирар.

Ишлаган — тишлайди.
Ишламаган — кишнайди.

Боғни боқсанг, боғ бўлади,
Ботмон даҳсар ёғ бўлади.
Боқимсиз боғ тоғ бўлади,
Юрак-бағринг қон бўлади.

Леҳқон бўлсанг куз ҳайда,
Куз ҳайдамасанг, юз ҳайда!

Олтин ўтда, одам меҳнатда билинар.

Бугунги ишни эртага қўйма!

Игит кишига етмиш ҳунар ҳам оз.
Барвақт қилинган ҳаракат
Ҳосилга берар баракат.

Бир йил тут эккан киши
Юз йил гавҳар теради.

Бир кун бурун сочсанг,
Ҳафта бурун ўрасан.

Бирни кессанг, ўрни эки!

Бобонгнинг тол эккани —
Ўзига нон эккани.

Гап билан шошма,
Иш билан шош!

Иш сени енгмасин,
Сен ишни енг!

Кўпчилик қўлда унум кўп.

Иш қуролинг соз бўлса,
Машаққатинг оз бўлар.

Ҳалол меҳнат — яхши одат,
Берур сенга саодат.

* * *

Қаттага ҳурматда бўл,
Кичикка хизматда бўл.

Она-бола — гул билан лола.

Одам боласи — элнинг лоласи.

Одобли бола элга манзур,

Одам одам билан,
Писта бодом билан.

Эшик очиқ бўлса ҳам сўраб кир.

Оқ кўнгилликнинг юзи кўркем.

Оз сўзла — соз сўзла.

Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан.

Одоб бозорда сотилмас.

Ялқовликнинг охири — хўрлик.

Нафси ёмон ҳайитда ўлар,

Уят ўлимдан қаттиқ.

Ўзи юзсиз, сўзи тузсиз.

* * *

Билимдан ортиқ бойлик йўқ.

Ўқиган ўқдан ўзар.

Билим — ақл чироғи.

Ақл ёшда эмас, бошда.

Аҳмоқ ўзини мақтар.

Ўқиган ўғил отадан улур.

Олим бўлсанг, олам сеники,

Аввал ўйла, кейин сўйла.

Кўп билган оз сўзлар,
Оз сўзласа ҳам, соз сўзлар.

Икки тингла, бир сўзла.

Ширин сўз шакардан ширин.

* * *

Елғиз отнинг чанги чиқмас,
Чанги чиқса ҳам донғи чиқмас.

Кўпдан қуён қочиб қутулмас.

Бирликсиз куч бўлмас.
Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар.

Дўстсиз бошим, тузсиз ошим.

* * *

Етти ўлчаб бир кес.

Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил.

Кўз қўрқоқ, қўл ботир.

Иигит сўзидан,
Арслон изидан қайтмас.

Ботирнинг мушти ҳам яроғ.

Дарахт бир ерда кўкаради.

Яхшига ёндаш, ёмондан қоч.

Ёмоннинг юзи қурсин,
Гапирган сўзи қурсин.

Ёмон йўлдош ёв бўлар,
Равон йўлда ғов бўлар.

Эгри озади, тўғри ўзади.

Бошингга қилич келса ҳам, рост гапир.

Касални яширсанг, иситмаси ошкора қилади.

Қўзинг оғриси, қўлингни тий,
Ичинг оғриси, нафсингни тий.

Иззат тиласанг, кўп дема,
Сиҳат тиласанг, кўп ема.

Одамнинг юзига боқма, сўзига боқ.

Бирликсиз куч бўлмас.

Юзим оқ бўлсин десанг, ишингни тўғри қил.

Топишмоқлар Топишмоқлар халқ оғзаки ижо-
дининг болаларни ўйлашга, топ-
қирликка ўргатувчи қадимий жанрларидан биридир.
Ҳар бир топишмоқ замирида «ким?», «нима?» сў-
роқларига яширин жавоб ётади. Ҳар бир топишмоқ
уни яратган халқнинг ҳаёти, урф-одати, ўзига хос
расм-русмлари билан боғлиқ ҳолда бўлиб, болалар
ўртасида кенг тарқалган.

Тунда кўриб, чўғ дейсан,
Тонгда туриб, йўқ дейсан.

(Юлдуз)

Керагида сувга отасан,
Қимирлашин пойлаб ётасан.

(Қармоқ)

Қўшалоқ товоқ,
Ичи гўла ёғ.

(Ёнғоқ)

Ойна эмас жимирлар,
Тек туролмас, қимирлар.

(Сув)

Қўлсиз, оёқсиз эшик очар.

(Шамол)

Қасби доим тақир-туқур,
Қайда илон кўрса чўқир.

(Лайлак)

Катта оппоқ дастурхон
Ер юзини қоплаган.

(Қор)

Бирлаштириб кийимни
Иссиқ тутади сизни.

(Тугма)

Оғзи йўғу, тиши бор,
Дурадгорда иши бор.

(Аппа)

Қундалик тарих ўзи
Ҳар ерда унинг сўзи.

(Газета)

Тикувчимас,
Бичувчимас,
Игнаси анча экан.

(Типратикан)

Уйнинг шифтида ини,
Куйлаб берар ҳар кун
Баҳорда кутиб олиб
Кузатамиз куз уни,

(Қалдирғоч)

Икки ажиб қулоғи бор:
Бири тинглар, бири сўзлар.

(Телефон трубки)

Ўзи қизил, гўзал бирам,
Қирга ёзар қизил гилам.

(Лолақизғалдоқ)

Пилла каби бўғиндор,
Ҳар бўғинда мағзи бор.

(Ерёнғоқ)

Бодом каби япроғи,
Солланади бутоғи,
Ўзи ширин, туклигина,
Мазаси ҳам тотлигина.

(Шафтоли)

Бир онадан юз бола,
Юзови ҳам бўз бола.

(Ўзум)

Хўппа семиз, бир туки йўқ.

(Тарвуз)

Пак-пакана бўйи бор,
Етти қават тўни бор.

(Пиёз)

Узун терак, ичи ковак.

(Қамиш)

Пиширсанг ош бўлур,
Пиширмасанг қуш бўлур.

(Тухум)

Чопса чопилмайди,
Қумса қумилмайди.

(Соя)

Гулсиз мева қилади,
Қўн есанг — тил шилади;
Ғип-ғилдирак ой кулча,
Бу нима, ким билади?

(Анжир)

Тез айтиш Тез айтишлар оғзаки нутқ маш-
қи бўлиб, кичик ёшдаги бола-
ларда маълум товушларни тўғри ва оҳангдор талаф-
фуз қилиш кўникмаларини орттиради. Бу жанрга ман-
суб асарлар болаларни бийрон ўзлашга ўргатиш би-
лан бирга, уларга эстетик завқ беради, фикрлаш
қобилиятларини ўстиради, хотираларини мустаҳкам-
лайди.

Олти жуфт оқ чинни чойнакка тўрт жуфт кўк қоп-
қоқ, тўрт жуфт кўк чинни чойнакка олти жуфт оқ
қопқоқ ёпса бўладими?

Уктам кўм-кўк, кўркам кўклам расмини кўп кўк
қаламда чизмоқчи.

Занжир, саржин, анжир.

Бир туп тут, тутнинг тагида бир туп туруп. Тут ту-
рупни туртиб туринтими, турп тутни туртиб туринтими?

Шотурсуннинг шотутини шитирлатган шамол Ша-
рифнинг шафтолисини шитирлатди.

Қурилишга терак керак,
Демак, эсмоқ керак терак.

Толиб турупни тарозида тортиб топширди.

Оқ чойнакка оқ қопқоқ, кўк чойнакка кўк қопқоқ.

Олтин ўтлоқ — оқ ўтлоқ.

Эркин эгатга эртаки экинни эрталаб экди.
Эшик олдида булоқ, булоқдан сув ичар улоқ, улоқ-
чам узун қулоқ.

Шокир шелипояда шовқин солиб, шақилдоқни ша-
қиллатди.

Бир жуфт чўп кўпми, қўш жуфт чўп кўпми.

Жамила жийдани жойига жойлади.

Шу мушук, шум мушук, шумшук мушук.

Тез айтишни тез-тез айт.

Совуқда тустовуқ совуқ қотди.

Боқи боққа, Соқи тоққа борди.

Саодат соатини соатсозга созлатди.

Қуш қўлқоп, қўшови ҳам бўш қўлқоп.

Гулсара гул саралаб гул санади.

Тубсиз денгиз дедингизми, денгиз тенгсиз дедингизми?

Эртаклар

Халқ оғзаки поэтик ижодидаги энг бой ва ранг-баранг жанрлардан бири эртақдир. Халқ томонидан яратилган кўплаб эртакларда болаларнинг ўзига хос ҳаёти четлаб ўтилмаган. Ҳатто, турли ёшдаги болалар учун жуда кўп махсус эртаклар яратилган.

Эртақнинг муҳим хусусиятларидан бири унинг ҳамиша халқ ҳаёти, кураши, тарихи, руҳий олами, дунёқараши, урф-одатлари билан чамбарчас боғланиши, инсонларга ахлоқий ва маънавий йўлдош бўлиб келишидир. Эртаклар инсоннинг маънавий ва жисмоний кучига ишонч руҳи билан сугорилган бўлиб, ижобий кучлар табиат ва ижтимоий ҳаётда ўзига душман бўлган кучларга қарши курашда доимо ғолиб чиқади. Халқ эртақларида уни яратувчиларнинг дунёқараши, ахлоқ нормалари ва бошқа ижтимоий муҳим масалалар одилонга ҳал этилади. Эртаклар содда ва тушунарли бўлгани учун ҳар қандай китобхонга тез етиб боради. Улар орқали ҳам инсоннинг ижтимоий ахлоқ нормалари шаклланади. Бу ҳол, айниқса, ҳайвонлар ҳақидаги эртакларда акс этган. Ўтмишда яратилган эртакларда халқчиллик кураши ўзининг ҳаққоний бадний ифодасини топгандир. Халқнинг келажакка бўлган ишончи, адолатнинг адолатсизлик устидан ғалабаси, ёруғликнинг зулматни енгиши, озод ва бах-

тиёр ҳаётга эришиш ғоялари ёрқин образлар орқали тасвирланган.

Халқ эртакларида эл-юртни кўз қорачиғидай авайлаб сақловчи ажойиб қаҳрамонлар улуғланади; аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинади; узоқ масофалар яқин қилинади; кишилар характеридаги ярамас одатлар, номаъқул иллатлар танқид остига олинади; мардлик, эпчиллик, довюраклик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, вафодорлик, саҳийлик ғоялари улуғланади.

Халқ эртаклари ўз хусусиятларига кўра бир неча турга бўлинади: ҳаётий эртаklar, ҳайвонлар ҳақидаги эртаklar, сеҳрли-афсонавий эртаklar, ижтимоий-маиший эртаklar.

ОЧ БҮРИ

Бор эканда йўқ экан, оч эканда тўқ экан, бир оч бўри бўлган экан. Кунлардан бир кун у дон еб юрган бир хўрозни кўриб қолибди. Бўри хўрозни ушлаш пайига тушибди. Хўроз қанотини ёзиб қақ-қақ, дейман деб турган экан, бўри лип этиб келиб хўрознинг қавтидан тишлаб олибди. Хўроз кўрса, бўри уни маҳкам ушлаб турган эмиш. Шунда хўроз сўрабди:

— Эй бўри, мени нима қилмоқчисан?

— Мен сени ейман,— дебди бўри.

— Мени шундайлигимча есанг ҳеч маза қилмасан, ейдиган бўлсанг кашнич, пиёз билан егинки, дунёда бир маза қилгин,— дебди хўроз.

Бўри:

— Кашнич, пиёзни қаердан топаман?— дебди.

Хўроз:

— Кашнич, пиёзни шу яқин орадаги қишлоқдан топасан, сен бориб келавер, мен сени шу ерда пойлаб тураман,— дебди. Бўри кашнич, пиёз излаб кетиши биланоқ, хўроз париллаб учиб кетибди.

Бўри кашнич, пиёзни қийналиб, зўрға топиб келибди. Қараса хўроз йўқ эмиш. У ёққа югурибди, бу ёққа югурибди, ниҳоят хўрозни тополмай, ночор йўлга тушибди.

Бўри бир ердан ўтиб кетаётган экан, бир қўзи ўтлаб турганмиш, секин келиб қўзини ушлаб олибди.

Қўзи:

— Эй, бўри мени нима қилмоқчисан?— дебди.

Б ў р и:

— Мен сени емоқчиман,— деб жавоб берибди.

— Менинг қуруқ гўштимни еганинг билан ҳеч маза қилмайсан, яхиси бориб коннинг тузидан олиб кел, шундан кейин гўштимни маза қилиб еб, армондан чиқасан,— дебди қўзи.

Бўри қўзини шу ерда қолдириб, кондан туз олиб келгани жўнаб кетибди. Шу пайдан фойдаланиб қўзи қочиб қолибди. Бўри сарсон-саргардон бўлиб кондан туз олиб келса, қўзи қочиб кетган эмиш. Қўзини тоза излабди, ахири тополмай яна йўлга тушибди.

Бўри кенг чўлда югуриб кетаётган экан, унга бир от рўпара келиб қолибди. Бўри тез-тез юриб, отнинг олдига ўтиб олибди. От бўрига яқин бориб, уни искаган экан, бўри чаққонлик билан отнинг тумшуғига ёпишиб олибди. От хўп уннаб қўрибди, лекин ўз тумшуғини оч бўридан ажратиб ололмабди. Кейин от бир ҳийла қилмоқчи бўлибди:

— Эй бўри, нима қилмоқчисан?— дебди.

— Мен сени емоқчиман,— дебди бўри.

— Ундай бўлса,— дебди от,— аввал менинг орқамга ўт, отам ўлмасдан аввал туёғимга бир насиҳатнома ёзиб қолдирган эди. Шу насиҳатнома сенга тегишли, сен шунини ўқиб олиб, сўнгра мени ея қол,— дебди. Бўри отнинг тумшуғини бўшатиб, унинг орқасига ўтибди, отнинг туёғидаги хатни ўқийман деб эгилиб термилибди, маҳлиё бўлиб турган вақтида от туёғини кўтариб, бўрининг оғзига бир тепибди.

— Эй саводсиз, хатни ўқиёлмасанг нимага орқамга ўтдинг?— дебди от.

Ҳақиқатан ҳам бўри саводсиз экан. Отнинг қаттиқ тепкисидан бўрининг оғзида битта ҳам тиши қолмай, синиб ичига кетиб қолибди. Бўрининг тумшуқлари мажақланиб эсини йўқотиб гангиб қолибди, бир вақт ҳушига келибди. Бўри ақлини ростлаб, ўзи ўзига таскин бериб, дебди:

— Кўрдингки хўроз, сенга ким қўйибди кашничи пиёз, кўрдингки қўзини, сенга ким қўйибди коннинг тузини, кўрдингки от, еб ёнида ёт, хат билмасанг кетига ўтиб мирза бўлишинг уят... деб алжираб-алжираб ўлиб қолибди. Хўроз, қўзи ва от душмандан қутулиб қолишибди.

Лайлак билан тулки

Лайлак билан тулки дўст бўлган экан. Қимматчилик вақти келиб, иккаласи бола-чақаси билан оч қолибди. Бир кун лайлак тулкига:

— Тулкийвой, сен уйга қараб ўтир, мен учиб бориб ўзимизга ва болаларимизга овқат топиб келай,— дебди. Тулки рози бўлибди, уйда болаларга қараб қолибди. Лайлак овга кетибди.

Тулки уйда ўзининг ва лайлакнинг болаларига қараб ўтираверибди, орадан беш кун ўтибди, олти кун ўтибди, лайлақдан дарак бўлмабди. Тулкининг қорни ниҳоятда очиб, ҳолдан кетай деб қолибди, очдан ўлар ҳолга келибди. Тулки у ёқ-бу ёққа қараб, ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, лайлакнинг битта боласини шаппа босиб еб қўйибди. Болани еб бўлгандан кейин қараса, лайлак икки тошбақа, бешта қурбақа, икки илонни кўтариб олиб, овдан келибди.

Тулки айтибди:

Эй аттанг, бир кун қарасам бўлар экан, дўстим анча озиқ олиб келар экан, энди нима деб жавоб бераман,— деб йиғлай берибди. Лайлак уйига келса, тулки дўсти йиғлаб ўтирган эмиш.

Лайлак:

— Эй тулки, дўстим, нега йиғлайсан?— деб сўрабди.

Тулки йиғи аралаш:

— Ҳай, ҳай, лайлак дўстим, бўйни узун жоннинг бири касал бўлиб қолибди, шунга йиғлаяпман,— деб суякларини кўрсатибди. Лайлак хафа бўлибди. Йиғлабди ва боласини олиб, тулкидан яшириб бошқа ёққа учиб кетибди.

Уртўқмоқ

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир кампир билан чол бор экан. Улар овчилик билан тирикчилик ўтказар эканлар.

Бир куни чол тузоқ қўйиб ўтирган экан, тузоққа бир катта лайлак илинибди. Югуриб бориб уни тузоқдан чиқарган экан, лайлак одамга ўхшаб сўз бошлабди:

— Эй чол, мен лайлакларнинг бошлиғиман. Мени қўйиб юбор. Нима тиласанг шуни бераман, менинг маконим ана шу рўпарадаги тоғнинг орқасида, «Лай-

лаквойнинг уйи қайда?» деб сўрасанг, ҳамма айғиб беради.

Чол лайлакни қўйиб юборибди, эртасига эрталаб туриб, Лайлаквойнинг совғасини олиб келмоқ учун йўлга тушибди. Оз юриб, кўп юриб, бир жойга борибди, унда бир тўда қўй боқиб юрган бир чўпонга дуч келиб, ундан:

— Бу қўйлар кимники?— деб сўрабди.

Чўпон:

— Лайлаквойники,— дебди ва чолни йўлга солиб юборибди. Чўпон бир жойга бориб, йилқи боқиб юрган йилқичидан сўрабди:

— Бу йилқилар кимники?

— Лайлаквойники.

Чол:

— Лайлаквой менга совға ваъда қилиб эди, нима сўрай?— деган экан, йилқичи:

— Лайлаквойнинг бир хумчаси бор. «Қайна хумчам!» деса, тилла қайнаб чиқади, шу хумчани сўрагин,— дебди.

Чол етти кеча-ю етти кундуз деганда Лайлаквойнинг уйига бориб етибди. Эшикдан кириб:

— Ассалому алайкум!— дебди. Шунда Лайлак:

— Ҳа, саломинг бўлмаса, икки ямлаб бир ютардим. Совғамга келгандирсан. Қани, нима сўрайсан? Сўра!— дебди.

— Мен сиздан «Қайнар хумча»ни сўрайман,— дебди чол. Лайлаквой бир фурсат хаёл суриб туриб, кейин чолга бир товоқ тилла бермоқчи бўлган экан, чол бунга кўнмабди. Ахири «Қайнар хумча»ни берибди. Чол «Қайнар хумча»ни олиб жўнабди. Юриб-юриб бир қишлоққа етибди. Дам олгани ўша қишлоқдаги бир ошнасиникига кирибди-да, унга:

— Мана бу хумчага қараб туринг, мен бир оз дам олай, лекин «Қайна, хумчам!» деманг,— деб тайинлаб, ўзи уйқуга кетибди.

Ошнаси «Қайна, хумчам!» деб қичқирган экан, хумчадан тилла қайнаб чиқаверибди. Уй эгаси шошиб-пишиб, тиллаларни йиғиб олиб, хумчани беркитиб қўйибди. «Қайнар хумча» ўрнига бошқа бир хумчани олиб келиб қўйибди. Чол ўридан туриб, хумчани кўтариб жўнабди. Етти кеча-ю етти кундуз деганда уйига келибди.

Чол кампирга қараб:

— Қани, кампир, дастурхон ёз, ҳозир тиллага бой бўламиз,— дебди.

Кампир дастурхон ёзибди. Чол дастурхон ўртасига хумчани қўйиб, бор кучи билан: «Қайна, хумчам!» деб бақрибди. Хумчадан тилла қайнаб чиқмабди. Чол яна бақрибди, тилла яна қайнамабди. Чолнинг жаҳли чиқиб: «Ҳа, лаънати Лайлаквой, мени алдаб бошқа хумча берибди, яна бошқа совға сўрайман»,— дебди.

Чол эрта билан йўлга чиқибди. Йилқичилар олдига бориб:

— Лайлаквой мени алдади, энди нима сўрай?— дебди. Йилқичи ўйлаб туриб:

— «Очил, дастурхон»ни сўранг, уни ёзиб, «Очил, дастурхон!» десангиз, ҳар хил ноз-неъматлар тайёр бўлади, дебди. Чол Лайлаквойнинг эшигидан кириб:

— Ассалому алайкум, Лайлаквой,— дебди. Лайлак:

— Ҳа, саломинг бўлмаса, икки ямлаб бир ютардим. Ўтган гал сенга «Қайнар хумча»ни бериб эдим, шунга кўнмадингми?— дебди. Чол ҳамма воқеани айтиб:

— Мени алдабсан, «Қайнар хумча»ни ўрнига бошқа хумча берибсан, энди сендан «Очил, дастурхон»ни сўрагани келдим,— дебди.

Лайлаквой ўйлаб қолибди. Охирида «Очил, дастурхон»ни чолга совға қилибди.

Чол йўлга тушибди, оз юриб, кўп юриб, ўтган гал дам олган қишлоқдаги ошнасиникига қўнибди. Сўнгра унга:

— Мана шу дастурхонни сақлаб қўйинг, мен бир оз дам олай, лекин «Очил, дастурхон!» деманг, деб тайинлабди. Чол уйқуга кетибди. Уй эгаси «Очил, дастурхон!» деб қичқирган экан, дастурхонда етмиш хил овқат тайёр бўлибди. Уй эгаси ҳамма овқатни йиғиб олиб, бу дастурхон ўрнига бошқасини қўйибди.

Чол уйқудан туриб, дастурхонни кўтарганича йўлга тушибди ва уйига келиб:

— Кампир, қанақа овқат десанг ҳам, ҳозир тайёр бўлади,— деб дастурхонни ўртага қўйибди-да, «Очил, дастурхон!» деган экан, ҳеч қандай овқат чиқмабди. Чол ғазабланиб, «Лайлаквой қургур мени яна алдаган экан, энди бориб бошқа бир совға сўрай» дебди.

Эртаси саҳарлаб чол йўлга чиқибди. Йилқичининг олдига бориб:

— Биродар, энди Лайлаквойдан нима сўрай?-дебди. Йилқичи айтибди:

— «Уртўқмоқ»ни сўранг. Душманингиз кўпга ўхшайди, агар «Ур, тўқмоқ!» десангиз, олдингизда ким бўлса ҳам, уни уриб ташлайди.

Чол яна Лайлаквойнинг уйига бориб, эшикдан:

— Ассалому алайкум,— деб кирибди. Лайлаквой:

— Ҳа, саломинг бўлмаса, икки ямлаб бир ютардим. Яна нега келдинг? «Қайнар хумча»ни олдинг, «Очил дастурхон»ни олдинг, яна нима керак?— деган экан, чол Лайлаквойга қараб:

— Бу гал ҳам алдадинг, Лайлаквой. «Очил дастурхон» ўрнига бошқа дастурхон берибсан, энди сендан арзимас бир нарса сўрайман: менга «Ур тўқмоқ»ни бер,— дебди. Лайлак:

— «Уртўқмоқ»ни олсанг ола қол, менга унинг кераги йўқ,— деб чолга «Уртўқмоқ»ни берибди.

Чол тўқмоқни олиб, йўлга тушибди. Юриб-юриб, ўша ўзи билган қишлоққа келиб, ошнасига:

— Мана шу тўқмоқни олиб қўя турунг, мен бир оз дам олай, лекин «Ур, тўқмоқ!» дея кўрманг, деб ётиб ухлабди. Уй эгаси тўқмоқни уйдагиларга кўрсатиб, синамоқлик учун «Ур, тўқмоқ» деган экан, тўқмоқ уларни бош-кўзи демай савалай кетибди. Уларнинг дод-войларига чол уйғониб қолибди. Уйдагилар йиғлашиб:

— Ота, айтинг, тўқмоқ уришдан тўхтасин. Биз сизнинг хумчангизни, дастурхонингизни қайтариб берамиз,— дейишибди. Чол: «Тур, тўқмоқ!» деб қичқирган экан, тўқмоқ уришдан тўхтабди; уй эгаси дарров ичкаридан «Қайнар хумча» билан «Очил дастурхон»ни чиқариб берибди. Чол уларни олиб, йўлга тушибди, етти кеча-ю етти кундузда уйига келибди.

Чол хумчани ўртага қўйиб, «Қайна, хумчам!» деган экан, хумчадан тилла қайнаб чиқибди: «Очил, дастурхон!» деган экан, етмиш хил овқат тайёр бўлибди. Чол билан кампир бир умр емаган ажойиб овқатларини ейишиб, жуда хурсанд бўлишибди.

Тиллаларни чол бева-бечораларга, етим-есирларга улашаверибди. Катта кўприклар солдирибди. Бундан хон хабар топиб қолиб, чолни дарҳол чақиришга буюрибди. Хон чақиртирган кишисини ўлдирмай қўймас экан. Унинг жабр-зулмидан ҳамма жонидан тўйган экан. Чол кампир билан сўзни бир жойга қўйиб, хон

олдига бормайдиган бўлибди. Хоннинг ясовуллари яна келиб, чолни ҳақорат қилибди-да:

— Ҳозир хон олдига бормасанг, каллангни олиб бериб берамиз!— деб дўқ қилишибди. Шунда чол:

— Хўп, мен ҳассамни олиб чиқай,— деб ичкарига кирибди, тўқмоқни олиб чиқиб: «Ур, тўқмоқ!» деган экан, тўқмоқ ясовулларни савалайверибди. Бу воқеа хонга маълум бўлибди, хон бир неча минг лашкари билан жанг қилгани келиб:

— Қани, зўравон чол, чиқ урушга кучинг бўлса!— деб ҳайқарибди: қараса, ҳамма ёқни лашкар босиб кетган эмиш. Чол ўзича: «Шошма, сенларнинг кунинг-ни кўрсатай!» деб «Ур, тўқмоқ!» деб бир қичқирган экан, тўқмоқ ҳамма лашкарларни уравериб абжақ қилибди. Навбат хонга келибди. Тўқмоқ хонни ҳам боши демай, кўзи демай савалай кетибди. Хон қараса — ўладиган, жон аччиғида чолга:

— Тўхтат тўқмоғингни, мен енгилдим!— деб бақарибди. Чол бунга жавобан:

— Қайси бир яхшилигинг учун мен сени аяй? Торт азобини!— дебди. Ахири хон ҳам тўқмоқ зарбидан ўлибди.

Шундай қилиб, чол билан кампир мурод-мақсади-га етибди.

Ш О Л Ё М

(Рус халқ эртаги)

Бобо шолғом экиб:

— Шолғом, шолғом, қанддек бўлиб ўс, шолғом, катта бўлиб ўс,— дебди.

Шолғом қанддек ширин, каттакон бўлиб ўсибди.

Бобо шолғомни ердан тортиб олгани борибди: тортиб-тортиб кўрибди, лекин тортиб ололмабди.

Бобо бувини чақарибди.

Буви бобони,
Бобо шолғомни —

тортиб-тортиб кўришибди, лекин тортиб олишолмабди.
Буви набирасини чақарибди.

Набираси бувини,
Буви бобони,
Бобо шолғомни —

тортиб-тортиб кўришибди, лекин тортиб олишолмабди.

Набираси кучугини чақирибди.

Кучук набирани,
Набира бувисини,
Буви бобони,
Бобо шолғомни —

тортиб-тортиб кўришибди, лекин **тортиб олишолмабди.**
Кучук мушукни чақирибди.

Мушук кучукни,
Кучук набирани,
Набира бувисини,
Буви бобони,
Бобо шолғомни —

тортиб-тортиб кўришибди, лекин **тортиб олишолмабди.**
Мушук сичқонни чақирибди.

Сичқон мушукни,
Мушук кучукни,
Кучук набирани,
Набира бувисини
Буви бобони,
Бобо шолғомни —

торта-торта, ахири тортиб олишибди.

ЗУМРАД ВА ҚИММАТ

Бир замонда катта бир сой бўйида кичкина бир уй бўлар экан, сойнинг бир томони қалин ўрмон экан.

Бу уйда чол, унинг Зумрад деган қизи, ўгай она ва унинг Қиммат деган арзанда қизи турар эканлар.

Қампир Зумрад деган ўгай қизини кўргани кўзи йўқ, отгани ўқи йўқ экан. У ҳадеб қизни уриб, қарғаб, эртадан-кечгача ишлатаркан, бечорага бирпас ҳам тинчлик бермас экан.

Зумрад кўп чиройли, одобли, мулойим, ақлли қиз экан. Уни бир кўрган киши яна кўрсам деб орзу қиларкан. Хуллас, у жуда ажойиб қиз экан.

Қиммат эса ишёқмас, инжиқ ва димоғдор қиз экан. Унинг бутун куни уриш-жанжал ва тўполон билан ўтар экан.

Зумрад эрта билан барвақт кўзасини кўтариб, сой ёқалаб булоқ бошига бораркан. Йўлда учраган лола-

гуллар бошларини эгиб, унга салом берарканлар. Зумрад майсалар устида ўтириб дам олганида, гуллар уни олқишлар, булбуллар қувониб унга ҳикоялар айтиб берар эканлар.

Аммо худди шу гуллар кампирнинг арзандасини севмас, уни эркалатмас эканлар, чунки бу қиз уларни юлиб ташлар, хушбўй гулларни ҳидсиз деб тепкилар экан. Шунинг учун ҳам улар Қиммат келар бўлса, қовоқларини солиб, юмилиб қоларканлар.

Буларнинг ҳаммаси ёвуз кампирнинг ғазабини келтирар экан. Кампир буни Зумраддан кўраркан.

Бир куни кампир Зумрадни ёмонлаб, чолга дўқ урибди:

— Қизинг беодоб, ишёқмас, уни ҳайдаб юбор! Бўлмаса сен билан бир нафас ҳам бирга турмайман, дебди.

Чол нима қиларини билмай қолибди. Охири кампир:

— Қизингни ўрмонга обориб адаштириб кел! У билан бирга турмайман!— дебди.

Чол қизини адаштириб келиш учун тоғ-тошларни кезиб, бир ўрмонга борибди. Ота-бола ўрмон ичида узоқ юришибди. Охирида қуюқ сояли бир жойга бориб тўхташибди.

Кейин чол ўтин кесгани кетибди. Зумрад ёлғиз қолибди.

Шу пайтда бирдан шамол турибди. Чол эса ўрмондаги бир катта дарахтга болтасини осибди-да, унга оғирроқ тош боғлаб қаттиқ итариб юборибди. Болта у ёқдан-бу ёққа урилиб тўққиллайверибди.

Шамол жуда кучайибди. Болта шамол кучи билан узоқ вақт дарахтга урилиб, «тўқ- тўқ» қилиб товуш чиқазибди.

Зумрад «отам ўтин кесаётибди» деб ўйлаб, уни анчагача кутибди. Кеч бўлибди, отадан дарак бўлмабди. Шамол тўхтабди. Қиз ўрмондаги чучмомаларни териб юриб, бехосдан болта осилган дарахт тагига бориб қолибди. Қараса, отаси йўқ эмиш.— Вой шўрим қурсин! Вой, отажон!— деб уввос солиб йиғлаб, тўрт томонга югурибди. Ҳеч кимдан дарак бўлмабди, қиз адашиб юраверибди. Тезда кичик бир уйга етибди. Уйнинг деразасидан қараса, бир кампир ўтирган эмиш. Қиз севиниб, кампир олдига кирибди, бошидан кечирган воқеаларни кампирга бирма-бир айтиб берибди.

Уйга шундай чиройли қизчани келганини кўрган кампир жуда қувонибди, қиз унга ёқиб қолибди. Бу кампир эса ўрмонда яшайдиган сеҳргар кампир экан. Кампир қизнинг йиғлаганини кўриб:

— Кўп хафа бўлма, қизим, сенга ёрдам бераман,— деб қизни овутибди. Қиз ҳам унга:

— Раҳмат! Мен сизни ўз онамдек кўраман. Буюрган ишингизни жоним билан қиламан,— деб жавоб берибди.

Шу чоқ кампирнинг уйи тепасига жуда кўп қушлар йиғилибди, улар қизчани мақтаб сайрашибди. Қушлар тилини билган сеҳргар кампир яна ҳам қувонибди, хосиятли қизга дунёда топилмайдиган китоб ва қўғирчоқлар бериб:

— Оппоқ қизим, ширин қизим, дўмбоғим, мунчоғим!— деб қизни эркалабди.

Улар анча кун бирга туришибди. Кампир қизчани яхшилаб парвариш қилибди.

Зумрад озода қиз бўлгани учун уйни супуриб-сидириб, ойналарни артиб-суртиб, ҳаммаёқни чиннидай қилиб қўяр экан. Бунни кўрган кампир яна ҳам қувонар экан.

Бир куни кампир қизга ош қилиб бермоқчи бўлиб:

— Томдан ўтин олиб туш, қизим,— дебди.

Қиз:

— Хўп бўлади, онажон,— деб дарров томга чиқибди. Том баланд экан, ундан ҳаммаёқ кўринар экан.

Қиз атрофга қараб туриб, бирдан ўз уйининг томини кўриб қолибди. Юраги ўйнаб, йиғлаб юборибди. Бунни эшитган кампир:

— Нега йиғлайсан, жон қизим!— деб сўраган экан, қиз:

— Кўзимга уйимиз кўринди, отамни соғиндим,— деб яна йиғлабди.

Кампир уни юпатибди, икковлари овқат пишириб ейишибди. Эрта билан кампир:

— Нарсаларингни йиғиштир, қизим!— дебди.

Қиз қўғирчоқларини йиғиштирибди.

Кампир қизга:

— Томда қизил ва оқ сандиқ бор, оқ сандиқни қолдириб, қизил сандиқни олиб туш!— дебди-ю, ўрмонга кириб кетиб, бир вақтдан кейин ўрмондан саман от қўшилган бир арава етаклаб чиқиб, қизни аравага ўтқизибди.

— Сандиқни уйга боргандан кейин оч!— деб кампир қизга калит берибди.

Қиз кампир билан қайта-қайта хайрлашиб йўлга тушибди. Бир зумда арава қизнинг уйи олдида ҳозир бўлибди. Шу пайтда чол ўз қизини соғиниб, эшиги олдида йиғлаб ўтирган экан. Қиз отасини кўриши билан:

— Салом, отажон!— деб унинг бағрига ташланибди. Чол бениҳоят хурсанд бўлганидан анчагача кўз ёшларини тўхтата олмабди. Охири йиғидан тўхтаб, қизига:

— Оппоғим, мени кечир, — дебди.

Улар уйга киришибди. Қизнинг келгани ҳаммага маълум бўлибди. Қўни-қўшнилар йиғилишибди. Қиз қизил сандиқни очибди билан ҳамма ҳайрон қолибди: қизил сандиқ асл моллар билан лиқ тўла эмиш. Мол шунча кўп, шу қадар ажойиб эмишки, Зумраднинг бутун умрига етиб ортар экан.

Бу нарса ўғай онани оғир ташвишга солибди.

У чолга ўз қизи Қимматни ҳам тезда ўрмонга олиб адаштириб келишни буюрибди. Чол «хўп» деб, Қимматни дарров ўрмонда адаштириб келибди.

Кеч кирганда Қиммат, худди Зумрадга ўхшаб, болта осилган дарахт тагига бориб қолибди. Адаштирилганини сезибди. Хўнг-хўнг йиғлабди, лекин уни овуғадиган одам топилмабди. Фақат унинг рўпарасида бой-қушлар ўтириб олиб, қоронғи ваҳимали ўрмонлар ҳақида сайрашибди.

Бу куйлар Қимматни ваҳимага солибди. У қўрқиб ўрмондан қоча бошлабди, қоронғи тушган пайтда сеҳргар кампирнинг уйига бориб кирибди. Кампир уни яхши кутиб олибди, овутибди, меҳмон қилибди. Сўнгра қизга қараб:

— Хафа бўлма, қизим, ўзим ёрдам бераман, дебди. Аммо Қиммат кампирга яхши сўзлар топиб айтолмабди, чунки онаси унга яхши сўзлар ўргатмаган экан. Кампир уни севмабди, яхши эртаклар ҳам айтиб бермабди, дунёда топилмайдиган суратли китоблар ва қўғирчоқлар ҳам бермабди.

Қиммат эртадан кечгача ялқовланиб ўтираверар экан, уйни йиғштириб супурмас экан.

Бир кун кампир ўрмондан қайтиб келиб, унга:

— Томдан ўтин олиб туш, қизим!— деган экан, қиз:

— Ўзингиз олиб туша қолинг, малайингиз йўқ!— дебди.

Кампир жудаям хафа бўлибди, шунга қарамай, қизни алдаб-сулдаб томга чиқарибди. Лекин қиз ўтин олиб тушиш ўрнига том бошида чинқириб йиғлайверибди. Кампир буни эшитиб:

— Нега йиғлайсан, қизим?— деб сўраган экан, Қиммат ер тепиниб:

— Уйимни кўрдим, кетаман,— деб яна ҳўнграбди.

Сеҳргар кампир қизга:

— Жуда яхши, томдаги сандиқни олиб туш,— дебди. Қиммат сандиқни олиб тушибди. Кейин кампир қизга бир калит узата туриб:

— Мана калит, сандиқни уйингга борганингда очасан,— дебди. Қиз ўша он йиғисини ҳам унутиб, оқ сандиқни орқалаб жўнабди. Сеҳргар унга арава ҳам бермабди, қиз оғир сандиқни кўтарганича уйига пиёда келибди.

Қизнинг келишини даставвал олапар ит сезибди. У Қимматнинг онаси олдига бориб:

— Вов, вов, вов,— деган экан, кампир қулоқ солмабди, ит яна вовиллаб:

— Опам келаётир, орқалаганлари оқ сандиқ, илон билан лик тўлиқ,— дебди.

Кампир ғазабланиб, ўқлови билан итни уриб, оёғини синдирибди.

— Менинг ақлли қизим қимматли моллар келтиради,— дебди у.

Қизнинг келганини кўриб, кампир ўзида йўқ сезинибди. Қўни-қўшнилари йиғилибди, сандиқни очмоқчи бўлишибди.

Шунда кампир билан қиз иккиси: «Йўқ, очманглар!» деб ўзларини сандиқ устига ташлабдилар. Кейин сандиқнинг икки қулоғидан кўтариб, уйга олиб кириб кетибдилар.

Ярим кеча пайти экан, кампир билан қиз эшик-эликни ёпиб, сандиқни очишибди-ю бирданига «Войдод, қутқазинглар!», «Аждар!», «Войдод!» деб бақиришибди.

Сандиқда иккита каттакон аждар ётган экан. Қоқбош кампир билан унинг уришқоқ қизи додлашиб, уйни гир-гир айланишибди, қўрққанларидан қулфланган эшикни очишолмабди.

Икки аждар кампир билан қизни ютиб, дарчадан чиқиб кетибди.

«Дод, вой!» деган овозни эшитган қўни-қўшнилари

эшикни бузиб ичкари кирибдилар. Қарасалар, ҳеч ким йўқ эмиш. Уйда ёвуз кампирни ҳам, унинг уришқоқ қизини ҳам тополмабдилар.

Шундан сўнг оқкўнгил Зумрад билан ота иккиси тинчгина яшаб, мурод-мақсадларига етибдилар.

ТУЛКИ БИЛАН ТУРНА

(Рус халқ эртаги)

Тулки билан турна дўстлашиб қолишибди, ҳатто улар опа-ука тутинишибди.

Кунларнинг бирида тулки турнани меҳмон қилиб чақирмоқчи бўлибди:

— Албатта келгин, жонгинам, албатта, азизим,— дебди у,— жуда яхшилаб меҳмон қиламан!

Турна меҳмон бўлиб келибди, тулки бўтқа қилиб, тарелкага сузибди. Кейин у тарелкани турнанинг олдига қўйибди-да:

— Ол, жоним, ол, азизим! Ўзим пиширдим, ола қол,— деяверибди.

Турна тумшуғини тарелкага тақ-тақ урармиш-у, оғзига ҳеч нарса илинмасмиш. Тулки бўлса бу вақт ичиде ҳаммасини ўзи еб, ялаб қўйибди.

Бўтқа тугагандан кейин тулки:

— Айбга қўшмайсан-да жон дўстим! Яхшилаб меҳмон қилишга бошқа нарса тополмадим,— дебди.

— Шунисига ҳам раҳмат, азизим! Энди меникига меҳмон бўлиб боргин,— дебди турна.

Эртасига тулки турнаникига меҳмон бўлиб келибди, у ҳар хил сабзавотлар солиб шўрва пиширибди-да, овқатни оғзи ингичка мўндига қўйиб, унинг олдига қўйибди.

— Ол, дўстим, еявер!— дебди турна,— ростини айтсам, бошқа дурустроқ овқат қила олмадим, тортинмай олавер.

Тулки овқат солинган идиш атрофида гир айланибди, у ёғига ўтибди, бу ёғига ўтибди, бўлмабди. Ялаб кўрибди, искаб боқибди, барибир унинг ичидан ҳеч нарса олиб еёлмабди. Нега деганда боши мўндига сиғмабди. Бу вақт ичиде турна чўқиб-чўқиб ҳамма овқатни еб қўйибди.

— Айбга қўшмайсан-да, дўстим, дурустроқ меҳмон қилай десам, бошқа ҳеч нарса йўқ.

Тулкига роса алам қилибди, чунки у, бир ҳафта-лик овқатимни ўша ердан еб келаман, деб ўйлаган экан. У бир ҳафталик тугул, туз ҳам татимай уйига қайтибди.

Қилмиш-қидирмиш деганларидек, тулкининг қилган ёмонлиги ўзига қайтибди. Шундан кейин тулки билан турна юз кўрмас бўлиб кетишибди.

Деҳқон билан айиқ

Бир деҳқон далага чиқиб ер ҳайдай бошлабди. Тўсатдан ўрмон ичидан бир айиқ чиқиб қолиб, унга:

— Деҳқон, ҳой деҳқон, мен сени ейман,— дебди.

— Айиқвой, мени емагин. Кел, яхшиси биргаликда шолғом экайлик. Шолғом униб ўсиши биланоқ баб-баравар бўлиб оламиз,— дебди деҳқон.

— Ундай бўлса майли, дебди айиқ.

Улар ер ҳайдаб, шолғом экишибди. Шолғом катта-кон, ширин бўлиб етилибди.

Деҳқон билан айиқ шолғомни бўлиша бошлабди. Деҳқон:

— Ҳай айиқ, сен қайси томонини оласан: остини-ми ёки устиними?— деб сўрабди.

Айиқ:

— Устини оламан,— дебди.

— Хўп, яхши, сен айтганча бўлсин.

Деҳқон шолғомдан чиққан ҳамма барглари айиқ-қа бериб, шолғомни уйига олиб кетибди.

Айиқ барглари чайнаб-чайнаб кўрибди, маза-матраси йўқ эмиш. У деҳқоннинг ёнига бориб:

— Қани, менга бер-чи, остини еб кўрай,— дебди.

Деҳқон унга шолғомни берибди. Айиқ еб кўриб:

— Эй, деҳқон! Сенга теккан томони ширин, маза-ли, менга теккани аччиқ экан. Бундан кейин уст томонини ҳеч олмайман,— дебди.

Деҳқон билан айиқ келаси ёзда буғдой экишибди. Буғдой яхши ҳосил берибди.

Улар буғдой ўроғига тушишибди, шунда айиқ:

— Қани, деҳқон, менинг улушимни бер, лекин кўзингга қара — ҳийла ишлатма,— дебди.

— Яхши. Қани гапир: ҳозир қайси томонини оласан?

— Ост томонини.

Деҳқон талашиб ўтирмабди: ўзи бошоқларини олиб, айиққа илдизини берибди.

Шундан кейин деҳқон буғдойни ун қилиб тортибди, сомса пиширибди-да, ўтириб роса туширибди.

Айиқ бўлса инига илдизларни ташиб келтирибди, ғажий бошлабди. Ғажиб-ғажиб ҳеч ютолмабди, мазасини билмабди. У яна алданганини тушунибди.

Айиққа алам қилибди. Шундан кейин деҳқон билан шерик бўлиб экин экмайдиган бўлибди.

ЎЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИ

Олдинги бобларда кўриб ўтганимиз халқ оғзаки ижоди тажрибалари ёзма адабиётнинг майдонга келиши ва ривожланишида бой манба бўлиб хизмат қилади. Бу ерда яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, бадиий адабиётнинг тараққиёти жамиятнинг умумий тараққиёти билан ҳам ўзвий боғлиқдир. Бу жиҳатдан Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарини эслаб ўтиш ўринлидир. XI асрнинг буюк тилшунос олими ўзининг бу китобида бизга кўп маълумотлар беради. Унда аввалги замонларда пайдо бўлиб, оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга кўчиб юрган қўшиқ ва лирик шеърлардан намуналар ҳам келтирилган. Китобда, айниқса, меҳнат, қаҳрамонлик, маросим, мавсум қўшиқлари ҳақида батафсил маълумот берилади. Шунингдек, Юсуф Ҳос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» («Саодатга йўлловчи билим»), Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар аргумони») дostonларида ҳамда Аҳмад Яссавий, Сулаймон Бокирғонийларнинг асарларида тил, ахлоқ-одоб масалалари қамраб олинади. Ҳайдар Хоразмий, Қутб, Дурбек, Саккокий, Лутфий сингари шоирларнинг адолатсизлик ва зулмни қоралаш, оддий инсоннинг оғир аҳволига ачиниш, орзу-армонларини қисман бўлса-да ёритишга қаратилган асарлари тарихда муҳим роль ўйнайди. Атоий, Саккокий ва Лутфий ғазаллари тимсолида XV аср ўзбек шеърини ҳаётини воқеликни акс эттириш соҳасида катта бадиий тажриба тўплади. Бу тажриба Алишер Навоийдек буюк санъаткорнинг вояга етиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни тайёрлади.

Алишер Навоий бутун фаолияти ва ижодини инсоннинг бахт-саодати учун курашга, халқнинг осойиш-

талигига, ўзаро урушларнинг олдини олишга, ободончилик ишларига, илм-фан, санъат ва адабиёт тараққиётига бағишлади. У адолатпарвар, донишманд давлат арбоби, ўзбек адабий тилига асос солган ва ўзбек мумтоз адабиётини янги тараққиёт поғонасига қўтарган буюк сўз санъаткори бўлиб, даврининг маданий ҳаётига раҳбарлик қилди, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларига ҳомийлик кўрсатди, кўплаб шогирдлар етиштирди.

XV—XVI асрларда яшаб ижод этган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» мемуарида ўша давр ҳаётига доир тарихий воқеалар билан бирга, илм-фанга доир қимматли маълумотлар берилган, турли халқларнинг урф-одатлари, тили, санъати ва адабиёти ёритилган.

XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларида яшаб ижод этган икки буюк шоир — Муҳаммаднийёз Нишотий ва Муҳаммад Шариф Гулханийлар ижоди мумтоз адабиётимиз тарихида алоҳида ажралиб туради. Нишотийнинг халқ оғзаки ижоди асосида яратган, «Ҳусну дил» дostonи ишқ-муҳаббат, ақл-фаросат, ахлоқ-одобга бағишлангандир. Шунинг нарса диққатга лойиқки, дostonда ҳар бири мустақил асар бўла оладиган «Шоҳбоз ва булбул», «Гул ва Даф», «Най ва Шамшод», «Косан Чин ва Наргис», «Бинафша ва Чанг» каби масаллар ҳам берилган. Бу масалларнинг барчасида эл-юртга фойда келтириш, мақтанчоқ бўлмаслик, ортиқча кибр-ҳавонинг зарари ёритилиши болалар учун ҳар жиҳатдан ибратлидир.

Гулханий ҳам «Зарбулмасал» асарида ўзининг муҳим ижтимоий қарашларини, эл-улус тақдирига муносабатини қизиқарли масаллар орқали ифодалади.

Мунис меҳнаткаш халқнинг оғир аҳволига қаттиқ ачинди, илм-фан ва адабиёт аҳлининг хор-зорлигидан қайғурди. Шоир кишиларни билим олишга, китоб ўқишга, жоҳил ва ёмонлардан узоқ бўлишга чақирди. Мунис «Саводи таълим» рисоласи орқали болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ишига катта ҳисса қўшди. Унинг маърифатпарварлик ғоялари ўзидан кейин яшаган Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар каби шоирлар ижодига ҳам катта таъсир кўрсатди.

Маърифатпарварликни байроқ қилиб қўтарган Абдулла Авлоний, Ҳамза, Садриддин Айний, Фитрат, Мунавварқорилар томонидан ёзилган дарслик ва қўллан-

маларда болалар ҳаёти, ўқиши, ахлоқ-одоби ҳақида материаллар берилади.

Абдулла Авлоний («Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Мактаб гулистони», «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ»), Ҳамза Ҳакимзода Ниязий («Енгил адабиёт», «Ахлоқ ҳикоялари», «Қироат китоби»), Садриддин Айний («Таҳзиб-ус-сибён», «Қиз бола ёки Холида») асарларида янги давр нафаси уфура бошлади.

20-йилларда Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Ғафур Ғулом, Ғайратий, Шокир Сулаймон, Ойбек ва бошқаларнинг катта ёшдаги болалар учун ёзган асарларида илм ва меҳнатга қаҳриқ кенг ўрин олди. Кейинчалик бу сафга З. Диёр, Д. Оппокова, М. Файзий, И. Муслим, А. Раҳмат, Ш. Саъдулла, С. Жўра, М. Оқилова, Қ. Муҳаммадий, Ҳ. Назирлар келиб қўшилди. Улар болаларни яхши ўқишга, илм-фан нурларидан баҳраманд бўлишга, даврнинг ҳақиқий ўғил-қизлари бўлиб камол топишга тарғиб этдилар.

30-йилларда ўзбек болалар адабиёти ҳар томонлама юксалди. Бу даврда Зафар Диёрнинг «Қўшиқлар» (1933), «Тантана» (1936), «Шеърлар» (1939), «Муборак» (1940), «Шеър ва ҳикоялар» (1940), Адҳам Раҳматнинг «Дум» (1938), «Бахтли ёшлик» (1939), «Завқли аллалар», (1940), «Шеърлар» (1940), «Ҳийлагар тулки» (1940), Султон Жўранинг «Фидокор» (1940), Илёс Муслимнинг «Ўсув» (1932), «Заҳархандалар» (1932), Шукур Саъдулланинг «Ҳайқириқ» (1933) тўнламлари босилиб чиқди.

Бу даврда қардош халқлар адабиётидан жуда кўп-лаб асарлар ўзбек тилига таржима қилинди. Бунинг натижасида ўзбек болалар адабиёти ҳар томонлама бойиб борди. Айниқса, «Ёш туркистонликлар», «Болалар йўлдоши», «Болалар дунёси», «Ўзгаришчи ёшлар», «Ёш куч» каби ойномалар нашрининг йўлга қўйилиши болалар адабиётининг ҳар томонлама ривожланишига сабаб бўлди.

Хуллас, болалар адабиётининг мавзу доираси кенгая борди. Ёшлик, мактаб ҳаёти, она-юрт табияти, халқлар дўстлиги, илм, ҳунар ва техникага муҳаббат мавзулари болалар адабиётидан кенг ўрин олди.

Халқимизда: «Она юртинг омон бўлса, ранг-рўйинг сомон бўлмас», деган нақл бор. Мамлакатимизга немис-фашист босқинчиларининг хиёнаткорона бостириб

кириши ўз бахтини, келажагини ҳалол меҳнати билан бунёд этаётган халқнинг оромини бузди.

Урушнинг биринчи кунлариданоқ Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Собир Абдулла, Уйғун, Мақсуд Шайхзода, Зафар Диёр, Амин Умарий, Султон Жўра, Ғайратий, Миртемир, Илёс Муслим ва бошқалар ғалабага комил ишонч ғояси билан йўғрилган асарлар яратдилар. Урушнинг биринчи кунларидаёқ яратилган Уйғуннинг «Хайрлашув», Зафар Диёрнинг «Қичкина жангчи», Илёс Муслимнинг «Ёвни тутдай тўкамиз», Султон Жўранинг «Текстиль комбинати тўқувчилари», Раёно Узоқованинг «Талпин, юрак» шеърлари болалар адабиётида урушни лаънатловчи дастлабки асарлардан бўлди.

Бу давр адабиётининг асосий мавзусини уруш давридаги халқ қаҳрамонларининг фашист босқинчиларига қарши жасоратларга тўла кураши ташкил этди.

«Москвани мен биламан», «Хат» (Ҳамид Олимжон), «Мен яҳудийман», «Сен етим эмассан» (Ғафур Ғулом), «Ватан ҳақида», «Йигитларга» (Ойбек), «Кураш нечун», «Капитан Гастелло» (Мақсуд Шайхзода), «Ватан ҳақида қўшиқ» (Уйғун), «Ватан», «Чавандоз» (Темир Фаттоҳ), «Бугун байрам» (Зафар Диёр), «Тўпчи Муҳаммад» (Султон Жўра), «Онамнинг айтганлари» (Адҳам Раҳмат), «Болакайнинг соғлом ҳислари» (Мумтоз Муҳамедов), «Биз енгамиз» (Ҳасан Саид) каби асарлар шу давр маҳсулидир.

1941 йилнинг июль ойидаёқ «Ўлим ёвга» адабий тўплами босилиб чиқди. Тўпламдаги шеърларда ғалабага бўлган комил ишонч жўшиб куйланди.

«Ватан учун» тўплами ҳам шу йилда юзага келди. Ундаги шеърлар она-Ватанга садоқат ғояси бўрттирилганлиги билан характерлидир.

Айниқса, Зафар Диёр яратган қаҳрамонлар ёш бўлишига қарамай жуда қасоскор. Улар тинчлик, оёйишталик шайдолари, немис-фашист босқинчиларини қаттиқ қаҳр-ғазаб билан лаънатлайдилар. Бинобарин, она-Ватанни севиш, ардоқлашнинг ўзи етмайди, уни муносиб ўғлон бўлиб ҳимоя қилиш зарур деган муқаддас ғоя билан нафас оладилар. Шунинг учун ҳам шоир қаҳрамонлари немис-фашист босқинчилари устига қўлда қурол билан шердай ҳамла қилишга тайёр. З. Диёр «Қурол беринг менга ҳам!» шеърида лирик қаҳрамон тилидан шундай мисраларни битади:

Мени кичик
демангиз,
Камситмангиз кучимни,
Босқинчидан
олгумдир
Халқ қасоси —
ўчимни!
Ўша баҳор,
гулим деб,
Булбулим деб,
уйим деб,
Жанг қиламан
мардона,
Босқинчига — ўлим деб.

Немис-фашист босқинчилари барча қатори ёш болаларнинг ҳам осуда ҳаётини бузди, уларни дарё, кўллар бўйида балиқ тутиб ҳордиқ чиқаришдан, билим олиб, қувноқ ўйин-кулги билан яшашдан маҳрум этди. Шунинг учун ҳам ёш ватанпарвар бутун халқ билан бир тан, бир жон бўлиб, қўлида қурол билан душмандан ўч олишга шайланади:

Қурол беринг
менга ҳам,
Қурол беринг
менга ҳам.
Разил немис бошига
Мен ҳам солай
катта ғам, —

дея шижоат кўрсатиши билан диққатни тортади.

Ватан уруши даври болалар адабиётида фронт орқасини мустаҳкамлаш иши ҳам алоҳида мавзу бўлиб қолган эди. Зафар Диёрнинг «Мактаб — сенинг фронтинг», «Поезд кетар фронтга», «Темурчилар минбари», Шукур Саъдулланнинг «Ёшлик», «Сен нима қилдинг?» каби асарларида болаларнинг фронт орқасини мустаҳкамлашдаги жанговар меҳнатлари намоён бўлади.

«Сен нима қилдинг?» шеърининг қаҳрамонлари ўзларига ҳам, ўзгаларга ҳам талабчан болалар. Ҳар бир кун, ҳар бир дақиқани меҳнат муваффақияти билан ўтказишни ўз олдларига қатъий мақсад қилиб қўйганлар. Шунинг учун ҳам улар бир-бирларига жиддий савол берадилар:

— Фронт учун не қилдинг?
Навбат сенга! Сўйла, қани,
Нималарни эп билдинг?!

Жавоб ҳам аниқ:

... Ўйлаб топдим: уйга кирдим,
Кездим ҳар ёни бир-бир.
Боғлар ошдим, кўп йўл юрдим,
Йиғдим терсагу темир.
«Булар фронт учун!» — дея
Элтдим мактабим сари.

Ҳар бир боланинг қўшган улуши беш ўртоқ ўрта-сида муҳокама қилинади. Ва ниҳоят улар: «Бундан ўқу танк бўлади!» дея ўз ишларидан қаноат ҳосил қилдилар.

Шеърда ҳар бир боланинг фикри-ўйи, орзу-умиди ишонарли тарзда ифода этилади.

Болалар шеъриятида она-Батан, гўзал диёр, ҳур ўлкамиз тўғрисида яратилган асарлар ичида Абдулла Ориповнинг «Деҳқонбобо ва ўн икки болакай қиссаси» шеъри болалар адабиётининг кейинги йилларда қўлга киритган жиддий ютуқларидан бўлди. Ўзбек болалар шеъриятида Ўзбекистон ҳақида кўплаб асарлар бор. А. Орипов уларни такрорламасдан ўзига хос оригинал асар ёзган. Шеър қаҳрамонлари ўн икки вилоятдан чиққан аълочи, жамоатчи ўқувчи болалар. Улар ўз жойларининг тарихини яхши билишади. Поездда ўзларига ҳамроҳ бўлган бобонинг саволларига лўнда-лўнда қилиб жавоб беришади. Ўзбекистондаги ҳар бир вилоятнинг ўзига хос бойлиги, шаҳарлари, бағри кенг одамлари китобхон кўз ўнгида бир-бир гавдаланади.

Ўзаро суҳбат асосига қурилган бу шеърда бобонинг яқуний нутқи жуда салмоқли. Тўрт мисра шеър билан тобора гуллаб-яшнаб бораётган, ўзига мустақил бўлиб, ўз тақдирини бунёд этаётган диёримизнинг ҳусн-жамоли, қудрати бир бутунлигича ифода этилган.

Сиз агаган ҳар бир жой
Битта бўсгон бўлади.
Ҳаммасини қўшсангиз,
Ўзбекистон бўлади.

Ўзбек халқи азалдан меҳнаткаш халқ. Ишчанлик бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган. Қ. Муҳаммадийнинг «Этик», «Бувимнинг ҳикояси», Ҳ. Ёқубовнинг «Сирдарё офтоби», Шукур Саъдулланинг «Ҳовлимизнинг болалари», «Дастёр қиз», «Боғбон қиз», Илёс Муслимнинг «Ойхон ва райҳон», «Ишчан асал-

арилар», «Сенинг совғанг», Пулат Мўминнинг «Далаларга қарасам», «Офтоб чиқди оламга», Қудрат Ҳикматнинг «Бобо ва набира», «Жўжам, юрма лақиллаб», Толиб Йўлдошнинг «Вақт қадри», Юсуф Шомансурнинг «Барака», «Тикувчи», Турсунбой Адашбоевнинг «Шанбалик», Рауф Толибнинг «Бобо хурсанд, Нодир хафа», Қамбар Отанинг «Меҳнатдан завқ оламан» шеърлари бевосита меҳнатга бағишланган.

Истеъдодли шоир Қамбар Ста узоқ йиллардан бери болаларни меҳнатсеварликка чорлаб шеърлар ёзиб келади. Унинг «Меҳнатдан завқ оламан» асари шулардан бири. Асарнинг лирик қаҳрамони соғлом ва тетик бола. Бунинг асосий сабаби унинг меҳнаткашлигида. Бола ишлашни, айниқса, катталарнинг юмушларига ёрдам беришни яхши кўради. Лирик қаҳрамоннинг меҳнати, орзу-хаёли ёш китобхоннинг эзгу-ниятига мос тушади:

Соғлом, қувноқ, боламан,
Меҳнатдан завқ оламан.
Агарда иш қилмасам,
Тез зерикиб қоламан.
Катталарга дастёрман,
Хизматига гайёрман.
Фойдам тегса бировга
Мен тенгсиз бахтиёрман.
Ҳозир мактаб боламан.
Меҳнатдан завқ оламан.
Катта бўлсам, кўрасиз,
Ҳалол одам бўламан.

Меҳнат — бахт. Уша бахтни қўлга киритиш, меҳнат унумдорлигини ошириш учун эса энг аввало илм-фанни пухта ўзлаштириб олиш керак. Қ. Муҳаммадий «Кичкина мичуринчилар» шеърида меҳнатнинг зое кетмаслигини алоҳида таъкидлайди:

Илмини билиб олсанг,
Мўлжалинг хато кетмас.

Меҳнат дунёда буюк иш. Қимки бу буюк ишнинг этагини тутса, у ҳеч қачон кам бўлмайди. Шоирларимиз ўз асарларида болаларни меҳнаткаш бўлишга, меҳнат аҳлини ҳурмат қилишга, уларнинг пешона терлари эвазига бунёд этилган нарсаларни эъозлашга, асраб-авайлашга даъваткор шеърлари билан китобхон меҳрини қозонмоқдалар.

Болаларни боғча ёшидан бошлабоқ табиатга муҳаббат руҳида тарбиялаш муҳим ишлардан бири. Болалар ижодкорлари бу масалага алоҳида эътибор беради. «Кичкина боғбон ҳақида дoston», «Сув билан суҳбат», «Юксак тоғ, кенг ўтлоқ ва мард ўғлон ҳақида қисса» (Зафар Диёр), «Тўрт фасл» (Ш. Саъдулла), «Бизнинг боққа келинлар», «Ола бузоқ» (Ғ. Ғулом), «Бойчечак», «Ғунча» (Уйғун), «Ўрик гуллаганда», «Лола» (Ҳ. Олимжон), «Юртимиз табиати», «Тилла қўнғиз» (И. Муслим), «Табиат алифбеси», «Қанотли дўстлар» (Қ. Муҳаммадий), «Баҳор», «Тоғ манзараси», «Сув» (Қ. Ҳикмат), «Тошбақа» (Ю. Шомансур), «Бир чўнтак ёнғоқ» (М. Аъзам), «Баҳолар», «Мақтанчоқ чумоли» (Т. Адашбоев), «Баҳор ва мен», «Қушча сўзи» (Р. Толиб), «Камалак афсонаси» (О. Матжон) ва бошқалар шулар жумласидандир. Булар орасида Шукур Саъдулланинг «Кичкина қушча» асари алоҳида ажралиб туради. Унда болаларнинг қушларга бўлган меҳри, ғамхўрлиги мисралар қатига чуқур сингдирилади:

Ҳай, ҳай чумчуқ —
 жажжи қуш,
 Шохда турма, пастга
 туш!
 Эрта-ю кеч тинмайсан,
 Чарчамоқни билмайсан.

Чирқиллайсан излаб
 дон,
 Мана чумчуқ, сенга
 нон!
 Қорнинг тўйса
 айтасан,
 Сўнг уйингга қайтасан!

Ғафур Ғулом («Каптар учар, ғоз учар», «Тинчлик арчаси»), Қуддус Муҳаммадий («Урушга йўл бермаймиз»), Шукур Саъдулла («Тинчлик қуши ҳақида мен ўқиган шеър»), Илёс Муслим («Дўстлик»), Қудрат Ҳикмат («Тинчлик ҳақида қўшиқ»), Шўҳрат («Тинчлик алласи», «Дўстлик гули»), Мардонқул Муҳаммадқулов («Уч каптарим, уч»), Юсуф Шомансур («Орзулар бир»), Сафар Барноев («Биз болалар...»), Турсунбой Адашбоев («Дўстлик») каби шоирлар тинчлик ва дўстлик мавзусидаги асарлари билан болалар ва ёшларни тинчлик ва дўстлик руҳида тарбиялашга ҳисса қўшдилар.

Қуддус Муҳаммадийнинг «Урушга йўл бермаймиз» шеъри болаларнинг севимли асарларидандир. Шоир унда тинчликсевар инсонларнинг асосий мақсади тинчлик ва осойишталик эканлигини болаларга тушунтиргач, уларни тинчлик учун курашга чақиради.

Дейсан, таида жоним бор,
Тинчлик учун курашай,
Урушга ҳеч йўл бермай,
Ватан, халқим яшнатай.

Қуддус Муҳаммадий бу билан чегараланиб қолмай,
тинчлик тарафдорларининг енгилмас куч-қудратини,
астойдил ҳаракат қилинса, тинчлик урушни енгизиши
муқаррар эканлигини шундай ифодалайди:

Тинчлик бўлсин ҳамма ёқ,
Бунинг учун ҳамма вақт,
Курашар жам бўлиб халқ
Урушга йўл бермаймиз,
Тинчлик енгар, тинчлик ҳақ.

Болаларнинг суюкли шоирларидан бири бўлган
Қудрат Ҳикмат «Дўстлар, беринг қўлга қўл» шеърисида
Қуддус Муҳаммадийнинг фикрини давом эттириб,
шундай ёзади:

Тинчлик доим сақланар,
Қасд қилган мажақланар.
Дўстлар, беринг қўлга қўл,
Урушга ҳеч қўйманг йўл!

Ўҳозирги замон ўзбек болалар адабиётида тинчлик-
нинг асосий гарови бўлмиш дўстлик мавзуси тобора
кенгайиб бормоқда. Бу мавзуда айниқса, С. Жаббор,
Э. Ранмов, Р. Толиб, А. Обиджон, Ҳ. Имонбердиев ва
бошқалар таъсирчан асарлар яратмоқдалар.

Бугунги ўзбек болалар шеърляти ҳақида гап кетар
экан, мактаб ҳаётини акс эттирадиган асарлар ҳақида
алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Ҳамма нарса ўқишга,
мактабга боғлиқ. Мактаб мавзусида ёзилган шеър-
ларда озода мактаблар, унда қайнаётган бахтли ҳаёт,
болаларнинг илм-фан нурларидан баҳраманд бўлишга
интилишдек ижобий фазилатлари ифодаланади.

Илём Муслимнинг «Мактабим», «Қитобчам» шеър-
лари кичик мактаб ёшидаги болаларга мўлжалланган.
«Мактабим»ни ўқиган болада ўқишга, илм фан нурла-
ридан баҳраманд бўлишга интилиш янада ўсади:

Она каби меҳрибон —
Илм-фанларга макон,
Яйраб ўқийман ҳар он,
Қадрдоним мактабим!
Сенда дарслар хилма-хил,

Онгим ўсар йилма-йил,
Севинчларга тўлар дил,
Қадрдоним мактабим!

Аълочи ўқувчининг мақсад ва нияти ҳам аъло даражада. Унинг мақсади ўсиб, улғайиб, халқ учун, она ўлка учун ҳақиқий фарзанд бўлиб вояга етиш:

Аъло ўқишдир бурчим,
Сарф этаман бор кучим,
Ишлайман халқим учун,
Қадрдоним мактабим!

Пўлат Мўминнинг «Хоҳ ўқишда, хоҳ ишда», «Ер чопилди — жавоб топилди», «Синфимиз қўшиғи», «Устозлар», Рауф Толибнинг «Катта танаффусда», «Ўртоғимиз йўқолди», «Уй вазифаси», Эргаш Раимовнинг «Энди катта бўламан» каби асарларида шу куннинг нафаси сезилиб туради.

Болалар ростгўй, ҳалол, покликни яхши кўришади. Алдамчилик, ёлғончилик, хушомадгўйлик уларнинг характерларига тўғри келмайди. Рауф Толиб болалардаги бундай хусусиятни «Ўртоғимиз йўқолди» шеърида яхши ёритган. Валижон ўзининг енгилтаклиги, ёлғончи ва хушомадгўйлиги билан, фақат ўз фойдасини кўзлаб иш кўриши билан синфда обрўсини йўқотган:

Ўз фойдасин ўйлар у
Дўст бўлсин қандоқ?
Орамиздан йўқолди,
Эҳ, битта ўртоқ...

Бугунги кун болалар шеъриятида ҳарбий-ватанпарварлик ишлари ҳам анча мукаммал. Ватан уруши даври шеърияти тасвир марказида турган жанговарлик, фашист босқинчиларига кучли нафрат, она-Ватан ҳимоясига чақириқ, байналмилал дўстлик ғоялари сўнгги давр шеъриятида ҳам асосий мавзулардан бирига айланди. Аммо энди давр билан боғлиқ равишда тасвир услубининг бирмунча ўзгарганини кўришимиз мумкин. Жумладан, уруш даври шеъриятида лирик қаҳрамоннинг бевосита жанг майдонларидаги кечинмалари ифодаланса, кейинчалик жанг қаҳрамонларининг эсдаликлари ёки у ҳақда бошқаларнинг таассуротлари, тинчлик учун кураш ғояси, урушнинг фақат ҳалокатли оқибатларини ифода этиш биринчи ўринга чиқарил-

ди. Бу ҳол шеърятда ҳарбий-ватанпарварлик туйғусининг, тушунчасининг тобора кенгайиб, янги-янги қирралари намоён бўлаётганлигини, давр талаби асосида ижодий анъананинг давом этаётганини, бойитилаётганини кўрсатади.

Урушдан кейинги ҳарбий-ватанпарварлик шеъряти характерли хусусиятлар — уруш қаҳрамонлари жасоратининг кўпроқ иккинчи шахс тилидан ҳикоя қилинишида ҳам кўзга ташланади. Урушга муносабатнинг бу шаклини Уйғун («Менинг акам»), Асқад Мухтор («Тинчлик солдати») каби кекса авлод вакилларидан тортиб, Турсунбой Адашбоев («Ўғлимга»), Сафар Барноев («Дадамнинг қўллари») сингари кейинги авлод қаламкашлари ижодида ҳам учратиш мумкин.

Ўзбек болалар шеърятининг урушдан сўнгги даврда яратилган намуналари кўздан кечирилганда, ҳарбий-ватанпарварлик мавзусига турлича ёндашилганини кўриш мумкин. Жумладан, Мавлон Икром «Ёш партизан» поэмасида қримлик ёш партизан Виктор Қоробковнинг жасоратига оид ҳужжатлардан фойдаланса, Қуддус Муҳаммадий, Толиб Йўлдошлар уруш сабабчиси бўлган фашистларни фольклордаги яъжуж-маъжужлар сифатида тасвирлаш орқали урушни лаънатлайдилар. Ватан уруши қатнашчилари Илос Муслим ва Шухраглар фашистларнинг кирдикорларини ўша воқеаларнинг бевосита шохидлари сифатида ҳаётий, таъсирчан гавадалантирсалар, Турсунбой Адашбоев, Қамбар Ота, Азиз Абдураззоқ, Шамси Одил, Рауф Толиб, Қутби Носирова ва бошқалар кўпроқ оғалар ва болаларнинг аччиқ хотиралари тарзида қаламга оладилар.

Толиб Йўлдошнинг «Бобом эртақ айтсалар» шеъри бевосита уруш қатнашчисининг невараларига жангжадаллар ҳақидаги эртаги тарзида битилган. Болаларга эртақ туюлган бу воқеалар аслида эртақ эмас, оддий жангчининг кўрган-кечирганларидир.

«Қилич ботир», «Алпомиш», «Алдар кўса» достонларини жон қулоғи билан тинглаган болаларнинг фашист босқинчилари тўғрисидаги ҳикоядан вужудлари ларзага келади.

Бобо ўз гапини Гитлернинг таърифидан бошлайди:

Қўнғизмўйлов, чалабош
Гитлер деган алвасти
Қилган мудҳиш жиноят,
Ҳеч ёддан чиқмас асти,

Таг-туғи йўқ бу маҳлуқ,
Одамхўр экан билсак,
Нималар қилмас эди,
Эркинга қўйиб берсак!..

Бобо нутқидаги нозик ўхшатишлар, айниқса, Гитлернинг одамхўрлиги, ташқи кўринишининг беўхшовлиги болалар қўлоғини динг қилади. Шеърда болаларни ҳайратга солган нарса Гитлернинг кўринишигина эмас, балки унга ҳикоячининг нафратли муносабати ҳамдир. Бобонинг Гитлер бошлиқ фашистлар ҳақида ҳикоя қилаётиб, ғазабдан ранг-юзларининг оқариб, ўзгариши тингловчиларда ҳам, китобхонда ҳам Гитлерга нисбатан нафрат уйғотади.

Юқорида Ватан посбонларининг жасорати кўпроқ ўзга шахс, хусусан, оталар, укалар ва болалар тилидан ҳикоя қилинишига тўхталган эдик. Ота-оналарнинг фарзандлари ёхуд фарзандларнинг ота-оналари, укаларнинг акалари билан фахрланиши, ўзларини улар жасорати учун қай жиҳатдандир дахлдор ҳисоблашлари табиий ҳолдир.

Аммо бу анъана сўнгги йиллар ёшлар шеъриятида негадир ўзини оқламапти. Анвар Ҳожининг «Мен акамни кузатдим», Ҳабиб Раҳматнинг «Аскар укаси», Файзи Шоҳисмоилнинг «Ботир аскар» шеърларида акаларини ҳарбий хизматга кузатган болаларнинг уларга ҳаваси; Шамси Одилнинг «Ота мерос», Рауф Толибнинг «Ога изидан» шеърларида болаларнинг содиқлиги тўғрисидаги аҳду паймонлари қуруқ баён қилинади.

Ҳарбий хизматни ўташ ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчи. Кичкинтойларнинг буни орзиқиб кутиши ҳеч кимга сир эмас. Бинобарин, кичик қаҳрамонларнинг акалари билан фахрланиши, қуйидаги парчаларда баён этилгани каби, тезроқ катта бўлиб, ҳарбий кийимни кийишни орзу қилишлари кишига ғайритабиий туюлмайди.

Мен ҳам улғайиб бир кун,
Акамларга етгайман.
Бўлиб Ватан аскари,
Ўз бурчимни ўтайман.

«Мен акамни кузатдим»

Ватанимни,
Халқимни
Кўз қорамдек сақлайман,

Дейман тез-тез ўтсайди
Имнламай йил,
Қаттакоп бўлар эдим
Сизлардек қойил.
Сўнг Ватан хизматига
Отланиб мен ҳам,
Бўлардим сиздай ботир —
Аскар чинакам.

«Ботир аскар»

Бу ерда биз айтмоқчи бўлган гап учта шеърдан олинган парчалардаги мазмуннинг ўхшашлигидагина эмас, балки жажжи қаҳрамонларнинг Ватан хизматига отланишни орзу этишларига сабаб бўлаётган воситаларнинг ҳам айнан ўхшашлигидадир. Бизнингча, шеърлардаги кичкинтой қаҳрамонлар акаларининг ҳарбий қисм сафига чақирилиши ёки аскарларни кўришини айтиб, орзу қилишнинг ўзи етарли эмас. Қаҳрамонлар қалбидаги сунъий ҳиссиётнинг китобхонга кўчмаслиги сирини шундан излаш керак.

Ватан урушидан кейин ўтган давр ичида ўнлаб поэмалар, эртак-достонлар майдонга келди. Ойбекнинг «Зафар ва Заҳро», «Бобом», Қ. Муҳаммадининг «Дунёда энг кучли нима?», «Солижон», Шукур Саъдуллининг «Лақма ит», «Икки донишманд», Пўлат Мўминнинг «Ўринбосарлар», «Эҳ, роса ширин экан», «Холнинг жийрон велосипеди», «Олтин най», «Жалил эшитган эртак», Қудрат Ҳикматнинг «Тошбақалар ҳужуми», «Бобо деҳқон ҳангомаси», «Човкар», «Чирчиқ фарзанди», Рамз Бобожоннинг «Чўпон ўғли», Сафар Барноевнинг «Биз деҳқон боласимиз», «Олтин шаҳар ҳақида афсона», «Олтин ошиқлар», Миразиз Аъзамнинг «Ақлли болалар» («Асрор»), «Бедананинг буви-си», Турсунбой Адашбоевнинг «Довонлар», «Ҳарфларнинг саргузашти», Қамбар Отанинг «Филдираклар қўшиғи», Тошпўлат Ҳамиднинг «Асрорқулнинг қўчқори», Эргаш Раимнинг «Бир доня япроқ», Рауф Толибнинг «Сеҳргар дўстим бор», «Мақтанчоқ», Азим Усмоннинг «Ғаройиб Аждарҳо», Кавсар Турдиеванинг «Тошкесаклар мамлакатида» каби поэма ва эртак-достонлари яратилди.

Шоир Пўлат Мўмин «Кўнгил истар яхшилик» аса-
рида болалар ўртасидаги дўстлик, биродарлик, ўқи-
тувчи ва жонажон мактабга муҳаббат, бирлик, байнал-
милаллик масалаларини илгари суради. Болалар ҳаё-
тида содир бўладиган ютуқ ва камчиликлар бадний
бўёқларда, қизиқарли эпизодларда чизиб берилади.
Бир сўз билан айтганда, мактаб ўқувчиларининг жози-
бали ҳаёти завқ-шавқ билан тасвирланади.

Шоир энг аввало янги «маҳалланинг чиройи» бўл-
ган жонажон мактаб биноси ҳақиқатан ҳам «билим са-
ройи»га айланиб кетганлигини мароқ билан тасвир-
лайди. Ана шундан кейингина ўқувчини бу ерда таъ-
лим-тарбия олаётган ўз қаҳрамонлари билан таниш-
тиради. Поэманинг ҳар бир саҳифасида эзгулик, оли-
жаноб инсоний фазилатлар қабартирилган ҳолда ёри-
тилади. Асарнинг асосий ғояси чизигини ташкил этган
Ўктам образи ёш китобхонни ўзига мафтун этиб ола-
ди. У жуда шўх, олов қалбли. Томда варрак учириб
юриб йиқилиб тушган, шунинг учун «мияси сал лат
еган». Натижада асаб касалига гирифтор бўлган. Ўк-
там оқкўнгил, ростгўй, ҳақиқатчи бола. У ҳаётга ҳа-
қиқат кўзи билан қарайди, бошқаларнинг ҳам шундай
бўлишини истайди. Аммо ўзи ўқийдиган синфда Толиб-
га ўхшаган баъзи ўйинқароқ, тегажоқ, шоир сўзи би-
лан айтганда, «олифта» болалар унинг жигига тегади,
асабини бузади, касалини қўзғайди, синфдан-синфга
ўтолмаганини юзига солади.

Яхши гапнинг шайдоси бўлиб қолган Ўктамнинг
касали қўзғаб йиқилиб қолиши ёш китобхонда Ўктам-
га нисбатан чуқур ачиниш, Толибга нисбатан эса куч-
ли нафрат ҳиссини уйғотади.

Бир неча кундан сўнг тузалиб келган Ўктам ўқишга
шўғулиб кетади.

Толиб Шокир аканинг касал бўлиб қолганини эши-
тиб, хурсанд бўлади, дарров ўйин-кулги, бекорчилик
ҳақида оғиз кўпиртириб гап сотади:

Шокир акамиз бу гал,
Яхшиям бўбди касал.
Дарсга келмасмуш анча,
Ўйнаймиз хоҳлаганча, —

деб устозга ачиниш ўрнига хурсандлигини билдиради.
Бу гап Ўктамга қаттиқ ботади. Шунда у Толибни ях-
шиликка чақиради, ўқитувчи-устозига бундай муноса-

батда бўлмаслик кераклигини ўқтиради. Аммо жанжалкаш Толиб бу гапларга қулоқ солиш ўрнига Уктамнинг жиғига тегеди, асабини бузади, уни мушт кўтаришга мажбур қилади. Касали қўзғаган Уктам шифохонага тушиб қолади. Синфдаги айрим ўқувчилар Толибни уриб қочиб кетди, деган гап тарқатишади. Фақат самимий дўст Қодиргина бу гапга ишонмайди. Уктамнинг беозор, софдил эканлигини исботлашга уринади.

Толиб Уктам устидан ўқитувчи-устозларга арз қилади. Уктамнинг уйига отасини бошлаб боради. Лекин воқеа давомида китобхон Толибнинг чақимчи, ўқишга хуши йўқ, кеккайма бола эканини билиб олади.

Достонда жамоа тарбиясининг аҳамияти фоятда чуқур ифодаланган. Уктам соғайиб ўқишга қайтади. Уктам ва Толиб жанжали муҳокамасига бағишланиб ўтказилган синф мажлиси достоннинг энг авж нуқтаси ҳисобланади. Бу ерда ҳақиқатгўйлик, аъло ўқиш, дўстларни, катталарни ҳурмат қилиш, ахлоқ-одобда бошқаларга ўрнак бўлиш каби масалалар тарғиб этилади. Елғончилик, беодоблик, ўзгаларни менсимай, худбинлик қилиш қораланади.

Қодирнинг йиғилишдаги сўзи айниқса, характерлидир. У ҳақ гапни айтади. Уктамнинг гуноҳсиз, Толибнинг эса айбдор эканлигини, бирма-бир исботлайди, ҳаммани ўз фикрига ишонтира билади.

Натижада Толиб дакки ейди, ўз қилмишини бўйнига олиб, ўртоғини ножўя хафа қилиб юргани учун ичи ачийди.

Асарнинг охирида Толиб аввалги гердайган, олифта, димоғдор бола эмас, аксинча, оддий, ширинсухан ўқувчига айланади:

Бир қаранг-чи Толибга
Эмас унча олифта.
Гаплашсангиз агарда
Анча тушган эгардан.

«Қўнгил истар яхшилик» достони баъзи нуқсонлардан қатъи назар, қаҳрамонларнинг ҳаётийлиги, жонлилиги, уларнинг олға интилишлари, ҳақиқий инсон бўлиб камол топишга ҳаракат қилишлари билан қимматлидир. Зотан, инсонларнинг турмуш шаронглари, ижтимоий турмушлари ўзгариши натижасида уларнинг тасаввурлари, фикрлари, тушунчалари, қисқаси, онг-

лари ҳам ўзгариши табиий эканлиги шу зайлда очиб берилади.

Ҳозирги замон ўзбек болалар адабиётида шеърят ривожлангани каби насрда ҳам салмоқли асарлар юзага келди. Ёзувчиларнинг янги-янги авлодлари камол топди. Айниқса, ҳикоячилик ўсди. Болаларнинг ёши, қизиқиши, дунёқарашига тўла жавоб бера оладиган ҳикоялар бунёд этилди. Ҳаким Назир, Ёқубжон Шукуров, Шукур Саъдулла, Носир Фозилов, Худойберди Тўхтабоев, Турғунбой Ғоипов, Раҳмат Азизхўжаев, Латиф Маҳмудов, Фарҳод Мусажон, Собир Юнусов, Оқилжон Ҳусанов, Маҳмуд Муродов, Нодир Назаров, Эргаш Раимов, Сафар Барноев, Абдусайд Кўчимов, Рауф Толиб, Анвар Обиджон ва бошқаларнинг фақат мактабгача тарбия ёшидаги болаларга мўлжалланган ўнлаб ҳикоялар тўплами босилиб чиқди.

Жуда кўп ҳикояларда кичкинтойларнинг ҳаётлари ўз ифодасини топмоқда. Шодмонбек Отабоевнинг «Итолғи» ҳикояси қуш, қурт-қумурсқаларни севиш, ардоқлашга қаратилган. Итолғи чумчуқ ва чуғурчуқларни тутиб олиб ейдиган қуш. Шукуралӣ ака Итолғини жияни Шавкатга совға қилади. Шавкат узум қўриқлашда ундан фойдаланмоқчи эди. Аммо қуш уларникида ўзини эркин сезмайди. Бунинг сабабини суриштирганда Шавкатнинг отаси бу махлуқ озод ва эркинликни қўмсаётганлигини тушунтиради.

Шавкат қушларни яхши қўрадиган, раҳмдил бола. У итолғини қафасда уч кун зўрға ушлаб туради. Қафасда қуш эмас, ўзи ўтиргандек бўлади ва итолғини қафасдан бутунлай чиқариб юборади. Қушча болага раҳмат дегандек эркин парвоз қилиб кетади.

Болалар қиссачилигида ҳам кўплаб яхши асарлар яратилди, адибларнинг янги-янги авлодлари камол топди. Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳордан тортиб бугунги кунга қадар ҳисоблайдиган бўлсак, уларнинг сафи ниҳоятда ўсди. Бунга мисол қилиб, Ҳаким Назир, Шукур Саъдулла, Худойберди Тўхтабоев, Ҳабиб Пулатов, Латиф Маҳмудов, Носир Фозилов, Фарҳод Мусажон, Шукур Холмирзаев, Оқилжон Ҳусанов, Ҳожинакбар Шайхов, Анвар Обиджон, Абдусайд Кўчимов, Эргаш Раимов ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ҳаким Назирнинг «Ёнар дарё» қиссасининг асосий қаҳрамони Дамир. У отадан жуда эрта жудо бўлган.

Алиб бошда болани анча шўх, онанинг гапига қулоқ солмайдиган, яхши ўқимайдиган, бир оз ўзбошимча қилиб кўрсатади. Боланинг бундай салбий томонлари қуйидаги лавҳада шундоққина кўзга ташланиб туради:

«Бувим билан ойим айвондан туриб кетишлари биланоқ, мен «лип» этиб ўтинхонага ўтдим. У ерда товуқ катаги бор эди. Мўралаб кўрдим. Товуқ тухум қўйибди-ю, чиқиб кетибди. Бир эмас, иккита тухум. Ушлаб бёқсам, ҳали илиққина. У ёқ-буёққа аланглаб олдим-да, тухумнинг икки ёғини чўп билан чумчуқ кўзидай тешиб, оғзимга «хуп» этувдим, лиққа кетди. Қани энди устидан юмшоқ нон бўлса, еб юборсанг. Оёқ учидан олинхонага кирдим-да, яримта булkachани чўнтакка уриб чиқдим. Яна келиб стулимга ўтирдим. Бирдан ҳиқичоқ тутиб қолди. Ҳиқичоқ босилармикан деб водопроводдан бир ҳовуч сув ҳам ичиб олдим. Қорним тўйганга ўхшайди. Энди дафтардаги ҳарфлар, рақамлар учинини қўйиб, ўз ўрнига қўнди. Лекин қўнгани билан миямга кирмади. Негаки, уй ичидан ойимнинг йиғи аралаш овози эшитилаётган эди. У бувимга дерди:

— Бу мени куйдирадиганга ўхшайди. Тепасида ҳақ деб турсангиз, ишга қарайди, бўлмаса йўқ. Пешонам шўр бўлмаса...»

Ёзувчи Дамир билан унинг ўғай отаси — Султон амаки муносабатлари тасвири орқали инсон тарбиясида ота-она ролига алоҳида урғу беради. Қиссада Газлидаги ҳаёт, одамларнинг турмуши, Бўрон ва Қўлдошларнинг ахлоқ-одоблари ҳам Дамирнинг оёққа туриб олишида асосий сабаб бўлиб хизмат қилиши кўрсатилади.

Рустам Раҳмонов «Чангалзордаги шарпа» қиссаси билан Ватан уруши даври қишлоқ болаларининг тиниб-тинчимас образларини яратиб берди. Ахир уруш даҳшатлари узоқ Тошота қишлоғида ҳам акс-садо беради-да! Тошоталиклар кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, душман билан ғойибона жанг қиладилар. Ҳа, уруш ташвиши каттага ҳам, кичикка ҳам, баравар тушган эди.

Оташ ўжар, ўз айтганидан қолмайдиган бола. Ёзувчи бу бола образига шундай изоҳ беради:— Ўжар одамнинг, айниқса ўжар боланинг табиати қизиқ. Ундайларни бир нарсага ўчакиштириб бўлмайди. Қиламан деса, қилади, ўламан деса ўлади. Айтганини қилиш учун ҳеч нарсадан тоймайди. Бўлмаса, Оташ она-

сининг иссиқ бағрини ҳечам тарк этмасам дейди. Лекин, ўжарлик! Ҳа, ҳаммасига унинг шу ўжарлиги, шарт кесарлиги айбдор.

Оташ нега бунчалар ўжар. Унинг ўжарлигига давр сабабчи, уруш сабабчи. Бола отасини жуда қаттиқ соғинган. У отасини кўрмоқчи, немис-фашистларга қарши курашда отасига кўмаклашмоқчи. Аммо ота узоқда. Унга ета олмаган боланинг феъл-атвори жуда бошқача. Ҳамма касаллик мана шунда.

Қишлоқ болаларини тўплаб Роҳат кампир жуда ажойиб-ғаройиб эртаклар айтиб беради. У айтган эртаклар орасида паҳлавонлар, довларлар, сеҳргарлар, ишқмас-у дангасалар, турли алвасти-ю жинлар бор.

Оташ бугун ажиналардан бирини тутиш хаёли билан банд. У чакалакзорга бормоқчи, бир ажинани тутиб, уни ялинтириб-ялинтириб, кейин «бор, Гитлери тутиб кел дейман. Уни тутиб келади, ўшанда Гитлери участкавой милиционерга бераман. Кейин, роса қийнаб ўладиришади. Ўшанда уруш ҳам тугайди. Ҳамма урушдан келади, дадам ҳам... Кейин ажинанинг сочини қайтариб бераман...», — демоқчи.

Оташ ана шундай ўй-андишалар билан Қутурбулоқ томон йўл олди. Бу чакалакзор тўғрисида Тошотада қанчадан-қанча афсоналар тўқилмаган. «Чакалак» сўзининг ўзи болаларнигина эмас, ҳатто катталарни ҳам сескантириб, қўрқувга солиб келган. Оналар инжиқ, йиғлоқчи болаларини «ганимга кирмасанг, чакалакзорга элтиб ташлайман» деган пўписи билан тийиб келишган. Бу жой — алвастилар макони, инс-жинслар базм курадиган майдон! Бу ерда жин-алвастиларни ўз кўзи билан кўрганлар бор, Тош отада, — дейишларига қарамай, ўз бахтини синаб кўрмоқчи.

Бола бу даҳшатли чакалакзор бағрида кечаси узоқ ўтирди, қорни оч қолди, совқотди. Ажиначаларни кута-кута мижжалари қотиб кетди — киприклари юмилса очилмайди, очилса юмилмайди. Шу пайт аллақадан данғир-дўнғир чилдирма чалишиб, бир гала ясаган қизлар келиб қолишди. Бирпасда ўртага гулхан ёқишиб, атрофида ўйнай кетишди. Оташ у ён-бу ёнига аланглаб қараса, чакалакзордан асар қолмабди. Шу онда жажжи қизчасини опичлаб аяси келиб қолса бўладими! У нуқул қаҳ-қаҳ уриб кулади. Қела солиб аланга устидан сакраб ўтди-да, ўйинга туша бошлади. Бирдан бояги қизлар сержун махлуқларга айланиб,

Оташнинг аясини қуршаб олишди. Укасини силтаб-силтаб тортишди-да, оловга улоқтиришди. Аясини бўл-са ҳар бири паншахадай панжалари билан бўға кетиш-ди. Оташ ажиналар тўдасига ташланиб, онасини қут-қармоқчи бўлди. Бироқ қараса — оёқлари йўқ. Ово-зининг борица қичқирса овози чиқмайди...

Ҳа, бола уйқусида алаҳсирар эди. Энди у ажиналар-нинг борлигига ишонмай қўйди. Чунки Роҳат кампир-нинг эртаги фақат афсона эканлигига бугун зўрға ақли етди. Аммо Оташ ҳаётда бўш келадиган болалардан эмас. Ўзича сирли бу чакалакзорни ўзлаштиришга ки-ришди. Бу ишда унга Обидахон ва Хуршиджонлар кў-мак беришди. Чакалакзор ўрнида мўл-кўл пахта ҳо-сили битди. Бу эса уруш даври болаларининг фронтга катта совғаси бўлди.

Бу давр болалар қиссачилигида саргузашт, илмий-фантастика жанрлари ҳам ривож топди. Худойберди Тўхтабоев («Сариқ девни миниб», «Қасоскорнинг ол-тин боши», «Ширин қовунлар мамлакатада»); Ҳожи-акбар Шайхов («Само маҳваридаги намойиш», «Шом камари», «Аждодлар хотираси»); Маҳкам Маҳмудов («Европанинг ўғирланиши»); Анвар Обиджон («0099 номерли ёлғончи», «Даҳшатли Мешполвон»); Оллоёр («Фазогир чумоли»); Оқилжон Ҳусанов («Тоғда ўсган бола») ва бошқалар бу жанрда самарали ижод қил-моқдалар.

Болалар тарбиясида драматургия жанрида яратил-ган асарлар ҳам катта роль ўйнайди. Ҳаким Назир, Адҳам Раҳмат, Пулат Мўмин, Мамарасул Бобоев, Ус-мон Юсупов, Турғунбой Ғойиёв, Наримон Орифжонов, Латиф Маҳмудов, Фарҳод Мусажон, Равшан Ёриев-ларнинг пьесалари ўзининг болаларбоплиги билан кич-кинтойлар қувончига қувонч қўшиб келмоқда.

Сўнгги йиллар болалар драматургиясида Равшан Ёриевнинг «Оқбулоқ» (бир пардали) пьесаси алоҳида ажралиб туради. Асар қаҳрамонлари Қудрат, Жасур, Гулшан, Ўрмончи бобо, Гўзал қиз, Олмахон, Қора дев, Қари шайтон, Маймоқ шайтон, Кичик шайтон ва бош-қалар.

Болалар ўрмонда карнавал ўтказишмоқчи. Ҳамма бу маросимга ҳозирлик кўрмоқда. Аммо нчи қора, қиз-ғанчиқ қора дев-у шайтонлар бунга қарши, нима бўл-ганда ҳам карнавални ўтказмаслик — одамларга панд бериш режаларини тузадилар. Шифобахш, ҳамманинг

дардига малҳам бўладиган кўзадаги Оқбулоқ суви-ни заҳарли сувга алмаштириб, болаларни нобуд қил-моқчи бўладилар. Шу пайт болаларга Олмаҳон ёрдам қўлини чўзади. Шайтонлар ўзлари ясаган кўзадаги заҳарли сувни ичиб ҳалок бўладилар.

Ўрмонда катта шодлик, ўйин-кулги бошланиб ке-тади.

Латиф Маҳмудовнинг «Али билан Вали», «Эҳ, ат-танг...», «Муҳим топшириқ», «Сирли хат», «Дангаса-нинг саргузаштлари» пьесалари театр саҳналарида қайта-қайта намоиш қилинмоқда.

«Дангасанинг саргузаштлари» асарининг қаҳрамони ўзининг ишёқмаслиги, қўрс-қўполлиги билан дўстлари-дан ажралиб қолган. Бола хомхаёллик билан яшайди, ўқиш, изланиш, меҳнат қилиш, катталарнинг юмушла-рига кўмаклашишни ўзига эп кўрмайди.

Асар сўнггида Нусрат бобо Дадавойга нисбатан жуда ўринли гапни айтади:

Меҳрин қўйсин меҳнатга,
Етар шунда ниятга!

Ҳа, бу гап ҳаммага тегишли, ҳамма бирдек меҳнат қилса, ўқиса, ўрганса фақат фойда кўради, муроди ҳо-сил бўлади.

Ҳозирги замон ўзбек болалар бадий адабиёти би-лан бирга болалар адабиётшунослиги ва адабий тан-қид ҳам поғонама-поғона ўсди, ривожланди. Бир қа-тор дарслик, қўлланма, мажмуа, монография, ки-тоблар ёзилди. Ўнлаб номзодлик ва докторлик диссер-тациялари ҳимоя қилинди.

Бу соҳанинг тақомилида А. Суюмов, У. Рашид, С. Мамажонов, М. Қўшжонов, Ҳ. Абдусаматов, М. Юнусов, Б. Имомов, П. Шермуҳамедов, О. Сафаров, Х. Эгамов, С. Ирисхўжаева, С. Матжонов, Қ. Қаҳра-монов каби кўпгина адабиётшуносларнинг хизматла-рини алоҳида таъкидлаб ўтишга тўғри келади.

АЛИШЕР НАВОИЙ

(1441—1501)

Алишер Навоий 1441 йилнинг 9 феврилида Ҳирот шаҳрида Ғиёсиддин Кичкина oilасида дунёга келди. Бўлажак шоирнинг отаси теурийлар авлодидан эди.

Шунинг учун Алишер темурий шаҳзодалар билан тарбиялана бошлайди. У тўрт ёшга етганида мактабга берадилар. Алишер ўзининг ўқиши, одоби билан бошқалардан ажралиб турар эди. Гиёсиддин Кичкина ҳам ўз фарзандини яхши ўқитиш, саводхон қилиш учун астойдил киришган эди. Бунинг устига уларнинг уйида кўпгина қалам аҳллари тўпланишиб, шеърлар ўқишар, адабиёт, санъат ҳақида баҳс-мунозаралар ўтказишар эди.

Илм-фанга, айниқса, бадий адабиётга жуда эрта ихлос қўйган Навоий Саъдийнинг «Гулистон», «Бўстон» китобларини, айниқса, Фаридиддин Атторнинг «Мантиқут-тайр» («Қуш нутқи») асарини севиб ўқир ва ёд олар эди.

Алишернинг катта тоғаси, шоир Мир Саид Кобулий, кичик тоғаси шоир ва машшоқ Муҳаммад Али Ғарийбий доим у билан бирга эди. Кейинчалик бу икки тоғаси темурий подшоҳ Абу Саид томонидан ўлдирилганида, қаттиқ қайғурган эди. Бу икки фозил инсоннинг Алишер камолига кўп меҳнатлари сингган эди.

Алишер учун буюк маънавият хазинаси — мавлоно Лутфий, Хоразмий, Амирий, Атоий, Ҳайдар Хоразмий, Саккокий шеърлари, Абулқосим Фирдавсий, Амир Хусрав Деҳлавий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Ҳожир Қирмонийларнинг дostonлари, Рудакий, Умар Ҳайём, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Ҷомийларнинг девонлари эди.

У фақат ўзбек, форс тилларидаги асарларнигина эмас, балки озарбайжон, туркманчада битилган нодир қўлёзмаларни ўқиган, у тиллар нафосати билан ўз шеъриятини бойитишга интиланган. Болалигидан ўз халқининг тили, адабиёти, маданияти билангина чекланиб қолиш ҳисси унга ёт бўлган. Ёшлигидан ўзини бошқа халқлар, уларнинг маданиятига яқин тутишни фахр деб билган ва унинг ижоди шу эзгу йўналишда шакллланган. Фарҳодни Чин ўғли, Ширинни Армания қизи деб тасвирлаши тасодифий эмас¹.

Илм-маърифат ҳомийси бўлган Алишер Навоий мактаб ва маориф ишларига ҳар доим катта эътибор берди. Меҳнаткаш халқ болаларини ўқитиш ва тарбия-

¹ А. Ҳайитметов. Алишернинг ёшлиги. «Гулхан» журнали, 1987 йил, 12-сон, 20-бет.

лаш учун мактаб ва мадрасалар ташкил этишни давлат олдида турган бош масалалардан бири деб қаради, илм аҳлларига, муаллимларга муҳаббат билан муносабатда бўлди.

Алишер Навоий ўзининг бадий асарларида кўпинча, баркамол инсон тимсолини ифодаловчи ижобий образлар яратади. Илм-маърифат, ахлоқ-одобга доир ўй-фикрларни эса илмий-фалсафий ҳамда дидактик асарларида илгари суради. Бир сўз билан айтганда, у ақл кучига чексиз ишонади, илм-фаннинг хислати бағоят катта деб билади.

Алишер Навоий ўзининг жуда кўп асарларида болалар тарбиясига оид фикрларни илгари сурди. Айниқса, «Хамса»га кирган «Ҳайратул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби достонларининг баъзи бобларини бола тарбияси эгаллаганлигини қўради. Булар орасида «Ҳайратул-аброр» («Яхши кишиларнинг ҳайратланиши») фалсафийлиги, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий масалаларни қамраб олганлиги билан ажралиб туради. Шоир болаларни ўқимишли, одобли, ростгўй, ҳалол, пок, саҳий бўлишга; ота-онани, ўзидан катталарни ҳурмат қилишга, инсофли ва адолатли кишилар бўлиб камол топишга ундайди.

Халқни жондан севган Алишер Навоий инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва бахт-саодати учун курашади.

«Ҳайратул-аброр» достонининг олтинчи бобида шоир одоб ва камтарликни улуғлаб, таълим-тарбияга оид қимматли фикр-мулоҳазаларини баён этади.

«Ҳайратул-аброр» достонининг ўнинчи бобида тўғрилиқ, ростгўйлик ғояси илгари сурилади. Жумладан, «Шер ва Дуррож» масалида ёлғончилик ва эгриликнинг ёмон оқибатлари очиб берилади.

Достоннинг ўн биринчи ҳикояти ҳам диққатга сазовордир. Шоир унда илм-фанга, илм аҳлига юксак баҳо беради, кишиларни илм олишга, олимларни иззат-ҳурмат қилишга чақиради.

Шоирнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида чин севги ва вафо, дўстлик ва садоқат, меҳнат ва ижодкорлик, ватанпарварлик ҳамда қаҳрамонлик ғоялари куйланади. Асар болалар учун ёзилмаган бўлса-да, ундаги айрим лавҳалар болалар китобхонлиги доирасига киради. Шоир достонда Фарҳоднинг болалик чоғлари-

даноқ илм-ҳунарга, меҳнатга бўлган муҳаббатини зўр маҳорат ва самимият билан тасвирлаган.

Фарҳод ақл-фаросатли, зеҳнли бўлганлиги учун тез орада жуда кўп илмларни эгаллаб олади. Шоир Фарҳоднинг бундай ижобий фазилатларини зўр мамнуният билан ёзади:

Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,
Билиб тақиқини касб етмаган илм.

Алишер Навоийнинг энг гўзал дostonларидан бири «Лисонут-тайр» («Қуш тили»)дир. Дostonда мажозий образлар ва уларнинг ажойиб-ғаройиб саргузаштлари ётади.

Дostonнинг мазмуни мажозий бўлгани каби, унинг персонажлари ҳам мажозийдир. Семурғ — худо, Ҳуд-худ — шайх, муршид, қушлар — инсонлардир. Навоий Семурғни комил, энг олий борлиқ деб ҳисоблайди.

Алишер Навоий умрининг охирида «Маҳбубул-қулуб» дostonини яратди. У фалсафий ва ахлоқий-таълимий асар бўлиб, инсон тарбиясида муҳим ўрин тутади.

Уч қисмдан иборат бўлган бу китобда Навоий «Мактаб аҳли тўғрисида» ҳам алоҳида фикр юритади. Мактаб иши — ўқитувчи — устозлик дунёда энг мураккаб, хайрли ва шарафли касблардан биридир, дейди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, агар у подшо бўлиб кетса ҳам устоз — ўқитувчи олдида қарздор эканлигини таъкидлаш билан муаллимлик касбини улуғлайди:

Ҳақ йўлида кимки сенга қийналиб бир ҳарф ўқитган бўлса,
Унинг ҳақини юзга хазина билан ҳам адо қилиб бўлмайди.

Китобнинг учинчи қисмида ҳар қандай одам учун фойдаси тегадиган жуда кўп доно фикрлар ўртага ташланади. Бўлимнинг йигирма тўққизинчи мақолатида қуйидаги ибратли гаплар бор:

Илм ўрганмоқ — эътиқодни мустаҳкамлаш учундир, аммо бойлик орттирмоқ учун эмас. Саховатсиз бой — ёғинсиз булутга ўхшайди; илмига амал қилмаган олим — устига китоб ортилган эшакка ўхшайди.

Байт:

Ҳаммол қимматли юк ташиса ҳам,
Унга иш ҳақи бир-икки чақадан бошқа наф тегмайди.

Худди шу ўринда Навоий тилга эътибор бериш ҳақида ҳам ибратли фикрларни ўртага ташлайди:

Тил ширинлиги — кўнгилга ёқимлидир; мулоимлиги эса — фойдали. Чучук тил аччиққа айланса кўпчиликка зарари тегади; қанддан май тайёрланса ҳаром бўлади. Ширин сўз соф кўнгиллар учун асал каби тотлидир; болалар учун мулоим табиатли одам — ҳалвофуруш каби сеvimлидир.

Байт:

Яхши сўзга ким масту беҳуш бўлса,
Шарбат ичида заҳарни тотли қилади.

Кўриб ўтганимиздек, Алишер Навоий тарбия масалаларига, хусусан, болалар китобхонлигига ҳам алоҳида эътибор берган. Бу билан у ҳозирги замон ўзбек болалар адабиётининг ривожланишига катта замин тайёрлаган.

ЛИСОН УТ-ТАЙР

Товус узри

Сўнгра Товус этти узрини ибтидо,
Деди: — «К-эй сен барчамизга

муқтадо.

Мен кушемен касру гулшан зийнати,
Нақшу рангим аҳли олам ҳайрати.
Суратим гулшанга оройиш дурур,
Ҳайъатим кўрганга осойиш дурур.
Боғ аро мендин хазонда бўстон,
Бешада мендин қиш ичра гулистон.
Жилва айлар чоғда худлам зевари,
Сар-басар ойнаи Искандарий.
Тенгри бермиш ҳусну зеболиғ манга,
Ҳаддин ортиғ зебу раънолиғ манга.
Қим улус ҳуснум тамошо айлағай,
Офарин сунъ ифшо айлағай.
Ҳар кишини қилди ҳақ бир иш учун,
Нўш учун бирнию бирини ниш учун.
Ишқи қилмиш эзидин доно насиб,
Ҳам ул ишга ҳар не келса ё насиб.
Тенгри амридин бири маҳбуб эрур,
Лек шайтони лаин манқуб¹ эрур.

¹ Манқуб — хароб.

Ҳар бирига ўз тарийқидин Фироқ,
Зоҳиран таклиф эрур «мо ло ютоқ»¹.

Насрий баёни

Сўнгра Товус ўз узрини бошлаб шундай деди:

— Эй барчамизнинг бошлиғимиз! Мен қаср ва гулшанларга зийнат берувчи қушман. Менинг нақш ва рангларимдан олам аҳли ҳайратга тушади. Агар сурагим гулшанга оройиш берса, юришим кўрган кишига осойиш бағишлайди. Боғлар мен туфайли хазон пайтларида бўстонга, ўрмонлар мен туфайли қиш фасли гулстонга айланади. Агар жилва айлаб, ранг-баранг қанотларимни ёзсам, гўё бошдан-оёқ Искандар ойна²си намоён бўлгандек бўлади. Улус ҳуснимни томоша қилиб, яратганининг қудратига офарин айтсин учун тангри менга беқиёс ҳусну зеболик, ҳаддан ортиқ зебу раънолик бахш этган. Чунки ҳақ ҳар бир кишини бир иш учун яратган: биров асал тотиш учун яратилган бўлса, биров ниш ейди. Ана шу тарзда донолик билан иш кўрилиб, ҳар ким бошига тушганини, «ё насиб» деб кўраверади. Тангри амри билан пари дилга ёқимли бўлса, шайтон бадбахтликка маҳкумдир. Ҳар бир киши ўзига буюрилган ишдан четга чиқа олмайди, ундан ўзга таклифга эса тоқат қилиб бўлмайди!

Худҳуднинг жавоби

Товусқа

Худҳуд ул сўз нафъига очиб нафас,
Деди:— «К-эй жаҳл аҳли янглиғ
булҳавас.

Улча зоҳир айладинг аҳволдин.
Келгай ул мажнундину атфолдин.
Одам улгон зебу зоҳирдин демас,
Кимки ондин фаҳр этар-одам эмас.
Ноз ила ҳусн улди шоҳидлар ниш,
Дарду меҳнат бирла хуштур эр киши.
Барча сурат аҳлига ашрафдур ул,
Ким сувардин элтгай маънига йул.
Сенки бу суратқа бўлдунг мубтало,
Ур тамасхурға улус урғай сало,
Зеби зоҳир жуз тамасхур келмади,
Кимсага ондин тафохур келмади».

¹ «Мо ло ютоқ» — тоқат қилиб бўлмайдиган.

² Искандар ойнаси — афсонага кўра эрампиздан аввалги 356—323 йилларда яшаган македониялик шоҳ Филиппнинг ўғли Искандар томонидан темирга сайқал бериб яратилган ойна. Гўё унда жаҳондаги содир бўлаётган нарсаларни кўрса бўлади.

Насрий баёни

Худҳуд унга жавоб бериш учун нафасини ростлаб, шундай деди:

— Эй, жаҳолат аҳли каби ҳар нарсани ҳавас қилувчи! Сен шундай ҳолатларни баён этдингки, бу иш фақат девоналар ва ёш болалар қўлидангина кела олади, холос! Одам деган ташқи гўзаллик ҳақида сўз айтмайди. Кимки ундан фахр этар экан, уни одам қаторига қўшиб бўлмайди. Ноз ва ҳусн фақат дилбар қизларгагина ярашади. Эр киши эса дард ва машаққат чекиш билан яхшидир. Барча шакл аҳли шаклдан маъно томон олиб боради. Сен ўз шаклингга бино қўйдинг, бунинг учун кишилар томонидан масхара эгилишга лойиқсан. Чунки инсон ўз ташқи гўзаллиги билан фахрланмайди, агар фахрланса, у масхаралашга сазовордир!

Насрий баён муаллифи Ш. Шарипов,

МУҲАММАД ШАРИФ ГУЛХАНИЙ

Гулханий XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида яшаб ижод этган ва бу давр ўзбек адабиётида ўзига хос ўринда турадиган ёзувчидир. Унинг асл исм-шарифи Муҳаммад Шариф бўлиб, Гулханий эса унинг адабий тахаллусидир. Тахминларга кўра, у XVIII асрнинг 70-йилларида ҳозирги Хўжанд вилоятининг Дарвоза қишлоғида дунёга келади.

Бўлажак ёзувчининг болалиги ўзи оламга келган тоғ қишлоғида ўтади. Бу ерда озми-кўпми ўқиб, савод чиқаради, адабиётга бўлган ҳаваси ортади. Шеъриятга онд кўплаб асарлар ўқийди, халқ оғзаки ижодини берилиб ўрганади ва аста-секин шеърый машқлари бошланади. У ўз илмини ошириш мақсадида аввал Наманган ва сўنгра Фарғонага келади, қизиқчилиги, ҳозиржавоблиги ва ҳажвий шеърлари билан кишилар ўртасида танила бошлайди. Айниқса, ғариблик туркумидаги рубоий ва тўртликлари билан эл оғзига тушади. Шоир кейинчалик Қўқонга келади ва қийинчилик билан яшайди. Тирикчилик ўтказиш учун ҳаммомда ўт ёқувчи бўлиб ишлайди. У ўзбекча шеърларига Гулханий, тожикча шеърларига Журъат деб тахаллус қўяди.

Гулханий бир неча йил Қўқон хони Олимхон саройида навкар бўлиб хизмат қилган, жангларда қаҳрамонлик кўрсатган бўлса-да, аммо очлик, юпунлик, муҳтожлик унинг ҳамроҳи бўлиб қолаверади.

Гулханийнинг «бер менга» радибли шеъри унинг навкарлик даврида ёзилган асардир. Ҳазал оч қолган кишининг ўз хўжайинидан нон сўраши билан бошланиб, лирик қаҳрамон — навкарнинг қалб аламлари сўнгги байтларда изчил очила боради.

Бу ғазалга чуқурроқ назар ташланса, унда фақат якка, очликдан тинкаси қуриган айрим шахс ҳақида гапирилмай, балки катта ижтимоий масала ҳақида — Олимхоннинг навкарлари орасидаги ички ҳаёт шароити бўлади. Ҳазалда лирик қаҳрамоннинг образи умумлашма образ даражасигача кўтарилган, чунки Олимхон навкарларидан фақат Гулханий хон илтифотига сазовор бўлолмади, деган қарорга келиш янглишдир. Демак, лирик қаҳрамон — навкар ўз бошидан кечирганларини баён қилиш асосида Олимхоннинг навкарларга муруватсизлиги ва қўшиндаги тартибсизликни фoš қилади. Ўз ҳуқуқини ёқлаш билан бошқа навкарларни ҳам ана шундай иш кўришга даъват этади:

Ҳазратим очликдан ўлдим, егани нон бер менга,
Кофир ўлғайман агар десамки, бахмон бер менга.
Мошу бугдою гуруч берким, шулар менга керак,
Ҳеч айтмасман ақиқу, лаълу маржон бер менга.
Эғнима ёпиқ бериб, қорнимни тўйғиз нон билан,
Сенга биллоҳким демасман дину имон бер менга.
Навкарнинг очликдан ўлса, нега ҳайфинг келмагай,
Эй табиби ҳозиқим, дорию дармон бер менга.
Нону тўн бер, бенаволик дардидин қутқар мени,
Мен қачон айтдимки, Қорун ганжидек кон бер менга...
Гулханийни эр йигитлар тўпидан камситмагин,
Фўта бер, от бер, тўну чакмон бер менга.

Халқ золим деб атаган Олимхондан кейин Қўқон тахтига чиққан Умархон ҳукмронлиги даврида ҳам Гулханий турмушида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади.

Гулханий бошда адашиб, турмушим яхши бўлармикан, қорним нонга тўярмикан, деган ўй-умидлар билан Умархон саройидаги маддоҳ шонрлар гуруҳига қўшилади. Хонни мақтаб қасида ва ғазаллар ёзади. Қасидаларида Умархонни кўкларга кўтариб мақтади, хонга унда бўлмаган яхши хислатларни тақди, уни фуқаронарвар, адолатпарвар, зулм ва ҳақсизликка хотима берувчи киши қилиб тасвирлади ва бу билан хонни ана

шундай ижобий хислатлар эгаси бўлишга даъват этди. Аммо Умархон саройидаги фиқҳ-фужурлар, мунофиқликлар, хон ва уни ўраб олган аркони давлат — давлат таянчлари томонидан халқ бошига келтирилган қора кунлар Гулханийдек хассос шоирнинг сарой аҳлига бўлган муносабатини ўзгартириб юборди: энди у баъзан ихтиёрий равишда ва баъзан пайравлик қилиб шоҳни таърифлашдан чекинадиган бўлди, ўз эътирозларини билдира бошлади.

Гулханий XIX асрнинг биринчи ярмида вафот этади.

«Зарбулмасал» халқ эртаклари тахлитиде ёзилган мукаммал мазмунли ўткир сатирик асардир. Гулханий ўзининг бу асарида халқнинг мазмундор мақоллари, ҳикматли сўзлари ва қочириқ гапларидан моҳирлик билан фойдаланади. У феодаал ҳукмдорлар ва уларнинг лаганбардорларини, сарой аҳлининг ярамас кирдиқорларини мажоз йўли билан ўткир сатира остига олади. Чунки у меҳнаткаш халқнинг оғир, машаққатли ҳаётини ўз кўзи билан кўрди, сарой базмлари, кети узилмас майпарастилликлар халқни талаш ҳисобига бўлишини пайқайди ва бундай салбий ишлар унинг кўзини очди. Натижада, унда сарой аристократиясига нисбатан нафрат ҳисси тобора ошиб борди. Аммо шоир, шаронгга кўра, ҳукмрон доиралардан норозилигини ва нафратини очиқ-ойдин ифодамай олмас эди. Шунинг учун мажозий шаклдаги «Зарбулмасал» асарини ёзишга киришди. Асарда шоирнинг мақсади, ҳаётга, уни ўраб олган муҳитга, ҳоким табақаларга бўлган муносабати тўғридан-тўғри ифода этилмай, балки ҳайвонлар, қушлар ва шунга ўхшаш мажозий образларнинг тасвири орқали ифодаланади. Шоир шу зайдда ўзи яшаган замон учун аниқ ва характерли воқеа-ҳодисаларни, уларга ўзининг муносабатини, қарашларини тасвирлайди.

Муаллиф ўз масалларида мажозий образлар орқали ўша даврдаги ҳукмрон синф вакиллариини фош қилади, мамлакатга харобалик, халққа қашшоқлик келтирган ўзаро феодаал урушларига қарши омманинг норозилигини ифодалайди.

Гулханий ўз замонасида содир бўлаётган талон-торож, халқни қийнаш, ортиқча солиқлар солиш каби воқеаларни очиқдан-очиқ ёза олмас эди. У бунини фақат эртақ йўли билан амалга ошириш мумкин эканлигини тушунади. Шунинг учун Япалоққуш ва Бойўғ-

лининг бир-бирига қуда бўлиши воқеасини келтиради. Бу икки қуда тўй баҳонаси билан мамлакатни хонавайрон қилади. Ёзувчи Қўрқуш, Худҳуд, Кулонкирсултон, Шўранул, Малик Шоҳим ва Кордонларнинг бир-бирларига айтган масаллари, ҳикоялари орқали асарнинг ғоявий мазмунини очади.

Япалоққуш ва Бойўғлилар юқори табақа вакиллари. Уларнинг хатти-ҳаракатлари очкўз ва қонхўр бўри, алдамчи ва шайтон тулкиларга ўхшайди. Буларнинг ўй-фикрлари, юриш-туришлари шумлик, шаҳар ва қишлоқларнинг вайрон бўлиши улар учун байрамдир.

«Зарбулмасал»да қаҳрамонлар тилидан айтиладиган масаллар ҳам бир талай бўлиб, уларнинг ичида «Маймун билан Нажжор», «Туя билан Бўталоқ», «Тошбақа билан Чаён» ва бошқалар ажралиб туради.

МАЙМУН БИЛАН НАЖЖОР

Бор эди Қашмир навоҳида тоғ,
Боғи Эрам рашкидин кўкида доғ.
Анда иморатга яролиғ яғоч,
Эни бир қулоч, бўйи — ўн икки қулоч.
Бор эди кўп неъматли алвонлари,
Хурраму маъмур эди ҳайвонлари.
Зулф каби сунбули хушбўйлари,
Роҳатижон эрди оқар сувлари.
Уйдан улуғроқ эди бир гулбуне,
Анда ватан тутмиш эди маймуне.
Жон сотиб ўзни ўйин этарди тан,
Ўқур эди қиссаи «Ҳуббул ватан».
Ер эди кўнгли тилаган мевасин,
Бошлар эди одамилиқ шевасин.
Бир куни нажжори хирадманди фард,
Кўнгли ёғоч йўқлиғидин қилди дард.
Элига нав кисаларин мистари.
Расм эди нажжор яғоч истари.
Борди ўшал тоғқа — мавқуф эди,
Шаҳрни зиндонидин озод ўлуб,
Тоғни Шириниға Фарҳод ўлуб.
Сонур эди ўзини тоғ Хисрави,
Тоғни ўқуб Деҳлавийи маънавий.
Бориб анга кести ёғоч решасин,
Қўйди ўшал ерда унутиб тешасин.
Ўзга тоғга бориб яна кести яғоч.

Ёрмоқни магар яна қилди илож.
 Болга бирла бир учини ёрди ул.
 Пона қўюб теша сари борди ул.
 Тушти баногоҳ анга маймун кўзи.
 Оқилу доно сонуб ул дам ўзи
 Айди: «Улус ичра бу бир касбдур,
 Касбни бошини кессанг насбдур.
 Кисаи пурзар эмиш элга ҳунар.
 Беҳунар элни дедилар: «Гўшти хар».
 Мен дахи нажжорликни ўрганай,
 Болаларим барчасига ўргатай».
 Жаҳд қилиб турди равон борголи,
 Яъни ёғоч қолмишини ёрголи.
 Бар сари он чўби кафида расид...
 Минди ёғоч устига нажжордек,
 Қосиби пургурдаи пуркордек.
 Кетти ҳунар шавқи била ғуссаси,
 Тушти яғоч айрисига думчаси.
 Бил, кейинидин бўлди тутулмоқлиғи,
 Мумкин эмас ўлди қутулмоқлиғи.
 Одамани жинсида йўқ қиссаси,
 Қолди онинг думчасининг ҳиссаси.

Насрий баёни

Кашмир атрофида бир тоғ бор эди. Унинг гўзаллигига Эрам боғи рашиқ қиларди. У тоғда бўйи ўн икки ва эни бир қулочлик иморатбоп ёғочлар ва хилма-хил ноз-неъматлар бор эди. У ернинг ҳайвонлари ҳам дориламон яшардилар. У ернинг хушбўй сунбуллари гўзаллар зулфидек, оқар сувлари ҳам жоннинг роҳати эди.

Тоғда уйдан каттароқ ғовлаб кетган бир гул тупи бўлиб, у ерда бир маймун яшарди. Жон куйдириб, ўз уй-жойи пайдан бўлар ва тинмай «Севиқли ватан» қўшиғини айтарди. У кўнгли тилаган меваларни ер ва одамлар қиладиган ишлар пайдан бўларди.

Бир куни фаҳм-фаросатда ягона дурадгор ёғоч йўқлигидан кўнгли ғаш тортиб, қўлига нақш чизадиган янги чизигини олди. Ёғоч излаб топиш — унинг одати эди. Дурадгор ўзига илгаридан таниш бўлган, аммо кесниши кейинроққа мўлжалланган яхши дарахтлари бўлган ўша тоққа борди. У шаҳар зиндонидан қутулиб, тоғ Ширинига Фарҳод бўлиб, ўзини тоғ шоҳи, тоғни эса устоз Деҳлавий ҳисоблаб жўнади. Етиб бориб, ёғоч

илдизини кесди ва ўша ерда ўз тешасини унутиб қолдирди. Бошқа тоққа бориб яна ёғоч кесди ва уни ёриш гали келганда, болта билан бир учини ёриб пона қўйди-да, тешани олиб келгани кетди.

Тўсатдан бунга маймуннинг кўзи тушиб қолди. У ўзини ақлли ва донога йўйиб, ўзига: «Халқ орасида бу ҳам бир касб. Қасбдан воз кечсанг, ҳақорат эшитасан. Хунар — элнинг тилла тўла чўнтаги эммиш. Хунарсиз кишиларни «Эшакнинг қулоғи» дейдилар. Мен ҳам дурадгорликни ўрганай ва барча болаларимга ҳам ўргатайин» деди.

У ғайрат билан ўрнидан турди ва ёғочнинг қолганини ёриш учун ёриқ бошига етди. У дурадгордек ёғочнинг устига минди. Унинг важоҳати кўп иш кўрган устага ўхшарди. Хунар иштиёқи билан кўнгли ёзилиб, ёғоч ёриғига думи тушиб қолди. Понани тортгани билан, ўз кейинидан тутилгани учун қутилиш мумкин бўлмай қолди. Одамзод орасида бунақа ҳодиса бўлмаган эди: маймуннинг бир парча думи ёғоч орасида узилиб қолди.

ТУЯ БИЛАН БЎТАЛОҚ

Бор эди Фарғонада бир сарбон,
Теваси бор эрди туғди ногаҳон.
Кўп аёлманд эрди-ю ҳам тангдаст...
Аҳли аёли анинг бас эрди чўқ,
Озуқидан кулбасида нарса йўқ.
Ҳосили дунё эди бир теваси,
Эмадургон орқасида бўтаси.
Бир куни ул тевасини қумлоди,
Ортадурган юкларини жублоди.
Юк оғир эдию ҳам йўл йироқ,
Ўртоди тайлоқни нори фироқ.
Фасли тамуз эрди ҳаво кўп исиг,
Пўлда темурдек эди қумлар қизиг,
Оч ўтина куйди онодин жудо,
Модарини меҳрида эрди адо.
Жаҳд ила етмай аносин кейиндин,
Қумда куярди ғами ул сийпадин.
Оғди юки йўлда, ўшал сарбон,
Ерга чўкурди тузатай деб равон.
Бўтаси бориб эди орқосидин,
Энди ҳароратлари яғмосидин.

Юзланиб айтди: «Аё бераҳм онам,
Куйди-ю ёнди, туташди танам.
Аста-аста юрсанг на бўлғай, на ғам?
Сина сутингдин эмайин дамбадам»,
Айди аноси балосига боқиб,
Кўзларини ёшлари селдек оқиб:
«Кўрки, бурундуқ кишини қўлида,
Бу кишини кўзлари ўз йўлида.
Манда агар зарра каби ихтиёр —
Бўлса эрди: бўлмас эрдим зери бор».

Насрий баёни

Фарғонада бир туякаш бор эди. Тўсатдан туяси туғди. Сарбон жуда аёлманд бўлиб, қўли қисқа эди. Оила аъзолари жуда кўп, аммо кулбасида ҳеч емиш қолмаган эди. Унинг дунёдаги ягона бойлиги бир туяси ва унинг орқасидаги бўталоғи эди.

Бир кун у туясини абзаллаб, ортадиган юкларини юклади ва йўлга тушди. Юк жуда оғир, аммо сафар манзили жуда йироқ эди. Бўталоғи онасидан қолиб кетиб роса қийналарди. Чунки саратон фасли бўлиб, ҳаво жуда иссиқ; йўлдаги қумлар темирдек қизиган эди. Бўғалоқ онасига етолмай — оч қолиб, онасининг меҳридан йироқда адойи тамом бўлаёзди. Қанчалик чопмасин онасига етиб юролмас, очлик ва ташналик азобидан қутулиш учун онасини эмгиси келарди.

Йўлда туянинг юки сал оғди-ю туякаш юкни тузатгани туяни чўқтирди. Кучли ҳарорат дастидан куйиб-ёнган боласи ҳам етиб борди ва онасига юзланиб деди: «Эй, раҳмсиз она! Куйиб ёндим. Олов танамга туташди. Астароқ юрсанг нетади! Мен ҳам сутингдан гоҳ-гоҳ эмайин».

Онаси кўз ёшларини селдек оқизиб боласига боқиб деди: «Кўргин: бурундуқ манови кишининг қўлида-ку. Унинг кўзи етар манзили йўлидадир. Оҳ, агар менда заррача ихтиёр бўлса эди, юк остида эзилиб юрармидим?»

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ

(1878—1934)

Ўзбек маданиятининг улкан вакилларидан бири, педагог, жамоат арбоби ва ёзувчи Абдулла Авлониёв

1878 йилда Тошкент шаҳрида тўқувчи оиласида дунёга келади.

Абдулла Авлоний бошланғич диний мактабда ва мадрасада ўқиди, илм-фанга ихлос қўйди. Ўзбек ва бошқа Шарқ халқлари адабиётини берилиб ўрганди. Абдулла Авлоний 14 ёшидан бошлаб шеърлар ёзишни машқ қила бошлади. Унинг бу даврда ёзган илк шеърлари ўша давр вақтли матбуот саҳифаларида босилиб туради.

Абдулла Авлоний халқни илм-фан нурларидан баҳраманд қилишни ўзининг бирдан-бир бурчи деб билади ва 1904 йилда ўзи яшаб турган жойда, Мирободда мактаб очади.

Абдулла Авлоний мактаб ҳар томонлама болани ўзига тортиши учун ҳаракат қилди. Унинг қўлидан дурадгорлик ишлари ҳам келар эди. Шунинг учун у ёзув тахтаси, парта ясаб, барча ўқув жиҳозларини ўзгартиради. Бу ерда ўқийдиган болаларнинг катта-кўпчилигини камбағалларнинг болалари ташкил этганлиги сабабли муаллим бой-бадавлат дўстларининг кўмагида «Жамияти хайрия» ташкил этади. Бу билан болаларга кийим-бош, озиқ-овқат, дафтар, қалам бепул бўлишини таъминлайди.

Авлоний очган мактабнинг шуҳрати тобора ортиб, ўқувчиларнинг сони кўпая боради.

Абдулла Авлоний ўзи ташкил қилган мактабда болалар диққатини асосий фанларга жалб этиб, уларнинг тезда саводини чиқаришга ва аниқ фанлардан баҳраманд бўлишига ҳаракат қилди. У болаларга жўғрофия, тарих, адабиёт, тил, ҳисоб, ҳандаса, ҳикмат (физика) каби фанлардан маълумотлар беради.

1907 йилда «Шуҳрат» деб номланган рўзнома ташкил этади ва унинг саҳифаларида меҳнаткаш халқ манфаатларини ҳимоя қилишга доир фикрларни тарғиб этади. Жумладан, рўзноманинг биринчи сониди: «Матбуот ҳар инсонга ўз ҳолини кўрсатувчи, аҳвол оламдан ҳабад берувчи, қоронғи кунларни ёритувчи, халқ орасида фикр тарқатувчи, илм, иттифоқ, ҳиммат ғояларини» ёювчидир, деб ёзган эди.

А. Авлоний «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» деб номланган тўрт қисмдан иборат бўлган дарслигида маориф-маданиятга чорлайди, ярамас хулқ-одатларни эса танқид қилади.

Уша давр халқ педагогикасида Абдулла Авлонийнинг «Биринчи муаллим» — «Алифбе», «Иккинчи муаллим» — «Ўқиш» китоблари катта роль ўйнади.

Бу китобларда Авлоний ўтмиш адабиётимизнинг энг яхши анъаналарини давом эттирди, илм ва маърифатнинг аҳамиятини янгичасига талқин этди. «Биринчи муаллим» — «Алифбе», «Иккинчи муаллим» эса «Ўқиш китоби» ролини бажарди.

«Биринчи муаллим»да Авлоний даставвал 32 ҳарфнинг ёлғиз ёзиладиган шаклларини бир саҳифада алифбо тартибида берган. Шу саҳифада алифнинг сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида ёзилишини кўрсатган, сўнг алифни барча «бош ҳарфлар»га қўшиб бўғинлар ҳосил қилган.

«Иккинчи муаллим»да болаларнинг ахлоқ, одобига доир, ҳалоллик ва покликка оид турли шеърлар, ҳикоя, масал ва эртаклар жамланган, ранг-баранг аллегорик образлардан усталик билан фойдаланилган.

Китоб «Мактаб» шеъри билан бошланади. Унда кимки мактабга борса, ўқиса, саводхон бўлса, жуда кўп нарсаларга эришажаги чиройли таърифланади:

Мактаб дуру гавҳар сочар,
Мактаб сизга жаннат очар,
Мактаб жаҳолатдан қочар,
Ғайрат қилиб ўқинг, ўғлон!
Мактаб сизни инсон қилур,
Мактаб ҳаё эҳсон қилур,
Мактаб ғамни вайрон қилур,
Ғайрат қилиб ўқинг, ўғлон!..

Дарсликда ибратомуз шеър, ҳикоя ва эртаклар бир талай.

Абдулла Авлоний 1904 йилдан умрининг охирига қадар ўқитувчи бўлиб ишлади. У ўнлаб шеърлар, «Мактаб гулистони», «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» каби дарсликлари билан ҳозирги замон ўзбек болалар адабиётининг пойдеворини қўйган эди. Узоқ йиллар қайта-қайта нашр этилган «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Носир Хусравнинг «Саодатнома», Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Жомийнинг «Баҳористон», Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», Донишнинг «Фарзандларга васият» типидagi ўзига хос тарбиявий асардир. Унда Абдулла Авлоний ўзининг ижтимоий ва ахлоқий қарашларини ёритади. Асарнинг сўз бошисида муаллиф бу ҳақда шун-

дай ёзади: «Мен бу асаримни мактабларимизнинг юқори синфларида таълим бермак ила баробар улуғ адабиёт муҳиблари — ахлоқ ҳаваскорларининг эътиборларига тақдим қилдим».

Дарсликдаги ҳар бир бўлим таълим-тарбиянинг муҳим бир масаласига бағишланган бўлиб, уларнинг бири иккинчисини тўлдиради, такомиллаштиради. Ҳар бир бўлимда кичик ҳажмли, ибратли ҳикоялар келтирилади, шеърӣ парчаларда ёки ҳикматли сўзларда «қиссадан ҳисса» чиқарилади. Ёзувчи бу асарида халқ оғзаки ижодидан кенг фойдаланган.

Абдулла Авлонийнинг «Баҳор келди», «Булбул», «Бола ила гул», «Ёлғончи чўпон», «Тулкн ила қарға» каби жуда кўп шеърлари мактабгача тарбия ёшидаги болаларга бағишланган.

«Мактаб боласи» шеъри бошланғич синф ўқувчилари ҳаётидан олиб ёзилган. Асарда ишёқмас, дангаса боланинг қалбида ўқишга муҳаббат уйғониши умумий ўқушида баён этилади:

Йўлга солди тил ила йўлдошин,
Мактабга мойил айлади бошин.
Солди ўртоғининг сўзига қулоғ,
Босди ул ҳам ўқув йўлига оёғ.
Иккиси бирга бўлдилар мулло,
Чикди хату савод ҳам имло.

Шу тариқа шоир қиссадан ҳисса чиқарар экан, «яхши билан юрсанг етарсан муродга» ғоясини илгари суради.

Абдулла Авлоний ўзбек адабиётида драма жанрининг ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшди. Унинг «Адвокатлик осонми?», «Пинак», «Биз ва сиз» пьесалари адабиётимиз тарихида ўчмас из қолдирди.

Абдулла Авлоний 1934 йилда вафот этган. У маърифатчи шоир, драматург, журналист, режиссёр, таржимон, актёр, жамоатчи муаллим сифатида халқимиз қалбида машғу сақланиб қолади.

ЯМОН ОТЛИҚ ЖАЗОСИ

Бир кишининг Қосим исмли бир ўғли бор эрди. Ота ва онасининг сўзига кирмасдан ҳар хил ёмон ишларни қилур эрди. Болалар бирла урушуб, яқолашуб, кийимларини йиртуб келур эрди. Уйда онаси меҳмон учун асраб қўйган таомларини егон вақтда, онаси:

— «Қосим ўғлим! Таомни сен едингму?» деса,— Мен еганим йўқ, мушук егондур»,— дер эди. Бора-бора отасини пулини ҳам ўғурлаб оладургон бўлди. Отаси библиб, «Ўғлим, пулни ким олди?»— деса, «Онам олгандур»,— деб онасини ўғри қилур эрди. Бир куни отаси устол устига бир танга пул қўюб, ўзи ухлаган киши бўлуб ётди. Қосим келуб, секин тангани олиб оғзига солди. Шул вақт отаси ушлаб олмоқчи бўлгонда тангани ютуб юборди. Танга боруб Қосимнинг ҳалқумига тикилиб, жон берди.

Эй, болалар! Қўрдингизми, ёмоннинг ёмонлиги ўз бошига етди.

ҚАНОАТ

Бир кишининг Али ва Вали исмли икки ўғли бор эди. Али қаноатли, Вали қаноатсиз эди. Бир кун отаси бозордан олма олуб келуб, болаларини синамоқ учун чақируб, мана, сизга олма бераман,— деди. Вали тезлик бирла келуб: «Отажон, менга ҳаммасини беринг», деди.

Али секингина келуб, менга биргина олма берсангиз бўладур, деди. Отаси Алининг қаноатига офарин қилуб, қучоғига олуб, пешонасидан ўпуб, икки олма берди. Аммо Валига олма бермак қайда, балки қаноатсиз бўлма, деб адаб берди.

Қаноат бирла қорин тўйдурарсиз,
Қаноат бўлмаса кўп оч бўлурсиз.
Қаноатсиз киши бағрини доғлар,
Қаноатли киши оғзини ёғлар.

ЯХШИЛИК ЕРДА ҚОЛМАС

Бир ари сув устинда учиб борур эди. Бирдан сувга йиқилуб кетди. Қанотлари ҳўл бўлуб учарга кучи етмади. Улар ҳолатга етди. Буни бир кабутар кўруб, Арига раҳми келуб дарҳол бир чўбни тишлаб, сувга ташлади. Бечора Ари бу чўбни кема қилуб, сув балосидан қутулди. Ародан кўп ўтмади. Бир бола тузоқ қўюб, Кабутарни тутмоқчи бўлди. Ари буни кўрган замон келуб, болани қулоғини чақди. Бола қулоғининг алаmidан тузоқни ташлаб, қулоғини ушлади. Кабутар вақтни ғанимат билуб, учуб кетуб ўлумдан қутулди.

Яхшилик қилсанг, бўлур жонинг омон,
Яхшиликдан ҳеч киши қилмас зиён.
Яхши сўз бирлан илон индан чиқар,
Сўз ёмон бўлса, пичоқ қиндан чиқар.

ТУҒРИЛИК

Бир кампирнинг уйинда бир туп балх тутти бор эрди. Ниҳоятда тўғри ўсган эди. Бечора кампирнинг шул тутдан бошқа ҳеч нарсаси йўқ эди. Пишган вақтда қурутуб олуб, бордонга солуб, бойларга тортуқ қилуб, пул олуб, бутун авқотини тут сотуб ўтказур эди. Бир кун ул шаҳарнинг подшоҳи бир айвон солмоқчи бўлуб устун ахтарганда, кампирнинг тутти тўғри келди. Подшоҳ тутни минг олтунга сотуб олди. Бечора кампир бой хотун бўлуб қолди. Бир кун тутни қўргали борди. Қўрдики, тутти жаннат каби бир айвон ўртасинда турубдур. Кампир тутига қараб дедик:

Эй, тутим, тўғрилиғинг қилди бизи
давлатга ёр,
Эгрн бўлсанг, сан ўтун бўлғай эдинг,
ман хор-зор.
Тўғрилар жаннатнинг айвонидадур,
Ўғрилар ранжу алам конидадур.

ИТТИФОҚ

Жониворлар ичинда энг кичиклари чумолидур. Лекин ўзлари кичик бўлсалар ҳам ниҳоятда ғайратлик, иттифоқ ҳайвонлардур. Ўзларича подшоҳлари, катталари, аскарлари бўладур. Улуғлари нимани буюрса, шунни қилур. Иттифоқ ва ғайратлари соясинда ўзларидан катта-катта душманлардан қўрқмаслар. Агар Ари каби душман келуб, бирларига тегса, ҳамма-ҳаммалари бирдан ёшушуб, бири қўлини, бири аёғини, бири қанотини қаттиқ тишлаб, ўзларидан неча баробар катта бўлса ҳам тезгина қочурурлар.

Қўрдингизми, бунинг ўзи ҳўб майдадур,
Бирлашуб арқон бўлса, фил бойланур.
Иттифоқа куч-қувват кор айламас.
Иттифоқа жин ҳам озор айламас.

ИТИЛАГАДО

Бир ит эгасининг эшигини пойлаб ётмиш эди. Елкасида хуржин, қўлида таёқ кўтарган бир Гадо кириб келди. Ит бунни кўрган замон вовуллай бошлади. Бечора тиланчи итга боқуб, ёлворуб: «Ҳе, жонивор, манга боқ, марҳамат қил. Икки кундан бери таом еганим

йўқ. Очликдан ўлар ҳолатга етдим», деди. Ит Тилан-
чийга боқуб: «Бу мани санга қилган марҳаматим эмас-
му, Уйдаги кишилар мани товушимни эшитуб, чиқуб
санинг қорнингни тўйғазурлар», деди.

Ҳисса: Баҳоси арзонни сўзи қимматли бўлур.

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ

(1889—1929)

Болалар адабиётининг таниқли намояндаларидан
бири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1889 йилда Қўқон
шаҳрида табиб оиласида дунёга келди. Бўлажақ шоир-
ни жуда эрта мактабга берадилар. Бўлажақ ижодкор
мадрасада ҳам таҳсил олади.

Мавлоно Лутфий ва буюк Алишер Навоий асарла-
рини мутолаа қилиш, форс-тожик ва озарбайжон клас-
сиклари ижоди билан танишиш, Гулханий, Муқимий,
Фурқат каби халқпарвар шоирлар ижодини севиб ўр-
ганиш, ўзбек халқ қўшиқлари, эртаклари ва дostonла-
рини зеҳн қўйиб тинглаш, ўша вақтларда чиқиб тур-
ган рўзнома ва ойномаларни ўқиш, айниқса, халқ ҳаё-
ти ичида қайнаш — Ҳамза учун ҳақиқий дорилфунун
ғазифасини ўтайди. Ўзи ҳам илм-маърифатни тарғиб
қилиб, шеърлар ёза бошлайди.

Ижодкор ёшликдан бошлаб меҳнаткаш халқ ҳаёти-
ни ўз кўзи билан кўриб, кузатиб ўсади. Халқ эрксия-
лигини илм, маърифатдан йироқликда деб билади.
Шукинг учун бутун кучини меҳнаткашларнинг фар-
зандларини ўқитиш, илм-фан нурларидан баҳраманд
қилишга бағишлашга қарор қилади. Ун олти ёшида
«Ниҳом» таҳаллуси билан шеърлар ёза бошлаган ва
ўз асарлари билан анча танилиб қолган Ҳамза 1911
йилда педагогик фаолиятини ҳам бошлаб юборади.
Қўқонда мактаб очиб, камбағалларнинг фарзандлари
ва етим-есир болаларни ўқита бошлайди. «Ёрдам
жамияти» ташкил этиб, болаларни ўқув ашёлари, ки-
йим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминлаб туради.
Аммо унинг хайрли ишлари амалдорлар томонидан
қаттиқ қаршиликка учрайди, Ҳамза очган мактаб маж-
буран ёпиб қўйилади.

Ўз ҳаётини, ижодини меҳнаткаш халқ манфаатла-
рига бағишлашга қарор қилган Ҳамза бир неча вақт
чет элларда сафарда бўлади. У қаерда бўлмасин, яна

мактаб очиш, ёш авлодни ўқитиш, тарбиялаш ҳақида ўйлайди. Бу даврда болалар учун ўз она тилларида замонавий дарслик ва қўлланмалар йўқ эди. Ҳамза шу йиллари биринчи синф учун «Енгил адабиёт» ва иккинчи синф учун «Ўқиш китоби» дарсликларини ёзди.

Ҳамза бу дарсликлари орқали ўқувчиларни адабиётни севишга, уни тушунишга даъват этади. Педагог-шоир аввал дидактик йўл билан илм-маърифатни улуғласа, кейин бадний усул қўллайди.

«Енгил адабиёт»га кирган асарларининг бир қанчасида шоир ҳамма болаларга ибрат бўла оладиган ижобий қаҳрамон образини яратди. Асарларда илм юлиш, маърифатли бўлишнинг фойдаси хусусида сўз юритади. Шоирнинг фикрича, «Илм олиш ҳар бир кишини нодонликдан ва жаҳолатдан» қутқаради, унга обрў бағишлайди. Дунёнинг сирларидан огоҳ қилади.

«Тўғри сўз бола» асарининг қаҳрамони тўғри сўзлик ва ҳалолликни ҳаётининг мазмуни деб билади. У ўзининг шу фазилати билан ғолиб чиқади. Воқеа бундай:

Бир бола мактабдан қайтаётганида икки киши унинг олдини тўсиб, бири деди: «Танга берурман сенга, сўзла бир озгина ёлғон менга». Бола бу саволдан асло эсанкирамайди, балки босиқлик ва донолик билан:

Сўзланг ака қоматингизга қараб,
Бу сўзингиз аслида ёлғон эрур.
Тангага ёлғонни ким олган эрур?
Сизда кўп эркан ўзи ёлғон, ако,
Сиз ани аввал сотиб айланг адо.
Қолса камиб, етмай агар сизданам,
Ўртогингизда кўп эрур бизданам, —

дея ҳар иккаласини ҳам уялтиради, мот қилади.

Бу асари орқали Ҳамза ёш китобхонни жуда ёшлигидан бошлабоқ ростгўй, ҳалол бўлишга чақиради, ёлғончилик ва алдамчиликка нафрат уйғотади.

Дарсликда бундай ибратомуз асарлар жуда кўп. Масалан, «Биринчи синф боласининг сўзи» ни олиб кўрайлик. Шеър бор-йўғи тўрт мисрадан иборат. Аммо унинг маъно ва мазмуни катта бир китобдек. Асар қаҳрамонининг эзгу тилаги — ўқиш. Ўқиса, савод чиқарса катта бойлик топиб олгандек, армонига етгандек бўлади:

Менинг ўқуб, ёзганим,
Олту, кумуш қазганим.
Тилак сари учувга
Гўё қанот ёзганим.

Шоирнинг «Мактаб хусусинда», «Илми тарғиб», «Қалам» каби шеърларида илм-маърифат улуғланади. Асарлар жуда содда, маъно ва мазмун ҳам болалар тушунадиган ва ёдларида узоқ вақт сақланадиган даражада ёзилган.

Ҳамза 1914 йилда «Ўқиш китоби»ни яратди. Унда бор-йўғи тўққизта дарс бўлиб, ҳар бири ахлоқий масалага бағишланган. Асарларнинг қаҳрамонлари ўзларида ижобий фазилатларни мужассамлантирган мактаб ўқувчиларидир.

«Бир ақлли мактаб боласининг ўз-ўзича домласининг қилган тарбиялари ёдига тушиб, фикрланиб, деган сўзлари» сарлавҳали иккинчи дарсда боланинг нутқи — таърифи воситасида устоз образи чизилади. Ҳамза ўзи орзу қилган ўқитувчини бола тилидан бундай таърифлайди:

Ўйласак, бизни эрурлар чин отамиз шул киши,
Чунки, бизга билмаганини билдирур устодимиз...
Ота бирла онамиздан яхшироқ шафқат қилиб,
Биздаги ҳар камчилиكنи кўрсатур устодимиз...
Аста-аста бизда бўлган ҳар ёмон, шум феълни
Ҳар куни айлаб пасиҳат, йўқотур устодимиз.

Ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбиялашга Ҳамза алоҳида аҳамият берди. Одамларга меҳру муҳаббат қўйиш, кишиларнинг қадр-қимматига етиш, уларга иззат-ҳурмат билан муомала қилиш, Ҳамзанинг фикрича, ёшлардаги инсонпарварликнинг асосидир. Ёшларни бундай руҳда тарбиялаш даставвал, болаларнинг энг яқин кишиларига, аynиқса, ота-онасига нисбатан муҳаббат туйғуларини ривожлантиришдан бошланиши керак. Шоир ота-онани ҳурмат қилишни боланинг энг зўр ижобий фазилатларидан бири деб ҳисоблайди. «Ул ақллик бола отасини ҳам қилган тарбия ва шафқатларини ёд этиб деган сўз» сарлавҳали учинчи ва «Ул ақллик боланинг мушфиқа энаси учинда қилган ташаккурлари» номли тўртинчи дарсларда ота-оналар қиёфаси чизилади.

«Ўқиш китоби»дан муносиб ўрин олган «Ўқи», «Мактаб», «Китоб», «Қалам» сингари классик шеърлар бу-

гунги дарслик ва қўлланмалардан ҳам муносиб ўрин олиб келмоқда. «Ҳикоя», «Тошбақа билан чаён», «Боланинг ёмон бўлмоғига сабаб бўлган онанинг жазоси» шеърлари эса бугунги болаларни ростгўй, чин дўст, пок инсонлар бўлиб камол топишга даъват этади.

Ў Қ И

Қўзимизга кўрунуб турган ҳама асбоблар,
Ҳеч бири бўлмас эди, гар бўлмаса, зинҳор ўқув.
Ер ичида кўмулуб ётган ҳама олтин, кумуш
Юзага чиқди бори, боис анга ахбор¹, ўқув...
Гар дилинга ўйлаган орзуга етмоқ истасанг,
Қиммат умринг қилмағил беҳудага бекор, ўқи!
Қўй ўйин, сайру тамошони, ғанимат ёшлигинг,
Шум феъллардан ўзингни айлагил безор, ўқи!
Эй, ўғил, дунёда бўлмоқ истасанг олижаноб,
Ўқиғил мактаб келиб, зинҳор ўқи, минг бор ўқи!

И Л М И С Т А

Ким билурди одаму олам надур, ҳайвон нечик?
Бўлмаса эрди агар инсонда бу осори илм.
Қайси бир мавжуда боқсанг билмоқа кайфиятин,
Лозим ўлгай топмоққа аввал ўқиб ахбор илм...
Оламнинг хуршиди² кундир, одамнинг хуршиди илм,
Оламнинг зулмоти тундир, одамнинг нодори илм³.
Ҳар муроду мақсадингга етмоқ истарсан мурод,
Кўз очиб бедор бўл, даркор илм, даркор илм!
Ул ҳақиқат ойинига сайқал истарсан Ниҳон,
Илм иста, илм иста, истағил зинҳор илм!

К И Т О Б

Ҳар кўнгилининг орзуси шул эрур оби ҳаёт⁴,
Қадрини билган кишига, шубҳасиз, жондир китоб.
Ҳар муроднинг бошидур, ҳар муддаонинг гавҳари,
Ҳар маразларнинг шифоси, яъни Луқмондур⁵ китоб...
Кўзинг нури, дил ҳузури, дилларнинг дармонидур,

¹ Ахбор — маълумот, билим.

² Хуршид — офтоб.

³ Нодори илм — илмсиз.

⁴ Оби ҳаёт — тириклик суви.

⁵ Луқмон — ҳар қандай касални даволовчи.

Ҳар қоронғу дилга гўё моҳитобондур¹ китоб.
Ҳар балодан асрағувчи энг муҳим қиммат яроғ,
Тири ваҳшат², ханжари зиллатга³ қалқондир китоб.
Ҳар киши ёшликда қилса озгина ғайрат, агар,
Тез замонда ошно бўлмоғи осондир китоб.

ТУҒРИ СЎЗ БОЛА

Келмоғида мактабдан бир ўғил,
Тўхта дебон икки киши тўсди йўл.
Деди бири: «Танга берурман санга
Сўзла бир оғизгина ёлғон манга».
Берди ўғил фикр ила ширин жавоб,
«Сўзланг ако, қоматингизга қараб.
Бу сўзингиз аслида ёлғон эрур,
Тангага ёлғонни ким олган эрур.
Сизда кўп эркан ўзи ёлғон, ако,
Сиз они аввал сотиб айланг адо.
Қолса камиб, етмай агар сизданам,
Уртоғингизда кўп эрур бизданам».
Офарин айтдилар онинг сўзига
Тангани холис берубон ўзига.
Ҳисса: кими тўғри сўзи ҳар қачон,
Текузадур донмий бўйла ҳисон⁴.

ҒАФУР ҒУЛОМ

(1903—1966)

Бугунги болалар адабиётининг майдонга келиши ва тараққиётида ўзининг катта ҳиссасини қўшган забардаст шоирлардан бири Ғафур Ғуломдир.

Ғафур Ғулом ёшликдан отадан жудо бўлиб, азоб-уқубат, қийинчилик билан ҳаёт кечирди. Оилани тебратишда онасига ёрдам бериш учун у турли юмушларни бажаришга мажбур бўлди. Кўриниб турибдики, Ғафур Ғулом очлик ва юпунлик туфайли ўз вақтида ўқий олмади.

¹ Моҳитсбон — ёрқин ой.

² Тири ваҳшат — ваҳшийлик ўқи.

³ Зиллат — ҳўрлик.

⁴ Ҳисон — эҳсон, фойда.

Босмахонада ҳарф териб тирикчилик ўтказиб юрган бўлажак шоир 1918 йилда Бокудаги саккиз ойлик ўқитувчилар тайёрлов курсига кириб ўқиди ва 1919 йилдан эътиборан Тошкентдаги «Урфон» номли мактаб қошидаги интернатда тарбиячи ва мудир бўлиб ишлади.

Ғафур Ғулом болалар адабиётига 1923 йилда ўзининг «Феликс болалари» номли шеъри билан кириб келди.

Ғафур Ғулом болалар учун асарлар яратишни ўзи учун бир бахт деб билди. У болаларга бағишлаб «Мукофот» (1940), «Шеърлар» (1946), «Тонготар қўшиғи» (1949), «Бари сеники» (1953), «Бир ғунча очилгунча», «Шум бола», «Тирилган мурда» (1934), «Ёдгор» (1935) каби китоблар нашр эттирди. У болалар учун ёзган ҳар бир асарида ўзининг ижодий принципига содиқ қолиб, жуда катта масъулият билан қалам тебратди. Натижада шоирнинг ҳар бир асарининг мазмунидан келиб чиқадиغان асосий ғоя, поэтик хулоса педагогик нуқтаи назардан кенг асосланган бўлади. Шоирнинг болаларга бағишлаб ёзган асарларида уларнинг ёш хусусиятини, ақл-идрокини, талаб ва эҳтиёжини назарда тутганлигини кўрамиз. Унинг «Авлодлар», «Билиб қўйки, сени Ватан кутади», «Аввал ўқи», «Бари сеники», «Олтин медаль» каби шеърлари, «Тирилган мурда» ҳикояси, «Шум бола», «Ёдгор» каби қиссалари ёшлар ва ўспиринларга мос келса; «Яша дейман, ўғлим», «Аҳмад ёмон бола эмас-ку, аммо...», «Икки ёшлик», «Ўрдак ва Турғун», «Кеккаймачоқ Собир», «Ола бузоқ» сингари шеърлари кичик мактаб ёшидаги болаларнинг қалбига кириб боради. Шоирнинг «Нортожининг курак тиши», «Оқ теракми, кўк терак», «Буни топинг, қизларим», «Читти гул», «Байрам мактуби», «Ўйлашни ўрганамиз», «Сиз менинг ёшлигимсиз» шеърлари эса мактабгача тарбия ёшидаги китобхонларнинг дилига қувонч бағишлайди.

Шоирнинг «Ўйлашни ўрганамиз» шеъри халқ оғзаки ижодига жуда яқин туради, мисралар оддий, содда сўзлардан ташкил топган. Бир қараганда, маъно ва мазмун ҳам худди шундай туюлади. Ҳаммаси енгил, жўнгина. Аммо синчиклаб ўрганадиган бўлсак, ҳар бир мисрада, ҳар бир диалогда бола у ёқда турсин, ҳатто катталарнинг орзу-ҳаваслари бир бутунлигича шеърга кўчиб қолгандек бўлади. Музқаймоғ-у қўғир-

чоқдан оошланган ширин уй-хаел катта орзуга айланади. Зотан, орзу ярим дунё ҳисобланади:

— Шу ҳам ўйлаш бўлдимиз?
Ўйлашни ўрганиб ол!
Сен оғи бўласанми?
Кўзин пир-пир учириб:
— Сен-чи?— деди Мунисхон.
Мухторнинг жаҳли чиқди:
— Мен қиз бола эмасман!
Қизлар оғи бўлади.
Мен катта бўлганимда,
Беш юзга кирганимда,
Қатта дада бўламан.
— Қизинг ҳам бўладими,
Оғи нима бўлади?
Юзта қизим бўлади,
Оғи Пунис бўлади.
— Вий-й,— деворди Мунисхон.
Мен-чи, оғи бўламан...
Мингта ўғлим бўлади.
Оғи Пухтор бўлади.

«Ўйлашни ўрганимиз»

Шоирнинг «Оқ теракми, кўк терак» шеъри ҳам борча ёшидаги болаларга қувонч улашиб келмоқда. Бир неча авлод бу шеърни ўқиб, ёдлаб, қўшиқ қилиб айтиб камол топган. Асарда тилга олинган Акбар, Хайри, Тўлқин, Эркинлар ҳозир бобо, буви бўлишган.

Ғафур Ғулом ҳар бир сўз, ҳар бир мисрани жуда катта санъаткорлик билан ўрни-ўрнига қўйган, ҳаммаси рисоладагидек жуда гўзал ва табиий чиққан. Ҳатто, болаларга қўйилган «бўталоқ», «қизалоқ», «тойчоқ», «қўзичоқ» лақаблари ҳам ҳеч кимни ранжитмайдди. Халқдан олинган бу терминлар шоирнинг ижодий лабораториясида ишланиб, сайқалланиб яна халққа қайтарилади. Қўшиқ тилдан-тилга кўчаверади:

Келинг қўшиқ айтамыз,
Қўшилишиб ҳаммамиз,
Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак? Ҳей!
Акбар бўталоқ керак. Ҳей!

«Оқ теракми, кўк терак»

Ғафур Ғуломнинг болаларга бағишлаб яратган энг яхши асарларидан бири «Яша дейман, ўғлим» дир. Бу асарда шоир болалардаги романтик туйғуларни, уларнинг фан ва техникани эгаллашга бўлган қизиқишлари

тобора ошиб бораётганлигини оптимистик руҳда тас-
вирлайди.

Орзулар рўёбга чиққан замонда кичкинтойларнинг ҳам эзгу ниятлари оламча бор. Асар қаҳрамони орзулар қанотида яшайдиган бола. Шунга кўра у ўзини учувчи, танкист, жангчи, шоир сифатида кўради. Шеър ота-бола диалоги асосига қурилган:

— Дада, мен осмонга учар бўлсам,
Чеки йўқ кўкни ҳам қучар бўлсам,
Юлдуздан-юлдузга қучар бўлсам...
Дада, мен жўнадим Арктикага,
Битта ортиқча путёвка сенга,
Эътибор бермай совуқ осмонга,
Сен туманда қолиб не дейсан?
— Яша, дейман, ўғлим!

Ғафур Ғулом кичкинтойларнинг ҳаётларини, одат ва қилиқларини жуда яхши билар эди. Бунининг педагогик мавзуда яратган асарлари мисолида янада яхшироқ кўриш мумкин. Чунинчи, «Нортожининг курак тиши», «Аҳмад ёмон бола эмас-ку, аммо...» каби юмористик шеърларида кичкинтойларнинг ҳаётларидаги баъзи ютуқ ва нуқсонлар шоирона очиб берилади. Ҳар иккала шеърда ҳам болаларни тозалikka, тозалик қонун-қоидаларига амал қилишга, покизалikka, ювиниб-тараниб юришга, маданиятли бўлишга даъват этилади.

Табиийки, тиш инсон саломатлигининг мустаҳкам гарови ҳисобланади. Қимки тишини ҳамиша тозалаб юрса, тишида данак, ёнғоқ чақмаса, унинг дурдек оп-поқ тишлари соғлом ва бақувват бўлишдан ташқари, ўзининг соғлиғи ҳам аъло даражада бўлади. Шоир баъзи болалар орасида Нортожи кабилар борлигини, улар беарволик қилиб тишларини қуртга едириб қўйишларини истамайди, аксинча: «Ҳар кимки, тишини тозалаб турса жони ором олур, ўзи покиза!» бўлишларини орзу қилади.

«Аҳмад ёмон бола эмас-ку, аммо...» да ҳам шу мавзу давом эттирилади. Аммо бу асарда бадандаги барча аъзоларни эҳтиётлаш масаласи ўртага ташланади. Бунининг шоир бир қатор мисоллар воситасида юмористик йўл билан ёш китобхон қулоғига «қуяди». Асар қаҳрамони Аҳмад аълочи ўқувчи. Бироқ, у ўз-ўзига хизмат қилишни, ювиниб-тараниб юришни унча эп кўрмайди. Бунининг шоир аъзоларнинг қизиқарли диалоги воситасида жуда яхши очиб беради. Мана оёқнинг оҳ-ноласи:

«Мен нимаман, занглаган болтаманми,
Аҳмаджонда бир эмас, олтиманми?
Бирни қўйиб, яна бирни ишлатса,
Чўлоқ кетмон эмасманки, пешлатса,
Олиб бордим ҳар истаган жойига,
Култепами, ўрми, қирми, сойига,
«Сакра» деса сакрадим, чопса чопдим,
Лой тепдим, тезак тепдим, чалма ёпдим;
Мен шўрликни шиша тилди, мих кирди,
Инсоф билан кўринглар ҳамма қирни.
Қоқилишдан яра-чақа ҳар ёғим...—
... Шу гапдан сўнг йиғлаворди оёғи...

Ана шундай қилиб, кир бўлган, моғор босган Аҳмаднинг оёғи, қўли, қорни ва бошқа аъзолари «иш ташлайди». Иссиғи 41 даражага кўтарилиб кетади. Беморнинг саломатлигини текшириб кўрган дўхтир унинг касаллик варақасига сув билан совун ёзиб беради. Бу «дори» дан унумли фойдаланган Аҳмад соғайиб, ҳаётга қайтади. Эндиликда кир-чир юрмасликка онт ичади.

«Ўрдак ва Турғун» шеърида болаларни ҳар доим олдинга интилишга, оламга сергак муносабатда бўлишга чақиради ҳамда ортиқча шўхлик ва бемаъни ўйин-кулгидан олисроқ юриш кераклиги тўғрисида гап кетади. Парранда — ўрдак кун бўйи анҳорчадан ҳеч қийналмай, меҳнат қилмай, ортиқча куч сарф қилмай, осонгина балиқчаларни тутиб ейди-да, «яна қўшиқ ғоқ-ғоқларин куйга солади».

Маълумки, ҳаёт ҳеч қачон бир меъёрда давом этмайди. Буни биз шеърдан ҳам билиб олишимиз мумкин. Ўрдак сувда узоқ ўйнаб, кечаси қорни очқайди. Шунда у балиқчаларни тутиб емоқчи бўлади. Афсуски, балиқчалар бошқа томонга кетиб қолишган эди. «Ой нурида майда-майда узун тўлқинлар» пайдо бўлади. Бефаҳм ўрдак эса уларни балиқ деб тутиб емоқчи бўлади... Ҳолдан тойган, чарчаган ўрдакча уйига қайтиб келиб, «Ҳорғин бошин қайрибди қанот тагига». Эртаси эса балиқлар қайтиб келишса ҳам ўрдак уларни пуфакча деб ўйлаб жим ётаверади.

Гап шундаки, «Турғун ўрдак каби умидсиз эмас». У қийинчиликларни сабот билан енгишга, олға интилишга ҳаракат қилувчи ғайратли бола. Турғун ўзининг бўшлиғи, кўп ўқимаганлиги, ўз устида мустақил ишламаганлиги сабабли бир синфда икки йил қолиб кетганига юракдан ачиниб юради. Унинг бирданига бўлмаса ҳам аста-секин аълочи ўқувчилар сафидан жой

олиши китобхонда яхши таассурот қолдиради. Бу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, қуйидаги мисралар мақсадга мувофиқдир:

Шундай улуғ зўр байрамда ўқувчи Турғун
Бир синфдан ошганлигин рапорт беради:
Бошқа ялқов, умтилишсиз ўртоқларини
Ўзи билан тенглашувга шахт чақиради:
— Ўрдак каби бўлманг,— дейди, ҳой ёш ўртоқлар,
Биз зўр берсак ҳар қолоқлик орқада қолар!

Ғафур Ғулом ўрдак образини қўллаш билан болаларни ўрдакка ўхшаб тушкунликка тушмасликка, Турғун каби сергак, ўзига пишиқ бўлишга, ҳаётда муваффақиятлар сари дадил интилишга чақиради.

Ғафур Ғуломнинг насрий асарларини ҳам болалар севиб ўқийдилар ва катта эстетик завқ оладилар. Айниқса, «Шум бола» қиссаси оммалашиб кетган асарлардан биридир. Ёзувчи асарда ўтмишда болаларнинг ижтимоий ҳаётдаги оғир аҳволларини ҳамда яхши ва бахтли ҳаёт тўғрисидаги орзу-умидларини, интилишларини ҳам ҳаққоний кўрсатиб беришга ҳаракат қилган.

Асарнинг тасвирий воситалари ва тили болаларга мосдир.

Ғафур Ғуломнинг Ватан уруши ва урушдан кейинги тинч қурилиш йилларида яратган барча асарларида она Ватан душманларига нафрат, она-диёрни севиш, унга садоқат, аъло ўқиш, фан ва техникага муҳаббат қўйиш масаласи асосий ўринни эгаллади.

Ғафур Ғулом болаларнинг ҳам сеvimли шонрларидан бири бўлиб қолди. Зотан:

Тоза ҳаво, тоза сув,
Озод Ватан сеники.
Ёл-ёруғ мактабларда
Илм ва фан сеники,—

деган шоирнинг умрбоқийлиги ҳам ана шундодир.

МЕНИНГ КУЙЛАРИМ

Жаҳон тўла овозлар,
Бири менинг овозим.
Овоздай аниқ сўзлар,
Жаранглар менинг созим.

Созим — менинг овозим,
Овозим — менинг созим. 11

Ёқимтой композитор
Бўлсамми, деб ўйлайман,
Ўзим ёзиб термасин,
Ўзим куйин куйлайман.

Дуркун менинг овозим,
Эркиндир менинг созим.

Қуёшдай аниқ ўзи,
Гулхандай ёниқ ўзи,
Синфдош дўстларимга
Қўнғилдай тиниқ ўзи,

Қувноқ менинг қўшиғим,
Ўйноқ менинг қўшиғим.

Тинч-омон уйимиз бор,
Уй оша тўйимиз бор,
Бахтимизга оҳангдош,
Жўровоз куйимиз бор.

Дуркун қўшиқ бизники,
Эркин қўшиқ бизники.

ОҚ ТЕРАКМИ, КЎК ТЕРАК

Келинг қўшиқ айтамыз,
Қўшилишиб ҳаммамиз,
Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак? Ҳей!
Акбар бўталоқ керак. Ҳей!
Ола-була капалак,
Орқа сочим жамалак,
Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак? Ҳей!
Хайри қизалоқ керак. Ҳей!
Олма оқиб келади,
Балқиб-қалқиб келади,
Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак? Ҳей!
Тўлқин тойчоқ керак. Ҳей!
Ўйнаб-ўйнаб куйлаймиз,
Куйлаб-куйлаб ўйнаймиз,
Оқ теракми, кўк терак,

Биздап сизга ким керак? Ҳей!
Эркин қўзичоқ керак. Ҳей!

УЙЛАШНИ УРГАНАМИЗ

Мухторжон олти ёшлик
Синглисидан сўради:
— Мунисхон,
Ростингни айт,
Уйлашни биласанми?
Мунисхон акасига
Ажабланиб қаради:
— Ака-а, ўзинг айта қол,
Уйлаш деган нимади?
Мухторжон жиддий туриб,
Қошини бирга йиғиб,
Синглисига кўрсатди:
— Мана, мен ўйлаяпман..
— Нимани ўйлаяпсан?
— Жуда кўп ўйлаяпман:
Морожнийдан тоғ бўлса,
Нуқул гилос боғ бўлса,
Бир қозон қаймоқ бўлса,
Туядай пишлоқ бўлса,
Оғзининг суви келиб,
— Вий-й,— деворди
Мунисхон,—
Тўхтаб тургин, акажон,
Менам ўйлаб боқаман,
— Тез ўйла,— деди Мух-
тор,
— Туратур, ўйлаб олай:
— Ҳи-й, битта қўғирчоқ
бўлса,
Қалити бузилмаса,
Қўзини юмганида

Мени ҳам кўриб турса..
— Шу ҳам ўйлаш бўлди-
ми?
Уйлашни ўрганиб ол!
Сен ойи бўласанми?
Қўзин пир-пир учириб:
— Сен-чи? деди Мунис-
хон.
Мухторнинг жаҳли чиқди:
— Мен қиз бола эмасман.
Қизлар ойи бўлади.
Мен катта бўлганимда,
Беш юзга кирганимда,
Катта дада бўламан.
— Қизинг ҳам бўладими,
Оти нима бўлади?
— Юзта қизим бўлади,
Оти Пунис бўлади.
— Вий-й,— деворди
Мунисхон,—
— Мен-чи, ойи бўламан..
Мингта ўғлим бўлади.
Оти Пухтор бўлади.
Ҳи-и,— тилин ликиллатиб
Гиж-гижлатиб акасин.
Шундай қилиб дўстларим,
Сўлим, шинам боғдаги
Сув крани тагида
Ўйнаб юрган икки ёш
Ўйлашга бошладилар.

БУНИ ТОПИНГ, ҚИЗЛАРИМ

— Тўни силлиқ, туки йўқ,
Ҳаммаси тўқ, пўки йўқ.
Ичи қизил, кўки йўқ,
Уни чўқолмас чумчуқ,

Бу нима, қизим Қундуз?
— Буми, дадавой? Тарвуз.
— Маржон-маржон юмалоқ,
Япроқлари шаналоқ,
Қора, қизил, сариқ, оқ,
Еб кўрмасдан ўйлаб боқ.

Сен айт, Мамлакат қизим?

— Буми, дадавой? Узум.

— Малла тукли, сап-сариқ,

Мураббоси мазалик,

Паловга босса бўлар,

Подволга осса бўлар,

Тишлаб кўриб, айт, Меҳри.

— Буми, дадавой? Беҳи.

— Майда, ёқутдай қизил,

Ширин, нордон, хилма-хил

Қалин, тахир пусти бор,

Ҳамма ерда дўсти бор,

Сен айт-чи, қизим Гулнор?

— Буми дадавой? Анор.

ЧИТТИ ГУЛ

Тошхон қиз ўзи-ўзи,

Бошида йўрмадўзи

Йўрмадўзи ярашган,

Ойисига қарашган,

Ҳаю читти гул.

Тошхон қизнинг боши бор,

Манглайда қуёши бор.

Бу йил биринчи синф,

Чунки етти ёши бор,

Ҳаю читти гул.

Ўзи аъло ўқиса,

Бундан яхши қиз борми,

Чевар бўлса, тўқиса,

Бундан яхши қиз борми,

Ҳаю читти гул,

Ҳаю читти гул.

ОЙБЕК

(1905—1968)

Ўзбек адабиётида ўзига хос маҳорат мактаби яратган устоз санъаткор Ойбек ижоди кўп қирралидир. У қатор романлари, қиссалари, дoston ва шеърлари билан катталар ёзувчиси сифатида шуҳрат қозонди. Аммо санъаткорнинг болаларга атаб ёзилган бадий асарлари ҳам оз эмас. Ўзбек болалар адабиётининг олтин фондига қўшилган «Шаҳарча болалари» ва «Шоирнинг бо-

лалиги», «Кўчадан кетаркан», «Болаликни эслаб», «Эсимда қолганларидан», «Хотирадан излар», «Ёшлик хотираларидан» шеърлари, «Бобом», «Зафар ва Заҳро», «Ҳақгўйлар» дostonлари, «Қонли бармоқлар», «Мискин болалар» ҳикоялари, «Болалик», «Алишернинг болалиги» қиссалари айни пайтда сеvimли ёзуvчимиз Ойбек ижодининг гултожларидир.

«Шоирнинг болалиги» шеъри — таржиман ҳолга оид асар. Унда Мусавойнинг ўқиш ва ёзишга бўлган иштиёқи тасвирига эътибор берилган. Ўқишга, мактабга ошиқниши:

Юрагим сеvиниши
Тошарди ҳар дақиқа,—

каби мисраларда акс эттирилади. «Шоирнинг болалиги» ни ўқиган бугунги китобхон давримизни янада қаттиқроқ севади, она-диёрга меҳр-муҳаббати ошади.

Шоирнинг ижодида болалар тарбияси, ахлоқ-одоби масалаларига бағишланган асарлар ҳам анчагина бор. Масалан, «Болаликни эслаб» шеърида бир вақтлар шўхлик қилган, ота-онанинг панд-насиҳатларига амал қилмаган, қушларга озор берган бола образини яратиш орқали шоир болаларни тартиб-интизомга чақиради. Қушларга озор бермаслик, аксинча, уларнинг яшашлари учун шарт-шароит яратиш, уялар ясаб бериш сув билан ҳаводек зарур эканлиги ўқтирилади.

Шеърда тасвирланишича, қушларга нисбатан «золим, қалби тош» болалар тарбия натижасида ўсиб-ўзгариб, қушларга меҳрибон бўлиб қоладилар.

Шоирнинг «Бобом» поэмаси болалар учун катта совға бўлди. Бир юз беш ёшли бобонинг ўтмишда кечирган кунлари ҳамда бугунги ҳаёт тасвири поэмага асос қилиб олинган.

Бобо бугунги Ўзбекистонимизни самимий севади, ардоқлайди. Шундай тинчлик, бахтли, тўкин-сочин ҳаётда яна юз йил яшашни орзу қилади. У ўз неварачевараларига насиҳат қилиб, уларни яхши ўқишга, она-юртимизни астойдил сеvишга чақиради.

«Зафар ва Заҳро» асари билан Ойбек 50-йиллар ўзбек болалар дostonчилиги ривожига муносиб ҳисса қўшди. Поэма шоирнинг Покистонга қилган саёҳати таассуротлари асосида майдонга келган. Зафар ҳам, Заҳро ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам оч-юпун, бир парча нон-

га муҳтож. Лекин болалар ҳар қанча қийналиб яшамасинлар, барибир тушкунликка тушмайдилар, яхши ҳаёт, тўкин-сочин турмуш тўғрисида ҳаёл сурадилар. Ҳар иккала қаҳрамон ҳам меҳнаткаш, оққўнгил, одамларга, бир-бирларига меҳрибон. Бундан ташқари, ҳар иккала қаҳрамоннинг тақдири ҳам бир-бирларига ўхшаш: аянчли ва мусибатли.

Очлик покистонлик меҳнаткаш халқ фарзандларининг силласини қуритган. Буни шоир поэмада таъсирли қилиб ифодалаган. Болалар узоқ вақт тўйиб овқат емаганликлари учун озиб-тўзиб кетадилар, «қошиқчадай қўл чўзишар кўриб овқат», дейди шоир бир ўринда. Ёки мана бу мисраларга эътибор бериладиган бўлса, Заҳронинг юриш-туриши, кийим-боши ачинарли эканлигини дарҳол сезиш мумкин:

Жажжи қизча Заҳро, ёши саккиз-тўққиз,
Сочи қуюқ, кўзи ўйноқ, қорамтир юз.
Бурнидадир арзон ҳалқа, лекин порлоқ,
Кўйлагининг туси ўчган, ямоқ-ямоқ.

Чет эллик зўравонлар ва маҳаллий амалдорлар қарамоғидаги бананлардан атиги бирор марта бўлса-да, татиб кўришни орзу қилишлари китобхон қалбини ўртаб юборади. Бундан ташқари, қарздан қутулиш ва тирикчилик учун отанинг ўзи ўғли Зафарни бойга сотиш эпизодини ўқиган китобхон бундай разолатлардан нафратланади.

Орзу-умид ва бунга эришиш учун курашиш — яхши нарсаси. Поэмада бу масала яхши ёритилган. Масалан, Заҳронинг отаси камбағал-қашшоқ, аммо у илғор фикрли инсон. Эрк, озодлик учун интилувчи ва бу йўлда қаттиқ кураш олиб боришга бел боғлаган одам.

Асарнинг сюжет йўналишида, композицион қурилишида, бадий-тасвирий воситаларнинг ишлатилишида шу ҳолат яққол кўзга ташланиб туради.

Ойбек буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг болалик йилларидан ҳикоя қилувчи «Алишернинг ёшлиги» (1967) қиссасида Ҳиротдаги тарихий воқеалар, шахзодаларнинг Шоҳруҳ вафотидан кейинги ўзаро тахт учун курашлари ва Алишернинг шу даврдаги болалик йиллари ҳақида ҳикоя қилинади. Қиссада Алишер образининг такомили ўша вақтдаги ташқи муҳит воқеалари ва зиддиятлари билан узвий алоқада тасвирланади.

Ойбек Алишернинг илм ва адабиётга бўлган муҳаббатини, Қуръоннинг маъзини чақишга киришгани, форс, араб тилларини ўрганиши, туркий (она тили) байтларини ва ғазалларни маҳорат билан ўқиши, ёд билган ғазалари кундан-кун кўпайиб бориши, мақоллар, масаллар, эртакларни севиб мутолаа қилиши воқеаларига катта ўрин беради.

Алишернинг ҳақиқий инсон бўлиб улғайишида Ғиёсиддин Кичкина, Гулбадан бегим, хизматкор бобо, тоғаси Мирсаиднинг маънавий таъсири жуда катта бўлган. Ойбек Алишернинг Туркистон саҳроларини, буюк тоғларини, халқ урф-одатлари, анъаналарини, қўшиқ ва куйларини, дoston ва эртакларини, «ғўзал, ширин ва рангли» тилларини қаттиқ севиши ва ардоқлашини қиссада ишончли қилиб тасвирлай олган.

Бадий тилдаги ва портрет яратишдаги адиб маҳорати қиссанинг халқчиллик руҳини, гуманистик пафосини таъминлаган.

Ёзувчининг «Болалик» қиссаси таржимаи ҳолига алоқадор бўлиб, унинг марказида Мусавойнинг саргузаштлари ётади. Асарда Мусавойнинг етти ёшгача бўлган даврдаги характерининг шаклланиши қизиқарли воқеалар асосида ёритилади.

Ойбек Мусавойнинг ўқиш-изланишларига чуқур муҳаббат билан муносабатда бўлади. Унинг ўқишда тиршқоқлигини, зеҳнининг ўткирлигини, қунт билан мутолаа қилишини, арабча сўз ва ибораларни қoидасини келтириб, ёқимли оҳангда талаффуз эта билишини маҳорат билан чизади.

Хулоса қилиб айтганда, академик шоир Ойбек ўзбек болалар адабиётининг шаклланиши ва юксалишига юқоридаги каби асарлари билан катта ҳисса қўшди.

АЛИШЕРНИНГ БОЛАЛИГИ

(Қиссадан парча)

Алишер бу катта боғ ҳовлининг ҳар бир бурчагини томоша қилиб узоқ юрди. Дарахтларнинг новдаларига осилган рангдор қафаслардаги тўти, булбул, майналарни мароқ ила томоша қилди. Уларнинг қафас ичра тинимсиз сакрашларини, сайрашларини узоқ кузатди. Қушларга қараб юрадиган махсус хизматкорга эргашиб, унга битмас-туганмас саволлар берди.

Бир пайт қаршисида етти ёшдаги шаҳзода Ҳусайн пайдо бўлди. Унинг бошида кичкина ипак салла, устида янги бахмал тўн, оёқларида зарҳал этик, камарига олтин сопли кичик ханжар суқилган. Ҳусайн осмонга сапчишга тайёр, оловдай шижоатли бола эди.

— Қуллар, канизлар оёғига ўралиб не қилиб юурсен?— деб сўради қаҳ-қаҳлаб Ҳусайн.

— Қушларни сайр этурмен, бири-биридан кўрам...— деб жавоб берди Алишер.

— Воҳ, қушлар тоифаси беҳисобдур, лекин кабутарлардан ўзгаси билан ишим йўқ, дўстим. Юр кўчага, зериқдим.

Шаҳзода Ҳусайн ва Алишер кўчага отилдилар.

Катта майдонда йигитлар ўқ узиш машқи ила машгул эдилар. Беклар, миршаблар кўп эди.

Болалар қизиқиб томоша қилдилар. Бир томонда икки фил катта-катта хариларни кўтариб лопиллаб, қайдандир ташиб келардилар. Филлар устида ўлтирган бўз ятакли икки ориқ чол ўзаро тинмай гаплашиб, баъзан кулиб қўяр эди.

Совут кийган, от минган йигитлар бир қўлларида ёй, бир қўллари билан ўқ узардилар. Улар бир маррага етганда дарҳол қилич-қалқон тутиб қиличбозликка киришар, шовқин-сурон кўтарар, чуввос-ҳайқириқ билан майдон ўртасида йиғилиб қолар эдилар. Майдон четида бир тўда беклар «Яхши-яхши!», «Балли!», «Офарин!» деб уларни рағбатлантириб турардилар.

— Жасур йигитлар-а!— деди Ҳусайн катталардек салмоқланиб.— Худо хоҳласа, мен қиличбоз бўлурмен, кўзимга кўринган ёвнинг калласини сапчадек учурурмен. Алишер кулди.

— Тушундим, қиличбозликнинг сизга зарурияти каттадур.

— Ҳа, дўстим,— деди Ҳусайн мағрурона,— ақлинг жойида!

Алишер индамади, у майдонда чопиб юрган отларнинг қайси бири сулув, қайси бири чопқирроқ, деган хаёл билан банд эди:

— Қара, кабутарлар рақсини кўр!— Алишернинг енгини тортди, осмонга қараб Ҳусайн.

Осмонда рақс этиб юрган тўда кабутарларни бир нафас кузатдилар.

— Кабутарлар фаришталарга ўхшайди-я!— деди ўйланиб Алишер.

— Мен ҳўб севадурмен кабутарларни, томошадан чарчашни билмайдурмен, ишқим баланд...

Шу топда Ҳусайн олдида беўхшов ўралган катта сал-лали, кўзлари ҳийлакор, ўттизлардан ошган бир йигит, кўллари кўксида, таъзим ила тўхтади:

— Шаҳзода, кеч бўлди, рухсат берсалар кетайлик.

— Шаҳзода, хайр, яхши борсинлар,— деди Алишер ҳам ҳаяжонда.

Учи туташиб кетган чинорлар хиёбонида икки отлик кўздан ғойиб бўлгач, Алишер аста юриб, ичкарига кирди. Базм авжида эди.

— Меҳмонлар олдида ёйилган дастурхонларда қалаштириб ташланган таомлар, мевалар ранго-ранг, кўллари кўксига қўйиб учиб юрган канизаклар тобоқларда янги-янги таомлар тортиб, гулоблар таширдилар.

Алишернинг онаси шивирлаб:

— Ўтира қол, шовқин қилма,— деб ўғлининг олдида у-бу таомлардан суриб қўйди.

Муסיқа тинмасди, бир тўда чолғучилар хонанинг бир четида ўтириб, танбур, дутор, рубобларни ниҳоят моҳирлик билан чертар эдилар...

Қўнгли ширин мавжларга тўлиб, хаёлчан ўлтирган Алишер онасининг тиззасини секин туртди:

— Муסיқа сеҳрли-я, ўйинларни қаранг, менга ёқадур...

Гулбегим кулимсираган ҳолда мамнун шивирлади:

— Тингла!

Базм оқшомга қадар давом этди. Кейин малика бошлиқ меҳмонлар ҳовлига чиқиб, базмни тагин қизитдилар.

— Юр, ўғлим, кетайлик,— деди Гулбегим паст товуш билан ва Алишернинг қўлидан ушлади.

Улар қасрдан чиққанда Ғиёсиддин Кичкина боғда бир бек билан оёқ устида туриб суҳбат қулар эди. Алишер севиниб, отаси олдида югурди.

— Бор, чироғим, уйга боринглар, қоронғу тушди. Кўчада сизларни бобой кутиб турибди,— деди Алишернинг елкасини қучиб Ғиёсиддин Кичкина.

Алишер қўзилиб отасининг бўйнидан қучиб ўпди-да, четда турган онаси олдида югурди, бирга кўчага чиқиб кетдилар.

— Ўғил чакки эмас, тийрак, бегона кўздан асрасин!— деди зимдан болани таъқиб қилиб турган бек.

Ғиёсиддин Кичкина камтарона оҳангда:

— Илоҳим, мулла бўлсин, зеҳни яхши,— деди. Сўнг ўзи ҳам ичида: «Ҳа, тангрим ёмон кўздан асрасин!»— деб қўйди.

Алишер ўз тенги икки қўшни бола билан ҳовлида соққа ўйнарди. Болаларнинг устида малла ёқа бўз қўйлак, бошларида кир оқ тақя¹, оёқлари яланг. Алишер ҳам хийла уринган, эскиган этикларини ечиб, девор тагига ташлаган эди. Соққаларни узоққа улоқтириб, кейин ҳаллослаб югурдилар. Алишер ҳаракатчан, югурик, соққа ортидан чопганида ўртоқларидан қолишмайди.

Ўйиндан зериккач, соққаларни йиғиштириб, девор соясидида бир лаҳза чўққайиб ўтирдилар. Шу топда дарахтлар орасидан отилиб чиққан кийик Алишерни ҳидлади, эркаланиб суркалди. Алишер кийикнинг бўйнидан қучиб, бошини силаб улгурмаган эдики, жонивор бир зумда йўқ бўлди.

— Сени танир экан, қурмагур, хўб ўргатибсан ўзингга,— деди болалардан бири.

— Рост, қойилман!— дея маъқуллади завқ билан иккинчи бола.— Ҳозир олдингда турган кийик отилган ўқдек учди-кетди, зап зийрак, чопқир бўлади-да.

Алишер кулимсираб, кийикнинг хулқи, қилиқлари ҳақида жиддий сўзлай бошлади:

— Тоғам, эрмак бўлсин, деб даштдан олиб келган эдилар. У киши уста мерганлар. Ҳайвонларнинг, айниқса, кийикларнинг хулқ-атвори, қилиқлари ҳақида мароқ билан ҳикоя бошласалар, кулли жаҳон²ни унутиб юборай дейман.

Тўсатдан яна пайдо бўлган кийик ҳаллослаганча Алишернинг пинжиги бош суқди. Севиниб кетган Алишер:

— Му-му, бирпасгина жим тур,— деди кийикни эркалаб.

Нарироқдаги оппоқ товуқларга кўзи тушган кийик:— Булар ким бўлди?— дегандек, қоп-қора кўзларини янада каттароқ очди, бир зум таажжубда тикилиб боқди-да, кейин бир сакраб ҳовлининг қайси томонигадир ғойиб бўлди.

— Пок, озода, ажойиб сулув жонивор,— деди завқ билан томоша қилган бола.

¹ Тақя — дўппи.

² Кулли жаҳон — бутун жаҳон.

— Катта бўлганимда овчи бўлгумдир, тоғларда мерганлик қилишнинг кайфи зўр,— деди кийик кетган томонга тикилганича иккинчи бола.

— Бизнинг Ватанимиз Ҳирот ўлкаси жаннатмакон десак лоф бўлмас дўстларим,— деди Алишер чўп билан ерга нелардир чизган ҳолда, бошини кутармасдан.— Менингча, бўри, йўлбарс янглиқ ваҳший ҳайвонларни ов қилмоқ маъқул. Кийикдай беозор маҳлуқ, фаҳмимча, дунёда камдур дейман.

— Қиёфасининг сулувлигини қаранглар! Гўшти ҳам лаззатлидир-а?— деди қорача бола, соққаларини санай туриб.

Ширин хаёллар занжирини узгиси келмагандек, сукутда ўлтирган Алишер ўртоғининг айтганини эшитмади шекилли:

— Ов қилмоқ, мерганлик — эрмак нарса, лекин энг зўр зарурият мактабдир. Турмушнинг кўп сирларини мактаб ўргатади.

Суҳбатнинг бундай кескин ўзгарганидан шошиб, бир он жим қолган болаларнинг каттароғи:

— Ким ўргатди сенга бу гапларни?— деб сўради Алишерга тик қараб.

— Биламан-да, отам ҳамиша «Олим одам хор бўлмайди»,— дейдилар. Отамнинг олдига олим одамлар кўп келади, турли гап-сўз, ажойиб ғазалларни бир четда ўлтириб тинглаймен, ўзим ҳам хийлагина ғазалларни ёд билурмен.

Новча бола ачиниб гапирди:

— Дадам фақир бир бўзчи, «Мактабга элтинг мени» десам, «Мактаб сенга чикора?»— деб юборди. Ўйлаб қарасам, дадамнинг айтганида маъно кўп. Ўйамизда сичқонларнинг ҳам инни қуп-қуруқ, биздақаларга мактаб чикора?

— Менинг отам ҳаммол,— дея сўзга аралашди иккинчи бола,— саҳардан то оқшомгача бозорда «ҳақ» деб иш пойлайди. Қоп-қанорда буғдойми, арпами, баломи орқалаб олиб, бир чаканинг дардида дунёнинг у четидан бу четига неча дафъа қатнайди. Мактаб сўзини оғзимга олгудек бўлсам, отамнинг жони ҳалқумига келадан.

Бир нафас сукутдан сўнг у хомуш давом этди: «Ўғлим, ҳаддингдан ошма, қашшоқларнинг энг каттаси ўзиммен, арпа нонга зормизку. Мактаб тўқларнинг иши, бизнинг толе ўлгур чапдан келган, ҳа, ҳаёт шундай ту-

зилган. Мактаб хазина эканлиги ҳақиқат, аммо унинг эшигини тўқлар оча билади. Қўрпангга қараб оёқ узат!»— дейди отам.

Алишер яқинда мактабга боражагини, отаси кўпдан ваъда қилиб юрганини айтмоқчи бўлган эди, лекин айтмади, ер чизганича жим ўтирарди.

УЙҒУН

(1905—1990)

Уйғун ҳозирги замон ўзбек болалар адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшган қалам соҳибларидан биридир. Унинг кичкинтойларга бағишлаб яратган «Қорбобо», «Ҳадя», «Баҳор ва мен», «Менинг икки онам бор» ва бошқа шеърий тўпламлари болалар адабиётида етакчи ўринда туради. Шоир болаларга атаб ёзган барча катта-кичик шеърларида ўқимишли, она-Ватан ва меҳнатни жон дилидан севган чин дўст, ростғўй, софдил болаларнинг ҳис-туйғуларини ифодалайди, ёшларни диёримизнинг гўзал табияти, бойликлари ва кишиларнинг ажойиб фазилатлари билан таништиради.

Уйғун ёшликни — болаликни жон-дилидан севган шоир. Шунинг учун у шеърий чаманзоридан болаларга энг яхши, ранг-баранг гулчамбарлар ясашни ўзининг шоирлик, мураббийлик бурчи деб билади:

Сизни деб кирдим-у шеърий чаманга
Ранг-баранг ва хушбўй гуллар сайладим.
Сизга атаб шеър ёзиш бахт менга,
Сизга гулларимни ҳадя айладим...

Дарҳақиқат, ҳар бир ижодкор учун ўз асарлари билан болалар қалбини ром этиш, уларга қувонч ва шодлик бахш этишдан ортиқ бахт борми? Уйғун ана шундай бахтга эришган, болалар қалбидан мустаҳкам ўрин олган, уларнинг севимли дўстига айланган шоирлардан эди. Унинг 20 га яқин шеъри боғча ёшидаги болалар ҳаётидан олиб ёзилган. «Икки она» шеърида онанинг ўзига бўлган чексиз меҳр-муҳаббатини чуқур ҳис этган боланинг лирик образи яратилган. Шеър қаҳрамонининг икки онаси бор, бири унга оқ сут берган, иккинчиси эса ўз бағрида авайлаб парвариш қилган. Иккала онаси ҳам азиз, муқаддас ва мўътабар. Бири — унинг туққан меҳрибон онаси бўлса, иккинчиси — жонажон

Ватани. Лирик қаҳрамон ана шу бир-биридан муътабар
икки наъси билан ғурурланади. Ўзини боққан, тарбия-
лаган бу икки она олдида бир умр қарздор. Зарур бў-
либ қолса, улар учун қурбон бўлишга ҳам тайёр:

Бир тугқан онамдир,
Иккинчиси ҳур Ватан,
Иккисига баробар
Қурбон бўлсин жону тан.

Уйғун табиат ва фасллар куйчиси сифатида ҳам
эъозланади. Серқуёш Ўзбекистоннинг бир-биридан
ажойиб фаслларининг ўзига хос фазилатлари, хосияти,
жозибаси шоирнинг «Баҳор», «Баҳор ҳақида», «Куз кел-
ди», «Қор», «Ёз», «Қорбобо» каби қатор асарларида зўр
ҳаяжон билан куйланади. Уйғун фаслларнинг сирлари-
ни болаларга турли усуллар билан уларнинг ёши,
савиясига мос ҳолда содда, ихчам ва жозибали мисра-
ларда тушунтириб беради. Уларни ҳаётдаги турли-туман
муаммолар билан таништиради. Фасллар шоирнинг ния-
тини амалга оширишда бир восита вазифасини ўтайди.
Шоир фасллар ва уларга хос бўлган ўйинлар орқали ўз
қаҳрамони — болаларнинг психологиясини очиш ва улар-
нинг характерини кўрсатишда унумли фойдаланади.
Мана унинг «Фасллар» шеъри:

Ўқилимизнинг салмоқдор иши
Тўрт фаслга текис бўлинар:
Қиш тайёрлар, баҳор экади,
Куз йиғади, ёз тарбиялар.

Шоир ҳар бир фаслнинг хислати ва фазилати инсон
меҳнати билан гўзал эканлигини «Баҳор» шеърида жў-
шиб куйлайди:

Боғбон чиқар боғига,
Чўпон кетар тоғига.
Боларилар ғувиллаб,
Қўнар гул япроғига....
Сувлар шилдираб оқар.
Қўшиғи дилга ёқар.
Бизга шодлик келтирдинг
Салом сенга, гул баҳор.

Болалар учун турли-туман қушларнинг учиб келиши
ҳам, дала ва қирларнинг гул ва майсага бурканиши ҳам
муъжиза бўлиб кўринади. Буни шоир кўп ҳолларда

баҳор билан боғланган ҳодисалар орқали тасвирлайди. Бу борада «Гул ўтқаздим боғимга», «Қушлар келди», «Булбулга», «Бойчечак», «Лайлак» каби шеърлари диққатга сазовордир.

Шоир қушларга аталган шеърларида эса болаларни қушлар оламига олиб киради, қушлар баҳор элчиси эканлиги, қушлар билан олам янада гўзаллашиб, яшнаши, уларнинг сайраши болаларга завқ-шавқ бағишлашини жозибали мисраларда тараннум этади.

Уйғун қиш фасли ҳақида ҳам анчагина бадий пириқ шеърлар ёзди. Болалар ҳамма фасллар каби қишни ҳам севади. Чунки бу фаслда болалар ўйнайдиган ўйиннинг тури кўпаяди. Айниқса, болаларнинг энг севимли арча байрами ҳам қишда бўлади.

Шоирларимиз болаларга атаб ёзган асарларида арча, қорбобо, яхмалак, чана учиш, қор ўйинини меҳр билан тасвирлайдилар. Уйғуннинг «Қиш», «Қорбобо», «Арча», «Холиқ қўрқоқ», «Янги йил қўшиғи» каби шеърларида қиш фасли ўзининг бутун гўзаллиги билан намоён бўлади.

Уйғун адабиётимизда пейзаж тасвирининг моҳир устаси сифатида танилган. Бу унинг болалар учун ёзган шеърларида ҳам яққол кўринади. Шоир «Баҳор» шеърларида:

Осмон тиниқ кўк шоҳи,
Оқ булут кезар гоҳи.
Гулларга кўмилади
Қандак ўрикнинг шоҳи,—

деб ўлкамиз ҳуснига ҳусн қўшаётган баҳор гўзаллигини тараннум этади ва болалар қалбида шодлик ҳисларини қўзғатади, меҳнатга бўлган ғайратини янада оширади:

Сувлар шилдираб оқар,
Қўшиғи дилга ёқар.
Бизга шодлик келтирдиги,
Салом сенга, гул баҳор.

«Гул ўтқаздим боғимга» шеърларида шоир баҳорда табият жуда ҳам жонланиб, далаларда ҳаёт қайнаб, болаларни ўзига мафтун қилишини, дилларни хушнуд этшини, содда, ифодали образларда, оҳангдор қофиялар ёрдамида тасвирлайди:

Баҳор бўйлаб сойларда
Сувлар шилдираб қолди,
Тоғдан кумуш томчилар,
Пастга ғилдираб қолди.
Япроқлар ел билан
Ўйнаб пилдираб қолди.
Шодланишиб қушчалар
Сайраб чулдираб қолди.

Ома-табиатнинг, гўзал баҳорнинг бу нашъали кунларидан завқланган бола, гул ўтқаздим боғимга, деб мағрурланади.

Уйғуннинг мактабгача тарбия ёшидаги болаларга бағишлаб яратган энг яхши шеърларидан бири «Лайлак»дир. Шоир:

Лайлак келди ёз бўлди,
Қаноти қоғоз бўлди,—

деб унинг ёз элчиси эканини болаларга соддагина тушунтиради ва лайлак келиши билан болалардаги табассум, шодлик ҳисларини таъсирли ифодалайди. Сўнг болаларни лайлак билан таништиришга, болаларга лайлакнинг бутун қиёфасини чизиб беришга интилади:

Лайлакнинг бўйи новча,
Тумшуги бор тарновча.
Лапанглайди учганда,
Уясидан кўчганда.
Узун экан оёғи,
Худди чолнинг таёғи.
Қаноти ола экан,
Сайрашга бало экан.

Мактабгача тарбия ёшдаги болалар нарса-ҳодисалар моҳиятини ҳали тушунавермайдилар, лекин уларни билишга, тушунишга қизиқадилар. Уларнинг бу қизиқишини тўғри йўналтиришда бадий адабиётнинг хизмати каттадир. Уйғуннинг «Лайлак», «Гулдор капалак», «Бойчечак», «Қушлар келди» каби шеърлари шу жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Уйғун болаларни ҳаяжонлантирувчи, тўлқинлантирувчи, кайфини чоғ этувчи, ҳаётга муҳаббатини оширувчи ғоявий-бадий юксак асарлари билан болалар қалбидан чуқур ўрин эгаллайди.

ЛАЙЛАК

Лайлак келди ёз бўлди
Қаноти қоғоз бўлди.
Кунлар исиб кетди-ю,
Болаларга соз бўлди.
Лайлакнинг бўйи новча,
Тумшуғи бор тарновча.
Лапанглайди учганда,
Уясида кўчганда.
Узун экан оёғи,
Худди чолнинг таёғи,
Қаноти ола экан,
Сайрашга бало экан.

БОЙЧЕЧАК

— Қаттиқ ердан тағалаб чиққан бойчечак,
Юмшоқ ердан юмалаб чиққан ой чечак.
Сиз баҳорнинг тўнғич, гўзал қизисиз,
Бизга қараб бир жилмайнинг, ҳой, чечак!
— Қарамайман сизга, мендан куласиз,
Дарров келиб мен шўрликни юласиз.
Сўнг ғижимлаб тупроқларга ташлайсиз
Раҳм этмасдан кўзларимни ёшлайсиз.
— Йўқ, бойчечак, сендан асло кулмаймиз,
Хотиржам бўл, сени сира юлмаймиз.
Ҳавас билан юзларингга қараймиз,
Бизлар сени қўриқлашга яраймиз,
Шафқат билан бошларингни силаймиз,
Сенга узоқ-узоқ умр тилаймиз.

ЕЛҒОНЧИ ЧҶПОН

(Халқ эртаги)

Қадим ўтган замонда,	Ўз-ўзича сўйланди:
Каттақўрғон томонда,	«Қизиқчилик қилайин,
Битта чўпон бор эди,	Одамларни билайин,
Феъли жуда тор эди.	Келармикан чақирсам,
Бир кун тонгга яқинроқ,	Елғондакам бақирсам».
Хавфсиз, жим эди ҳар ёқ.	Бу фикр жуда ёқиб,
Кўздан уйқу йўқолди,	Чўпон атрофга боқиб:
Чўпон зерикиб қолди.	— Дод, келинглар,
Шунда ётиб ўйланди,	келинглар.

P4

Шунда чўпон йиглади,
Юрагини тиглади.
Деди: «Қолдим балога,
Кўп оғир можарога,
Ким бор? Ким?
Бу офатга,
Айтинг бу касофатга,
Қапдай чора кўрилар?»
Аммо ёвуз бўрилар,
Эркин сезиб ўзини,
Гоҳ қўйни, гоҳ қўзини
Бўғиб, тишлаб қайириб,
Бошин тандан айириб,
Қирон сола кетишди,
Тоза расво этишди.
Хатто унинг ўзини,
Бақрайтириб кўзини,
Еб қўйишга сал қолди,
Чўпонга даҳшат солди,
Шундай қилиб шу кеча,
(Аниқ билмадим неча)
Ҳалок бўлди талай қўй,
Оч бўрилар қилиб тўй,
Мақсадига етишди,
Сўнг тарқалиб кетишди.
Ерда қолди қизил қон,
Қолди аламди чўпон
Ерга эғиб бошини,
Оқизиб кўз ёшини.
Одамлар бу аҳволни
Эртасига билдилар.
Йигилишиб чўпонга
Қаттиқ танбеҳ бердилар.
— Зарарларинг кўп бўпти,
Ажаб бўпти, ҳўп бўпти!
Энди ёлғон айтмайсан,
Чин сўздан ҳеч
қайтмайсан!
Бўлса ҳам анча қийин,
Чўпон ўшандан кейин,
Ёлғон сўз айтмас бўлди,
Чин сўздан қайтмас
бўлди.

ҲАМИД ОЛИМЖОН

(1909—1944)

Ҳамид Олимжон 1909 йил 12 декабрда Жиззахда туғилган. У Наримонов номли мактабда, Самарқанд билим юртида, сўнгра Ўзбекистон давлат педагогика академиясида таълим олади. Нашриёт ва редакцияларда масъул вазифаларда хизмат қилади.

Ҳ. Олимжон 20 йиллик ижодий фаолияти мобайнида «Кўклам», «Олов сочлар», «Улим ёвга», «Дарё кечаси», «Улка», «Бахт», «Қўлингга қурол ол!», «Ишонч» каби талай шеърӣй тўпламлар, «Зайнаб ва Омон» сингари ажойиб дoston, «Муқанна» каби драмалар яратди.

Шоирнинг «Ойгул ва Бахтиёр», «Семурғ ёки Паризод ва Бунёд» шеърӣй эртаклари болалар адабиётига қўшилган улкан ҳисса бўлиб, дарсликлардан доимий ўрин олган.

Ҳамид Олимжоннинг китоблари рус ва қардош халқлар тилларига ҳам таржима қилиниб, севиб ўқилмоқда.

Шоирнинг «Лола», «Ватан», «Самолёт», «Ҳулкарнинг шеъри» ва «Болалик» шеърлари бир неча авлод фарзандлари тилларида жаранглаб келмоқда. Унинг болаларга бағишлаб яратган барча шеърларида қайноқ муҳаббати акс этган. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга бағишланган «Лола» шеърисидаги Лола минглаб лолаларнинг бири. Лола ҳар бир кунини гул-лолаларга бурканиб қувнаб-қувнаб ўтказади:

Лола боғчага чиқиб,
Кечга қадар гул терди.
Этак-этак тўплади,
Ҳар кунгидан мўл терди.
Сочига гул боғлади,
Чеккасига тақди гул.
Елкаларидан ташлаб,
Гулга кўмилди буткул,
Сўнгра уйга келди-ю,
Бирпас ётиб дам олди.
Киприги юмилди-да,
Гул каби ухлаб қолди.

Ҳамид Олимжон Ватан мавзуида қалам тебратар экан, унинг кўз олдига қалби қувончга тўлган ёш бўғинлар келади. У Ватанимизни кичкинтойларсиз тасаввур қилолмайди. «Ватан» номли шеърисида боланинг

Ўз Ватанига бўлган чексиз меҳру муҳаббати **Ўз** аксини
тспган:

Шодлигим кўкка сиғмас
Битмас бахтим бор маним.
Мени бахтиёр қилган
Шу енгилмас Ватаним.

Ҳ. Олимжон халқ оғзаки ижоди асарлари таъсирида «Ойгул билан Бахтиёр» (1937), «Семурғ ёки Паризод ва Бунёд» (1939) каби ажойиб дostonларини яратди.

Болалар қалбини ром этадиган, уларни Ойгул каби мард ва жасур кишилар бўлиб камол топишга ундайдиган «Ойгул билан Бахтиёр»ни шоир халқ оғзаки ижоди асосида яратди. Узоқ йиллар хон хизматини адо этган қуллар ҳақсизлик, адолатсизликка қарши бош кўтардилар. Қўп қон тўкилади. Лекин бу адолатли жангда қўзғолон кўтарган қуллар мағлубиятга учрайдилар. Аммо халқнинг бу кўтарилиши ҳеч қачон сўнмайди.

Жамбил хони қўзғолончилар бошлиғи Дархонни ўлдиртиради, шу онда кўзи унинг соҳибжамол қизи Ойгулга тушади ва унга уйланмоқчи бўлади. Ойгул ҳеч иккиланмай хонга рад жавобини беради. Дostonда қизнинг хонга берган жавоби барча исёнчиларнинг қалб садоси сифатида янграйди:

Тақдирим ёр бўлса-ю,
Фурсат қулай келса-ю,
Сени агар ўлдирсам,
Танингга ханжар урсам,
Дунёда энг бахтиёр
Одам бўлардим номдор...

Ойгул ёш китобхон кўз ўнгида халқ ҳимоячиси, халоскори ва қаҳрамони сифатида гавдаланади. Яна Ойгулнинг ноёб хислати — инсонпарварликдир. У инсон қадрини улуғлайди, инсоннинг таҳқирланишига, топталишига қарши бош кўтаради. Ундаги ўзлигини англаш ва миллий уйғонишни Ҳамид Олимжон муҳит ва шароитдан келтириб чиқаради.

Ойгул ақл-заковат билан иш қўриб, Сусамбилдек бир юртни обод ўлкага айлантиради. Ойгул характери зиддиятлар, курашлар жараёнида ўсиб улғаяди. Унинг қалбини чулғаб олган чўғ тинчлик бермайди. Сусам-

билдек гўзал юртни барпо қилган баҳодир қиз эндиликда хон устига юриш қилади. Отаси, бесабаб қирилган қуллар қасдини олади. Тахтга қул Тарлонни ўтқазади.

Шоир ижобий қаҳрамон Ойгул характерини юксак маҳорат билан чизади. У бизнинг кўз ўнгимизда оддий, камтарин, жафокаш қиздан воқеалар жараёнида афсонавий қаҳрамон даражасига кўтарила боради. Масалан, биз унинг Жамбил ўлкасига қилган юришини кутатиб кўрайлик:

Яшнаб мисоли бир гул,
Ер-кўкни овозаси
Тутиб кетганди Ойгул,
Жамбилнинг дарвозаси.
Очилмади. Шунда ул
Даргазаб қилич солди,
Дарҳол қайтариб олди:
Қулфлар шарақ-шарақ
Ўйнаб очилиб кетди,

Дарвозалар бўлди қул,
Ҳар тўп қўйган чоғида
Саройлар қулаб буткул,
Зўр қўшин кириб борди.
Савалаб уриб борди.
Жамбилнинг хон, беклари
Қуён бўлиб қочдилар.
Чуқурлар, ғорлар сари
Қучоғини очдилар.

Бу кучли, юксак маҳорат намунасидаги тасвир Ойгулнинг шашти, ғайрати билан мос тушади. Натижада орзу-умиди, курашининг тимсоли, эл паноҳи бир бутунлигича китобхон кўз ўнгида гавдаланади.

Ойгулни эл севади, ардоқлайди. Ватан ва халқ олдидаги хизматлари унинг кўксини тоғ қилади. Болалар Ойгул образи мужассамланган бу дostonни қайта-қайта ўқийдилар. Зотан, Ҳамид Олимжон ва унинг ижодий чўққиси бўлган «Ойгул билан Бахтиёр»нинг умрбоқийлиги ҳам ана шундадир.

Шоирнинг «Семурғ» дostonи ҳам энг илҳом билан ёзилган асарларидан бири ҳисобланади. Дostonда тасвирланишича, хон қизи турмушга чиқиш учун шарт қўяди, унинг шартини оддий чўпон Бунёд бажаради. Лекин қиз йигитнинг оддий кишилардан эканлигини билгач, унга турмушга чиқишни ўзига муносиб кўрмайди. Бунёдни йўқотиш ниятида баҳодир йигитни инсон душмани бўлмиш ёвуз дев билан олишишга юборади. Девни енгиб қайтса, тўйга рози эканлигини айтиб, айёрлик қилади.

Афсонавий қаҳрамон Бунёд яхшиликнинг ашаддий душмани, даҳшатли девни йўқотишга отланар экан, бу мушкул ишни муваффақиятли адо этиш, зафар билан қайтиш ниҳоятда хавфли эканлигини жуда яхши ҳис

этади. Лекин унинг руҳида элга бахт бермоқ ҳисси
хукмрон:

Одамларга бахт бермоқ,
Бахтлиларга гул термоқ
Элдан ширим бўлди,
Номус ва орим бўлди.

Бунёд ана шу юксак идеали учун ҳам кучли ва
енгилмасдир. Мана шу олиҳиммат, шу юксак инсонпар-
варлик унга куч-қудрат, енгилмаслик, қаҳрамонлик,
жасорат, зафар бағишлайди. Бунёд эл-юрт учун қўли-
га қилич олган, мардлик, жасорат камарини белига
боғлаган.

Бунёднинг даҳшатли дев билан мардонавор олиши-
ши ҳаққоний, адолат кучлари ҳамиша қабоҳат ва зул-
мат кучлари устидан муқаррар ғалаба қозонажаги авж
пардаларда куйланади. Эл-юртни ёвуз душман босиб
олганда йигитлар курашга қандай матонат билан от-
лансалар, Бунёд ҳам дев билан ана шундай жасорат
билан жанг қилади. Чунки дев қонхўр. У инсонларга
мудҳиш офатлар келтиради: «Уни кўрган ҳар чаман,
тез бўлар экан хазон».

Достонда ижобий қаҳрамон Бунёдни димоғдор, ўзи-
га ориқча оро берган, мол-мулкка муккасидан кетган
Паризоднинг алдаши, рикорлик кўрсатиши ҳаққоний
тасвирланган. Халқда «Тенг-тенги билан» деган гап
бор. Бу гапни шоир Паризод тилидан жуда ўринли ва
ишонарли қилиб берган. Шоирнинг таърифига ҳеч қан-
дай изоҳнинг ҳожати йўқ:

Чўпонни севолмадим,
Ҳеч кўнгил қўёлмадим.
Ғурбатга қорганимнинг,
Девга юборганимнинг
Сабаби шунда эди.

Кўнглим тугунда эди...
Қанча ботир бўлсанг ҳам,
Зўр баҳодир бўлсанг ҳам,
Тўшагинг хас деб билдим,
Аслингни паст деб билдим.

Ҳамид Олимжоннинг Ватан уруши даврида яратган
«Жангчи Турсун» балладаси ёшларни ватанпарварлик
руҳида тарбиялашда катта роль ўйнаб келмоқда.

БУНЁДНИНГ ЖАНГИ («Семурғ» поэмасида парча)

• • • • •
«Кун ботарда бир ёвуз
Дев бор эмиш ялмоғиз.

Одамга душман эмиш,
Қон эмиш унга емиш.
Ҳар мусибат, ҳар офат,

Ҳар бир мудҳиш касофат,
 Барча жабру жафолар,
 Ҳамма дарду балолар
 Ушандан келар эмиш.
 Одамларни емирмиш
 Билан бўлар эмиш шод.
 Кўнгли ғамлардан озод.
 Узи бало тоғининг
 Ва офат булоғининг
 Бошида ўлтирармиш,
 Куну туну ёз ҳам қиш.
 Уни кўрган ҳар чаман,
 Қўяркан тупроққа тан,
 У тикилган ҳар бир гул
 Тўкилар экан буткул,
 Уни кўрган ҳар бир жон,
 Тез бўлар экан хазон.
 Дарёлар қурир экан,
 Балиқлар чирир экан.
 Ундан ҳар кун табиат
 Олар экан қора хат.
 Икки ою, икки йил,
 Юрсанг маҳкам боғлаб
 бел

Маконига борарсан,
 Андомига қарарсан.
 Уртангизда жанг бўлур,
 Икки олам тенг бўлур.
 Шунинг жангда ўлдирсанг,
 Ҳаётини сўлдирсанг.
 Қўлинг билан одамзод
 Балодан бўлса озод.
 Девни ўлдириб агар,
 Қайтиб келсанг безарар,
 Шу куни тўй бошлармиз,
 Ғам-ғуссани ташлармиз».

Бунёд узоққа боқди,
 Чарвоққа, тоққа боқди.
 Назари чўлга тушди,
 Ҳув дея йўлга тушди.
 Кўздан йўқолди шу он,
 Тарқалди ҳамма ҳайрон.
 Баланд тоғлардан ошди,

Дараларда адашди.
 Водийларга кўз ёши
 Тўкиб айлаиди боши.
 Дарёлардан ўтди ул,
 Яна узоқ кетди ул.
 Юрти қолди узоқда,
 Тушунчаси тузоқда.
 Зўр бир ишга қўшиб бош,
 Узига-ўзи йўлдош,
 Узоқ чўлларга етди,
 Қайноқ кўлларга етди.
 Поёни йўқ кенг саҳро
 Ут пуркаб солди садо.
 Оёғи остида қум
 Ётади уюм-уюм.
 Бирор кўкат кўринмас,
 Бирор жонвор уринмас.
 Ёнинг тушиб қуёш,
 Қуяр эди ичу тош.
 Бошдан тер қуяр эди,
 Оёғи қуяр эди.
 Ҳалқумлари бўлиб қоқ,
 Тоқатлари бўлиб тоқ,
 Қимирлар эди секин,
 Зўрға олар эди тин.
 Бир йилдан сўнг баногоҳ
 Бир сирдан бўлди огоҳ:
 Поёни йўқ кенг чўлда,
 Қайнаган қумли кўлда
 Бир зўр дарахт кўринди,
 Ушанга кўзи тўнди.
 Кўп толиққан бу одам
 Шу томон қўйди қадам.
 Дарахт қуриган эди,
 Қуриб чириган эди,
 Эди минглар ёшида,
 Унинг баланд бошида
 Қуш уяси бор эди.
 Ҳам зўр ҳамда тор эди.
 Дарахтга бир зўр илон,
 Чирмашиб, у ошён
 Сари заҳар сочарди,
 Ҳам оғзини очарди.
 Чақалар чирқирашиб,

Фарёд қилиб туташиб
Онани кутар эди.
Кон, зардоб ютар эди.
Бағрини ўртаб бу дод
Яқинроқ борди Бунёд.
Ўрдамга фаҳми келди,
Қушларга раҳми келди.
Қиличини чиқариб,
Дарахт ёнига бориб
Ўша ёвуз илонни,
Хунук ва мудҳиш жонни
Ўғраб ташлади шу он,
Қумлар бўлди қизил қон.
Чақалар омон қолди,
Анча омон жон қолди,
Чақаларни қутқариб,
Илонни қонга қориб,
Дарахтнинг соясида
Ўя ҳимоясида,
Ўзоқ уйқуга кетди.
Жонига ором етди.
Кун чошгоҳдан оққанда,
Қуёш тикка боққанда,
Қўзғалган каби бўрон,
Гувиллаб қолди осмон;
Яшин учгандай бўлди,
Пода кўчгандай бўлди.
Кўкни тутиб қаноти,
Бутун оламнинг оти —
Семурғ қуш келиб қолди,
Бунёдни билиб қолди,
Чангалида зўр арслон,
Тумшуғида ботмон дон,
Кўзи ичидаги ўт
Оламни қилиб нобуд.
Ўясига қўнмасдан,
Бир оз бўлсин тинмасдан
Бунёднинг боши узра
Чиза берди доира.
Жаҳон бузиб ўкирди.
Қаҳ-қаҳ уриб бўкирди.
Ёмак учун одамни,
Торта берди у дамни.
Чақалари чирқираб,

Кўз ёшлари тирқираб,
Ялиндилар, қизған деб,
У бир гуноҳсиз жон деб:
«Қизған она, ўқисзни,
Ўша қутқазди бизни.
Бўлмаса ўлар эдик,
Очилмай сўлар эдик.
Бизни ер эди илон,
Айрилардинг, онажон».
Семурғ ўйланиб қолди,
Қалбини шафқат олди.
Қумнинг бағрига ботган,
Қуёшда куйиб ётган,
Бунёдга соя солди,
Қанот остига олди.
Қуш номли бу буюк зот,
Ундаги кумуш қанот
Бутун борлиқни тутди,
Бор осмонни беркитди.
Бунёд салқин сояда
Бундай зўр ҳимояда,
Етти тунни ухлади,
Етти кунни ухлади.
Уйғона бермагач у,
Босиб тобора уйқу,
Семурғ дарёга кетди,
Ҳаял ўтмасдан етди.
Сувни симириди чўллаб,
Қанотларини ҳўллаб,
Шу замон учиб келди,
Жаладай кўчиб келди.
Тўхтаб Бунёд қошида,
Бир силкинди бошида.
Бунёд уйғонди дарҳол,
Уни лол этди бу ҳол.
Бирдан туриб сесканди,
Қушни кўриб сесканди.
Одамларга ўхшаброқ,
Семурғ бошлади сўроқ:
«Икки минг йилдан бери,
Шу кенг саҳронинг ери
Бўлмишдир менга макон.
Мендан бошқа бирор
жон

Келолмади бунга ҳеч.
Қумлар кўчиб эрта-кеч,
Ватанидан ажралди,
Саҳро гиёҳсиз қолди.
Қуртлар сарсон

бўлдилар,
Учган қушлар ўлдилар.
Бунда фақат топди жон,
Сен ҳалок қилган илон.
Ҳеч ёғмади ёмғир ҳам,
Ер кўрмади зарра нам,
Қадам босмади инсон,
Доримади ҳеч ҳайвон.
Шунча йил ёлғиз турдим,
Ер ва осмонни кўрдим.
Сўйла менга, эй одам,
Бошингга тушди не ғам?
Зўр бир мардлик

қилибсан,
Лекин бекор келибсан.
Тилагингни айт менга,
Не кўмак берай сенга?»

Дунёни ғамга кўмган,
Жафо-аламга кўмган
Девни бир кўрмоқчиман,
Кўриб ўлдирмоқчиман.
Одамларга бахт бермоқ,
Бахтлиларга гул термоқ
Элдан шиорим бўлди,
Номус ва орим бўлди.

Қушда меҳр уйғонди,
Қизғаниш билан ёнди,
«Кел, эса устимга чиқ,
Менинг қанотимга чиқ.
Бир нафас ўлтиргин жим,
Бир нафас кўзингни юм.
Мен кунингга ярайин,
Сени олиб борайин.
Денгизлардан ўтганда,
Дунёни сув тутганда
Кўзларинг очилмасин,
Хаёлинг сочилмасин;

Ўзингни йўқотмагил,
Яна сувга отмагил.
Сени олиб борарман,
Қурашингга қарарман.
Ўлсанг гуноҳ ўзингда,
Қўрқув билмас сўзингда.
Агар девни ўлдирсанг,
Ерни нурга тўлдирсанг,
Яна олиб қайтарман,
Офаринлар айтарман».
Қанотга чиқди Бунёд.
Кўзини чирт юмди бот.
Ва Семурғ қилди парвоз
Дунёни тутди овоз,
Кун ботар томон кетди,
Тун ётар томон кетди.

Уча-уча охири
Ўрмонликка етишди,
Шовиллаб пастга тушди.
Семурғ деди: «Эй ботир,
Кел энди ўрнингдан тур!
Бориб душманингни топ,
Қилич сол, бўйнидан чоп.
Жўна, бахтинг бор
бўлсин,
Ўткир қилич ёр бўлсин.
Сени шунда кутарман,
Келмасанг қон

ютарман»,—
Дея кўздан йўқолди.
Бир кесак бўлиб қолди.
Бунёд ўрмонга кирди,
Сув кечиб қонга кирди.
Ўткир қилич қўлида,
Борар экан йўлида
Дарахтлар қулар эди,
Йиртқичлар ўлар эди.
Ўрмонда ҳарнаки бор,
Қурту қушу жонивор,
Қарши олар эдилар,
Назар солар эдилар.
Бу ҳам бўлар деб қурбон
Эдилар кўп пушаймон.

Чумчуқлар чирқирарди,
Булбул йиғлаб турарди.
Бунёд эса мардона,
Марду баҳодирона,
Ўрмонда борар эди.
Девни ахтарар эди.
Ошиқарди кўрай деб,
Қаршисида турай деб,
Қилар эди кўп армон,
Топай деб дардга дармон.

Бунёд етти кун кезди,
Етти қора тун кезди.
Энг охири тун чоғи,
Бир ҳид сезди димоғи.
Тани жимирлаб кетди,
Қалби қимирлаб кетди.
Бора берди у ҳамон,
Гувиллаб қолди ҳар ён.
Ўрмон шатирлаб қолди,
Барглар патирлаб қолди.
У яна юрди бир оз,
Охир дев чиқди пешвоз.
Секин-секин юрарди,
Қаҳ-қаҳ уриб турарди.
Думидан бошигача,
Бошдан оёғигача
Хурсандлик олган эди,
Шодликда қолган эди.
Заҳар томар тишидан,
Ўлим ёғар ишидан.
Шохи осмонда эди.
Тирноғи қонда эди.
Бунёдга қулиб боқиб,
Нафсига йигит ёқиб:
«Салом, ўғлим, кел,—
деди.

Душман эмас, эл,—
деди —
Тилагингни айт менга,
Не мурод керак сенга?»
Йигит сўзга бошлади,
Гапни тизиб ташлади:

«Бунёд сенга эл эмас,
Эл бўлганин дев емас.
Сен бир офат эмишсан,
Зўр қабоҳат эмишсан.
Одамзоднинг ёни,
Ўғлонларнинг гўркови,
Ўзинг эмишсан бўғиз

Бошингга етажакман,
Ўлдириб кетажакман».
Бунёд қилич чиқарди.
Ўрмон ялтираб қолди.
Бунёднинг қаҳри келди.
Кўзларидан ўт сочди,
Ўрмонликдан тун қочди.
У ҳар оғиз очганда,
У ҳар бир ўт сочганда,
Зўр бир ёнғин кетарди,
Қанча ўрмон битарди,
Нафасидан зўр бўрон
Кўзғалар эди ҳар ён:
Томирлар кўчар эди,
Дарахтлар учар эди.
Осмонни қушлар тутиб,
Ҳаммаси ҳам қон ютиб,
Чирқирашиб турарди,
Зўр курашни кўрарди.
Тўкилар эди қонлар...
Барча йиртқиш

ҳайвонлар
Кезарди бесарамжон
Сақлаб қолмоқ учун жон.
Бунёдни ютмоқ учун,
Бўғзидан тутмоқ учун,
Дев ҳамла қилар эди,
Баъзида кулар эди.
Оташда эди ичи,
Баҳодирнинг қиличи
Ялтирарди бошида,
Кулар эди қошида.
Бунёд қилич солганда,
Ҳар бир сирмаб олганда
Девни узиб ўтарди,
Узиб, бузиб ўтарди.

Тўхтамади қонли жанг,
Бўлди девнинг ҳоли тапг.
Икки куну икки тун
Солишди улар бутун.
Тинимни билмадилар.
Ярашга келмадилар.
Бунёд қиличи билан,
Заҳарли учи билан
Девни бурдалай берди,
Қилич қон ялай берди.
Дев макон қурган ўрмон
Бошдан оёқ бўлди қон.
Қилични ҳар солганда,
Ҳар бир сирмаб олганда
Бир жойни олиб ўтди,
Бир рахна солиб ўтди.
Охири жон қолмади.
Жону дармон қолмади,
Қилич бўғзида тутгач,
Тоғ каби ёриб ўтгач,
Дев ҳарсиллаб қулади,
Бир қарсиллаб қулади.
Дев қулаб йиқилганда,
Бирдан яксон бўлганда
Ерлар қимирлаб кетди,
Зилзила гурлаб кетди.
Чўзила тушган чоғи,
Девнинг бошу оёғи
Ўрмонни тутиб кетди,
Сирмай четга ҳам ўтди.
У типирлаб берди жон
Ва жимжит қолди ўрмон.
Шундан сўнг ботир Бунёд
Бўлиб ўзида йўқ шод,
Қиличини ювиб олди,
Бир ўпиб, қинга солди.
Паррандалар барчаси,
Гўзали, ой парчаси
Ботирни узатдилар,
Слқишлаб кузатдилар.
Йигит Бунёд мардона,
Марду баҳодирона,
Юриб ўрмондан чиқди,
Фавфо ва қондан чиқди.

Ботир ғоят беқарор,
Семурғига интизор
Турар эди кўз тутиб,
Ҳар кўзини юз тутиб,
Кесак бўлиб ётган қуш,
Гўё кўрган каби туш
Қонлар тўкилганини,
Бунёднинг енгганини;
Ботирнинг ғуссадан пок,
Дев бўлганини ҳалок
Билар эди ҳаммасин.
Кесак бўлиб кўлкасин
Ерга солиб ётарди,
Ором олиб ётарди.
Бунёд келган замон ул,
Шодликка тўлди буткул,
Бир айланиб қуш бўлди,
Бунёд кўнгли хуш бўлди,
Ботир изидан ўпди,
Икки кўзидан ўпди.
Деди: «Кел, устимга чиқ,
Менинг қанотимга чиқ!
Энди кетга қайтайлик,
Элга дoston айтайлик.
Ботир йигит кетдик, бўл!
Келган жойга етдик
бўл!»

Ботир қанотга чиқди,
Зўр «дулдул отга»
чиқди.

Кўзини юмган замон,
Хаёлга чўмган замон,
Семурғ кўкка йўл олди.
Ўрмонлар кетда қолди.
Бир юрт кўчиб боргандай,
Кўчиб учиб боргандай
Шовқин-сурон зўр эди.
Ва беимкон зўр эди.

«Эй, Бунёд, кўзингни оч,
Жаҳонни кўр, назар соч!
Энди йўлни топарсан,
Керак бўлса чопарсан.
Бор, яхшилар ёр бўлсин,

Тоғлар ошди, қир ошди,
Ойлар бўйи адашди.
Сунгги қирдан ўтганда,
Ўз юртига етганда,
Кунларини санади.
Тунларини санади.
Англади, роса уч йил,
Кезганини муттасил...

(1912—1946)

Зафар Диёр 1912 йилда Наманган вилоятининг Самсоқтепа қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди.

Зафар Дийёр 1927 йилда Наримонов номидаги педагогика техникумига кириб, унда қунт билан ўқийди. Техникумда чиқариладиган деворий газетага ўзининг хабар, шеър ва чизган расмлари билан фаол қатнаша бошлайди. Кейинроқ техникум Самарқандга кўчирилади. У ерда Зафар Дийёрнинг илк шеъри ёш шоирларнинг «Қурилиш куйлари» деган тўпламида нашр этилади.

Зафар Диёр 1933 йилда техникумни битириб, ўқитувчи бўлиб ишлай бошлайди. Айни вақтда бадий ижод билан шуғулланиб, қатор асарлар яратди. Унинг шеърлари, ҳикоя ва очерклари газета ва журналларда босилиб туради.

1934 йилда Зафар Диёр Самарқанддан Тошкентга келиб, «Шарқ тонги» газетасининг адабиёт ва мактаб бўлимида адабий ходим, кейинроқ «Шарқ тонги» газетасининг масъул котиби бўлиб ишлаган.

У 1941—46 йилларда «Қизил Ўзбекистон» газетасида меҳнат қилди. Тошкент давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетига кириб ўқишни давом эттирди, ўз билимини ошириш устида кунт билан ишлади, халқ оғзаки ижодини, ўзбек ва шарқ классикларининг асарларини севиб ўргади.

Шоир истеъдодининг камолга етишувидаги яна бир муҳим ҳаётий асос ўша даврдаги адабий муҳит билан боғлиқлигидир. Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Ғайратий, Собир Абдулла, Яшин, Уйғун каби забардаст санъаткорлар ана шу муҳитнинг ажойиб вакилларидан эдилар. Зафар Диёр ўз ижодида ҳамкасбларидан ибрат олмаслиги ва шундан келиб чиқиб ижодга катта масъулият билан ёндашмаслиги мумкин эмас эди.

Зафар Диёрнинг асарлари ёш китобхонларни узоқ вақтдан бери ўзига ром этиб, авлоддан-авлодга ўтиб, ёшлар тарбиясида муҳим воситага айланди. Шоирни ёш китобхонга азиз ва яқин қилган нарсалардан бири шук, у бутун ақли, қобилияти, қалам кучини ёш авлодга қаратган, болаларнинг шодлик ва ташвишлари, орзу-интилишларини сезгирлик билан англаб кўнгилга жойлаган, дилини дилларга пайванд этганди. Болалар ёзувчиси учун лозим бўлган ҳамма хусусият — нозик таъб ва ўткир дидлик, ҳақиқий педагогча донолик ҳам соддадиллик, ғамхўр, мураббийча ҳушёрлик ва бағрикенглик жамул-жам бўлган бу инсон ҳақиқатан ҳам тугма болалар шоири эди. Уни болаларга яқинлаштирган яна бир хусусият — асарлари беҳуда кучаниқ ва қочириқдан холи, кўнгилга яхши ўтиришадиган самимий ва табиий бўлганлигидир.

«Мен Зафарни ўйласам,— деб ёзади Ҳ. Назир,— уни нуқул шод-хуррам болалар қуршовида, қувноқ чехрасидан нур таралиб, сертабассум лабларидан шеър дурдоналари ёғилаётгандай кўраман. Чинданам у болаларга жуда яқин эди. Мактаблар ва болалар уйларида, кутубхона ва боғчаларда бот-бот бўлар, ёш китобхонларга янги-янги шеърларини болаларча мулойим, содда, ширали овози билан ўқиб берар, айрим шеърларини ёддан жуда ўхшатиб декламация қилар, болалардан

ҳам шеър ўқитиб эшитарди. Шунда у ўзининг қайси шеърлари билан болалар кўригидан яхши ўтганини, қайси шеърни кўпроқ севиб қолганларини кўрар, болаларга ёқтириш учун қандай шеърлар ёзиш лозимлигини фаҳмлаб оларди. «Биз болаларга нуқул ўргатибгина қолмай, улардан ўрганиб ҳам туришимиз керак», дерди.

Ҳа, болалардан ўрганиб, уларга ўргатиб пжод қилган шоир айниқса, мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларнинг серзавқ кўйчиси сифатида улар қалбида абадий муҳрланиб қолди. Унинг «Қўшиқлар», (1933), «Машинист» (1936), «Гантана» (1938), «Шеърлар» (1939), «Муборак» (1940), «Бизнинг қуролимиз» (1941), «Бизнинг оила», (1942), «Совға» (1944), «Чаман» (1948), «Асарлар» (1954), «Сув билан суҳбат» (1976) каби китоблари болаларга катта тортиқ бўлди.

Зафар Диёрда айниқса, она юрт, серқуёш ўлка тушунчаси зўр. Шоир эл-юртимизни, Ватанимизни қаттиқ севади. Ижодкор қалбидаги буюк муҳаббат жуда чиройли бўлиб шеърларига кўчади. «Ғунчалар», «Яшна Ватан», «Серқуёш ўлка» сингари асарларнинг сарлавҳасиёқ болалар кайфиятини чоғ қилади. Болаларда она-Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни ўн чандон ошириб юборади. «Ғунчалар»да шоир болаларни эркалаб:

Ватан агар бўлса бир чамаи,
Сиз қўйнида хандон ғунчалар
Ай, сиз меннинг кичик дўстларим,
Ватанингиз севар шунчалар,—

дейди. Аммо шу ғунчалар она-Ватанимиз асоси эканлиги, булар олдида турган буюк ишлар шоир эътиборидан четда қолмайди. Шеърни ўқиган ҳар бир болада тезроқ ўсиб-улғайиш, Ватан хизматини қилиш ҳисси жўш урмай иложи йўқ.

Зафар Диёр шеърларида айниқса, мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг руҳиятини яхши биллиши сезилиб туради. Масалан, шоирнинг «Боғчамиз», «Тўп», «Арча», «Арча қўшиғи», «Той», «Кичкина чавандоз», «Капалак» шеърини олиб кўрайлик. Бу асарлар асосан беш, олти бўғинли, ихчам, тушунилиши осон, сўз ва мисралар ниҳоятда ўйноқ ва болаларнинг гапидан ташкил топган. Муаллиф олти-етти ёшгача бўлган болаларнинг қизиқувчанлигини, самимийлигини,

одамларга, қушларга, жониворларга, умуман ҳамма нарсага ғамхўр, меҳрибонлигини ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган. Шунга кўра шеърлар табиий, жозибадор ва самимий чиққан. «Капалак» шеърда боланинг нақадар бегуборлиги, она табиатга, уни севишга, асраб-авайлашга бўлган муносабати чиройли тасвирга эга:

Ҳой капалак, капалак,
Қанотларинг ипакдек.
Мунча шошиб учасан;
Тўхта, сўзлайин андек...
Мендан асло қочмагин,
Дўст биламан ўзимга.
Пилдир-пилдир учининг,
Оҳ, ёқади кўзимга.

«Сув билан суҳбат»да ҳам ажойиб воқеа қаламга олинган. Асар қаҳрамонининг сувнинг бунчалик ариққа тўлиб-тошиб ва жуда шошиб оқиши қизиқтиради. Сув ва бола ўртасида жонли суҳбат бўлади. Сувнинг сўзларидан бола жуда кўп нарсаларни ўрганиб олади. Сув ҳаёт ибтидоси эканлигини, сув — бутун борлиққа умр, шодлик бахшида этишини тушунади. Натижада болада сувга, уни инъом этган она табиатга, ҳаётга қизиқиши, муҳаббати ошади.

30-йилларда яратган асарлари орасида «Қичкина боғбон ҳақида достон» ва «Кел, учайлик шимолга!», «Юксак тоғ, кенг ўтлоқ ва мард ўртоқ ҳақида қисса» шеърлари алоҳида ажралиб туради. Бу асарлар ҳам боғча болалари ҳаётини очиб беришга хизмат қилади. Бу асарларда боғ кўпайтириш, парвариш қилиш («Қичкина боғбон ҳақида достон»); давр билан ҳамнафас бўлиш, техникага қизиқиш («Кел, учайлик шимолга!»); табиатга меҳр қўйиш, чўл-биёбонларни ўзлаштириш («Юксак тоғ, кенг ўтлоқ ва мард ўртоқ ҳақида қисса») каби масалалар ёритилади.

Зафар Диёр ўзбек болалар адабиётида поэма жанрини бошлаб берган шоирлардан бири ҳисобланади. «Машинист», «Қазбек», «Мадриддан келган меҳмон», «Қотил», «Қўриқчиликда» каби поэмалар; «Бургут», «Янги эртақ», «Нега ҳўроз қичқиради тонггача?» сингари эртақ-достонлар ёзди.

Зафар Диёр Ватан уруши даврида унумлироқ ижод қилади. У ўз асарларида ёш авлодни ватанни севишга, ардоқлашга, зарур пайтда, қўлига қурул олиб, ҳимоя

қилмоққа чақиради. Унинг «Қичкина жангчи» шеъри ана шундай асарлардан биридир. Шеърда оталари ва акаларини фронтга — Ватан ҳимоясига жўнатган ва уларнинг кундалик юмушларини ўз зиммаларига олган ёш авлоднинг фронт орқасидаги меҳнат жасоратлари куйланади.

Шоир шеърда кичкинтойларнинг ўй-хаёлларини, орзу-умидларини моҳирлик билан бадий умумлаштиради ва ҳаётини хулоса чиқаради.

Асар қаҳрамони — богча ёшидаги жажжи бир бола. У аскар бўлишни, душманга қарши курашишни орзу қилади.

Шоирнинг «Мерган» шеъри қаҳрамони ҳам орзулар қанотида яшайдиган бола. Унинг акаси қаҳрамон жангчи, немис босқинчиларига қарши кураш олиб бораётган довиорақ йигит. Лирик қаҳрамон ҳарбий ишни, машқни жон-дилдан яхши кўради, қизиқади. Машқ қилавериб, милтиқ отишни, тўғри мўлжалга олишни ўрганган. Боланинг эзгу нияти битта: тезроқ улғайиш, она-Ватанини акаси каби ҳимоя қилиш:

Дўстлар, ўсиб-улғайсам,
Аскарликка бораман.
Унда моҳир курашчи
Акам ўрнин оламан.

Булардан ташқари, шоирнинг «Қурол беринг менга ҳам», «Қаҳрамон», «Қўриқчиликда», «Олтин юлдуз», «Биз яшамоқ истаймиз», «Танкист», «Она қўшиғи», «Мактаб — сенинг фронтинг», «Темирчилар минбари», «Ёш ватанпарварлар», «Поезд кетар фронтга», «Отам келар яқинда», «Қаҳрамоннинг келиши» каби шеърлари ҳам уруш даври ўзбек болалар адабиётининг тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Зафар Диевнинг адабий мероси ниҳоятда бой ва ранг-барангдир. Унинг болалар ҳаётидан олиб ёзган («Бахтли ёшлик», «Уч оғайни», «Ёш ватанпарварлар», «Оқ олтин», «Омонат» деган пьесалари, «Юксак тоғ, кенг ўтлоқ ва мард ўртоқ ҳақида қисса», «Бургут», «Янги эртақ» деган эртақлари), «Шараф эгаси», «Танк ғилдираклари остида», «Ножўяликлар» каби ҳикоялари ва очерклари болалар адабиёти хазинасига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Г У Н А Ф Ш А

Гунафшахон, гунафша,
 Кулишларинг чиройлик;
 Боғимизда очилиб
 Туришларинг чиройлик.
 Ҳамма чиқар далага
 Гунафшалар тергали;
 Мен ҳам йиғдим бир даста
 Опамизга бергали.
 — Мана, опа, гунафша.
 Қаранг, қандай чиройлик;
 — Юринг,— деди,— опа-
 миз,—

Гунафшалар терайлик.

Гунафшахон, гунафша,
 Кулишларинг чиройлик;
 Кўксимизда ҳид сочиб
 Туришларинг чиройлик!

Гунафшалар очилди,
 Чаккангга тақ, чаккангга;
 Атир ҳиди сочилди,
 Чаккангга тақ, чаккангга.
 Лаззат олиб ҳидидан
 Боларилар учади;
 Ипак қанот капалак
 Баргларини қучади.
 Сени мақтаб куйлайди
 Боғ айланиб қушчалар:
 Дарак бериб баҳордан
 Қувонтирдинг шунчалар.

КАПАЛАК

Ҳой, капалак, капалак,
 Қанотларинг ипакдек;
 Мунча шошиб учасан,
 Тўхта сўзлайин андак,
 Учратаман ҳар куни
 Сени гўзал боғчамда;
 Сўриб гуллар шарбатин
 Ултирасан олчамда.
 Бориб ушлай деганда,
 Шошиб дарҳол учасан;
 Сира тутқич бермасдан,
 Гулдан-гулга кўчасан.

Мендан асло қочмагин,
 Дўст биламан ўзимга;
 Пилдир-пилдир учишинг
 Оҳ, ёқади кўзимга.
 Уч, учабер, учабер,
 Гўзал боғчам — гулшанда.
 Сира озор бермайман,
 Севгим, фикрим ҳам
 сенда.
 Капалакжон, капалак,
 Қанотларинг ипакдек;
 Дўст бўлайлик иккимиз,
 Тўхта, сўзлайин андак!

Т У П

Тўпим, тўп-тўп этасан,
 Урсам учиб кетасан,
 Ҳаволаниб, нарига
 Дўстларимга етасан.
 Сенга сира тўймайман,
 Бўш эканман
 қўймайман,

Овунчоғим,— деб сени
 Дўстларим-ла
 ўйнайман.
 Ўйнатасан кўзимни,
 Ҳовлиқтириб ўзимни,

Бир оз кўпроқ ўйнасам,
Терлатасан юзимни.
Тўпим, тўп-тўп
этасан,

Урсам учиб кетасан.
Ҳандалакдек юмалаб
Бизни хурсанд этасан.

ҚУДДУС МУҲАММАДИЙ

(1907 йилда туғилган)

Ҳозирги замон ўзбек болалар шеърятининг тараққиётида Қуддус Муҳаммадийнинг роли катта.

Қуддус Муҳаммадий 1907 йилда, Тошкент шаҳрида меҳнаткаш деҳқон оиласида дунёга келди. Бўлажак шоирнинг отаси Муҳаммад Алибек Абдурахмонбеков эскича саводли киши эди. У дастлабки маълумотни ўз отасидан олади.

1925 йилда отаси вафот этгач, Қуддус Муҳаммадий аввал амакиси қўлида, сўнгра эса мактаб-интернатда тарбия олади. Интернатда Қ. Муҳаммадийнинг биринчи шеъри «Чувалачи» майдонга келади ва бу ерда чиқади-ган «Қуёш» номли деворий газетада босилиб чиқади.

Шу илк машқларидаёқ бўлажак шоирнинг нафосат эламини кузатиш ва бадий идрок этиш таланти ҳамда умумлаштириш маҳорати яққол кўринади.

У етти йиллик мактабни муваффақиятли тамомлаб, Тошкент қишлоқ хўжалик техникумига ўқишга киради. Бу ерда у болалар учун шеърлар ёза бошлайди. Унинг «Тонг ўйини» шеъри «Ёш ленинчи» газетасида, «Паранжи» шеъри «Шарқ ҳақиқати» газетасида, «Аҳмад ва асалари» шеъри «Маданий инқилоб» газетасида, «Селекция станцияси» номли шеъри эса «Ер юзи» журналинда босилиб чиқади.

1931 йилдан Қ. Муҳаммадий мактабда ботаника ўқитувчиси бўлиб ишлайди, шу билан бирга Ўрта Осиё Давлат университетининг биология факультетида ўқий бошлади.

Болалар уйидаги ва университетдаги ҳаёт, меҳрибон мураббий ва муаллимларнинг ғамхўрликлари Қ. Муҳаммадий қалбида бир умр ўчмас из қолдирди. Бу ердаги ўзаро дўстлик бўлажак шоир қалбини тоғдек кўтариб юборади.

Қуддус Муҳаммадий, Ойбек, Ҳ. Олимжон, Ғ. Ғуломларни устоз деб билган, улардан ўрганган, доимо ижодий мулоқотда бўлган. Илк шеърларидан бири «Тонг

Ўйини» орқали улкан адиб Ойбек билан танишади. Ойбек бу истеъдодли болалар шоирини ҳамиша қўллаб-қувватлаб, ижодига ғамхўрлик қилиб келган.

Бир кун Изувчилар уюшмасида мушоира бўлади. Мушоирага раислик қилаётган Ҳамид Олимжон шеър ўқиш навбатини Қ. Муҳаммадийга беради. Қ. Муҳаммадий завқ билан «Саъва сайраркан» шеърини ўқийди. Қ. Муҳаммадийнинг ижодий қобилиятини пайқаган Ҳ. Олимжон шеър тугаши билан уни ёнига чақиртиради. Қачондан бери шеър ёзишини, қаерда ишлашини суриштириб, шеър маъқул тушганини айтади. Сўнг болалар учун шеърларнинг камлиги ҳақида тўхтаб, мана шундай ажойиб шеърларни кўпроқ ёзишни таъкидлайди.

Қуддус Муҳаммадий ижодига хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири ҳозиржавобликдир. Шоир асарларида она-Ватанга муҳаббат, аъло ўқиш, хулқ-одобда бошқаларга намуна бўлишга даъват этиш, фан ва техникани ўрганиш муаммолари асосий мавзулардан ҳисобланади.

Ватан уруши даврида Қуддус Муҳаммадий Ислом шоирга адабий котиблик қилади. Бу ерда у халқ оғзаки ижоди намуналари билан яқиндан танишади. Ислом шоирдан кўп нарсаларни ўрганади.

Шоирнинг биринчи шеърлар тўплами 1946 йилда «Ўқувчига эсдалик» номи билан босилиб чиқади. Шундан кейин унинг 60 дан зиёдроқ турли ном ва тиллардаги китоблари босилиб чиқди.

Қуддус Муҳаммадий доимо зарур мавзуларда асарлар яратиб келади. Ҳар бир шеърни кундалик ҳаётимиздан олиб ёзади. Ёзганда ҳам қизиқ ёзади, қизгин ёзади, соз ёзади. Болаларни ўқишга, ҳунар ўрганишга, одобли бўлишга, меҳнатга чақиради, қизиқтиради, ёрдам беради. Буни шоирнинг «Ўқувчига эсдалик» шеърларида кўриш мумкин. Асарда мактаб ўқувчисининг маънавий қиёфаси ва вазифаларига муфассал тўхталади, ўқиш, билим, ўрганишнинг зарурлигини таъкидлайди:

Бўлай десанг боғбон,
Ё Ватанга посбон.
Ё осмонда учувчи,
Ё денгизда сузувчи,
Нимани қилсанг тилак,
Барига ўқиш керак.

Санъаткорнинг қайси туркумда яратган асарини олманг, барчасида ҳаётбахш руҳ, даъваткорлик, болани

нимагадир чорлаш, яхшилик, аъло ўқиш, ахлоқ-одобли бўлишда бошқаларга ўрнак кўрсатиш, қушлар ва жониворларга меҳрибон бўлишдек ибратомуз маъно ва мазмун ётади.

Шоир ўқувчи болалар ҳаётининг фақат энг муҳим, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган масалаларинингина қаламга олади ва уларни бадий жиҳатдан ёрқин ва ифодали қилиб тасвирлашга уринади. Бу эса у томонидан ишлатилган тасвирлаш воситаларининг нақадар ўринли ва мазмундорлигини тасдиқлайди, образли ибора энг қисқа ифодали ва мазмундор ибора эканини исботлайди.

Шоир шеърда юмористик элементлардан ҳам ўринли фойдаланган:

Чирманда эмас доска,
Чалаверма ҳавасга,
Бўрни қурт деб ўйлама,
Чўнтагингни бўяма.

«Ўқувчига эсдалик»

Қуддус Муҳаммадий софдил, аълочи ўқувчи болаларни самимий севади, ўз шеърларида бундай болаларни мактайди. «Аълочи Содиқ», «Синов», «Менинг орзум», «Бизнинг уйда», «Яша, Омон!», «Беш», «Солижоннинг дарсхонаси» ва бошқа шеърлари аълочи ўқувчилар ҳақида яратилганлиги билан муҳим тарбиявий аҳамият касб этади. Аъло ўқиш, тинмай меҳнат қилиш билангина илм-фанни эгаллаш мумкин эканлигини шоир бу шеърлари орқали болалар қулоғига қуяди.

Қуддус Муҳаммадий ижодининг яна бир муҳим қирраси сатирик ва юмористик асарлари билан боғлиқ. «Номсиз эркатоилар ҳақида», «Дум», «Аҳмаджонга уят», «Лапашанг», «Равшанжоннинг қўли тилга кирди» каби кўплаб шеърларида болалар характеридаги ярамас одатлар аёвсиз танқид қилинади. Айниқса, шоирнинг «Дум» шеъри шу жиҳатдан характерлидир. Улгурмовчи, уйга берилган вазифани тайёрламай «дум» билан юривчи ўқувчилар ҳақида наср ва назмда ёзилган кўпгина асарларни биламиз. Аммо Қ. Муҳаммадий «дум»чилар устидан кулиш учун мутлақо янги сўз ва образ топган.

Шеър қувноқ мисралардан ташкил топган бўлиб, болаларнинг руҳига, педагогик-руҳий хусусиятга мос тушади:

Дум билан юриш инсон шаънига ярашмаслиги, иккичи, қолоқ, ишёқмас Турғунларнинг бундай ярамас думдан қутулиб кетиши зарурлиги асарнинг мантиқий хулосасидир.

Шоир ижодига назар ташласак, меҳнатга муҳаббат мавзуи алоҳида ўрин тутишини айтиш мумкин. «Бобомнинг меҳнати», «ГЭС қурилиши», «Мироб», «Бу бинони ким қурган?», «Этик», «Мадраим пайвандчи», «Мамажон шофёр» ва бошқа шу каби шеърларда меҳнат симфонияси жаранглаб туради. Бу ерда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, меҳнат аҳлини севиш, уларнинг бунёдкор фаолиятларини қадрлаш биринчи ўринда тасвирланади.

«Этик» шеърининг қаҳрамони Солижон деган бола. У ҳали кичкинтой бўлишига қарамасдан мушоҳадаси ўткир, одобли. У «Ўрдак бурунли кавказча этигига гард юқтирмайди». Шунга кўра уни олифта бола экан, деб ҳам ўйлаш мумкин.

Шоир Солижон билан унинг этиги орасидаги мунозарага диққатни қаратади. Этик ўзининг чиройлилигини кўз-кўз қилмоқчи бўлади.

Кўп чиранма хуснингга,
Раҳмат деб қўй бир марта
Сени тиккан устангга.

Солижоннинг «Ўрдак бурунли кавказча» этигини «пуф-пуфлаб» кийиб юриши — унинг тикилишига сарф қилинган меҳнатни яхши билишидан, эъзозлашидан. Болалар табиятан олам ва одам сирларини билишга астойдил қизиқади. Шоирнинг «Дунёда энг кучли нима?» шеъри ана шу қизиқишнинг бадий ифодаси сифатида эътиборга лойиқ. Шоир филни «тоғни ортсанг кўтаради», шерни «филни ҳам тикка ейдиган», сувни «дарё, сой, ирмоқлари, булоқлари кўп», совуқни «дарёларни тош қотирган», иссиқни «қиш, совуқни қочирган», тоғларни «тоғу тошни қулатар», қуёшни «қаримайди, учмайди» деб ҳар хил мавжудот ва ҳодисаларга хос характерли хусусиятларни ғоят жонли, қизиқарли ифода-лаб, уларни болаларнинг суҳбати орқали поэтик равишда гавдалантиради. Буни ўқиган бола ҳодисаларнинг кучи нимадалигини, уларнинг ҳаётдаги ўрнини тушуниб олади. Бу боланинг фикрини, қобилиятини,

онгини, дунё ҳақидаги тушунчасини оширади. Айниқса, ёш китобхон дунёда инсонга куч-қудрат, ақл-заковатда тенг келадиган ҳеч нарсa йўқ эканлигини билиб олади:

Уша кучли ўзимиз,
Борлиқнинг эгасимиз...
Хотирингиз бўлсин жам,
Дунёда кучли одам!

Қуддус Муҳаммадийнинг «Темирлар ўйини» шеъри ёш китобхонларнинг севимли асарларидан биридир. Шоир шеърда темирлар ўйини мисолида меҳнатга муҳаббат ғоясини илгари суради. Темирларнинг жонлантирилиши болалар тасаввурини бойитишга хизмат қилади:

Темирлар, жаранг-журунг,
Ўйнашиб диринг-диринг
Дейишар «юринг, юринг».
Тушдилар қизиқ танца,
Сакрашар асса-асса.

«Темирлар ўйини»даги «синиқ перо», «бузуқ ручка», «эски челак», «чўлтоқ кетмон», «занг босган мих», «кераксиз калит», «узун занжир», «калта сим»ларнинг ўз ҳолига ачиниши, болалар меҳнати, ташаббуси туфайли улар ҳам халқ хўжалигини ривожлантиришда яроқли бўлишидан хушнудлиги янада реал, жонли ва лўнда-лўнда ифодаланади:

Қурилишга борамиз,
Ўз ўрнимиз оламиз,—

шоир шеърнинг қизиқарли, болаларбоп бўлиши учун жонлантириш усулидан усталик билан фойдаланиб, темир-терсақлар аҳамиятини уларнинг ўз тиллари орқали сўзлатади, ҳар қайсисига ўзига хос ва мос сифатларни топади. «Дейишар: юринг-юринг», «биз қачон бўламиз ЗИЛ», «тракторга винт бўлиб, пахта майдонин кўрай», «қурилишга борамиз», «темир меҳнаткаш дўстим» каби поэтик тасвирлар шеърнинг ғоявий-бадий мукамаллигини таъминлаш билан унинг тарбиявий аҳамиятини ҳам оширган.

Табиат гўзаллигига бўлган улкан муҳаббат шоирга ҳамиша ҳамроҳдир. Мактабда муаллимлик қилиб юрган пайтида барг мавзусини ўтар экан «Баргжон» шеърини ёзади. Шу тариқа унинг «Момақаймоқ», «Қоқи ўт»,

«Боғимизда бир нок бор», «Тут», «Толим гуллайди-ю нега мева тугмайди», «Ток дарахти бир хил-у, узуми нега ҳар хил», «Шафтоли доктор», «Асалари, Аҳмаджон» каби шеърлари пайдо бўлди.

Шу жиҳатдан шоирнинг Ҳамза номидаги республика давлат мукофотига сазовор бўлган «Табиат алифбоси» туркумига кирган бешта тўплами характерлидир. Шоир бу тўпламларга кирган шеърларида табиат ҳодисалари, нарса ва буюмлар, коннот мўъжизалари ҳақида поэтик хулосалар чиқаради. Бу хулосалар ғоят болаларбопдир. Чунончи, зилзилани ернинг гимнастика қилиши деб таърифласа, чувалчангни «ер трактори» деб атайди, гилоснинг қизиллигини кичкиналигидан уялишидан деган хулосага келадн. Хуллас, табиат мавзусидаги ҳар бир шеърида шу тариқа болалар характери ва тушунчасига хос бир ибратли фикр ифода этилади.

Қ. Муҳаммадий табиат ва инсон куйчисидир.

ОНА ҲУРМАТИ

Она ҳурматин келтирмоқ учун
Англамоқ керак оналар бурчин.
Она сўзи — бу жуда улуғ ном,
Она — бош боғбон, она ҳам посбон.
Она уйимиз ободлигидир,
Она уй ҳусни ҳам шодлигидир.
Онадир бизни гулдек безаган,
Уйнаб кеч қолсак, йўқлаб излаган.
Онамиз — Ватан шараф ва шони,
Онамиз — тинчлик пўлат қўрғони,
Она заводда ҳайдар станок,
Она инженер, тақсим қилар ток.
Она — пазанда, оқ нонлар ёпар,
Она завқ билан ипак қурт боқар.
Она меҳнаткаш, пахтакор полвон,
Она — ҳамшира, ботир қаҳрамон...
Она мактабда ўқитувчи ҳам,
Текстилда у чит тўқувчи ҳам.
Она — ноиб, она — вазирдир,
Она — ҳунарманд, ҳар ишга қодир.
Она — халқ учун улуғ хизматкор,
Она фарзанд деб ишлар фидокор.
Онанинг бизда чексиз фахри бор,
Оналар бизда озод, бахтиёр.

«ДАДАЖОН, НИМА УЧУН ОФТОБЕРГА
ҚАРАБ ТУРАДИ?»

Қуёш ердан кўзин узмас,
Қарамаса сира бўлмас.
Дарё-дарё нур шуъласин
Сочиш билан кўнгли

тўлмас.

Хаттоки қиш куни ҳам
Булутлар қоплаган дам
Тилкалаб юборади,
Булут парда чокидан
Мўралаб кўз солади.

Турибдими ер, жоним

деб,

Турибдими гулжоним

деб.

Боқавериб ранги рўйи
Синиқиб сариқ илак
Ловиллаб меҳри ёнар
Қип-қизариб гулхан

чўғдек.

Кечқурун бўлганда ҳам
Тоғ чўққиси оша яна
Ер қўйнига ботади.
Тонг саҳар шоша яна
Қўкда қулоч отади.

Ётоғи қайда экан,

Қайда ухлаб ётади.

Ер остида уйи борми,

Осмон меҳмонхонаси,

Юлдузой боласими

Қайда мактаб хонаси?

Билгим келар, сўргим

келар,

Кўзим билан кўргим

келар.

Ҳа, ростдан ҳам

Ер онамиз

Қуёш бобом боласи-ку.

Қим боласин яхши

кўрмас,

Ер она кўз қораси-ку.

Шу сабабдан ер қора-да.

Офтобнинг нур пораси-ку,

Унда биз ҳам эварамиз.

Ернинг гавҳар донасимиз,

Ернинг чаман боласимиз.

Ота-она, буви-бува

Кўз узарми

фарзандидан?

Шунга ўхшаб Қуёш

бобонг

Кўнглин узмас

дилбандидан,

Хабардордир ер

қандидан,

Хабардордир

гулқандидан.

ЧЎПОН ТАРВУЗ

(Саҳро янтоғида тарвуз ундирган чўпон тарвуз
қиссаси)

Антиқа тарвуз кўрдим,

Шундай тарвузки,

қаранг

Ўзи чўлу саҳрода

Етилиб пишган таранг

Ўсган янтоқ шохида

Пайванди тарвуз экан,

Худди ер шардек улкан,

Осмондек гузал, кўркам.

Есангизчи, мазаси

Асалдан ҳам ўтади.

Минг киши еса агар

Ҳаммасига етади.

Нашвоти шинни тарвуз,

Чўпон бобом хизмати,
Соҳибкорлик санъати
Биттасини қирқ бола
Еб яна ортиб қолди.
Уруғини талашиб
Ҳаммамиз бўлиб олдик.

Янтоғида пишган тарвуз
Деб далага экамиз.
Бошқаларга ҳам бериб
Уруғин тарқатамиз.
Бобомлар етиштирган
Тарвузи деб айтамиз.

ДУМ

Бир мактабда гап миш-
миш
Турғуннинг думи
бормиш.
Хуш, бу ажаб, қандай
дум,
Ҳеч кимда йўқ-ку бу дум?
Билсам воқеа ўзга,
Илинмас қўлга, кўзга,
«Икки» деган оти бор,
На ўзи, на зоти бор.
Турғуннинг билим қарзи,
Судралиши дум тарзи.
Рўдапо аччиқ ичак,
Онг уйида ўргимчак.
Дум дея кўрманг зинҳор,
Дум шаънига номус-ор.

Ҳайвон, қушлар
сезмасин,
Турғунжондан безмасин.
Улар думи фойдали,
Иш берар қоидали.
Ҳар қайсин ўзига хос,
Қаддига келишган, мос.
Қушга учмоқ-қўнмоққа,
Молга чивин қўримоққа,
Ҳашаротга тиг-яров,
Йилқига чўтка-тароқ.
Дум борки қайси жонда,
Иши бор ҳар мақомда.
Аммо Турғун думи-чи,
На боши бор, на учи.
Эй Турғунжон, кўзинг оч,
Дум «икки»нга қил
илож!

ИЛЁС МУСЛИМ

(1909—1993)

Болалар учун асарлар яратишни ўзи учун бахт деб билган, сермашаққат ва қутлуғ бу ишга умрини бағишлаган Илёс Муслим 1909 йилнинг 2 августида Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида чўян қуювчи — ҳунарманд оиласида дунёга келади. У 1924 йилда шаҳардаги Наримонов номли 1-бошланғич ўзбек мактабига кириди. Мактабда ўзбекча, қирғизча ва русча китобларни севиб ўқийди, атрофда бўлаётган ўзгаришларга синчковлик билан қарайди. Дастлабки мақола ва шеърларини мактаб деворий ҳамда республика газеталарида бостириб туради.

1927 йилнинг кузида Илёс Муслим Тошкентга келиб, ўзбек эрлар билим юртига ўқишга киради. 1930 йилда у билим юртини муваффақиятли тамомлаб, Қашқадарёга боради, Яккабоғ районидаги Шаман-Қирғиз ва Шерози қишлоқларида ўқитувчилик қилиб, ёшларни илм-фан нурларидан баҳраманд этади.

1931—1942 йилларда Илёс Муслим Ўзбекистон давлат нашриётида бадий адабиёт, ёшлар ва болалар адабиёти нашриётларида муҳаррир, бош муҳаррир, директор ўринбосари вазифаларида ишлайди. Шоирнинг дастлабки шеърлари «Ер юзи», «Ўзбек адабиёти ва санъати», «Ёш куч» каби қатор журналларда босилиб чиқади. Шоирнинг биринчи шеърлар тўплами 1932 йилда «Ўсув» номи билан китобхонлар ҳукмига ҳавола этилади. Шу йили «Заҳархандалар» деган иккинчи тўплами, 1934 йилда «Миқти келди» достони босилиб чиқади. 1938 йилда эса «Шеърлар» тўплами майдонга келади.

Илёс Муслимнинг 30-йилларда яратган барча асарларида эрк, озодлик, янги ҳаёт, озод меҳнат, янги давр, ёшларнинг бахтиёр турмуши, юртнинг ўсиши, деҳқон тақдири ва она-Ватанга меҳр каби ўша давр масалалари тўғрисида фикр юритилади. Масалан:

Ватан ҳамдам,
Ҳурмиз ҳар дам.
Ёшлик гунча
Ўсар ҳардам.

Меҳнат тошди
Ғайрат жўшиб.
Ҳаёт қайнар
Зафар қучиб.

Илёс Муслим ўзининг «Миқти келди» (1933) поэмаси билан 30-йиллар ўзбек болалар дostonчилигини бошлаб берди. Достонда эркин, тинч ва осуда ҳаётни бунёд этиш учун кураш Миқти ва бошқа образлар мисолида очиб берилади.

Илёс Муслим 1942—1947 йилларда армия сафида хизмат қилади. Немис-фашист босқинчиларига қарши кураш олиб боради. Биринчи Белоруссия frontiда ҳарбий мухбир бўлиб ишлайди. «Ёвни тутдай тўкамиз», «Адолат жанги», «Маршрут — Берлин!», «Тўпчиларга», «Яшна Ватан!» ва бошқа ўнлаб шеърлари Ватан уруши йиллари маҳсулидир.

1947 йилда ҳарбий хизматдан бўшаган Илёс Муслим нашриётга қайтиб, ижодий ишга берилади. Унинг «Турналар», «Бизнинг мактаб», «Сенинг совғанг», «Тилла қўнғиз», «Ишчан асаларилар», «Ойлар айти-

шуви», «Ойхон ва райҳон», «Қўрик», «Биринчи совға» каби китоблари ҳозирги замон ўзбек болалар адабиётининг ривожланишига баракали ҳисса бўлиб қўшилди. Бу тўпламлар ёш китобхонларнинг ақлий, ахлоқий ва эстетик тарбиясида етакчи роль ўйнаб келаётир.

Илёс Муслимнинг қайси асарига назар ташламанг, унда давримизнинг болалар адабиёти олдида қўйган вазифалари, кичкинтойлар олдида турган муҳим ишлар тасвир марказига қўйилганини кўриш мумкин. Масалан, «Мактабим» асарини олиб кўрайлик. Унда дунёда мактабдан азиз, мўътабар жой йўқ, у гўёки «она каби меҳрибон» бир макон, кишининг саводини чиқарадиган, ўзини-ўзига танитадиган, онги ва ақлига ақл қўшадиган улкан маскан, деган ғоя илгари сурилади. Шунингдек, асарда боланинг мактабдан беҳад миннатдорлиги, ўзининг олдида турган бир қатор вазифалар, эл-юртга содиқ хизматкор бўлиш учун аввало мактабда яхши ва намунали ўқиш кераклиги содда ва равон мисраларда ифодаляб берилган:

Аъло ўқишдир бурчим,
Сарф этаман бор кучим.
Ишлайман халқим учун,
Қадрдоним мактабим!

Илёс Муслим ўз устида жуда кўп ишлайди. Халқ оғзаки ижодини, мумтоз адабиётимиз асарларини қунт билан ўрганади ва ижодий сабоқ олади. Тез-тез кичкинтойлар ҳузурида бўлиб, уларнинг ҳаётлари билан яқиндан танишиб боради. Болаларга бағишланган қисқа ҳажмли нафис шеър ва қўшиқлари шунинг натижасида яратилгандир. Унинг барча асарларида ҳаётий фикрлар мужассамланган бўлади. Чунончи, сўнгги йилларда мактабларимизда касб-ҳунарни ўргатиш ишлари авж олиб кетди. Бу воқеага «Сенинг совғанг» шеъри билан ўз муносабатини билдирган шоир қизалоқларнинг ҳунарга, кашта тикишга қизиқишларини меъёрига етказиб ифодаляйди:

Чақнаб турган мунчоқ кўзингни
Қўлингдаги ишдан олмайсан.
Дилдан тошиб чиққан сўзингни —
Айтиш учун гап тополмайсан.

Жажжигина бармоқчаларинг
Ҳаракатдан тўхтамас бир зум.
Сен чизган гул, байроқчаларинг
Байрам учун совғадир, қизим!

Илёс Муслим жисмоний меҳнатни мактабгача тарбия ёшидан бошлашни афзал кўради. Ўзининг бу эзгулиятини у «Ойхон ва райҳон» деб номланган жажжигина бир шеърида жуда лўнда қилиб таърифлайди.

Ойхоннинг оддий ва соддалиги, тиришқоқ ва уддабуронлиги ҳатто, катта ёшдаги болаларни ҳам қойил қолдиради. У ҳар хил кўк-кўчатлар экади. Гап шундаки, ерга кўчат экиш бошқа, уни парвариш қилиш бошқа. Ойхон кўк-кўчатларига меҳр билан қарайди. Тагини чопади, сув қуяди. «Жамбил, сада, ошрайҳон» кўм-кўк бўлиб вояга етади. Айниқса, «Ойхоннинг сочи каби қуюқ ўсади райҳонлари». Райҳондан исгеъмол қилиб кўрганлар меҳнаткаш қизчага раҳмат айтиб, миннатдорчилик билдирадилар:

Боболар насиҳатин
Эслаб севинчга ботди.
Ҳалол меҳнат роҳатин
Ойхон ҳам шу кун тотди.

Бугунги ўзбек болалар адабиётининг атоқли вакили Илёс Муслимнинг бундай жозибали шеърлари жуда кўп. Унинг фазогирларга бағишлаб яратган «Ракетамиз учди ойга», «Тўрт ботир», «Кичик Андриян», «Ҳайкал» ва бошқа шеърларида довурак фазогирлар, фазо кемаларни бунёд этаётган кишилар, фазога парвоз этишга қизиқаётган болалар қаламга олинади.

Шоирнинг «Эшматвойнинг қилиғи», «Ёмон одат», «Бефаҳм Эсон», «Холча билан олча», «Машмаша», «Гриппдан ким қочади» сингари юмористик асарларида ишқмас, даңгаса, лапашанг, ўз устида ишламайдиган болаларнинг камчиликлари, нуқсонлари очиб ташланади.

БОЙЧЕЧАК

Ҳали эримасдан қор,
Дала, қирда гулбаҳор.
Чиқди митти гул-чечак,
Май элчиси — бойчечак.
Аскар каби турар тик,
Барглари яшил, тетик.
Унинг ранги сариқ, оқ,
Бошида кумуш қалпоқ.

ЛОЛА

Баҳор келди элимизга,
Кўк-кўк бўлди боғ, дала.
Севинч тўлиб дилимизга,
Териб келдик гул-лола.
Қандай роҳат баҳор чоғи,
Табиат ҳам ўзгача.
Кенг Ватаннинг чаман
боғи
Ям-яшилдир кузгача.

Гўзал баҳор кунларида
Сайр этиб қайтамыз.
У ҳақда қиш тунларида
Доим эслаб ўтамыз.
Баҳор келди элимизга,
Яшил тўн кийди дала.
Шодлик тўлиб дилимизга,
Териб келдик биз лола.

БИРИНЧИ СОВҒА

Ҳалима боққа кирди
Тонг пайти шоша-пиша.
Илк баҳор гулни терди,
Номи — жажжи Гунафша.
Ҳақиқатан боғ ҳуснин
Шу гул безаб турганди.
Севинди кўриб тусин
Очилиб қулф урганди.
Гўзал наврўз фаслида

Очилади ғиж-ғиж гул.
Ҳалима гулни териб,
Қайга олиб кетмоқчи?
Чин дилдан совға бериб,
Кимни хурсанд этмоқчи?
Уйга келганда билдик,
Қувнаган шўх кўздан.
Гулни совға қилибди,
Ойисига ўздан.

ТУРНАЛАР

Турналар, ҳой турналар,
Пастлаб учингиз!
Бизнинг кўл ва дарёлар
Бағрин қучингиз!
Ҳаммани хурсанд қилиб,
Келдингиз шу чоқ.
Кўкимизда тизилиб,
Езинг арғимчоқ!

Яйраб-яйраб учингиз,
Осмонни бўйлаб.
Қўрқмай ерга тушингиз,
Сайрашиб, куйлаб.
Бизлар кўл, денгизларни
Этдик кўп обод.
Сиз ҳам тушиб бизларни
Қилинг жуда шод.

ТОЙЧОҒИМ

Ҳай жажжи тойчоғим,
Кўзлари мунчоғим,
Кел, очай қучоғим,
Сен менга йўлдош.
Юнгларинг хўп майин,
Тарайин кун сайин,

Кўк беда берайин,
Е, кўтармай бош.
Наслингдир тулпор зот
Бўласан чопқир от,
Бизларга зўр қанот,
Сен ҳозирча ёш.

АДҲАМ РАҲМАТ

(1909—1983)

Шоир ва драматург, республика матбуотининг илк ваҳматкашларидан бири, жангчи-ёзувчи Адҳам Раҳмат болалар ва ёшлар адабиётининг тараққиёти учун салмоқли ҳисса қўшган адиблардан бирidir.

Адҳам Раҳмат 1909 йилда Қўқон шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келди. У 1921—1923 йилларда болалар уйида тарбияланди. Тошкентдаги медицина техникумини тугатиб (1926—1928), ўқитувчилик қилди. Адабиётга, бадий ижодга бўлган меҳр-муҳаббат уни «Янги Фарғона» газетасига, Ўзбекистон ёзувчилари уюшмасининг Қўқон бўлимида (1930—1935) ишлашга олиб келди. У Ватан урушигача Ўзбекистон давлат нашриётида, газеталарда ишлади ҳамда Ўзбекистон радиоэшиттириш давлат комитетининг болалар адабиёти бўлимида меҳнат қилди.

Шоир Ватан уруши даврида фронт газеталарида, кейин «Ўзбекистон овози» («Совет Ўзбекистони») рўзномасида адабий ходим бўлиб, сўнгра Ўзбекистон давлат бадий адабиёт нашриётида муҳаррирлик қилди.

Адҳам Раҳматнинг ижоди 1930 йилда «Янги Фарғона» рўзномасида босилган «Оқ олтин» ҳақида қўшиқ» номли шеъри билан бошланди. Шундан сўнг ёзувчининг «Бахтли ёшлик», «Дум», «Завқли аллалар», «Шеърлар», «Бизнинг боғчамиз», «Ҳайвонот боғида», «Шеър ва эртаклар», «Хур ўлка», Танланган асарлар», «Ўлмас қаҳрамон», «Кураш йўллари», «Ғалабага чорлаган мактуб», «Тўртинчилар», «Шинелли қизлар», «Изларни излаб» каби қатор китоблари нашр этилди.

Шоир Адҳам Раҳмат ҳақида гап кетадиган бўлса, у биринчи навбатда мактабгача тарбия ёшидаги болалар куйчиси сифатида эъзозланади. Адҳам Раҳматнинг жажжиларга бағишлаб ёзган қувноқ шеърлари, қанотли қўшиқлари, ажойиб-ғаройиб эртак-дostonлари ҳар бир хонадонга, ҳар бир болалар боғчасига кириб борган. Бунга мисол қилиб қушлар ва паррандалар ҳамда ҳайвонлар ҳақида яратган асарларини кўрсатишимиз мумкин. «Келинг, қушлар» асари ўйноқи оҳанги ва фикрнинг очиқ-равонлиги билан ажралиб туради. Бола тилидан ҳикоя қилинган бу асарда қушлар ўзга юртлардан қишлаб қайтиб келгунларига қадар бизнинг она ўлкамизда қанчадан-қанча ижобий ишлар амалга

оширилганлиги — каналлар қазилиб, чўл-биёбонлар ўзлаштирилиб, боғлар бунёд этилиб, айниқса қушларнинг эркин парвоз қилиб, қувнаб сайраб яшашлари учун беқиёс катта имкониятлар муҳайё этилганлиги чиройли ифодага эга:

Келинг қушлар,
Келинг қушлар,
Келинглар!
Бизлар қурган
Каналларни
Кўринглар!
Сизлар учун
Янги боғлар
Қилдик биз,
Мирзачўлга
Ноёб гуллар
Элдик биз.

Қанот ёйиб
Зерикмайин
Ўйлангиз.
Хўп ёқимли
Куйларни сиз
Куйлангиз
Келинг, қушлар,
Келинг, қушлар!
Келинглар!
Шу гулистон
Чаманда сайр
Қилинглар!

Ҳаётда ҳамма болалар ҳам парранда ва жониворларга муҳаббат билан муносабатда бўлавермайди. Айрим болалар айниқса, қушларнинг қишлоқ хўжалигида турли зараркунанда қурт-қумурсқаларни еб, бобо-деҳқонларга катта мадад беришларини билмайдилар. Адҳам Раҳмат бундай ҳолга бепарво қарамайди, «Қушча ўғриси» шеърини ёзади. Қосим ўжарлик қилиб на ўткинчи чолнинг қушнинг боласига озор берма, увол бўлади, худо бу ишинг учун сени жазолайди, дейишига, на она қушнинг шохдан-шохга учиб чириллаб ялиниб-ёлворишига қарамай палапонларни олаётганида дарахтдан қулаб, қўли синади.

Адҳам Раҳмат ўжар Қосимга ортиқча панд-насиҳат қилмайди. Аксинча, кимки ўжар, ўзбошимча бўлса, ўзидан катталарнинг гапларига қулоқ солмайдиган бўлса, ундай болаларни ҳаётнинг ўзи жазолайди, деган чиройли хулосани тўрт мисра шеърда бериб қўя қолади:

Қушнинг азобин
Тортди бир ойлаб.
Синдириб қўлин
Ётди вой-войлаб.

Адҳам Раҳматнинг «Қалдирғоч, илон ва бешиктер-ватар» асари жуда завқли. Ёш китобхон асарни ўқий бошлаши билан сеҳрланиб, охири нима билан яқунланишини сабрсизлик билан кутади. Асар ғояси жуда

оддий ва ҳаётий. Қушларнинг боласини илон яхши кўради, дейди боболар. Буни Адҳам Раҳмат масалда жуда чиройли, ҳаяжонли қилиб берган. Она қалдирғоч овқатга кетган. Вақтдан фойдаланиб, илон хариға ёпишиб палапонларнинг олдига чиқади: оҳ, онаси келмаса иш бўлади кўп ёмон!

Она қалдирғоч воқеадан хабар топиб, дўсти бешиктерватарни зудлик билан топиб келади. Бешиктерватар илоннинг додини беради.

Болаларни ейман деб
Ростлаганда ўзини.
Бирдан бешиктерватар
Ўйиб олди кўзини
Илон кўздан айрилиб
Тушди ерга юмалаб.
Бир тешикка кирди у
Ўзин зўрға амаллаб
Шундай қилиб қушчалар
Қутулишди ўлимдан.

Масалда бировга чоҳ қазисанг, унга ўзинг йиқиласан, деган фикр илгари сурилади.

Жаҳон болалар адабиётининг кўзга кўринган вакилларида бири Сергей Михалков Адҳам Раҳматнинг «Дум» асари ҳақида сўз юритиб: «Бу думнинг узилиб тушмай, болаларни кулдириш учун ҳалигача қимирлаб тургани яхши, албатта», деб эртак-дostonнинг тарбиявий аҳамиятига юксак баҳо берган эди. Ҳақиқатан ҳам Адҳам Раҳматнинг сюжети Виталий Бианкидан олинган бу эртак-поэмаси китобхонлар орасида шуҳрат топди ва қайта-қайта нашр этилаётир.

Бу асар болаларнинг тушунчасини кенгайтиришда ва сўз бойликларини оширишда катта роль ўйнайди, уларни ақлли, фаҳм-фаросатли бўлишга даъват этади, ҳаддан зиёда ўй-хаёлга берилмасликка чақиради.

Фаҳм-фаросатсиз пашша ҳайвон, жонивор ва ҳашаротлардаги ўзларига ярашиқ думларни кўриб, ўзида ҳам ана шундай чиройли дум бўлишини орзу қилиб қолади. У ўзининг бу орзу-ниятини амалга ошириш мақсадида турли нарсалардан дум сўрайди, фаросатсизлиги туфайли ўзини ўзи шарманда қилади. Мана кийикнинг пашшага жавоби:

— Ўзинг қандай махлуқсан,
Думни бериб бўлмайди.
Агар думим бўлмаса

Болаларим кўрмайди,
Қувиб қолса бўрилар
Бекинаман ўрмонга,

Болаларим югурар
Мен бекинган томонга.
Мен бекинган жойимдан
Чиқармайман унимни,
Кўрсатаман уларга

Фақат оппоқ думимни.
Думни кўрган болалар
Мени топиб олади.
Душманларим тополмай
Оғзини очиб қолади.

Сурбет пашша барчадан дакки эшитишига қарамай,
дум сўрашда давом этади. Ахийри сигирга мурожаат
қилади. Сигир оқ кўнгиллик билан унинг илтимосини
рад этади. Лекин сурбет пашша ундан узр сўраб, нари
кейтиш ўрнига сигирнинг устига қўниб, уни чақа бош-
лайди. Шоир ҳам:

Жаҳли чиқди сигирнинг
Индамайин тик турди.
Пашша яна чаққанда
Думи билан бир урди.
Дум зарбидан пашшанинг
Нафаслари тиқилди.
Тил тортмасдан шум пашша
Шунда ерга йиқилди,—

дея асарга якун ясайди.

Шоир қурт, балиқ, қизиштиштон, тулки, сигир образ-
лари орқали болаларга ҳайвонлар, турли жониворлар-
нинг тузилишларини, уларнинг ҳаётларини ҳикоя қилиб
беради, булар воситасида пашшанинг ифлос, зарарку-
нанда эканлигини очиб ташлайди.

Адҳам Раҳматнинг «Ботир бола» эртақ-достонини
ҳам мактабгача тарбия ёшидаги болалар севиб тинг-
лайдилар. Халқ эртаги асосида ёзилган бу эртақда
камбағал — қашшоқ овчи йигит ҳақида гап боради.
Овчи кунлардан бир кун турна-подшони тутиб олади.
У йигитдан мени қўйиб юбор деб илтижо қилади. Овчи
ишонувчан. Бу камбағал ҳаётда ҳаммага ишонади,
хатто турнага ҳам. Йигит қўлидан озод бўлган турна:

Раҳм қилдинг менга сен
— Яхши бола экансан
Қўп тортиқлар берурман
Агар борсанг сенга мен,—

деб унга ваъда беради.

Камбағал бола яхши ният, катта умидлар билан
турна-подшоникига боради. Турна ваъдасида туриб,
бола талаб қилган «Очил дастурхон»ни беради. Бу
дастурхон оддий эмас, сеҳрли экан:

Севингандан болажон
Дебди:— Очил дастурхон,
Кенг очилиб кетибди,
Бирдан шунда дастурхон.
Турли-туман овқатлар
Дастурхонга тўлибди.
Она-бола ейишиб,
Тўйиб хурсанд бўлибди.

Камбағални туянинг устида ит қопибди, деганларидек, дастурхоннинг таърифини шу ернинг подшоши эшитиб қолиб, уни боладан тортиб олади.

Оддий овчи бола энди подшодан қандай бўлмасин қасд олиш, ўзи каби эзилган, бева-бечоралар учун жангга кириш ўй-хаёли билан ёнади. Бу йўлда унга дўсти турна-подшонинг ёрдам қўлини чўзиши, қовоқни бериши ва боланинг довюраклик билан жангда қолиб чиқиши асар тингловчида яхши таассурот қолдиради:

Подшо қараб турармиш,
Бола қўйиб қовоғин
Дебди:— Қани чиқинглар!
Подшонинг аскарларин
Чуқурларга тиқинглар!
Шунда қовоқ ичидан
Беҳад аскар чиқибди.

Улар зolim подшонинг
Аскарларин йиқибди.
Бола енгиб подшони
Хурсанд бўлиб кетибди.
Эл-юрти болани
Қучиб, табрик этибди.

Бугина эмас, Адҳам Раҳмат «Бизнинг боғчамиз», «Пилла қурти боқамиз», «Оиламиз», «Ёз ойлари» каби асарларида ҳам мактабгача тарбия ёшидаги болаларни катталарнинг меҳнатлари билан таништиради, бевосита болалар ҳам меҳнат жараёнида ота-оналарига қўмак берадилар.

Адҳам Раҳмат «Абдулла Набиев», «Дўстлик» пьесалари билан катта-кичик болалар ўртасида яхши танилган.

Адҳам Раҳмат урушдан сўнг ҳарбий ватанпарварлик руҳи билан суғорилган бир неча китоблар ёзди.

Адҳам Раҳмат ўз асарлари билан Зафар Дийр, Мажид Файзий, Доржия Оппоқова, Илёс Муслим, Шуккур Саъдулла, Султон Жўра, Қуддус Муҳаммадий, Ҳаким Назир каби ёзувчилар қаторидан муносиб ўрин олган сўз санъаткоридир.

Бўлган экан бир тулки
Жуда қадим замонда.
Билмас экан ҳеч киши
Юрган қайси томонда.
Дунёдаги ҳайвонлар,
Бир ерга йиғилмишлар.
Ўзларига подшо —
Сайлашга аҳд қилмиш-
лар.

Мажлис аҳли арслонни
Подшо қилиб сайлаган
Тошбақа ҳамда Филни
Унга вазир айлаган.
Шунда тулки ўксиниб,
Арслон шоҳга тез борган.
Хизмат сўраб подшодан
Бўйнини эгиб ёлборган:
— Кунда бўлган

ишларни
Хабар қилиб юардим.
Кўнглингдаги овқатни
Тайёрлаб ҳам

турардим, —
Маъқул тушиб подшога
Уни олмиш хизматга.
Тулки эса ҳар кун
Гўшт келтирмиш тўрт
марта.

Бир кун тулки саҳрода
Гўшт қидириб юрибди.
Қарвонлардан адашган
Кўр туяни кўрибди:
— Подшо қилдик

арслонни,
Эшитдингми, туяхон.
Сен ҳам кўриб кел,

дўстим,
Олиб борай у томон.
Айёр тулки қасд қилмиш
Кўр туянинг жонига.
Аммо сиртдан дўст
бўлиб,

Келтирмиш шоҳ ёнига.
Кўриб туяни арслон.
Унга ўзин ташлабди.
Туя йиғлаб ёлвориб
Типирчилай бошлапти.
Тулки яна бир кун
Гўшт қидириб юрганмиш.
Бир ҳўкизни кўрипти
Сув бўйида турганмиш:
— Ўртоқ сенга не азоб
Бекорга хизмат этиш.
Сўзимга солсанг қулоқ,
Яхшиси бундан кетиш.
Арслон шоҳ олдига бор,
Вазир этар ўзига.
Роҳат қилиб юрасан
Қирсанг унинг сўзига.
Тулки айтган бу хабар
Ҳўкизни шод этипти.
Тулки билан бирлашиб
Подшо томон кетипти.
Ҳўкизни кўрган подшо
Қизгин қарши олипти.
Ўша кундан ҳўкиз ҳам
Вазир бўлиб қолипти.
Шундай қилиб ҳафталар,
Ойлар ўтиб кетипти.
Ҳар кун икки ҳайвоннинг
Азиз умри битипти.
Айёр тулки, кўринган
Ҳайвонни ҳеч қўймапти.
Энди подшо ўзимни
Ер деб, беҳад ўйлапти.
Қўрқа-қўрқа тулқивой
Ўйга ботиб кетипти.
Ахир бориб ҳўкизга
Шу сўзларни айтипти:
— Арслон шоҳим бир
кун

Уч олмоқ бўлар сендан
Эҳтиёт бўл, жон ўртоқ,
Сенга маслаҳат мендан.

Биласанми, арслон шоҳ
Қичқирқдан қўрқар кўп.

Агар қаттиқ бўкирсанг,
Шу он жимжит бўлар хўп.

Хўкиз унинг сўзига
— Хўп!— депти-ю керишинпти;

Арслон эшитсин, деб у
Қаттиқроқ бўкирипти.
Бу ўкирган товушдан
Арслон чўчиб кетипти.
Подшоликни ҳам ташлаб
Қочмоққа аҳд этипти.
Депти тулки:—

Подшоҳим,
Сизни ғамгин сезаман.
Асло қўрқманг бу ҳолдан,

Уни ўзим эзаман.
Арслон яширмай сирин
Бирин-кетин айтипти.
Сирни ошкор қилма, деб
Тулкига сўз қотишти.
Сирни очмаслик учун
Тулки қасам ичипти.
Шундан сўнгра арслон шоҳ

Сир тугунин ечипти:
Ҳозир худди шу ерда
Хунук товуш эшитдим.
Сен келмаганда бундан
Қочиб кетмоқчи эдим.
Бундай ўткир овозли
Ҳайвонни кўрмаганман.
Ҳатто бундай ҳайвон-ла
Бирга ҳам юрмаганман.
Қўрқманг сира арслон шоҳ

Бундай товушдан асло.
Бундай ҳайвонлар ҳар чоқ

Бўлади жуда қўрқоқ.

Арслон шоҳни тинчитиб,
Тулки липиллаб елмиш.
Чопганича ҳансираб
Хўкиз ёнига келмиш:
Товушингдан арслон шоҳ
Жуда-жуда чўчипти.
Қочишга жой тополмай
Ранги-қути ўчипти.
Энди борсанг ёнига
Юнгларингни ҳурпайтир.
Ерни тепиб оёқ-ла
Бўкиришни кўпайтир.
Сендан аччиғланиб шоҳ
Думин бураб ташлайди.
Хўжум қилсанг олдинроқ
Қўрқиб қоча бошлайди.
Ҳийла-найрангни қўймиш
У, ҳўкизнинг бошига.
Ҳамда жунапти дарров
Арслон шоҳнинг қошига.
— Хўкиз сенга қасд

қилган,
Ғазаб-аламда борар.
Сақла ўзингни эй шоҳ
У пайт топса ўлдиар.
Хўкиз билан энди сен
Қилар ишни ўйлаб қил,
Иш кўп ёмон подшоҳим,
Шу ондаёқ бўкириб
Сўзларимни яхши бил.—
Хўкиз келмиш тепиниб.
Кучи билан ер тепиб,
Арслон турар бекиниб.
Хўкиз қилган қилиққа
Арслон чидаб

туролмай —
Уни ғажиб ташлапти,
Хўкиз қопти уролмай.
Ем бўлишнинг навбати
Тулкига ҳам келипти.
Лекин ҳийла ишлатиб
Бир илтимос қилипти:
— Эй подшоҳим, рухсат
эт,

Гапларимга қулоқ сол.
 Ўтлоқдан мен келтирай
 Семиз қўй ҳам қорамол.
 — Ундай бўлса майли,
 бор,
 Тезроқ қайтгин, кўп
 юрма.
 Аччиғимни чиқариб,
 Мени ортиқ кутдирма.
 Тулки севинганича
 Кетар суқмоқ йўл
 бўйлаб.

Қайтмас арслон ёнига
 Юрар ўлишин ўйлаб.
 Тулки саҳро-чўлларда
 Юрипти хўп бекиниб.
 Қўрқиб-чўчиб юрипти
 Бургутлардан чекиниб.
 Тулки бир кун саҳрода
 Писибгина юраркан,
 Бургут йўлиқиб унга
 Орқасидан қуваркан.
 Тулки жони борича
 Тўрт оёқлаб елипти,
 Тополмагач ҳеч илож
 Арслон шоҳга келипти.
 Арслон уни кўрибоқ
 Маҳкам тутиб олипти.
 — Мени алдаб
 кетдинг,— деб
 Кўп азобга солипти.
 — Эй подшоҳим, мен
 бекор

Саҳроларда кезмадим.
 Сиз учун деб ҳар ерда
 Семиз ҳайвон изладим.
 Шу бугун битта совлиқ
 Кетди аттанг, қўлимдан.
 Бир арслон тортиб олди,
 Тўсиб чиқиб йўлимдан.
 Ҳийлакор тулки яна
 Найрангини бошлапти.
 Йиғлаб-йиғлаб, ёлвориб,
 Қўзларини ёшлапти.

— Қандай арслон экан у
 Ўлжани тортиб олган?
 Мен ейдиган гўштларни
 Зўрлик-ла олиб қолган?
 Тулки шоҳни етаклаб
 Бирга олиб кетипти.
 Анча йўлни босишиб
 Сўнг қудуққа етипти.
 — Шоҳим, арслон шу
 Нега қараб турасиз!
 Мени аста яширинг,
 Сўнгра уни кўрасиз.
 Арслон шунда тулкини
 Хилват жойга беркитар.
 Қудуқ ичига аста
 Хўмрайганча кўз тикар.
 Шу он унинг кўзига
 Йўгон арслон кўринар.
 Уни кўриб арслон шоҳ
 Ғазабланар, куйинар.
 Аксин кўриб арслон шоҳ
 Ўзин ташлар қудуққа.
 Қудуқда у ўлади
 Чиқолмайин қуруққа.
 Арслон шоҳдан қутулиб
 Тулки юрар далада.
 Фақат бургутдан қўрқиб
 Ётар хилват дарада.
 Бир кун жуда оч қолиб
 Борган экан тўқайга.
 Сира овқат тополмай
 Депти:— Бораман қайга?
 Бирдан шу чоқ ўрмондан
 Чиқиб қопти бир овчи.
 Депти у:— Ҳой, ҳийлакор,
 Энди қочиб кўргин-чи!
 Қочолмасдан ҳеч ёққа
 У, ёлбора бошлапти.
 Ҳийласига алданмай,
 Овчи отиб ташлапти
 Ўқ зарбидан тулкини
 Икки кўзи юмилмиш.
 Охирида ҳийлакор
 Ўз қонига чўмилмиш.

СУЛТОН ЖҶРА

(1910—1943)

Ўзбек болалар адабиётининг таниқли вакиллари-дан бири Султон Жўра 1910 йилнинг 15 январида Бухоро вилояти, Шофиркон туманининг Қағалтом қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Етти ёшида ота-онадан етим қолган Султон ҳар кимларнинг эшигида хизмат қилди. У дастлаб бошланғич мактабда, сўнгра Бухоро эрлар педагогика билим юртида ўқиди. Султон Жўра 1931—1938 йилларда Бухоро рабфакида, 1938—1941 йилларда Андижонда ўқитувчилар институти ва педагогика билим юртида тил ва адабиётдан дарс берди.

1942 йилда Султон Жўра ҳарбий хизматга чақирилади. У душманга қарши ҳам қурол, ҳам қалам билан жанг олиб борди. 1943 йилнинг 14 ноябрида Белоруссия тупроғида немис-фашист босқинчиларига қарши жангларнинг бирида жангчи-шоир қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Султон Жўранинг дастлабки шеърлари 1933 йилда Бухоро ёш шоирларининг «Шеърлар» тўпламида босилиб чиқди. Унинг 1939 йилда «Фидокор», 1941 йилда «Москва» шеърый тўплamlари, 1942 йилда «Ирода» номли пьесаси нашр этилди. Тинч қурилиш йиллари даврида истеъдодли шоирнинг «Хаворанг гилам», «Зангори гилам», «Бруно», «Парвоз» «Қалдирғоч», «Танланган асарлар» китоблари босилиб чиқди. Ватан уруши даврида яратган асарларида фашист газандаларининг бутун ёвузликлари очиб ташланади, уларда ёвга қарши лаънат ва нафрат туйғулари мужассамланади. «Тўпчи Муҳаммад», «Пулемётчи овози», «Чавандоз», «Уч оғайни ботирлар», «Найзамиз» (1941), «Қаҳрамон Қўчқор» (1942), «Жаҳон сени олқишлар», «Берлин аптекасида» (1943) шеърлари шулар жумласидандир.

Шоир-педагог Султон Жўра болалар учун ёзган асарларида ёш китобхонни яхши ва аъло баҳоларда ўқиш учун кураш, ростгўй ва интизомли бўлиш, маданий ва покиза кийиниш, саводхон ва чиройли ёзув маънаси эгаллаш каби таълим-тарбиявий масалаларни бадий воситаларда талқин этди. Бундай ғоялар шоирнинг «Ёзги ёмғирдан сўнг» (1936), «Икки баҳор», «Маматнинг кечирмиши», «Қиш туни» (1937), «Қиз-

лар», «Аъло», «Яхши»нинг мақтови», «Зангори гилам» (1939), «Лола», «Ой нечта?», «Тиниш белгиларининг мажлиси», «Чўнтак», «Циркда» (1940), «Қарздор», «Қалдирғоч», «Ёлғончи», «Денгиз тагида» (1941), «Соғиниб» (1942), «Соғинчли салом», «Салом хат» (1943) каби асарларида ўз ифодасини топди. Шоир ўз шеърларида болалар ва мактаб ҳаётини, уларнинг ўқиши, кўча ва оилада ўзини тутишини ҳаққоний акс эттирди ва китобхонлар диққатини тортувчи асарлар ижодкори сифатида танилди.

Маълумки, болалар илмий-оммавий мавзуларда ёзилган асарларни севиб ўқийдилар. Султон Жўра шу мавзуда талай асарлар ёзди. Шундай асарларидан бири «Ой нечта?»дир. Бунда шоир илм, фан ҳақида куйлайди, уни юксалтиришда ёш авлоднинг ўрни, роли жуда катта эканлигини бадий тасвирлайди, ёш авлод қалбида шу соҳага муҳаббат уйғотади.

Султон Жўра «Маматнинг кечирмиши» шеърда баъзи ишёқмас, дарс қилиш, китоб ўқишни унча хуш кўрмайдиган болаларни Мамат мисолида танқид қилади.

Мана, ҳамма ухлаган, аммо танҳо Мамат уйғоқ.
Шоир унинг ана шу дақиқаларда чекаётган изтиробини, нотинч руҳий ҳолатини қуйидагича чизади:

Фақат Мамат уйғоқ,
Ў безовта...
Уйқу қуши учар ҳар қайда.
Дам бир ёнбошига,
Дам бирига
Айланади. Бироқ не фойда?
...Гоҳо тишлар лабини,
Гоҳо чойшабин,
Ўзи тергов қилар ўзини:
— Қани, гапир, Мамат,
Ким айбдор?

Шоир қолоқлик сабабларини бировдан эмас, балки қаҳрамоннинг ўзидан қидиртиради ва буни Маматни ўзини гапиртириш орқали очади:

— Тўғри, насихатлар кор қилмади,
Хушёқмаслик эди ҳамдамм,
Аттанг, нега қиттай ор қилмадим,
Газеталарда чиқса ҳам номим?..

Дарсдан қолоқлиги орқасида руҳан азоб чекиб, қийналиб юрган Мамат ўжарлиги, ўзбошимчалигини таш-

лаб, жамоа ёрдамида оёққа туради, астойдил ўқишга аҳд қилади.

Шоир Маматнинг қийинчиликларини енгиб, жамоа билан баробар қадам ташлашга қодир бола эканлигини, унинг тилидан шундай баён этади:

— Бўлди... Мен бас қилдим ялқовликни,
Дўстларимдай олай билимни.
Аччиқ тажрибамнинг ўзи сабоқ,
Ол дарсхонам ишқ, дилимни!
Бор кучимни берайки, бу «Ёмон»
Ёндашмасин менга эртадан.
Номим Мамат бўлмай кетсин агар,
Ваъда қилган бўлсам жўрттага!..

Султон Жўра «Маматнинг кечирмиши» шеърида ялқовликни ташлаб, аъло ўқишга маҳкам бел боғлаган боланинг ижобий намунасида ўз кучига ишониш, нуқсонларга танқидий қарай билиш ғоят катта куч, деган зарур таълим-тарбиявий ўғитни бадий таъсирчан воситаларда, ранг-баранг поэтик образларда ёритиб ўз маҳоратини кўрсатди.

Таълим-тарбия соҳасида ёзма нутқ санъатини эгаллаш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Баъзи ўқувчилар грамматик машқлар билан жиддий шуғулланмаслиги, бадий адабиётни кам ўқиши натижа-сида ёзма ишлардан оқсайдилар, чиройли ёзув қоидаларини бузиб, хунук хат ёзишдан ташқари, турли хатоларга кўп йўл қўядилар. Педагог-шоир Султон Жўра таълим-тарбия ишидаги бундай нуқсонларни тугатишда ўқувчиларга ёрдам мақсадида «Қимнинг хати чиройли», «Тиниш белгиларининг мажлиси», «Ҳарфлар паради» шеърларини ёзди.

Султон Жўра болаларни яхши ўқишга даъват этибгина қолмай, уларнинг яхши ўқиши учун энг зарур бўлган нарсаларни, айниқса, ўзбек тили грамматикаси қоидаларини билиш зарурлигини болаларга образли тилда тасвирлаб берди. У «Қимнинг хати чиройли» шеърида хунук ёзилган хатдан кулиб, болаларни чиройли, тоза, тўғри ёзишга чақиради. Чиройли ёзишни санъат деб уқдиради. Шу билан бирга, боланинг соғлом ўсиши учун катта аҳамиятга эга бўлган партада тўғри ўтириш қисдасига қатъий риоя қилиш чиройли ёзиш билан ҳам алоқадорлиги кўрсатилади:

Ўтиришим тўғри, соз,
Қоидага жуда мос.

Кўкрагимни мен сира
Ултирганни йўқ тираб!
Чиройли ёз, ёзсанг хат!
Чунки бу ҳам зўр санъат...

Шоир «Қимнинг хати чиройли» шеърда ўқувчилар дилидаги чиройли ёзиш, яхши ўқиш, одобли бўлиш, тўғри ўтиришга бўлган интилиш туйғуларини тарбиялайди, уларни камолот сари етаклайди.

«Тиниш белгиларининг мажлиси» шеъри ўзбек тилининг энг муҳим қондалари — тиниш белгиларининг вазифалари болаларга мос содда тилда ифодаланган. Шеърнинг характерли хусусиятларидан бири шуки, унда ҳар бир тиниш белгисининг охирида ўшанга мос мисол топиб, тегинчи белги жойига қўйилади. Бу билан китобхонда аниқ тасаввур қолдирилади. Бу эса шоирнинг педагогик ва бадий маҳоратини эгизак ҳолда намоиш қилади. Шунингдек, шоир жонлантириш воситасидан усталик билан фойдаланганки, натижада ҳар бир тиниш белгиси вазифасини ўзи айтиб, ўқувчининг диққатини жалб этади.

Султон Жўра бадий бақувват шеърлари («Юр, рулевик!», «Ҳарфлар паради», «Тиниш белгиларининг мажлиси», «Ой нечта?», «Чўнтак», «Аъло» ва «Яхшининг мактови»), ажойиб поэмалари («Бруно», «Қарим ва Қундуз», (эртақ-достонлари), «Зангори гилам», «Парвознома», «Қалдирғоч») билан Ватан урушигача бўлган даврдаёқ болаларнинг сеvimли шоирига айланган эди.

Моҳир педагог, жангчи-шоир Султон Жўра уруш йиллари фронтдан туриб ёзган «Соғиниб» шеъри гарчи фарзандларига мактуб шаклида бўлса-да, аслида барча жангчиларнинг ўз фарзандларига қасамёдидек, насихатидек янграйди.

Шеърда «Ватан душманини қилгунча яксон, дадангнинг жаҳд ила урушмоғи бор!» каби мисралари умумлашма даражасига кўтарилиб, «Яқиндир ўлими ёвнинг батамом, бизнинг кўчамиз ҳам тантана қилур» дея ғалабанинг муқаррарлигига ишонч сифатида хулоса қилинади. Айни чоқда шоир ўз фарзандини «аъло» баҳолар билан ўқиб, билим олишни, шу орқали ғалабага ҳисса қўшишга ундайди. Шоир ихчам сатрларга жуда катта маънони жо қилади: бир томондан немисфашист босқинчиларига нафрат ва озодлик учун кураш, бошқа бир томондан эса, ўз ватанига бўлган

мехр-муҳаббат, фарзанд доғи, соғинч ва оталик туйғу-лари санъаткорона қоришиб кетади ва даврнинг типик характери яратади.

«Соғинчли салом» шеъри Султон Жўра ижодида алоҳида ўрин тутади. Шоирнинг фарзандларига йўллаган бу шеърий мактуби мамлакатимиздаги барча болаларга қарата ёзилган, десак мутлақо хато қилмаган бўламиз. Асарда шоир урушни қоралайди, одамларни фироқ дардида куйдирган, уларнинг бошига мусибатлар солган немис-фашист босқинчиларини лаънатлайди. Отанинг тезроқ қайтиб келишини сабрсизлик билан кутаётган болаларига жангчи-шоирнинг соғинчини ифодалайди.

Жангчи-шоир ўз ижодида кичик деталлардан катта умумлашмалар яратади. Фашист каллакесарларининг ярамас афт-башараларини, ёвуз қотилликларини яна бир бор очиб ташлайди.

Ҳа, Султон Жўра ўз асарлари, босиб ўтган жанговар йўли билан ёш авлодга бир умр ўрнак бўлиб қолаверади.

ТИНИШ БЕЛГИЛАРИНИНГ МАЖЛИСИ

(?! «—)

Беш-олтита тиниш белги келиб бугун,
Ў қазмоққа қарор қилди жиддий йиғин,
Раис бўлди ундов белги — мирзатерак,
Деди, ҳар ким ўз ролини айтмоқ керак.
Тушунтиринг недур сизнинг вазифангиз?
Сўз минутни кўпроқ берай оз десангиз.
Ўз жойида ишлатмасдан Турғун, Ғани,
Балки сизни хафа қилган? Сўзланг қани.
Биринчи сўз нуқтавойга. У бош, катта,
Нуқта чиқди бир думалаб мисли копток.
Фикрларнинг станцияси — нуқтадирман,
Ҳар дарак гап охирида тўхтайдирман.
Бошқа фикр бошланажак мендан кейин,
Баъзан қулоқ солмасалар, мен де дейин?
Паровозлар сув олгандек станциядан,
Менга етгач, олмоқ керак тўлиқ бир дам.
Ўзимдан сўнг қўймоқ зарур зўр бош ҳарф,
Бироқ баъзан унутади бизни Зариф.
Ҳар бир бош ҳарф ёнимдаги бир соқчидир,
Қайси бола буни қўйса зап яхшидир.

Гапим тамом, бундан бўлак менда не бор?
Ўйлайманки, сўзим қолмас беэтибор.

?

Энди сизга гап навбати, ўртоқ «Сўроқ»,
Ана, чиқди сўроқ белги, мисли ўроқ,
Ў қоқилиб аранг қолди кетмай қулаб,
Ё бу белги ёки зирак таққан қулоқ.
— Сен сингари ролим айтсам, нуқта дўстим,
Ҳар сўроқ гап битган жойда менинг постим.
Мендан сўнг ҳам катта ҳарф қўймоқ шартдир,
Бунга одат қилинмаса, ёмон дарддир.
Уқдингизми? Етадимми? Борми савол?
Ёки ўзим сўрайинми сиздан савол?

!

Ундов новча ўзи олди сўз галини,
Михдай туриб баён қилди ўз ҳолини:
— Мазмунидан ундов, севинч, нафрат, ғазаб,
Ё ҳаяжон маъносини англатса гап,
Шунда жумла адоғида бўлар жойим.
Мендан сўнг ҳам бош ҳарфлар келар доим.
Эҳ... Нақадар соз бу кунги йиғилишимиз!
Бу яхши иш, ҳар чоқ шундай йиғилишингиз!
— Ўртоқ раис, энди менга навбат бергин,
Деб сўз олди кичик тўқмоқ — бизнинг вергул.
— Жинқарча деб, мени деманг норасида,
Ўрним тенгдош бўлакларнинг орасида.
Фикрларнинг «разъезди» мен; менда бирпас
Олиб ўтар ҳар ўқувчи ярим нафас.
Ундалма сўз кела қолса гап бошида,
Ундан кейин мен тураман ёнбошида,
Гар ундалма гапда келса қоқ ўртада,
Унинг икки ёнбошида мен жўрттага:
«Кани энди, ундалмахон, қочиб боқчи,»—
Деб бўлурман, юбормайин, унга соқчи.
Гар ундалма гап сўнгида келса, у чоқ
Ундан олдин қўйиларман, тушун ўртоқ!

Энг охирида шешиб-пишиб, нари-бери
 Жиндаккина сайраб олди гугурт — тире:
 — Диалогда менинг энг кўп турар жойим.
 Яна, маъно такрорланса, мен бор доим.
 Гоҳо бир сўз сизмай қолса тўлиб хатга,
 Аямасдан бўғинидан қирқиб ҳатто,
 Қолганини кўчирарман бўлак йўлга,
 Бироқ шартим — сўз қолмасин ўлда-жўлда,
 — Кўп чўздингиз, англайсизми, ўртоқ тире?
 — Майли, битди, қарор бўлса ўқий беринг.
 Шунда ранс деди, — энди мажлис ёпиқ!
 Ҳар бир вакил жўнаб кетди йўлин топиб.

ШУКУР САЪДУЛЛА

(1912 — 1972)

Шукур Саъдулла кичкинтойларга катта эстетик шавқ-завқ бағишлайдиган забардаст шеърлари, ёш китобхонни яхшиликка ўргатувчи эртақ-дostonлари, аъло ўқишга, давримизга садоқатли кишилар бўлиб камол топишга даъват этувчи бадний пишиқ ҳикоялари, ўтмиш ҳамда давримиз болалари ҳаётидан олиб ёзилган пьесалари, ёш қалбларни ларзага солувчи ҳисслари билан ҳамма ёшдаги болаларнинг қадрдон ва суюкли ёзувчиси бўлиб қолди.

Шукур Саъдулла 1912 йилнинг январида Жиззах шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келди, бошланғич маълумотни она шаҳридаги Наримонов номли мактабда олди. 1924 йилдан Самарқанд педагогика билим юрғида таҳсил кўрди, сўнгра Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат университетида ўқиди. 1931—64 йилларда Ш. Саъдулла Ўзбекистон давлат ва «Ёш гвардия» нашриётларида муҳаррир, бўлим бошлиғи, бош муҳаррир ўринбосари, бош муҳаррир вазифаларида меҳнат қилиб, болалар учун адабий-бадний китоблар нашр этишда ўзининг баракали ҳиссасини қўшди.

Шукур Саъдулланинг биринчи шеърлар тўплами 1932 йилда «Ҳайқирӣқ» номи билан босилиб чиқди.

«Ҳайқирӣқ»нинг майдонга келиши шоир ижодида жўна катта воқеа бўлди. Адабий жамоатчиликнинг бу китоб ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари янада чидам, қўнг билан ижод қилишга, ўз устида кўпроқ ишлашга,

изланишга, энг муҳими ҳаётни ўрганишга ва шу асосда ижод этишга чорлади. Ш. Саъдулла бутун умри давомида бунга амал қилди. Қирқ йилдан ортиқроқ ҳаётини ижодга бағишлаган санъаткорнинг «Уч айиқ», «Айёр чумчук» (1935—1936), «Ёрилтош» (1939), «Икки сандиқ» (1942), «Сен нима қилдинг?» (1942), «Шоҳиста» (1944), «Ширин кун» (1946), «Шеърлар» (1955), «Шеър ва эртактар» (1957), «Пьесалар» (1959), «Дастёр қиз», (1960), «Сенинг альбоминг» (1962), «Озода» (1969), «Командирнинг бошидан кечирганлари» (1962), «Қачал полвон» (1963, 1966, 1967, 1986), «Исм қўйилмаган хат», «Сенинг байраминг», «Менинг азиз болаларим» ва бошқа китоблари босилиб чиқди.

Драматург Шукур Саъдулланинг «Ёрилтош», «Гулхан», «Бизнинг боғчамиз», «Далада байрам», «Ватан ишқи» (драматург З. Фатхуллин билан ҳамкорликда ёзилган), «Икки билагузук», «Зубайда», «Афсона яратган қиз» пьесаларини томошабинлар яхши билишади.

Қувноқ ва жўшқин асарлар куйчиси бўлган Шукур Саъдулла ўзининг жуда кўп шеър, қўшиқ, эртактар, эртактар-достон, пьесаларини мактабгача тарбия ёшидаги болаларга бағишлаган.

Шукур Саъдулла табиат куйчиси сифатида эъзозланади. Шоир сўлим баҳорни кўпгина шеърларида қаламга олиб, айниқса мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ҳаёт билан таништиради, уларда оламни тушуниш қобилиятларини ўстиради.

Одатда, бойчечак жуда эрта очилади. У қор эриб-эримасданоқ кўзга ташланади. Бунини кўрган одамлар «Ҳа, баҳор яқинлашиб қолибди», дейди. Шоир «Бойчечак» асарида худди шу фикрни лўнда қилиб чизиб беради:

Очилдими бойчечак,
Энди ҳар ён гул демак,
Чунки баҳор элчиси —
Шу митти гул—бойчечак.

Албатта, бойчечак пайдо бўлганидан кейин баҳор бошланади, ёмғир устига ёмғир ёғади. Ёмғир табиат хуснига ҳусн қўшади, одамлар руҳини енгиллатади. Шукур Саъдулла «Ёмғир ёғалоқ» шеърларида баҳор ёмғирини муҳаббат билан муносабатда бўлади. Бу ёмғир сена-табиатни гулга буркаши билан бирга экин-тикинлар учун ҳам кони фойда эканлигини ёш китобхон

қалбига етиб борадиган даражада қувноқ ва шўх мисралар яратади:

Ёмғир ёғалоқ,
Ям-яшил ўтлоқ,
Энди экинлар
Чиқарар қулоқ...
Ёмғир тинганда,
Чиқар камалак.
Ёмғирдан фойда
Майсага, донга
Юрт сероб бўлар,
Оқ буғдой, донга.

Шукур Саъдулла Ватан уруши даврида янада баракали ижод этди. «Сен нима қилдинг?», «Она ва бола», «Шоҳиста» тўпламларини нашр эттирди. Бу давр шоир шеъриятида болалар кутган воқеалар ўз аксини топганлигини кўрамиз. Мавзу ранг-баранглиги шоирнинг фикрлаш доираси кенглигидан, болаларни жон-дилидан севишидан, она-Ватанга чексиз меҳр-муҳаббатидан далолат бериб турибди. «Сен нима қилдинг?», «Бизнинг қаҳрамон», «Отлиқлар», «Меҳмон қиз», «Унинг ҳикояси», «Етима эмассан», «Разведкачи Коля Куликова», «Шоҳиста» каби асарлари мисолида бунни очиқ-ойдин кўришимиз мумкин.

Бу шеърлар ичида «Шоҳиста» асари алоҳида ажралиб туради:

Кўк чироги ой сўнди,
Баргларга шабнам қўнди.
Тонг оқарар оҳиста,
Турар сакраб Шоҳиста,—

мисраларида шоир Шоҳиста исмли жажжи қизчанинг меҳнатга муҳаббати, ғайрати, боғидаги узумларини қанчалик меҳр қўйиб парваришлаши билан бирга, унинг фронт бўйлаб одамхўр ёшларга қарши жанг олиб бораётган отасига бўлган меҳр-муҳаббатини бадий бўёқлар билан ифодалаб беради. Шоҳиста асалдек товланиб пишган узумидан дадасига совға ҳозирлайди:

Сўнгра почтага борди,
Дадасига юборди.
Дадаси ботир жангчи,
Шоҳистанинг қувончи.

Шукур Саъдулла «Эгизаклар», «Сен менга дўст, мен сенга дўст», «Улуғ шаҳар» (туркум), «Ҳовлимизнинг болалари» каби қатор шеърларида дўстлик гоёларини илгари суради.

Шоирнинг жуда кўп шеърлари мактаб дарсликларида, қўлланмаларида узоқ йиллардан бери нашр этилиб келинаётир. «Ўйин», «Лола ва мушук», «Баҳор келди», «Ватаним», «Дастёр қиз», «Озод диёр», «Тўрт фасл», «Қуш тили» шулар жумласидандир.

Шоир ижодида юмористик шеърлар ҳам бир талай: «Шалаббо», «Анқов», «Инжиқ», «Ивирсиқ», «Бизнинг ойи» каби асарларида шоир дангаса, ўз устида кўп ишламайдиган, ўқиниш, изланишни ёқтирмайдиган, инжиқ, ивирсиқ болалар устидан қаттиқ кулади.

«Ивирсиқ» да шоир ўйинқароқ, кун бўйи копток ўйнаб, уйга берилган вазифани бажариш, ўз вақтида уйқудан туриш ўрнига қотиб ухлаб дарсдан кеч қолган Сиддиқ номли боланинг мактаб ўқувчиларига хос бўлмаган қилиқларини қош қилади:

Дафтери очиқ-сочиқ,
Қолган вазифа чала.
Соат юрар: чиқ-чиқ-чиқ,
Ечилмаган масала.

Яна жаранглаб соат,
Ўққизга занг уради.
«Ивирсиқ жон» бетоқат —
Энди шошиб туради.

Шукур Саъдулла халқ оғзаки ижодини севган ва ундан ижодий фойдаланган шоирлардан бири эди. У «Нўхатполвон», «Лақма ит», «Айёр чумчуқ», «Чол билан бўри» каби ўнлаб асарларини эртақлар асосида яратди. Халқ эртақларини жўнгина шеърга солиб қўя қолмади. Балки унга ижодий ёндашди. Давримизга, болаларнинг истак-армонларига мослаштирди.

Шукур Саъдулланинг «Командирнинг бошидан кечирганлари», «Қачал полвон», «Азиз қишлоғим», «Исм қўйилмаган хат» қиссалари ўзбек болалар насрининг яхши намуналаридан ҳисобланади.

Шукур Саъдулла 1972 йилда ижодий баркамолликка эришган бир пайтда тўсатдан вафот этди. Лекин у ўзининг гоёвий-бадний юксак, болаларбоп асарлари билан бир умр китобхонлар қалбида яшайди.

ДАСТЕР ҚИЗ

Ста эрталаб турар, Калошларини ёлғиз
Жажжи Дилдорни кўрар, Тозалабди дастёр қиз.

ТУҒРИ СУЗ

Дам олиш куни эди. Болалар чўмилгани боришмоқчи бўлишди.— Бахтиёржон, сен уйда ўтиратур, бизлар бир жойга бориб келамиз,— дейишди акалари.

— Қаерга?— ҳархаша қила бошлади Бахтиёржон.

— Ойимларга айтмасанг айтамыз,— дейишди акалари.

Бахтиёр ваъда берди.

— Чўмилгани борамиз. Дарров келамиз. Қайтишда сенга морожний олиб келамиз.

— Хўп.

Болалар кетишди.

Сал ўтмай болаларнинг ойиси келди-ю Бахтиёржондан сўради:

— Акаларинг қани?

— Дарс тайёрлашга кетишди,— деди у кўзларини пирпиратиб.

— Ростингми?— деди ойиси жиддий туриб.

Бахтиёр довдираб қолди. Кейин:

— Ҳеч кимга айтмасангиз айтаман,— деди.

— Айтмайман,— деди ойиси.

— Чўмилгани кетишди. Ҳеч кимга айтма, дейишди. Ҳеч кимга айтмайсиз-а, ойи, шундайми?— деди Бахтиёржон ялиниб.

— Гапинг тўғри — ҳеч кимга айтмайман,— деди ойиси.

Кечқурун рухсатсиз чўмилишга кетганликлари учун акалари роса гап эшитишди.

— Айтиб қўйибсан-ху!— дейишди акалари Бахтиёржонга.

— Ҳеч кимга айтмайсиз, деб ваъда олиб айтганман,— деди бола рост гапириб.

АНҚОВ

Нуроний чол кўчада ўтирган ёш болани суйиб, сўради:

— Ҳой яхши бола, отинг нима?

- А?— деди бола анқовланиб.
- Отинг нима деяпман!
- А, отимми?
- Ҳа, отинг!
- А...,— ўйланиб қолди бола.
- Отинг анқов экан,— деди чол хафа бўлиб.

Я Л Қ О В

Ариқ бўйида турган кекса шу ўртада ўйнаб юрган болага ялинди:

- Ҳой ўғлим, бу ёққа кел, тезроқ!
- Нима ишингиз бор, айтаверинг,— деди бола яқин келмай.
- Ариқ чуқур экан, қўлимдан ушлаб тур — сув олиб олай...
- Эй, энгашиб олақолинг-да ўзингиз!
- Белим букилмайди, дардманман,— деди кекса ўксиниб.
- Ёнбошлаб пақирни сувга солсангиз тўлади, кейин аста кўтарасиз. Шу ҳам иш бўпти-ю...
- Ақл ўргатгунча, ёрдамлашиб юборсанг-ку, олам гулистон эди, болам,— деди чол
- Ҳо, ҳамманинг ишини қилавериб, малай бўлиб қолайми?— деди бола ялқовланиб.
- Ўтакетган ялқов экансан,— деди кекса ва қийналиб сув ола бошлади. Ялқов эса пинагини бузмай, ўйин билан овора эди...

ҲАКИМ НАЗИР

(1915 йилда туғилган)

Ҳаким Назир ўзбек болалар насрининг отахон ижодкорларидан биридир. У кичкинтойлар учун ўндан зиёд қисса, роман, пьеса, сон-саноксиз ҳикоялар яратди. «Ёнар дарё», «Сўнмас чақмоқлар» сингари асарлари нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларда ҳам ўз ўқувчисини топди.

Заҳматкаш адиб 1915 йилда Тошкент шаҳрида маҳсидуз косиб оиласида дунёга келди. Мактабда бошланғич маълумот олгандан кейин пойабзал фабрикасига кириб, касб эгаллаш билан бирга ишчилар дорилфунунида ўқишни давом эттиради.

Ҳаким Назир болалигида адабиётга жуда катта қизиқиш билан қарар, рузнома ва ойномаларда эълон қилинадиган бадний асарларни чанқоқлик билан ўқиб чиқар эди. Бора-бора ҳаётда юзага келаётган янгиликларни, атрофида руй бераётган воқеаларни ўқувчиларга ҳикоя қилиб бериш иштиёқи тугилади. Бу ҳақда Ҳаким Назир таржимаи ҳолида шундай деб ёзган эди:

— Дастлабки ҳикоя, очеркларим 1934—1935 йиллари болалар ва ёшлар газеталарида ва «Ёш куч» журналинда босилиб чиққан. Улар ҳали ҳаваскорлик машқларим эди. У вақтлар ёзувчи бўлиб, китоб чиқараман деган фикр ҳаёлимнинг кўчасига ҳам кирмаган эди. Биринчи китобим чиққунгача бўлган оралиқни «бўшлиқ» дейиш мумкин бўлса, бу «бўшлиқ»да мен ҳавас билан ўқиб-ўрганиб, адабий машқларни давом эттирдим. Жиддийроқ асар ёзиш учун эса ҳаёт таассуротларидан ташқари чуқур назарий маълумот ҳам зарур эканлигини англадим. Кундузи редакцияларда ишлаб туриб, кечки (ҳозирги Низомий номли) Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида таҳсил кўрдим. Бора-бора менинг ёзган ҳикояларим тилга тушиб, адабий жамоатчиликнинг эътиборини тортди. Кейин нашриётнинг таклифи билан биринчи тўпламимни нашрга топширдим. Бу — 1948 йилда босилиб чиққан «Қишлоқдаги жиянларим» китобим эди.

Ҳаким Назирнинг 1940 йилда «Кенжа» (янги номи «Қуёш қачон тугилади»), 1946 йилда «Салим ота» номили ҳикоялари республика танловларида биринчи ўринни олади. 1951 йилда эса «Мальчишки из кишлака» деган тўплами собиқ иттифоқ танловида юксак мукофотга сазовор бўлади.

Севимли ёзувчимиз ижод йўлига синчиклаб назар ташласак, унинг дастлабки ижодий изланишлари ҳикоячиликдан бошланганини кўрамиз. Ҳикоя жанри ёзувчи билан ёш китобхонлар оламини бирлаштиришда, яқинлаштиришда бамисоли бир кўприк бўлди. Бу кўприк орқали Ҳаким Назир болалар дунёсига, гўзаллик оламига ўтиб олди. Бир-биридан таъсирли, бир-биридан ўқимишли ҳикоялари юзага кела бошлади. Бу ҳикояларнинг характерли томони шундан иборат эдики, уларнинг ҳажми қисқа, ихчам, аммо маъноси чуқур, ўқилиши осон, таъсирчандир. Уша йиллари Ҳаким Назирнинг «Беш баҳо» (1955), «Чўл ҳавоси» (1958),

«Яхши исм» (1962), «Болажонларим» (1962) номли ҳикоялар тўпламлари бирин-кетин эълон қилиниб, ёшларнинг маънавий мулкига айланди.

Ҳаким Назирнинг кўнгина ҳикоялари боғча ёшидаги ёки эндигина биринчи синфга қадам қўйган болалар ҳаётини акс эттиришга бағишланган бўлади. Буни адибнинг «Бир оғиз сўз», «Расмли китобча», «Давроннинг қушчаси», «Қайсаргина укам», «Яхши исм», «Икки ўртоқ», «Булбул», «Қандон», «Игна», «Бир туп ғуза» каби ҳикоялари мисолида айтиш мумкин. Бундай ҳикояларда болалар ўртасидаги ўзаро дўстлик, ахлоқ-одоб, аъло ўқиш, жамоат ишларида фаоллик кўрсатиш, катталарнинг юмушларига кўмаклашиш, қушлар ва жониворларга ғамхўр бўлиш, орзу-умидлар қаноатида яшаш ва бошқа масалалар ётганини кўрамиз.

Болаларда орзу-умид, яхшилик сари интилиш катталарга нисбатан кучлироқ бўлади. «Яхши исм»да адиб худди шу тўғрида сўз юритади. Шоира эндигина биринчи синфга қадам қўйган. У ҳали мактаб қонун-қоидасини яхши билмайди. Шунинг учун қизча ўқитувчи Зухра юлдузига ракета учирилганлиги тўғрисидаги ахборотни рўзномадан ўқиб берганида бутун синфни бошига кўтариб:

— Топдим! Топдим! Топдим!!!— дея овозининг бо-рича бақириб юборади.

Аён бўлишича кеча Шоиранинг онаси унга сингилча туғиб берган бўлиб, чақалоққа нима деб исм қўйиш жанжал бўлиб турган экан. Шоирада ҳавас яхши, ният кучли. Унга ракета ва айниқса, Зухра юлдузи ёқиб қолади. Шу онда сингилчасига Зухра деб исм бериш фикри туғилади. Бу ҳақда у бутун синфга сўзлаб беради.

«Яхши исм»нинг хулосаси ҳам болалар орзу қилгандек яқунланадиги, асарни ўқиган ҳар бир боланинг Шоирага, у танлаган исмга, қудратли техникага, ширинсухан муаллимага ва отага бир умр ҳаваси келади.

Болаларга ҳар томонлама тўғри таълим-тарбия бериш, тушунтириш, ўргатиш, уларда кўникмалар ҳосил қилиш катталарга боғлиқ. Кичкинтойларнинг отахон адиби «Булбул» ҳикоясида бу масалага катта эътибор беради. Она табиатга, қушларга меҳрибончилик қилиш ғояси бу асарнинг асосини ташкил этади.

Қобилжон қушларни эҳтиёт қилиш, эъозлаш керак эканлигини, уларни уриш, озор бериш ёмонлигини

ҳали тушуниб етмайди. Шу сабабли қўшни ҳовлига келиб сайраган булбулни урмоқчи бўлади.

Олим ака ишдан қайтганда Қобилжон қўшнилари-
никига булбул келганидан хабар беради.

— Дада, дада!— деди у кўзини катта-катта очиб,—
нега бизнинг боққа булбул келмайди-а?

— Қўрқади,— деди дадаси.

— Нимадан қўрқади?— деди у ажабланиб.

— Сендан!— деди дадаси.

— Ия, нега энди мендан қўрқади?

— Ахир кесак отсанг, майиб бўлади-да! Бу ишнинг
ярамайди деб айтиб эдим-ку. Қобилжон индамай, ўй-
ланиб қолди: энди нима бўлади? Ростдан ҳам булбул-
жон унинг боғига ҳеч келмасмикан-а?

— Кесак отмасам келадими, дада?— деди охири
Қобилжон.

— Албатта келади,— деб ишонтирди дадаси.

— Бўпти!— деди Қобилжон ва шу пайтдан бошлаб
қушларга кесак отмайдиган бўлди.

Адибнинг мактаб ёшидаги болаларга бағишлаб ёз-
ган жуда кўп ҳикоялари китобхонни она юртни севиш-
га, меҳнаткаш бўлишга, меҳнат аҳлини эъзозлашга,
касб-ҳунар эгаси бўлишга чорлайди.

«Бир туп ғўза» ҳикоясида ёш қаҳрамонларнинг халқ
бойлигига бўлган муносабатлари гоят ҳаётий детал-
лар асосида ифода этилади. Болаларнинг ўйинқароқ-
лиги туфайли Каримнинг сигири бўшалиб, бир туп
ғўзани пайҳон қилади. Ёзувчи шу воқеа туфайли ёш-
ларнинг давлат мулкига бўлган муносабатларини бел-
гилайди.

Муаллиф ҳикояда қаҳрамонлар характерини инди-
видуаллаштиришга алоҳида эътибор беради. Абдуса-
мад чўрткесар бола. Гоҳи баъзи гапларни шартта ай-
тиб юборади (сигирни қидириб юрганда Қорабой
акага қилган муомаласини эсга олинг). Карим содда-
дил, тўғри бола. Шу билан бирга, серҳаракатлиги би-
лан бошқалардан ажралиб туради.

Ҳаким Назир ўзбек болалар адабиётида қиссачи-
лик жанрининг ривожланишига ҳам «Сўнмас чақмоқ-
лар», «Ёнар дарё», «Қўктерак шабадаси», «Сув гадо-
си», «Кенжатой», «Тоҳир ва Зухро қиссаси», «Дадамни
топиб бeringлар» каби асарлари билан катта ҳисса
қўшди.

Адибнинг «Лочин қанотлари» романи ҳамда «Чираним роз»—хунаринг оз» драмаси ҳам болаларнинг севимли асарларига айланиб қолди.

ИККИ УРТОҚ

Тўлқин билан Марат ён қўшни. Иккаласи қалин ўртоқ. Синфда ҳам бир партада ўтирадилар. Бир куни Марат ручкасини эсидан чиқариб қўйибди. Тўлқинда эса иккита ручка бор экан. Марат ундан:

— Битта ручкангни бериб тур, ўртоқ,— деб сўраган эди, Тўлқин:

— Нега ўзингникини эсдан чиқарасан? Бермайман,— деди.

Марат бошқа қистамади. Шу куни дарсда ҳеч нарса ёзолмади. Хўп алам қилди.

Эртасига икки ўртоқ мактабга вақтли боришди. Дарс тайёрлаб ўтириш учун папкаларини очишди. Шунда Тўлқин қараса папкада линейкаси йўқ. Эсидан чиқариб, уйда қолдирибди.

— Линейкангни бериб турасанми, Марат?— деди ялиниб Тўлқин.

— Йўқ, бермайман!— деди Марат кулиб.

— Нима синиб қоладими?

— Бўлмаса ручканг ейилиб қолармиди?

— Бермасанг берма!— деди Тўлқин аразлаб,— ҳозир бориб опкеламан.

— Борма, дарсга кечикиб қоласан.

— Кечикмайман. Ҳали ўн беш минутча бор-ку!

Тўлқин ғириллаганча чиқиб кетаётган эди, коридорда ўқитувчи дуч келиб:

— Ҳа, Тўлқин, қаёққа шошиляпсан?— деб сўраб қолди.

Тўлқин уйда линейкаси қолганини, иннайкейин Маратдан сўраса, бермайман деганини уяла-уяла айтиб берди.

Марат ҳам уялиб кетиб, эшик орқасига ўтиб олди.

Ўқитувчи уни чақириб сўради:

— Шунақами?

— Ҳазиллашувдим,— деди Марат.— Бериб турман. Мана...

— Ҳа, шундай бўлсин,— деди ўқитувчи,— бир-бирларингдан ҳеч нарсани қизганманглар! Ундан кейин-чи, керакли нарсани ҳеч вақт уйда қолдирманглар!

ОППОҚ БУВАНИНГ НЕВАРАЛАРИ

Оппоқ бува равонда дам олиб ўтирибди. Неваралари уйда радио қўйишпти. Радиодан «Жўжаларим»ни айтса, қўшилишиб айтишади. Ҳиндча айтса, дикир-дикир ўйинга тушишади. Сал ўтгач, катта ашула бошланган эди. кичик невара:

— Э, бу яхшимас, ўчириб қўяман!— деди. Катта невара қайтарди!

— Ўчирма. Оппоқ бувам хафа бўлади.

Кичик невара равонга чиқиб:

— Оппоқ бува сиз шу ашулани яхши кўрасизми?— деб сўради.

— Ҳа, оппоқ қизим, жуда яхши кўраман,— деди буvasи.

— Унақа бўлса мен ҳам жуда яхши кўраман,— деди кичик невара.

РАСМЛИ КИТОБЧА

Кечки пайт Дилшод кўчадан ҳовлиққанча кириб келди. У қўлтиғига бир нима қистириб олган, юриши ҳам бежо эди.

— Дада, дада! Мен ўқувчи бўлдим!— деди. Дадаси айвон лабида иш кийимини ечиб турган эди, уни қулоч очиб қарши олди.

Дилшод қўлтиғидаги китобчани дадасига кўз-кўз қилди. Китобча хўп чиройли, ичида ранг-баранг расмлар бор эди. Ана, битта расмда бақувват аскар жийрон отини гижинглатиб кетаётибди. Битта расмда учувчи самолёт дарчасидан бошини чиқариб, Дилшодни ёнига чақириб турибди. Манави расмга қаранг. Дилшоддай бир қаҳрамон йигит каттакон танкка бемалол миниб олибди.

— Бу китобчани қаердан олдинг, ўғлим?— деб сўради дадаси.

— Буними? Турғуннинг дадаси берди. Турғунга обкелибди, менга ҳам. Мана хатини кўринг...

Дадаси қараса, китобчанинг биринчи бетига «Дилшодга совға» деб ёзилган экан.

— Дада-чи, дада! Шуни манави қўли билан ёзди-я!— деди Дилшод дадасининг чап қўлини кўрсатиб,— нега унақа?

— Бу қўли билан ёзолмайди,— деди дадаси ўнг қўлини кўрсатиб.

— Сиз ёзасиз-ку?

— Меники бутун-да, ўғлим. Уники синган.

Дилшод дадасининг юзига ялт этиб қараб, «нега» деди. Дадаси унга тушунтириб берди: Турғуннинг дадаси урушга борганда фашистлар унинг қўлини синдириб юборган.

— Нега синдиради?— деди Дилшод жаҳли чиқиб.

— Фашистлар шунақа ваҳший-да.

Дилшоднинг кичкина башараси бужмайиб кетди:

— Бўлмаса Турғуннинг дадаси нима қилган?

Турғуннинг дадасими, фашистларни қувган, уларни қириб ташлаган.

— Сиз ҳам қириб ташлаганмисиз, дада?

— Ҳа, мен ҳам қириб ташлаганман.

— Энди одамнинг қўлини синдирмайдими?

— Агар синдираман деса, ўзи соғ қолмайди!

Дилшод суяниб кетди, китобни яна варақлай бошлади. Ҳар варақда ҳар хил расмлар: ана учувчилар, буниси тўпчилар, наригиси пулемётчилар, ҳув анави кемадаги — матрослар бўлади...

— Уҳў, ўҳў,— деди Дилшод томоша қилиб,— Булар ким, дада?

— Булар бизнинг қаҳрамонларимиз бўлади, бизни кеча-кундуз қўриқлайди.

Шунинг учун биз қўрқмай яшаймиз.

ЎТКИР РАШИД

(1915—1990)

Педагог-шоир Ўткир Рашид 1915 йилда Қўқон шаҳрида туғилди. У болаликдан китобга, адабиётга қизиққан, бўлажак шоир она шаҳрида ўрта мактабни тамомлаб, босмахонада ҳарф терувчи бўлиб ишлади. Одатда ҳарф терувчи ҳар бир янгиликдан бошқалардан кўра олдинроқ хабардор бўлади. Ҳарф терувчи Ўткир Рашид ҳам «Янги Фарғона» рўзномасида босилаётган ҳар бир бадиий асарни элдан бурун ўқир, илҳомланар ва ўзи ҳам шеърлар ёзишни машқ қилар эди. Ҳавас ва машқлардан бошланган шеър ёзишлар бора-бора касбга айлана бошлади. Эндиликда ўқиш, ҳаётни ўрганиш, изланиш керак эканлигини сезган Ўткир Самарқанд давлат университетига ўқишга кирди.

Университетдаги ўқиш, адабиёт шайдолари билан дўстлашиш, изланишда бўлган Ўткир Рашиднинг илҳо-

мига илҳом қўшди, унинг шеърӣй машқлари деворӣй газета ва адабий альманахларда кўрина бошлади.

Ўткир Рашид ўқишни тамомлаб, Тошкентга келди. Бадӣй адабиёт нашриётда муҳаррир, «Ерқин ҳаёт», «Гулистон» ойнomalарида ва «Ўзбекистон овози» («Қизил Ўзбекистон») рўзномасида адабий ходим бўлиб ишлади. Бу жараёнда кўплаб қаламкашларнинг китоблари, асарлари унинг қўлидан ўтиб, ўқувчига тегди.

Ўткир Рашиднинг биринчи китоби 1937 йилда «Ёшлик» номи билан босилди. Шундан кейин «Шеърлар», «Меҳнат тантанаси», «Йиллар ва одамлар» деган ҳикоя ва очерк тўпламлари, «Умр қўшиқлари», «Қўшиқлар гулдастаси», «Гулшан диёрим» каби шеър ва қўшиқ китоблари, «Эсим қурсин», «Акам бўласиз» каби ҳажвий тўпламлари нашр этилди. Ўткир Рашид драматург сифатида «Қатта ҳаёт», «Қудалар», «Қудрат», «Фарзанд деб...» номли саҳна асарлари яратган. У узок йиллар Низомий номи Тошкент давлат педагогика институтида адабиёт фанидан дарс берди, «Чашма» адабий тўгарагига раҳбарлик қилиб, ўнлаб ижодкор ёшларнинг адабиёт оламига кириб келишига ғамхўрлик кўрсатди.

Келажагимиз гули бўлган болаларни қаттиқ севган шоир уларга бағишлаб «Ўртоқлар», «Икки ўртоқ», «Қим айбдор», «Энг ўзғир нима?», «Равшанжон ва айиқча», «Қатта бўлсам», «Бу — биз бўламиз», «Бахтиёр болалик» каби китоблар ёзди.

Ўткир Рашид болаларга бағишлаб шеър ёзар экан, биринчи ўринда уларни ҳақиқий ватанпарвар, чинакамига эл-юрт фидоийлари бўлиб ўсиб-улғайишларини истади. «Ватаним», «Мард насллар», «Далам» шеърлари шу мақсадга қаратилган. Азиз Ватанимизнинг гўзаллиги, ҳузурбахшлиги, бойлиги, ёш китобхоннинг меҳрини ўзига тортадиган, шу юртга муносиб инсон бўлиб улғайишига чорлайдиган даражада қувноқ тасвирга эга:

Чаман чаман гулларга,
Сайроқи булбулларга,
Кўкни қучган уйларга,
Бахт келтирган тўйларга,
Қувноқ ва шўх куйларга,
Жойдир гўзал Ватаним,
Бойдир гўзал Ватаним.

Бундай юртга фарзанд бўлишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун нима қилиш керак? Софдил, ўқимишли, меҳнаткаш, хулқу одобда бошқаларга ўрнак бўладиган фазилатларга эга бўлиш керак. Буларнинг ҳаммаси Ўткир Рашид шеърларида ўз ифодасига эга. «Мактаб», «Китоб», «Совға», «Катта бўлсам», «Етмиш хунар экан кам?», «Қим айбдор?», «Ака-ука» шеърлари бунинг ёрқин далилидир.

Мактаб ҳақида кўпгина шеърлар ёзилган. Ўткир Рашиднинг «Мактаб» шеъри такрорий асарлардан эмас. Бу асар алоҳида услубга эга. Асар қаҳрамони эндигина боғчани тарк этган бола, мактабга биринчи қадам қўйиши. Мактаб қандай бўлар экан, деб иккиланиб борган болани гулзор мактаб, ўқитувчи алоҳида меҳрибончилик билан кутиб олиши ёш қалбда мактабга, китобга, ўқишга ҳавасини орттиради:

Муаллима опамиз
Кутиб олди туриб тик.
Гап сўради кучоқлаб
Меҳрибон онамиздек.
Озода синфларинг
Мени бағрига тортди.
Ўқишга, ўрганишга
Меҳру ҳавасим ортди.

Ўткир Рашид ишёқмас, дангаса болалар ҳақида ҳам анчагина шеърлар битган. «Қўғирчоқ ўртоқ» шеъри айниқса, таъсирли чиққан. Болалар ҳаётда ҳеч нарсадан чўчимай, қўрқмай елка кериб яшашлари керак. Бунинг учун эса, боланинг ўзи соғлом, тетик бўлмоғи даркор. Соғлом, тетиклик қаердан келади? Бу боланинг юриш-туришига, ҳаракатига боғлиқ. Агар боланинг ўзи ҳаракатчан бўлмаса, жисмоний иш, спортга ҳавас қўймаса ўртоқларидан ортда қолиб, бир жонсиз қўғирчоққа айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Қуддус ажойиб феълли болалардан. Ёзнинг жазирама иссиғида ҳам тўн ва телпак кийиб юради, дўстларига қўшилмайди, ишёқмаслик, дангасалик уннинг ҳамроҳи бўлиб қолган. Шеърнинг хулосаси ҳам диққатга сазовор:

Демак Қуддус соппа-соф
Фақат жуда эринчоқ.
Одати — дангасалик,
Дангасалик — касаллик.
Катта очсин кўзини,
Даволатсин ўзини.
Тагин ётиб қолмасин,
Лойга ботиб қолмасин?!

Ўткир Рашид айрим хулқи ёмон болаларни табиати унча хуш кўрмайди. «Танийсизми Қаримни?», «Ў нима деркин?», «Собирнинг шу иши тўғрими?», «Ғайрат ва Омон», «Ўсар — қайсар» сингари асарларида одоб-аҳда бошқалардан орқада қолиб кетган болалар устидан кулади.

Ўткир Рашид «Иш билмас ва иш қилмас ҳақида», «Ғозча — митти», «Шерали», «Энг ўзғир нима?», «Равшанжон ва айиқча» каби бир нечта эртақ-достонлар ҳам ёзди. Бу асарларнинг деярли ҳаммаси боғча ёшидаги болаларга бағишланганлиги билан эътиборга лойиқдир. «Ғозча — митти»да ўрмон тўғрисида, қушлар, ҳайвонлар, йиртқичлар ҳақида гап боради. Бу ёшдаги болалар жониворларнинг турмуш тарзларини унча яхши билмайдилар. Улар «Ғозча — митти»ни тинглашиб, жониворларнинг ҳаётларини, яшаш шароитларини бирмунча билиб оладилар. Айниқса, ғозчанинг хатти-ҳаракати, довюраклиги, ишбилармон ва тадбиркорлиги яхши таассурот қолдиради.

Шоирнинг мана бу мисраларига эътибор беринг,— унда ўрмонда яшайдиган кўпгина жониворларнинг жам бўлиб яшашлари, аҳилу дўстликлари кимни хурсанд қилмайди дейсиз:

Кайик, қуён, олмахон,
Қурка, лайлак, ўрдақ, ғоз.
Аҳил бўлиб, дуст бўлиб
Яшаркайлар қиш-у ёз.

Ҳаётда—ўрмонда зўравонлар кўп. Ёввойи тўнғиз булардан анча кучли—муттаҳам ва сурбет, зўравонлик қилиб буларнинг қишда ейиш учун тўплаб қўйган овқатларини еб, ҳар кунни нонуштаси учун учта ғоз беришларини талаб қилади. Бу очкўз баттолдан қутулиш йўлларини қидиришади. Миттининг маслаҳатига кўра айиқполвон билан дўстлашишади.

Айиқполвон билан тўнғиз ўртасида жанг бошланади. Бу жангда унинг ўзи ёлғиз эмас. Ҳамма жам бўлиб, бирлашиб жанг қилгандилар:

Босди айиқ тўнғизни
Устига ташлаб ўзин.

Митти, ўрдак, лайлаклар
Чўқиб олдилар кўзин.
Айиқчалар тўнғизнинг
Тишлаб турди оёгин,
Она айиқ ўлдирди
Ғажиб унинг томоғин.

Ашаддий душман тўнғиз ўлди, бу билан энди душман йўқ, роҳат-фароғатда яшаймиз, дейиш ҳам жуда эрта. Тадбиркор ва ишбилармон ғозча ҳаммани бир уй қуриб, янги маконда яшашга чақиради-ки, бу кўпчиликка маъқул тушади:

Митти дер: Ҳали ёв бор,
Ҳушёр бўлиб турайлик,
Ундан сақланиш учун
Бир пана жой қурайлик.
Айиқполвонга Митти
Деди:— Амаки, яшанг!
Сиз устасиз бу ишга,
Уйни ўзингиз ясанг!

Айиқвой уста бўлиб,
Иш бошлади шу кун.
Кийиклар дарахт кесди,
Ташишди дўстлар уни.
Шундай қилиб ёғочдан
Қуриб олдилар бир уй.
Безадилар бу уйни
Қилгандайин худди тўй.

Дўстлар аҳил бўлиб ҳаёт кечира бошлайдилар. Аҳилликда, бирликда ҳикмат кўп экан, кимки дўст орттирса, иттифоқ бўлса, уни ҳеч қандай душман енга олмас экан, деб шод-бахтли яшашлари ёш китобхоннинг қувончига қувонч улашади:

Яшадилар дўст бўлиб,
Йўқотилди душман-ғов.
Дедилар: «Бирлик бўлса,
Енголмас экан ҳеч ёв».

Шоирнинг енгил юмор билан суғорилган «Шерали» достонини ўқимаган, тингламаган бола бўлмаса керак. Шерали гўё овқат учун дунёга келгандек, кечасию кундузи овқат ейди. Ҳаракат қилмагандан кейин семиргандан семириб кетган. «Хомсемиз» лақабини олган бу боланинг жирканч башарасини шоир:

Оёқ-қўли пиликдай,
Шилвиратиб юарди.
Бир тоғора хўрдани
Битта ўзи уарди.

Фақат овқат ейишга
Полвон эди Шерали.
Лекин дадил, чопқиллаб
Юролмасди у ҳали,—

каби мисралар билан Шералининг айбини кескин очиб ташлайди. Танбал, латта, тепса-тебранмас бу бола дўстлари, сафдош-у ўқитувчи — устозларнинг амалий

ёрдами билан жисмоний иш, спорт билан шуғулланади.
«Хомсемиз»лик дардидан қутулади:

—«Менга соғлиқ, куч берган
Мана шу машқдир» дея,
Шераливой ҳали ҳам
Қилар бадантарбия.

«Равшанжон ва айиқча» асарининг сюжети мактаб-гача тарбия ёшидаги болаларга жуда мос. Равшанжонларнинг уйлари тоғ бағрида, у тасодифан бир гордан айиқ боласини топиб олади, уйига олиб келади, унга Қоравой деб ном қўяди. Қоравой Равшанжоннинг уйидагиларга ёқиб қолади. Бола унга турли қилиқларни, юмуш бажаришни ўргатади. Натижада айиқ оиланинг дастёрларидан бири бўлиб қолади. У товуқларга керак бўлса дон сочади. Бегона одамни уйга киритмайди, беланчакада ётган чақалоқни тебратади, «Болалар тўп ўйнашса, дарвозабон»лик қилади.

Болаларни чинакам севиб, ардоқлайдиган шоирларгина уларга муносиб шеърлар, дostonлар тўқий олади. Шоир ва педагог Ўткир Рашид умрининг охиригача сеvimли китобхонлари бўлмиш кичкинтойларни улуғлаш, ардоқлаш нафаси билан яшади.

УКАЧАМНИ КЎЧАДА КЎРДИМ

Боғчадаги укамни
Катга кўчада кўрдим.
Узоқдан таниб уни
Келишин кутиб турдим.
Болалар қатор бўлиб,
Ушлаб олган арқонча.

Арқончага тизилган
Гуё қўғирчоқ анча.
Тарбиячи опаси
Борар бошлаб олдинда.
Тарқаб кетишмасин, деб
Ипга «чизиб» олган-да.

БУ — БИЗ БЎЛАМИЗ

Сўрасангиз:— Сиз
кимсиз?

Деймиз:— Бахтли
ўғил-қиз!

Биз бир оз шўх бўлсак
ҳам,

Яхши, аъло ўқиймиз.

Ўзи билмас деманглар —
Ўзимиз ҳам биламиз.

Катталардек ҳар ишни
Бош қотириб ўйлаймиз.
Гапга ҳам биз

чечанмиз —
Тоғиб-тоғиб сўйлаймиз.

Катталарнинг сўзини
Яхши англаб ўқиймиз.
Қўп нарсалар ўрганиб,
Унга тақлид этамиз.

Сўрасангиз:— Сиз
кимсиз?
Деймиз:— Бахтли
ўғил-қиз!

КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ

Кичкина деманг бизни,
Ўткир зеҳн, ақлимиз.
Биз ҳам катта бўлишга
Билиб қўйинг, ҳақлимиз.
Катта ишлар қиламиз,
Лойдан поезд ясадик.
Олти қават уй қурди
Гугурт чўпидан Малик.

Ўйинчоқ машинамиз,
Бузилувди, тузатдик.
Ишга борса ойимиз,
Йиғламасдан кузатдик.
Мактабни ҳам ўзимиз
Энди топиб борамиз.
Қалай, катта бўпмизми,
Яқин қолди орамыз.

ҚАЙСИ КАТТА

Адҳам билан Раҳмат бир куни
Узоқ ўйлаб қолишди шуни.
— Қайси ҳайвон айт-чи, энг катта?
— Энг каттаси — от-да, албатта.
Энг кичкина ҳайвон қайсикин?
— Энг кичиги лайча итмикин?
Ҳайвонларнинг расмин солайлик,
Қайси катта билиб олайлик.
Айтиб турди бирма-бир Раҳмат,
Солди ҳайвон расмини Аҳмад.
Туя, эчки, қўй-ю қўзичоқ,
Эшак, от, фил, сигир ва бузоқ.
Қуён, айиқ, мушук, ит, йўлбарс
Турар улар бўлиб баланд-паст.
— Энг каттаси туя — дейишди,
Бўйга қараб бир-бир теришди.
Энг бошидан туя жой олди,
Энг охирида қуёнча қолди.
Ҳайвонларнинг катта-кичигин
Шундан кейин билиб олишди.
Расмларин солгандан кейин,
Уста рассом бўлиб қолишди.

ПУЛАТ МҶМИН

(1922 йилда туғилган)

Пулат Мўмин ёшлигиданоқ адабиётга ҳавас қўйди. У Тошкент педагогика билим юртида ўқиб юрган вақтида адабиёт тўғрисида фаол қатнашди. Адабиётни кунт билан ўқиди, ўрганди. Урта маълумот олгач, Низомий номи Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тамомлагач, аспирантурада ўқиди, мактабларда ўқитувчилик қилди. Сўнгра Ўзбекистон давлат нашриётида ишлади. П. Мўмин қаерда ишламасин, доимо адабиётга муҳаббат билан қаради, уни кунт билан муталаа қилди, ўрганди. Кичик-кичик шеърлар ёза бошлади. 1944 йилда «Баҳорга саёҳат» номи биринчи шеъри босилиб чиқди. Биринчи шеърлар тўплами эса 1949 йилда «Сайранг, қушлар!» номи билан нашр этилди. Китоб адабий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди. Тўпلامдан муносиб ўрин олган «Дарслар мажлиси», «Яшна, улуғ ўлкамиз», «Ўқитувчим», «Ҳайкал», «Алла ва Жалла» (эртак) сингари эсарлари мазмундорлиги, қизиқарлилиги билан китобхонларнинг эътиборини ўзига жалб этди.

Болаларга ижод этиш, бу соҳада муваффақият қозониш учун эса қобилият ва истакнинг ўзигина етмайди. Белинский таърифи билан айтганда, болалар ёзувчиси бўлиб туғилиш керак. Бу болалар ёзувчиси моҳир педагоглардай бола қалбининг билимдони бўлсин, нозик таъб эгаси, гўдак табияти ва психологиясининг билимдони, меҳрибон ва болажон, камтарин ва самимий, болаларча соддадил ҳам доно бўлсин, деган мазмунни тақозо этади, албатта. Биз Пулат Мўмин ижодида ана шундай олижаноб хусусиятлар мужассамлигини ҳис этамиз. Шоир бутун умрини болалар орасида ўтказиб келмоқда. Унга болалар ва мактаб ҳаёти, ажойиб жўшқин ва кенг дунёси жуда таниш ва қадрлидир. У ўз ёш китобхонларининг ўй-фикрлари, орзу-умидларини яқиндан билади. Уларнинг дилларидагини тилларга чиқара билади.

Шоирнинг тинимсиз ижодий меҳнати туфайли «Хунардан унар», «Тўғри ўсган гул бўлар», «Ақл қаерда бўлар», «Ўринбосарлар», «Олтин най», «Бир ярим Қарим», «Энди адашмайди», «Барча бола дўст бўлса»,

«Раҳматга раҳмат», «Газполвон эртақ айтар», «Чанг-
ютар ботир», «Дўстинг қанча кўп бўлса», «Офтоб ва
одоб», «Яхшиларга ўхшасам», «Бу жуда соз», «Эсон ва
Омон», «Олтинш олти олтин қўл», «Устозлар изидан»,
«Болаларнинг бахти кулган», «Бир юз бир олтин қўл»
шеърӣ тўпламлари, «Апрелой билан Майхон қиз», «Ча-
ноқвой билан Қовоқвой» каби эртақлари, пьесалари юзага
келди. Бу китобларга кирган энг яхши шеър ва қўшиқ-
лари, дoston ва эртақлари болалар адабиётимиз хази-
насига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди, уни бойитди. Бу
асарлардан бир қанчаси жаҳон халқлари тилларига
таржима қилинганки, бу фақат шоирнинг эмас, балки
ўзбек болалар адабиётининг ҳам ютуғи, обрўси ҳисоб-
ланади.

Кимда ким аъло ва яхши баҳоларга ўқиниш учун ас-
тойдил интилса, ҳаракат қилса, заҳмат чекса, шубҳа-
сиз, у мақсадига эришади, самарали билим олади.
Агар бу интилиш жисмоний меҳнат билан қўшиб олиб
борилса, янада муваффақиятли бўлади. Пўлат Мўмин
таълим ва жисмоний меҳнатга бағишланган шеърла-
рида меҳнат ва меҳнатсевар болалар ҳақида фикр юри-
тади. Баъзи иншўқмас, дангаса, ялқов ўқувчиларни
танқид қилади, уларнинг камчиликларини очиб таш-
лайди. Масалан, «Беш олдим, беш!» деган шеърини
олайлик. Асар қаҳрамони узоқ вақт паст баҳога ўқиб
юрарди, фанларни кўнгилдагидек ўзлаштира олмага-
нидан дўстлари, ота-онаси ва ўқитувчилар олдида гу-
ноҳкордек ҳис қилади ўзини. Ўқувчи бундай қийин аҳ-
волдан фақат кўпроқ дарс тайёрлаши, китоб ўқиши
билан қутулиб кетиши мумкинлигига ҳам ишонмайди.
Нима бўлади-ю бир кун у уйга берилган топшириқни
қайта-қайта ўқийди, дарс, китобдан бошқа ҳеч нар-
сани ўйламасликка ҳаракат қилади. Натижада эртаси
куни «беш» баҳо олади. Шу-шу бола китобни севиб
қолади. Қўнт қилиш, берилган топшириқ устидан кўп
меҳнат қилиш лозимлигини тушуниб етади. Ўзидаги
бундай ижобий ўзгаришдан хурсанд бўлади. Боладаги
бу қувонч ва ҳаяжонни шоир ёш китобхон руҳиятига
мос равишда чизиб беради:

Шундай қилиб, дўстларим,
Айтсам юрак сўзларим,
Юришиб қолиб ишим
Қўпайиб кетар «беш»им.

Болалар шоирининг «Туганмас кон», «Ўқитувчи баҳо қўйганда», «Кўчаларни тўлдириб», «Сизга нима бўлди, ўғил болалар?», «Юқумли «2»лар», «Билса бўлар экан-ку!», «Сентябрдан ким севинар?» каби шеърлари ҳам аъло ва яхши ўқиш учун интилаётган, ҳаракат қилаётган болалар тўғрисида ёзилгандир.

Баъзи ўқувчи-ёшлар орасида муғамбир, писмиқ болалар ҳам топилиб қолади. Шоирнинг «Қўл кўтариб қўлга тушди» деган асари ана шундай болаларга бағишланган. Асар қаҳрамони аслида дангаса, ишёқмас, қолоқ ўқувчи. У буни ўқитувчисига сездирмаслик учун ҳар кун дарс пайтида «Мен айтаман деб, кўтаради қўл». Ўқитувчи эса боланинг бундан муғамбирлигини сезмайди, у дарсни яхши ўзлаштирибди, деб ундан сўрамайди. Охири бир кун «Майли, айта қол» дейди. Шунда ҳалиги бола саволга жавоб бера олмай, ўқитувчи ва ўқувчи дўстлари олдида изза бўлади:

Дарвозасига
Урилгандай гол
Қўлга тушганди
У кўтариб қўл.

Шоир шеърларида кичкинтойларнинг жисмоний ишга интилишлари ҳам яхши очиб берилади. Унинг «Офтоб чиқди оламга», «Ер чопилди — жавоб топилди» шеърлари фикримизнинг далилидир. «Офтоб чиқди оламга» асарида у халқ оғзаки ижодидан унумли фойдаланган. Шеърда болаларнинг ҳаракати, уриниши, катталар ишига кўмаклашиши ниҳоятда таъсирли ва ширани ифодаланган.

Пўлат Мўмин ҳақиқатан ҳам офтоб — бу олам-олам қувонч, шодлик, меҳнат, яшаш, яшариш рамзи эканлигини кичкинтой дўстлари қулоғига қуйишга, буни бола образи орқали янада ёрқинроқ, таъсирлироқ акс эттиришга ҳаракат қилади:

Офтоб чиқди оламга,
Чопиб бордим дадамга.
Дадам кўчат экарди,
Салом бердим дадамга.

П. Мўминнинг «Ер чопилди — жавоб топилди» асарига меҳнатдан завқланиш туйғуси ёрқин ифодаланган. Асар қаҳрамони дастлаб уйга берилган топшириқ-

мисолларни ишлай олмайди. Шунда у жисмоний меҳнат қилишга киришади—ер чопади. Терлаб-пишади. Патижада қўнгли ёришади, фикри ойдинлашади. Уйга берилган мисолларни ҳам ечади, ерни ҳам чопади.

Барча саволга
Жавоб топилди,
Шу баҳонада
Ер ҳам чопилди.

Пўлат Мўминнинг «5» баҳо қўшиғи», «Хурсандмисиз? Хурсандмиз», «Сентябрим», «Интернат қўшиғи», «Уч баҳо—пуч баҳо» сингари қўшиқлари ўқиш, илмли бўлиш мавзуга бағишланган. Ўз устида кўп ишлаш, китоб ўқиш, дарс қолдирмаслик «аъло» ўқишнинг мустаҳкам гарови эканлигини шоир «5» баҳо қўшиғи»да акс эттирса, дангаса, ялқовларни «Уч баҳо — пуч баҳо» қўшиғида анча танқид қилиб ўтади. Оналарни, кексаларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш («Ачом-ачом, бувижон», «Меҳрибоним, ойижон!»); ўзаро ҳурмат, дўстликни жойига қўйиш («Бир жаҳон болалармиз»); ҳар бир шодиёна, байрамларни зўр тайёргарлик билан кутиб олиш, чеварлик касбини болаликдан билиб бориш («Қуйлагим») мавзуларига бағишлаб шоир ўнлаб қўшиқлар яратганки, бундай қўшиқлар боғча ёшидаги болаларнинг жон-дили ҳисобланади.

Пўлат Мўмин ахлоқ ва одоб куйчиси ҳисобланади. Бу масала кўпроқ «Бировлар», «Бир одамнинг афсуси», «Сўзи шунақа — ўзи шунақа», «Беҳзодни биласизми?», «Ўлғайдими ақлингиз?», «Қўлинг олтин, йўлинг олтин», «Биринчи бўл, биринчи» каби шеър ва қўшиқларида очиб берилади.

Пўлат Мўминнинг «Алла билан Жалла», «Зийрак фил ва зикна боққол», «Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига», «Унутган ўғил», «Олтин най», «Доно бола», «Жалил эшитган эртақ», «Билгани қари — билмайди пари» сингари эртақ-достонларида халқ оғзаки ижоди намуналаридан унумли фойдалангани кўриниб туради.

Пўлат Мўмин достончи-шоир сифатида ҳам жуда қадрлидир. Унинг «Олтин нокли боғ», «Кўча—кўпчилик учун», «Эҳ, роса ширин экан», «Холнинг жийрон велосипеди», «Қўнғил истар яхшилик» деган поэмалари аллақачон кичкинтойларнинг севимли асарларига айланиб кетган. Шоирнинг достонларида болалар ўртаси-

даги дўстлик, биродарлик, ўқитувчи ва жонажон мактабга муҳаббат, бирлик, интернационализм каби масалалар илгари сурилган. Болалар ҳаётида содир бўладиган ютуқ ва камчиликлар бадий бўёқларда, қизиқарли эпизодларда чизиб берилган. Бир сўз билан айтганда мактаб ўқувчиларининг жозибали ҳаёти завқ-шавқ билан тасвирланган.

Пўлат Мўмин ўзининг эртак-пьесалари билан ҳам ёш китобхонлар ўртасида шуҳрат қозонди. Унинг «Қовоқвой билан Чаноқвой», «Суқатой-Конфетвой», «Она болам дейди, бола онам дейди» номли фантастик эртак-пьесалари узоқ вақтлардан бери болаларнинг қувончига қувонч қўшиб келаётир.

Қовоқвойнинг дангасалиги, лапашанглиги, эркалиги, тантиқлигини ўткир кулги остига олувчи ва Чаноқвойнинг билимдонлиги, донолиги ва меҳрибон дўстлигини улуғловчи «Қовоқвой билан Чаноқвой» болаларни яхшиликка даъват этади.

Бу асардаги яхши фазилатлар драматургнинг бошқа бир эртак-пьесаси «Суқатой-Конфетвой»да ҳам кўришган. Тематикаси ва ғоявий йўналиши, услуби жиҳатидан бу икки асар бир-бирига яқин. Унда ҳам илм, одоб, ҳалоллик ва меҳнатсезарлик улуғланади. Воқеа Билм Хола, Ақлжон, Одобжон, Чалавой, Ойпопук билан Нафасзой, Ёмонжон, Лақма ота, Жанжал хола, Қурғ ўртасидаги кураш асосида ривожланади.

Пўлат Мўминнинг бутун эътибори, ижодининг моҳияти болаларга ҳаёт йўлини кўрсатиб беришга интилишдан иборат. Шунда пьесадаги Ақлжон билан Одобжон айтганидек:

Ақл, Одоб, Фан йўли,
Нўлларнинг энг маъқули,
Қимми юрса уч йўлдан
Иши келади ундан,
Нўллар элтар мактабга,
Етказадим мақсадга.

Бугина эмас, болалар Пўлат Мўминнинг ўнлаб топишмоқларини ҳам севиб ўқиб ўрганадилар ва зеҳнларини чархлайдилар.

Севимли шонримиз Пўлат Мўмин оромсиз қалб соҳибидир. У ҳамон қайноқ самарали ижод билан банд.

ТИШ ЧҮТКА, ПОРОШОК ВА
АТИР СОВУН ЭРТАГИ

Ўқиб кўринг, дўстларим,
Ёздим сизга бир эртақ.
Яхши пайқаб олади
Бўлиб турса ким сергак.
Афсона деб ўйламанг,
Ёзганимни тагин сиз,
Эшмат деган болани
Сиз ҳам яхши танирсиз.
Ҳа, мен унинг ишларин
Сизга таъриф этаман;
Билганимнинг кўпини
Битта-битта битаман.
Эшмат нима бўпти-ю
Ялқовланиб қолипти.
Кейин анча дарслардан
«2», «3» ҳам олипти.
Мактабига кечикиб
Борар эмиш баъзида.
Вазифани бажармай,
Кизарармиш дарсида.
Тонгда туриб зарядка
Қилмоқ жуда ҳам фойда.
Лекин барча ишида
Иўқ-да тартиб-қонда.
Озодалик одамнинг,
Тани жонига малҳам,
Ҳаммом деган жойга-чи,
Бормапти уч ойда ҳам,
Устидаги кийимин,
Юрмас тозалаб, тахлаб,
Хатто одат бўйича
Ювинмасмиш яхшшлаб.
Қаранг, бир кун

Эшматнинг

Тиши оғриб қолди-ку,
Куни билан вой-войлаб
Боролмади дарсга у.
Хўш ошналар, Эшматни
Ҳозир ёзмай турамин.
Нега бундай бўлганин

Сабабини кўрамин.
Эшматвойда бор эди,
Порошок, чўтка, совун,
Ювинганда буларни,
Ишлатмапти у нечун?
Шундан кейин порошок,
Совун ҳамда тиш чўтка,
Роса суҳбат қилишди,
Утиришиб бир четда.
Қани, келинг, билайлик,
Учаласин дидини.
Совунхон гап бошлапти,
Гуркиратиб ҳидини:
— Сизга айтсам ростини,
Жуда асл нарсаман,
Атиргуллар ҳуснидан
Яшнаб турар кенг чаман.
Менинг атир ҳидимни,
Чаманзордан олишар.
Хизматимга ҳамиша
Кўплар қойил қолишар:
Агар гапни чўзворсам
Дўстлар, мени кечиринг,
Фикр-ёдим тозалик,
Душманиман кир-
чирнинг,

Қимки мени ишлатса,
Бўлар соғлом, озода,
Бу ишимдан тарқатдим
Юртга яхши овоза.
Лекин менинг қадримга
Эшмат сира етмайдн.
Қолиб кетдим чанг-чунгда,
Қаранг, парво этмайдн.
Олдинлари Эшматнинг
Юзини кўп ювардим.
Унинг тани-жонидан,
Қасалликни қувардим.
Қўрдингизми,

Эшматнинг

Қочиб қопти мазаси.
Қилди ўзига ўзи
Тортмоқда у жазосин,
Бор-йўқ гапни гапирди,
Совун роса кўпирди.
Тишглади ҳам тиш чўтка,
Ва порошок ўлтириб.
Шу пайтда тўсатдан
Жимликни бузди чўтка,
Соқолин силкитиб,
Ўрнидан турди тикка.
— Қаранг, бизнинг

Эшматни

Ухлолмади вой-войлаб,
Порошок ва мен билан
Тиш юлмади бир ойлаб.
Олдинлари тишлари,
Кўринарди дур каби.
Бажариларди нуқул,
Эшматнинг ҳар талаби.
Фабрикада мен учун,
Талай меҳнат қилишган.
Кейин аптекаларга,
Тезда олиб келишган
Мен ҳам сиздай асман,
Гавдам тоза суякдан.
Қадрлашар ҳар ерда,
Дўстларим чин юракдан.
Порошоквой маъқуллар,
Чўткавойнинг сўзини,
Улуғ сифат тутарди
Порошоквой ўзини,
Шундай қилиб, уч ўртоқ

Роса узоқ сўзлашди.
Эшматвойга ҳар гапда
Яхшиликни кўзлашди.
Энди яна эшитинг,
Эшматвойдан гапни сиз,
Тиш оғриғи тузалиб
Кетган эмиш билсангиз.
Ўша кезде чидолмай —
У борипти докторга,
Ушлаб олиб лунжини
Кирипти юриб зўрға.
Тишларига доктор ҳам
Ачингандай бўлипти.
Кўрса Эшмат тишларин
Кир-чирларга тўлипти.
Доктор опа Эшматга
Кўп насиҳат қилипти,
Маслаҳатни маъқуллаб,
Эшмат уйга келипти.
Тишларини ювипти
Порошокда чўткалаб.
Зарядка ҳам қилипти
Эртасига эрталаб.
Бу ишларни Эшматвой
Одат қилиб олипти.
Кўрган таниш-билишлар
Хурсанд бўлиб қолипти.
Эшмат барча ишида
Сақлар тартиб-қоида.
Ўқиши ҳам соғлиғи
Бўлиб қолган жойида.

ҚУДРАТ ҲИКМАТ

(1925—1968)

Талантли болалар шоири Қудрат Ҳикмат қисқа ва самарали ижодини кичкинтойларни илмга иштиёқ, она Ватанга, жонажон юртимизга садоқат руҳида тарбиялашга бағишлади.

Қудрат Ҳикмат 1925 йилда Тошкент шаҳрида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Бўлажак шоир Қуддус Муҳаммадий раҳбарлик қилган адабиёт тўғрарида фаол иштирок этди. Бу тўғарак унинг шеърини сирларини эгаллашида катта роль ўйнайди.

Қ. Ҳикматнинг ижодий ўсишида Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Миртемир, Қуддус Муҳаммадийларнинг мураббийлик роли катта бўлди.

Қудрат Ҳикмат болалар учун 1945 йилдан бошлаб шеърлар ёза бошлайди. Унинг дастлабки шеърлари болалар ва ёшлар газеталарида ҳамда журналларида босила бошлади.

Қудрат Ҳикмат бир қанча вақт Чирчиқ шаҳар рўзномасида ишлади. Шу билан бирга меҳнатдан ажралмаган ҳолда Тошкент давлат педагогика институтида ўқиди. 1957—60 йилларда Ўзбекистон бадий адабиёт нашриётида муҳаррирлик қилди. 60-йилдан то умрининг охиригача «Ёш гвардия» нашриётида бўлим бошлиғи сифатида ёш авлодга китоблар чоп этишда фидойилик қилди.

Қудрат Ҳикматнинг «Менинг Ватаним» (1950), «Бахтли болалар» (1951—1952), «Ободлик» (1953), «Дўстлик» (1954), «Родной Ўзбекистан» (1955) каби қатор тўпламлари нашр этилди. Кейинчалик «Илон шоҳ ва унинг амалдори ари ҳақида эртақ» (1963), «Соатжоннинг соати» (1964), «Тошбақалар ҳужуми» (1965), «Дайди бола», «Ўғлим билан суҳбат» (1970) сингари китоблари билан ўзбек болалар адабиёти таъриқиётига самарали ҳисса қўшди.

Шоир асарларининг мавзу доираси кенг ва ранг-баранг. Турли ёшдаги китобхонлар Қудрат Ҳикмат асарларини севиб ўқийдилар, улардан эстетик завқ оладилар. Шоир ўз асарларида болаларни қизиқтирган, уларнинг билгиси, эшитгиси келган нарсга ва воқеаларни ихчам, ўйноқ, вази ва қофиялари пишиқ ишланган мисраларда ифодалайди.

Қудрат Ҳикмат ижодининг яна бир муҳим томони шундаки, у болалар тилини яхши ўзлаштирган, ўрганган. Шунинг учун ҳам унинг шеърлари гўзал ва ёқимли, содда ва равои.

Қудрат Ҳикмат ўзининг илк шеърларидан бири «Менинг Ватаним» да меҳрибон она Ватанининг улуғворлигини кўтаришчи руҳ билан куйласа, «Боғча» шеърисида болаларни шу улкан Ватанининг қучоғига етаклаб киради. Ватан деган азиз сўзни, унинг том маъносини болаларнинг соя-салқин, озода, оромбахш боғчасига кўчиради. Шу ер, кичкинтойларнинг юрган-турган жойи улуғ Ватан эканини уқтиради:

Ўртоқжон Турғун,	Кемамиз сузар
Мен билан юргин.	Денгизчамизда.
Бизнинг боғчаи	Милтиғимизнинг
Бир бориб кўргин.	Ўқлари олмос.
Турли ўйинчоқ,	Чегарамизга
Аргимчоқ бизда.	Душман йўлолмас.

Қудрат Ҳикмат ҳалол меҳнатни гўзал ҳаёт манбаи, у билан киши ҳурмат, эътибор орттиради деб ифодалайди. Шунинг учун у ўзининг кичик китобхонларида ёшлиғидаюқ меҳнат кўникмаларини тарбиялашни асосий вазифа деб билади. «Бувимнинг деганлари» шеърисида ўз меҳнати самарасидан хурсанд бўлган кичкинтойлар образини яратади. Буни шоир Санобар образида гавдалантиради. Санобар бувиси билан яилла қурти тутати ва бу ишидан бениҳоя хурсанд бўлади. Бунинг учун унинг севинчи, бувисига бўлган муҳаббат чексиздир.

Шоир бу шеърисида болаларни меҳнатсеварликка, Ватан ва халқ олдидаги бурчини муқаддас деб билишга ундайди.

Қудрат Ҳикмат ижодида болаларнинг она Ватанга нисбатан бўлган муҳаббатлари «Менинг Ватаним», «Мен туғилган кун» каби шеърларида яққол ифодасини топган. Жумладан, «Менинг Ватаним» шеърисида жонажон Ўзбекистонимизнинг гўзаллиги, юртимиздаги барча халқ ака-укадай дўст бўлиб, иттифоқ бўлиб ҳаёт кечириётганлиги ўйноқи мисраларда акс эттирилган:

Қўкдай бепоён,
Бойликларга қон,
Кенг пахта майдон
Менинг Ватаним.

Тинчлик учун курашга бағишлаб шоир «Бор бўлсин тинчлик», «Йўқолсин уруш», «Тинчлик — ободлик», «Тинчлик ҳақида қўшиқ» асарларини яратган. Шоир «Тинчлик ҳақида қўшиқ» шеърида:

Тинчлик жуда соз,
Тукин-сочини ёз.
Ўқ тозуши чиқмас,
Янграб қўшиқ, соз,—

каби мисралар орқали болаларнинг тинчлик ҳақидаги тасаввурини ҳаётий деталлар асосида кенгайтиради. Муаллиф тинчликнинг ҳаётий зарурат эканлигини янада чуқурроқ очиш учун уруш оқибатларини контраст тасвирлаш йўлидан боради ва шу орқали урушга муносабат билдиради:

Бўлса-чи уруш	Бу сира бўлмас,
Ўг тушар ҳар ён.	Халқлар йўл қўймас.
Тинч, ширин турмуш,	Тинчлик-ободлик,
Бўлади вайрон...	Ҳеч қачон сўнмас.

Қудрат Ҳикматнинг «Човкар», «Тошбақалар ҳужуми», «Қум остида қовунлар», «Илоншоҳ ва унинг амалдори ари ҳақида эртақ», «Чирчиқ фарзанди» каби поэма ва эртақ-дostonларини болалар ҳузур қилиб ўқийдилар ва катта эстетик завқ оладилар.

Қудрат Ҳикматнинг «Бободехқон хангомаси», «Қум остида қовунлар», «Тошбақалар ҳужуми» поэмаларида болаларнинг катталар меҳнатига қизиқишлари, улардан ўрнак олишга интилишлари ёритилади.

Болалар шоирнинг «Човкар», «Қўмилган олтин, вайсақи хотин ва тadbиркор овчи қиссаси», «Илоншоҳ ва унинг амалдори ари ҳақида эртақ» сингари эртақ-dostonларини ҳам яхши биладилар.

Оз ва мазмунли умр кўрган Қудрат Ҳикмат болаларга бағишлаб йнгирмадан зиёд китоб ёзди. У тамомила ёш китобхон ишончини оқлаб, кишилар ҳурматини қозонди. Бунинг эвазига у муносиб тақдирланиб, эл назарига тушди.

Шоир ўзи башорат қилгандай:

Олмас менинг юрагим,
Толмас менинг юрагим.
Қим айтади элимда,
Қолмас менинг юрагим,—

деб ёзгани каби бугун у барҳаёт, орамизда, меҳри кўз
қорамизда.

АЛИШЕР ВА КИТОБ

Китобга ўч ўғилчам
Олтин топган сингарин,
Чиқса янги бир асар
Ўқир мендан илгарин.
Майли, бўлсин ҳикоя
Еки тўрт йўл қувноқ
шеър.

Айвончада мук тушиб,
Шариллатар Алишер.
Қош қорайиб кетгунча
Қўлдан тунмас китоби.

Унга ёққан шеърларининг
Ҳозирча йўқ ҳисоби.
Олимдек серҳаракат,
Ишлар пухта берилиб,
Унча-мунча ёшлардек
Ошиб кетмас керилиб.
Турна қатор саволга
Солдат каби доим шай,
Ҳозиржавоб бўлмасди,
Шунча китоб ўқимай.

МЕН ВА АЛИ

Мен ва Али
Дам олгали
Қўшни боққа —
Чиқдик ҳали.
Боғ ичида:
Олма, жийда,
Нашватилар
Пишган жуда.
Ариқда — сув —
Худди кўзгу

Анҳоргача
Тушар шов-шув.
Митти булбул,
Сайрар нуқул.
Истаганча
Ўйна ва кул.
Ўлкамиз соз,
Тўқиндир ёз,
Уни қанча
Севсак ҳам оз!

ТОЙЧОҚ

Бор бир тойчоқ,
Дўстим ҳар чоқ.
Пешонаси
Қордек оппоқ.
Йўртиб юрар,
Кишнаб турар.
Гоҳ гижинглаб,
Бўйнин бурар.
Кун оралаб,
Ювиб-тараб,

Қашлайман шод
Қоқиб қараб.
Тойчам бардам,
Менга ҳамдам.
Биргаликда
Ўсар ҳамдам,
«Чуҳ» десам гар,
Мисоли пар,
Тоғу тошдан,
Учиб ўтар.

КЕКСА КУЛОЛ ВА ШОГИРД

(Ҳикоя)

Ёши олтмишлардан ошган мўйсафид одам кулолнинг уйига бир кун и ўглини бошлаб келиб:

— Тақсир, пешанамда шу битта-ю битта ўғилчам бор. Қўзим тириклигида бирор хунарниинг бошини тутсин деб, сизни қора тортиб келдим,— дебди.

Кулол сопол товоқларнинг четларини ўсма рангига бўяб туриб:

— Майли, эски ошнамиз илтимос қиладилару биз йўқ деймизми,— деб илтифот кўрсатибди.

Шогирд кулолникида соз тупроқ қазибди, сув ташибди, лой қилибди, ўчоққа ўт қалабди, хуллас, устознинг айтганларини бажо келтириб юрибди.

Улар ясаган идиш-товоқлар харидорларга кундан-кунга манзур бўлиб, тез сотила бошлабди.

Орадан бир неча қишу ёз ўтгандан кейин шогирд:

— Кулолчиликнинг миридан-сиригача билиб олдим, энди югурдак бўлиб юраманми,— деб ўйлабди-да, устозидан жавоб сўрабди.

Кулол бўлса:

— Ўғлим, хунар инжиқ нарса, сабр-тоқат қилиб, яна бирор йил қарашиб-нетиб турганинг маъқул эди,— дебди.

Шогирднинг ичи пишиб кетиб, қўярда-қўймай фотиҳасини олибди. Катта бозорга дўкон очган кунлари харидорлар унинг пиёла, чойнак, кўзачаларини талашиб олиб кетишибди. Устози бўлса:

— Майли, охири хайрли бўлсин!— деб ўз юмушини давом эттираверибди. Орадан уч-тўрт кун ўтар-ўтмас шогирднинг иши юришмай қолибди, унинг молларини биров харид қилмай қўйибди. Чунки у ясаган лаган, товоқларнинг сирлари хиралашиб, устига-устак кўчиб кетаётган эмиш.

Устознинг бозори аввалгисидан ҳам қизиб, тушлик қилишга ҳам қўли тегмай қолибди. Охири шогирд дастмоясидан ажраб кўп азиятлар чекибди. Ниҳоят кулолникига минг пушаймон билан қайтиб келибди.

— Айтмовдимми, шошмагин деб!

Кулол унинг жонига тагин оро кирибди.

Ойдан-ой, кундан-кун ўтибди. Садоқатли шогирдига кулол:

— Болам, алаҳсимай, разм солиб тур!— депти-да

қуриган идишларини бир-бир «пуф»лаб сўнгра сир берибди. Шунда лагану товоқларнинг чиройи жуда ҳам очилиб, ярқираб кетибди.

Шогирд энди унинг ҳунарини батафсил эгаллаб олишга астойдил бел боғлабди.

ХУДОЙБЕРДИ ТЎХТАБОВ

(1932 йилда туғилган)

Ҳозирги замон ўзбек болалар адабиётида саргузашт ва фантастика жанрларининг ривожланишига катта ҳисса қўшиб келаётган талантли адиблардан бири Худойберди Тўхтабоевдир¹.

Худойберди Тўхтабоев 1932 йилнинг 17 декабрида Фарғона вилоятининг Ўзбекистон районига қарашли Каттатағоб қишлоғида деҳқон oilасида дунёга келди. Бошқа болалар қатори Худойберди ҳам ҳамқишлоқ болаларга қўшилиб пода боқди, ер чопди, пахта терди, хуллас, қишлоқда бўладиган ҳамма меҳнатларда ҳоли-қудрат иштирок этди, ҳаёт нимадан иборат эканлигини ёшлигиданоқ била бошлади.

Бўлажак адиб Ватан уруши йилларида ўқишни йиғиштириб қўйиб, далада кетмон чопди, ҳисобчилик қилди, машаққатли меҳнат билан суяғи қотди.

Қўқон педагогика билим юртини муваффақиятли тамомлаган Х. Тўхтабоев она қишлоғида муаллимлик қилар экан, илмга чексиз иштиёқ уйғонади. Шунинг учун ҳам у ўқитувчиликни ташлаб, Тошкент давлат дорилфунунига ўқишга кирди. Бу ерда Алишер Навоий, Бобур, Ғ. Ғулom, Ойбек, Ҳ. Олимжон, А. Қаҳҳор асарларини севиб ўқиди, ўрганди.

Университетни тугатиб, Бoғдоd районида ўқитувчилик қилди. Илмий бўлим мудири, директорлик лавозимларида ишлаб, ёшларни илм-фан нурларидан баҳраманд этиш ишларида фаолият кўрсатди. Шейрий машқлари вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилина бошлади. Бу эса бўлажак адибни марказга — Тошкентга ижодий иш билан жиддий шуғулланишга чорлар эди. Шундай ҳам бўлди. У 1958 йилда Тошкентга

¹ Ишда С. Мамажонов, Р. Иноғомов, У. Норматов, Р. Иброҳимовларнинг мақолаларидан ижодий фойдаландик.

кўчиб келди. «Тошкент ҳақиқати» газетасига ишга кирди.

Х. Тўхтабоев болаликдан тўғри сўз, ҳалол, пок ва меҳнатсевар бўлиб ўсди. Газетада ишлар экан, баъзи нопок одамларни кўриб, уларнинг қилмишларини ҳазм қила олмади. Бундай кишиларнинг сир-асрорларини фош этишга, эл-юрт ўртасида мунсифқларнинг ярамас томонларини очиб ташлашга қарор қилди. Бу борада унга фельетон жанри қўл келди. 1962 йилда республикамизнинг отахон газетаси — «Ўзбекистон овози» («Совет Ўзбекистони»)га фельетончи бўлиб ишга ўтди. Бу ерда 300 дан зиёд фельетон ёзиб, ўзини сўз устаси эканлигини кўрсатди.

«Ҳадик», «Тилхат», «Она», «Характеристика», «Бевақт айтилган азон», «Домланинг уйига ўт кетди», «Махсус топшириқ», «Жонгинам, шартингни айт» каби катталар учун қисса ва ҳикоялар ёзган Х. Тўхтабоев болалар учун ҳам ҳикоялар ярата бошлади. Унинг «Биринчи дарахтим», «Қочоқлар», «Қизғанчиқ», «Дадажон, ёзманг!», «Келвордим, дада», «Вали билан Салим», «Шошқалоқ», «Яхши-яхши» сингари ўнлаб ҳикоялари ёш китобхонларда катта қизиқиш уйғотди.

«Кичкина раис» ҳикоясининг қаҳрамони кичкинтой ўқувчи бола. Лекин Фозилжоннинг хатти-ҳаракати, интилиши, пахта далаларини сергаклик билан кўриши, кузатиши, фикр юритиши раисларга хос.

Фозилжонда она заминга, одамларга нисбатан қизиқиш таъсирли чизилган. Қимсасиз, ғирт етим бола ўз қишлоғи, атрофдаги одамлар билан севиниб, қувониб яшайди. Ўзини уларнинг бағрида эркин ҳис этади.

Худойберди Тўхтабоевда ёзувчиликка иштиёқ уйғотган ҳам, қобилиятининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган, асарларига қайтарилмас ранг ва жило берган нарса ҳаёт, вақтли матбуот, редакциядаги қайноқ ижодий муҳит ва қунт, чидам билан ўқиш, ўрганиш, ўз устида ишлаш бўлди.

Ҳаётда турли характердаги одамлар кўп бўлади. Биров яхшилик қиламан деб ёмонлик қилиб қўйганини ўзи ҳам сезмай қолади. Биров ўзини жамоат учун фойда фойдали одамман деб ўйлайди, аслида эса зараркунанда бўлиб чиқади. Яна биров билар-билмас ҳар нарсага аралашаверади, ўргага тушади, сўз беради, лекин барибир мен ҳақман, шундай қилганим керак деб билади. Ана шундай кишиларга бағишланган «Жонгинам, шартингни айт» қиссаси Худойберди Тўх-

табоевни ҳажвчи сифатида кенг китобхонлар оммасига таништирди.

Худойберди Тўхтабоев узоқ йиллар фелъетончи бўлиб ишлаб, кишиларнинг юрак дардини, ҳасратини қунт билан ўрганади. Бундай шикоятларга сабаб бўлаётган шахсларнинг хатти-ҳаракатларини муфассал биллиб олишга интилади. Даврдан орқада қолган, сарқит деб аталган иллатлар ботқоғига ботган, молу дунёга ҳирс қўйган шахслар ҳақида талай фелъетонлар ёзади. «Сариқ девни миниб», «Сариқ девнинг ўлими» номли асарлари ана шу фактларни умумлаштириш асосида юзага келди, десак тўғри бўлади.

Маълумки, ҳажвий қиссаларимиз бармоқ билан саналарди. «Қалвак махсум», «Тошпўлат тажанг», «Тирилган мурда», «Шум бола»дан кейин анча вақт бу жанрда айтирли асар яратилмади. Кейинги йилларда Абдулла Қодирий ва Ғафур Ғуломларнинг анъаналарини Худойберди Тўхтабоев давом эттириб, бу «бўшлиқ»ни тўлдиришга ҳаракат қилди.

Худойберди Тўхтабоев болалар учун асар ёзаётган пайтда, албатта, ўз ўқувчисини кўз олдида келтириб ёзади. «Олти ёшли болага айтаётган гапингиз ўн тўрт ёшли ўсмирга айтадиган гапингиздан албатта, фарқ қилиши керак» деб таъкидлайди. Ёзувчининг болалар ва ўсмирларга атаб ёзган асарларининг қизиқарли, ўқимишли, жозибали бўлишининг асосий сабабларидан бири ҳам шу. Шунинг учун ҳам Худойберди Тўхтабоевнинг биринчи юмористик-саргузашт қиссаси болалар ҳаётидан олинган «Сеҳрли қалпоқча» тез орада болалар ҳурматида сазовор бўлди ва уни жамоатчилик жуда яхши кутиб олди.

Ёзувчининг юморга мойиллиги, оддий вазиятлардан ҳам кулги чиқара олиш истеъдоди илгариги асарларига нисбатан бу асарида яна ҳам чуқурроқ сезилди. «Сариқ девни миниб» асарини қизиқарли сюжет асосига қуради, асарнинг ҳикоячиси-баёнчиси қилиб ундаги барча воқеаларнинг иштирокчиси, гувоҳи бўлмиш Ҳошимжонни қўяди, тилга олинадиган воқеалар унинг тилидан ҳикоя қилинади. Ёзувчи Ҳошимжоннинг ҳикояси орқали унинг ҳаёт йўли саргузаштларини, ўзига хос характери ва психологиясини атрофлича очиб беради. Шунингдек, Ҳошимжон характерида Хўжа Насриддиннинг ва халқ эртақларидаги «тегирмонга тушса бутун чиқадиган» зукко болаларнинг фазилатлари яққол мужассамлашганлигини кўрамиз.

«Сариқ девни миниб»да ўқиш, илм чўққиларини эгаллаш учун ва инсоннинг ўз орзуси, эзгу ниятига эришиш учун барча имкониятларни яратиб берган замонамизда яшашига қарамай, дангасалик, ялқовлик қилган, ҳаётда енгил-елпи йўл ахтарган ва адашган болалар — Ҳошимжонлар кулги остига олинган.

Ҳошимжон деҳқон оиласидан чиққан, шўхлиги оламини бузадиган бир бола. У ҳаётдаги кўп нарсага меҳнатсиз, қийинчиликларсиз осон йўл билан эришгиси келади. Меҳнатсиз ва илмсиз ҳам киши истаган нарсага эриша олинми, катта обрў орттирини мумкин, деб ўйлайди. Ўз фикрида қатъий турган Ҳошимжон муддаосини амалга ошириш учун бувиси айтиб берган эртақдаги сеҳрли қалпоқчани излашга тушади, узоқ излаанишлардан кейин истаган ишини ҳеч қандай машаққатсиз бажаришга ёрдам берадиган сеҳрли қалпоқчани ташландиқ молхонадан топиб олади. Энди у ўзини орзуларига батамом эришадигандай ҳис этади. «Ортиқча» фанларни дарс жадвалидан чиқаришни рад этган директор, ҳар хил вазифалар бериб «миясини қотирадиган» ўқитувчиларига ўқимасдан ҳам ҳар қандай касб эгаси, машҳур одам бўла олиши, кўкрак тўла орденлар билан шон-шўҳратлар, катта обрўга эга бўлиш мумкинлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлади ва шу мақсадда сеҳрли қалпоқча билан сафарга чиқади. Шундай қилиб унинг саргузаштлари бошланади.

Минг афсуски, сеҳрли қалпоқча бу борада Ҳошимжонга кўмак беролмайди. Сеҳрли қалпоқча муҳайё этган имкониятлар ҳар сафар кутилмаган кўнгилсиз оқибатларга олиб келаверади, Ҳошимжоннинг бахти энди кулай деб турганда ишининг пачаваси чиқиб қолаверади. У давлат хўжалигида агроном бўлиб ҳам, «шоирлик қилиб» ҳам, қурилишда муҳандислик қилиб ҳам, қўғирчоқ театрда артистлик қилиб ҳам кўради, машҳур саёҳатчи сифатида бутун дунёни кезмоқчи ҳам бўлади. Лекин ҳамма ерда илмининг, тажрибасининг йўқлиги ишининг пачавасини чиқараверади. Ҳошимжон қаерга бормасин, қандай иш қилмасин пировардида шармандаи шармисор бўлади. Унинг агрономлик ва муҳандислик «фаолияти» жиноятга олиб келади, қамалишига сал қолади, шоир бўламан деб расво бўлади, «улур артист» театрдан қувилади.

Қиссада Ҳошимжон ўз саёҳати давомида қанчадан-

қанча ажойиботларни, ғаройиботларнинг гувоҳи бўлиб, қизиқ, кулгили саргузаштларни бошидан кечиради. У ўқимай, меҳнат қилмай, ўз устида ишламай жуда кўп нарсаларга эришмоқчи бўлади, лекин у ҳеч нарсага эриша олмайди. Чунки унга илмсизлиги панд беради.

Ёзувчи Ҳошимжон образини бутун қирралари билан очишга уринган, болаларга хос ўйинқароқлик ҳам, соддалигу беғуборлик ҳам, ғурурлик, тўғри сўзлик, шумлик, бироз мақтанчоқлик, ҳатто ўрнида ёлғонни ҳам дўндириб юборадиган, ўзини бошқалардан ажратиб кўрсатишга интилиш одатлари, болаларга тақлидчилик, довюрак, эпчил ва руҳий тетиклик, хафачилик ва руҳий тушқунликдан йироқлик Ҳошимжон характериға хос хусусиятдир.

Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девнинг ўлими» саргузашт романи уч қисм («Ўртоқ полковник», «Сариқ девни қувиб», «Сариқ девнинг ўлими ёки олам гулистон бўлгани») дан иборат. Бу роман асосида ҳам Ҳошимжон саргузаштлари ётади. Китобни ўқиб унинг янги саргузаштларидан хабардор бўласиз, сеҳрли қалпоқча яна мададга келади, ажойиб-ғаройиб кароматлар кўрсатади. У Ҳошимжонга жиддий масалаларда — ўғри, муттаҳам, текинхўрларни фош этишда ёрдам беради.

Эндиликда Ҳошимжон айнан аввалги ўйинқароқ Ҳошимжон эмас, балки саккиз йиллик мактабни битириб, улғайиб, бирмунча қуюлиб, эси кириб, оқ-қорани таниб қолган йигитча. Энди у ўз ҳаёти, тақдири, жамиятга фойда етказадиган одам бўлиб етишиш ҳақида жиддий ўйлайди, бирор касб эгаллаш ҳақида бош қотиради. Бошда сартарош бўлади. «Биласиз-ку, бир ишга аҳд қилсам, уни охирига етказмагунча қўймайдиган одатим бор. Жонимни қийнаб бўлса ҳам мақсадимга эришаман», деб шу касб орқали одамларга хизмат қилишга бел боғлайди. Кейин милиция мактабига кириб ўқиб, уни битиргандан сўнг милиционерликка ишга ўтади. Китобдаги барча воқеа-ҳодисалар, саргузаштлар Ҳошимжоннинг ана шу милиционерлик нуқтасидан бошланади, ҳамма гап-сўзлар қаҳрамоннинг шу касб-кори билан боғлиқ ҳолда давом этади.

Романда яхшилик, эзгулик рамзи сифатида милиция полковниги Салимжон, унинг мададкори Ҳошимжон, ёмонлик, эскилик рамзи тарзида Одил баттолгавдаланади.

Улар ўртасида тинимсиз шиддатли кураш кетади. Одил ниҳоятда маккор, у Салимжон бошига жуда кўп оғир савдолар солган, уйига ўт қўйган, унинг якка-ю ёлғиз фарзандининг қўлига тўппонча тутқазган, жиноятга етаклаган.

Асар пировардида бутун умри халққа, яхши одамларга зарар етказиш билан шуғулланган Одил баттол ва унинг ҳамтовоқлари қонуний мағлубиятларга учрайди, ҳақиқат, адолат, эзгулик ғолиб чиқади.

Худойберди Тўхтабоев ўз романида юлғичларга, қаллобларга қарши курашда бутун халқ бир кишидай бўлиб бирлашса, бу ишни бутунлай ўз қўлига олса, Одил баттолларга қирён келади, улардан ном-нишон ҳам қолмайди, деган фикрни ўртага ташлайди.

«Сариқ девни миниб» қиссаси ва «Сариқ девнинг ўлими» романининг энг яхши фазилатларидан бири тилининг ширадорлиги ва ўйноқчилигидадир. Муаллиф бош қаҳрамон Ҳошимжоннинг тилини алоҳида эътибор билан ишлаган. Бу тил нозик қочиримларга бойлиги ва жонлилиги, шу билан бирга болалар тилига мос ҳолда соддалиги билан ажралиб туради. Қаҳрамоннинг характери унинг сўзларидан шундоққина билиниб туради.

Фантастик-саргузашт жанри болалар адабиётининг энг қизиқарли жанрларидан биридир. Бундай асарлар болаларнинг онги ва психологиясига кучли таъсир кўрсатади, уларни ўқишга, ўрганишга, изланишга ўргатади, жамиятимизнинг фаол қурувчиларини тарбиялашга ёрдам беради.

«Қасоскорнинг олтин боши». Тўрт қисмдан иборат бўлган бу романда 1904—1907 йилларда Самарқанд губернасида меҳнаткаш халқнинг бойлар ва ҳокимлар зулмига қарши кураши, тинимсиз ҳаракати, уларга жасоратли Намоз Пиримқул ўғли раҳбарлик қилганлиги ҳикоя қилинади.

Асар марказида башарат — тарихий шахс, халқ қасоскори Намоз тақдири ётади. «Қасоскорнинг олтин боши» тарихий-биографик роман эмас, шунинг учун ҳам муаллиф Намознинг ҳаётини батафсил ёритиб беришни мақсад қилиб олган эмас. Лекин адиб ўрни-ўрни билан унинг ҳаётига доир маълумотлар бериб борган. Бу маълумотлар унинг характерини тушуниб олишда китобхонга ёрдам беради.

Намоз фақат жисмонан эмас, ақлан ҳам етук. У ҳақиқат учун қасоскор, қўрқмас, тадбиркор, очиқ кўнгил қаҳрамон сифатида гавдалантирилади. У атрофига ўзи каби довюрак йигитларни тўплаб, зулмкорларга қарши курашга ундайди.

Ҳалоллиги, мардлиги, адолатлилиги, етимпарварлиги учун халқ Намозни яхши кўради ва Гўрўғлига қиёс қилади: «Гўрўғлибек Намозбой қиёфасида пайдо бўлган эмиш. Афсун ўқиса кўздан ғойиб бўлиб қолармиш. Ундан ўқ ўтмас эмиш, қилич чопмас эмиш...»

Намознинг мардлиги, жасорати халқ қалбида мангу яшаб келаётганлиги «Қасоскорнинг олтин боши»да яхши чизиб берилган.

Талантли болалар адиби Худойберди Тўхтабоевнинг «Сир очилди», «Ака-ука Омонбой билан Давронбойнинг қишлоққа газ олиб келганлари ҳақида жажжи қисса», «Беш болали йигитча», «Ширин қовунлар мамлакатида ёки сеҳргарлар жанги», «Мунгли кўзлар» каби йирик асарларининг юзага келиши ўзбек болалар адабиётининг катта ютуғи ҳисобланади.

ОМОНБОЙ БИЛАН ДАВРОНБОЙ САРГУЗАШТИ

(Қиссадан парча)

Учинчи боб

Бу бобнинг мазмунини ўқигандан кейин билиб оласиз.

Ойилари ишдан қайтганда Давронбой билан Омонбойлар кўчада пойлоқчиликда туришганди.

— Вой, ўлмасам!— деди ойилари бошидаги салкам бир қоп ўтни ерга қўя туриб,— боғчага бормади-ларингми?

— Энди ҳечам боғчага бормаимиз,— шошилиб деди Давронбой,— биз энди пойлоқчилик қиламиз.

— Ойи, мен акам билан уришмадим,— деб ахборот бериб юборди Омонбой.

Бир томонда даладан ҳориб-чарчаб қайтган ойилари, бир томонда пойлоқчилик қиламиз, деб офтобнинг дамида терга пишиб кетган ва пухтагина қуролланиб олган ёш соқчилар— Давронбой билан Омонбойлар тик-кама-тика туриб, роса савол-жавоб қилишди. Ойилари нима бўлганда ҳам боғчадан қолмаслик керак эди, аф-

тиларингга қараб бўлмайдиган бўлиб кетибди, ўша ерда озодагина юрган бўлардиларинг, деган гапларни айтди. Ёш соқчилар бўлса, афтимиз билан ишингиз бўлмасин, машинани ташлаб кетишга ҳаққимиз йўқ эди, деган гапларни айтишди. Ака-ука бир бўлганлари учун ойилари енгилиб, унча хафа бўлмай, унча хурсанд ҳам бўлмай, ҳалиги сал кам бир қоп ўтти кўтариб, ичкарига кириб кетди.

Худди шу пайт кун бўйи кутилган энг даҳшатли хавф—Маҳмуд олакўз пайдо бўлиб қолди. У эшагини яланғоч миниб, бўлар-бўлмасга ириллайверадиган, тумшугигача жун босиб кетган кучукчасини ортидан эргаштириб, қўлида тугунча, жадал юриб келар эди, машинага яқинлашгач, эшагини тўхтатиб, ҳайрат ичида узоқ тикилиб қолди:

— Вой-бўй, катталигини қаранглар!— деди ниҳоят кўзи чақнаб,— кимнинг машинаси бу?

— Бизники!— атайлаб қовоғини солиб деди Давронбой.

— Шофёр амаки бизни қоровул қилиб кетган,— қўшимча қилди Омонбой,— қайтаётганда челақда газ олиб келади...

— Бориб-бориб сенларни қоровул қилдими, а?

— Қилди, алам қилсин!

— Бир тепсам етти думалаб кетасан-ку!

Маҳмуд Давронбойдан бор-йўғи бир ёш катта, холос. Ака-укаларни ёлғиз учратди дегунча, албатта йиғлатиб қочади. Лекин ҳозир Давронбой билан Омонбой ундан зиғирча ҳам қўрқишмади, нега десангиз, қўллариди «қурол»лари бор! Маҳмуд ҳам мана шу ханжару-милтиқлардан сал-пал қўрқади шекилли:

— Опамникига помидор олиб кетяпман, бўлмаса таъзиларингга бериб қўярдим-а!— деб аста жўнаб кета бошлади. Бека зотирроқ жойга бориб олгач, эшагининг бошини тортиб: «Ҳали келиб, машиналарингни устига чиқиб, трубаларини даранглатиб чалиб, мазза қилиб ўйнайман», деб қўйди.

Аста-секин кеч кириб, қоронғи туша бошлади. Бу орада ойилари, овқат пишди, ичиб олинглар, деб икки марта чақириб кетди. Кейингисида телевизор қўйиб бераман, «Оламга саёҳат» бўляпти, ҳар хил ҳайвонлар чиқяпти, деб ёлвориб ҳам кўрди. Ака-укалар кўнишмади. Биз кириб кетсак, бегона болалар трубаларни думалатиб кетишади, деб туриб олишди. Учинчи гал ойи-

лари тўппа-тўғри келди-да, ҳеч нарсa демай, Давронбойни чап қўлтиғига, Омонбойни ўнг қўлтиғига қисиб, чумчуқ боладек чирқиллатиб уйга олиб кириб кетди. Ерга қўйиб икковининг ҳам орқасига—юмшоқ жойларига бир тарсакидан тушириб:

— Қайсар бўлмай кетгурлар!— деб уришди.

Давронбойга негaдир жуда алам қилиб кетди, ҳўнграб йиғлаб юборди:

— Энди овқатингизни ҳам ичмайман!— жавраб аламини чиқара бошлади, — уйингизни пойламайман, экиннгизга ҳам қарамайман!

Ойилари чидай олмади шекилли, икки ўғлини тиззасига олиб тер ҳиди келиб турган кир пешоналаридан ўпиб: «Дўмбоқларим, билмай қолдим, кечиринглар», деб узр сўради.

Ака-ука ҳиқиллашиб ўтириб, чучвара ейишди, сўнг индамасдан бoриб, ўринларига ётишди-ю бошларига чойшаб тортиб олишди.

— Укажон, ўзимизни ухлаганга солиб ётамиз, хўпми?— секин шивирлади Давронбой.

— Нега ундай қиламиз, акажон?— ундан ҳам пастроқ овозда сўради Омонбой.

— Биз ухласак, ойим дадамга овқат олиб борадилар.

— Ухламасак-чи?

— Обормайдилар... Унда биз машина пойлашга чиқолмаймиз, хўп дегин, жон ука!

— Кейин эртак айтиб берасанми?

— Айтиб бераман.

— Тухумниям каттасини берасанми?

— Бераман.

— Хўп.

Ойилари шошилиб бошини юва бошлади, кейин каттакон тошойна ёнига келиб, сочини узоқ таради, атир сепди, қулоқларига садарайхон шохчаларидан қистириб олди. Энг охирида ташқарига чиқиб, кострюлкага тўлдириб чучвара солди, оёқ учида битта-битта юриб келиб ёлғондакам пишиллаб ётган Давронбой билан Омонбойнинг пешанасидан оҳиста ўпиб, яна оёқ учида юриб чиқиб кетди.

Кўча эшик ғичирлатиб ёпилиши билан ака-укалар сапчиб ўринларидан туриб, ўчоқ бошидаги ханжару милтиқларини олиб, чинакам соқчилардек қайтадан қуроллана бошлашди.

— Ака, биз ҳеч кимдан қўрқмаймиз-а?— сўради

Омонбой пойлоқчилик қиладиган ўринларига боргач.

— Қўрқмаймиз!— деб қўйди Давронбой.

— Ака, ажинанинг бир қулоч думи бўладими?

— Билмасам.

— Ака, алвастилар кундузи қаерда ётишади?

— Билмасам,— қўрққанидан укасидан баттарроқ қалтираб деди қоровулбоши Давронбой,— укажон, ке, трубанинг ичига кириб оламиз.

— Вой, мен чиқолмайман-ку!

Трубаларнинг бири қийшайиб, ерга тегай-тегай деб турган бўлса-да, барибир, унга икковларининг ҳам бўйи етмас эди. Оғилхонадан эски яшик олиб чиқиб, оёқ остиларига қўйиб, олдин Давронбой, кетидан Омонбой кўтарилиб олишди. Ҳеч кимга кўринмасдан чиқиб олганлари учун улар ўзларида йўқ хурсанд эдилар. Ўртароғига бориб, тағларига дадаларининг уवादаси чиқиб кетган эски тўнани тўшаб, жойлашиброқ ўтиришди. Энди ҳеч нарса қўрқинчли эмас! Ўша думи узун алвасти-ю ҳамиша тумшугини жун босган кучугини эргаштириб юрадиган Маҳмуд олакўзлар ҳам келаверсин, пақ-пақ отиб ташлашади, тамом-вассалом! Ойилариям топсмайди, энди шапалоқ билан уриб ҳам бўпти.

— Мен маза қиляпман,— чўзиб эснаб қўйди кичик қоровул.

— Менам,— ҳатто эснашга ҳам ҳоли келмай қолди катта қоровулнинг.

— Акажон, мен ухлаб қоляпман.

— Менам...

Умуман қоровулларнинг гапида жон бор эди, негаки «Қўрғонча» қишлоғининг кичик фуқаролари оромли уйқуга кетадиган вақт аллақачон етган эди.

ТРУБА ИЧИДАГИ ҚЎРҚИНЧЛИ САЕҲАТ

Тўртинчи боб

Шофёр амаки район марказидаги автобазадан кўтарма кран топиб келганда вақт етти хуфтон бўлган эди. Амаки кўтарма кран ёрдамида ёрилган балонларни кўз юмиб очгунча алмаштириб олди-ю кундузи олиб чиқ-

қан ёғочни ташлаб, шу баҳонада Давронбою Омонбойлар билан хайрлашиб чиқиш учун уларнинг уйларига кирди. Ҳовли ўртасидаги дарахтга бойлаб қўйилган яккаю ёлғиз она эчкидан бошқа нарса кўзга ташланмади. Шофёр амаки ёш дўстларининг номини айтиб бирикки чақириб ҳам кўрди. «Ухлаб қолишганга ўхшайди,— яна бир ўтганимда алоҳида тўхтаб, раҳмат айтиб кетарман»,— деб кўнглидан ўтказди-да, шошилб чиқиб, машинани ўт олдирди. У олис йўлларга юрганда ғинғиллаб сўзсиз куйлаб борар, машинанинг тезлиги ошган сари куй ҳам ўз-ўзидан авжга чиқиб борар эди. Бугун ҳам шундай бўлди.

Давронбой ва Омонбойлар эса ҳеч нарсадан хабарсиз дунёнинг ҳамма ташвишларини — дадаларининг олдидан қайтиб келиб, ўғилларини ўрнидан тополмай, сочини юлиб, бўзлаб юрган ойижонларини ҳам, Маҳмуд олакўз-у катакдаги товуқлар, ҳовлидаги эчкиларгача ҳамма-ҳаммасини унутиб, пишиллаб ухлаб боришарди.

Давронбойнинг уйқуси қаттиқ, оёғидан судраб, бошидан сув қуйсангиз ҳам, то уйқуга тўймагунча, барибир уйғонмайди.

Омонбойнинг бўлса, уйқуси сал сергакроқ бўларди. Ҳозир ҳам биринчи бўлиб Омонбой уйғониб кетди. Уйғонди-ю труба ичидаги зимистон қоронғиликдан, ҳар хил ваҳимали овозлардан қўрқиб:

— Ойижон!— дея қичқириб юборди.

Ойижони узоқ-узоқларда қолиб кетганди, шунинг учун ҳам ҳеч қандай жавоб қайтмади. Акаси шундоққина ёнгинасида ётганини кўриб:

— Акажон, мен қўрқиб кетяпман,— дея уни турткилай бошлади.

Акаси ҳам жавоб қайтармади. Омонбой қоронғида пийпасланиб, бир амаллаб Давронбойнинг қулоқларини топиб, бор кучи билан чўзғилай бошлади. Давронбой худди шу пайтда туш кўриб ётганди, тушида Маҳмуднинг тумшуғигача жун босган кучуги уни зириллатиб қувиб юрганди. Бир томондан қўрқув, бир томондан қулоғининг оғриши, иккови бир бўлиб Давронбойни уйғотиб юборди. Уйқусираб:

— Тентак, нега қулоғимдан тортасан!— деб укасининг чеккасига бир туширди. Туширди-ю тўсатдан труба ичида ётганлари, бу трубага укасини ўзи алдаб олиб

келгани эсига тушиб: «Кечир, билмай қолдим»,— деб йиғлаб турган Омонбойни бағрига босиб олди.

— Йўқол!— итариб ташлади укаси,— ўзим қўрқиб кетяпман-у тагин уради-я!

— Укажон, ке, сенам мени бир уриб ола қол. Мана лунжимни шишириб тураман, юмшсққнна, маза қила-сан!

— Керакмас!

— Жон ука, йиғламагни!

— Йиғламай десам ҳам йиғлагим келяпти... Уйимиз-га кириб кетаман.

— Вой тентак, машина юриб кетяпти-ку!

— Ойижон!!!

— Йиғлама, мен ҳам йиғлаб юбораман,— шундай деб Давронбой укасини бағрига босиб, ўзига тортди. Бошини, юзларини дўмбоқ қўлчалари билан юмшоқ-юмшоқ силаб юпата бошлади.

Машина гувиллаб кетиб боряпти.

Трубанинг ичида ҳар хил ваҳимали овозлар эшитилди. Бир йўла юзтами, мингтами алвасти кириб олгандек трубанинг очиқ томонидан шамол ҳуштак чаляпти, ҳар замонда бир-бирини қувлаб ўтган машиналарнинг чироқлари пов этиб ёниб, трубани ярмигача ёритади, яна ҳаммаёқ зимистон бўлиб қолади.

— Ука, биз ботирмиз-а, ҳеч нарсадан қўрқмаймиз-а?— Омонбойга далда бера бошлади -акаси.

— Барибир мен қўрқавераман,— ваҳима ичида шивирлади укаси,— ойимни соғиниб кетяпман... Машинани тўхтат, тушаман...

Машинани тўхтатиш зарурлигини Давронбой ҳам тушуниб турибди-я, лекин қандай тўхтатишни билмай боши гаранг. Чақиргани билан барибир шофёр амаки эшитмайди-ку... Борди-ю трубанинг нариги бошига, кабинага тиралиб кетаётган томонга бориб, бор кучлари билан тақиллатишса-чи?

— Ука,— секин шивирлади Давронбой,— юр, эмаклаб бориб амакини чақирамиз.— Барибир эшитмайди.

— Эшитади, юр, жон ука, полвон укам...

Ака-ука кетма-кет эмаклашиб, трубанинг кабинага қадалган томонига қараб кетишди. Трубанинг бу томони ҳаддан ташқари қоронғи бўлгани учун яна ҳам ваҳималироқ туюла бошлади. Омонбой ҳечам юрмайман, деб ётиб олган эди, шу пайтда негадир укасига меҳрибон бўлиб қолган Давронбой: «Ке, мени от қилиб миниб,

бўйнимдан маҳкам кучоқлаб ол,»— деб уни миндириб олди. Кейин кўзларини чирт юмиб, кабина томонга «тўрт оёқлаб» юриб кетди. Кабинага етишгач, ака-ука бараварига:

— Амаки!!!— деб қичқира бошлашди.

Жавоб қайтмади.

— Амаки!!!

Яна жавоб қайтмади.

Борди-ю кабинада амаки йўқ бўлса-чи? Битта-ярим-таси машинани юргизиб юрган бўлса-чи? Улкан машинани номаълум томонга олиб қочиб кетаётган бўлса-я!

— Акажон, мени маҳкамроқ кучоқланг,— негадир сизлаб гапира бошлади Омонбой,— ака, трубаннинг ичида бўрилар бўлмайди-а?

— Бу ерда бўрилар бўлмайди.

— Бўрилар келса, отиб ташлаймиз, хўпми?

— Хўп.

— Ака, келинг, амакини яна чақирайлик...

Томоқлари қирилиб, бўйин томирлари тортилиб қолгунча чақиринди, барибир амакидан жавоб бўлмади. Умидсизлик, ваҳима яна ҳам кучайиб кетди. Икковлари бир-бирининг пинжига кириб, бир-бирларини ачомлаб, совқотган баданларини бир-бирларининг ҳарорати билан илтиб боришарди.

— Амакига энди ҳечам тухум бермаймиз,— деди хўрлиги ошиб Омонбой.

— Челагида сув ҳам бермаймиз,— қўшиб қўйди Давронбой.

Шундай қилиб, новча амакини бир йўла ҳамма нарсадан маҳрум қилишга қарор қилишди. Омонбой акасини от қилиб миниб бўйнидан ачомлади. Давронбой «тўрт оёқлаб» бориб, дадаларининг эски тўнини трубаннинг ўртароғига суриб келди. Икковлари ўралиб олишди. Совуқданми, қўрқувданми, тишлари тарақларди. Серпахта тўнга ўралгач, баданларига ҳарорат югуриб, ака-укани бирдан уйқу элита бошлади.

— Ака, биз ҳеч нарсадан қўрқаётганимиз йўқ-а?— уйқусираб сўради Омонбой.

— Биз, ҳечам қўрқмаймиз,— жавоб қайтарди Давронбой.

— Биз катта бўлиб қолганмиз-а?

— Бўлмасам-чи!

— Ака, менга тухумнинг каттасини берасиз, хўпми?

— Сенга-чи, ука, расм қаламимни, шилдироқларим-

ни, чўян соққамни бераман, хўпми, укажон?

Укажони жавоб қайтармади, нега десангиз, аллақачон унинг кўзлари юмилиб бўлган эди. Давронбой ҳам қалтираб бир эснади-ю бошини бир томонга қийшайтириб, аста уйқуга кета бошлади.

Улкан машина бўлса бепоён чўл бағрида чироқларининг ўткир нурлари билан қоронғи тун бағрини ханжардек тилиб, ўкириб, пишқириб, елдек учиб борар, ака-укаларни олис-олис ўлкаларга қараб олиб қочар эди...

ФАРҲОД МУСАЖОН

(1933 йилда туғилган)

Ўзининг қисқа ҳажмли ва ҳаяжонли ҳикоялари, мазмундор қиссалари, кичкинтойларни тўлқинлантирадиган пьесалари билан болаларнинг қувончларига қувонч улашиб келаётган қаламкашлардан бири Фарҳод Мусаҷон 1933 йилда Тошкент шаҳрида туғилади. 1956 йилда ТошДУ нинг Шарқ факультетини тамомлайди. Бир неча йил Ўзбекистон радиосида, «Ўзбекистон маданияти» газетасида, «Ғунча» журналида меҳнат қилади. 1966 йилдан эса «Ўзбекфильм»да муҳаррир, бош муҳаррир вазифаларида ишлаб келмоқда.

Фарҳод Мусаҷоннинг илк асарлари 1955 йилда эълон қилинган. Шундан сўнг «Случай в горном кишлаке» (1958), «Дарадаги қишлоқда» (1960), «Турди, велосипед, қизил боғич ва мен», «Офтобни қувлаб» (1970), «Чин дўстлик» (1976), «Чевар қиз» (1982), «Булоқ суви» (1982), «Турди, велосипед ва мен» (1983), «Глоток родниковой воды», «Текин томоша» (1989) каби китобларининг майдонга келиши болалар учун катта байрам бўлди.

Фарҳод Мусаҷон барча ёшдаги болалар учун ёзди. Унинг китоблари орасида мактабгача тарбия ёшидаги, мактаб ёшидаги кичик ҳамда ўрта ва катта ёшдаги болаларга бағишланган асарларни ҳам учратиш мумкин. Адибнинг мактабгача тарбия ёшидаги болаларга бағишлаб ёзган жажжи ҳикоялари боғчалар дастуридан ўзига хос ўрин олган.

Аёнки, бу давр болалар китобхонлиги ота-оналар, тарбиячилар томонидан амалга оширилади. Болалар ўзлари тинглаган асарлари ёрдамида атроф-муҳит би-

лан таниша борадилар. Опа-юртга, табиатга муҳаббат хислатлари, меҳнат қилиш ва меҳнат аҳлини ҳурмат қилиш каби фазилатлар шу ёшдан таркиб топа бошлайди. Турмушда қизғанчиқ бўлмаслик, касб-ҳунар эгаси бўлишга интилиш, катталарни ҳурмат қилиш каби ижобий фазилатлар ҳам шулар жумласига киради.

Бу давр болаларининг педагогик-психологик хусусиятларини яхши ўрганган Фарҳод Мусажон уларга бағишлаб «Энг яхши бобо», «Шодиёна кун», «Шиқилдоқ», «Паҳлавон ва нимжон», «Совға», «Ажойиб бузоқча», «Яхшилик», «Тўлаб бер», «Варрак», «Доғ» каби ўнлаб ҳикоялар яратган.

Адибнинг «Варрак» асари мазмуни оддийгина варрак яшаш воқеаси асосига қурилган. Асарда кичкинтойларни болаликдан бошлаб мустақил ҳаракат қилишга чақиради.

Ана шундай жозибали асарларидан яна бири «Энг яхши чана»дир. Бу ҳикояда қўли очиқ, бағри бутун бўлишлиқ, қизғанчиқ бўлмаслик каби ҳоллар кичкинтойлар онгига етказилади.

Латифжонга дадаси чана олиб келиб беради. Қувончдан боланинг боши кўкка етай дейди.

Латифжон бошда анча қизғанчиқ бўлади. Шунинг учун чанада битта ўзи учади. Бошқаларни чанага яқин келтирмайди, унга бировнинг қўли тегиб кетса, чанани кўтариб уйига чопади.

Латифжоннинг дадаси ўғлидаги бундай қизғанчиқликни пайқайди, лекин унга панд-насиҳат қилиб ўтирмайди. Аксинча, қуйидаги ибратли ҳикоятни келтиради:

— Биласанми,— деди дадаси ўғлига,— мен бу ажойиб чанани қаердан олдим? Бунақаси магазинда сотилмайди, бу буюртма билан қўлда ясалган чана. Ёши олтмишда. Ҳа, олтмиш йил бурун битта оғайнимнинг адаси олиб берган экан. Оғайним ўша пайтда сендек экан. Чананинг чиройлилигини кўриб учишга унинг ҳам кўзи қиймабди. Каттароқ бўлганимда учарман, ҳозир болалар тортиб олиб эскитиб қўйишади, деб асраб юраверибди. Орадан йиллар ўтибди, бир кун қараса болалиги тугаб чол бўлиб қолибди. Энди унга чана керак эмас эди, чунки чол одам уялмасдан чана учадими?! Оғайним чанани менга совға қилар экан, беғубор болалик чоғимда маза қилиб учолмадим, ишқилиб сенинг ўғлингга яхши хизмат қилсин деди. Шунақа ўғлим, қизғанчиқ одам завқдан маҳрум бўлади!

Латифжон бошда дадасининг бу гапларига тушуна қолмайди. Юрагининг аллақаери жаз этгандек бўлади. Ниҳоят у дадасига юзланиб:

— Эртадан бошлаб аямасдан учаман,— деди.

Адибнинг «Совға» ҳикояси ҳам мактабгача тарбия ёшидаги болаларга бағишланган. Асарда болалар меҳнаткаш бўлишга даъват этилади. Оқилжоннинг гул экиши, уни меҳр билан парвариш қилиши кичик китобхонда катта таассурот қолдиради.

«Турди, қизил боғич ва мен» ҳикояси узоқ йиллардан бери ёш китобхонларнинг севимли асарларидан бири сифатида эъзозланиб келинади.

Ҳикояда озода бўлиш, шаҳар тозалиги учун курашиш бош масала қилиб қўйилади. Турди ва Ғиёс катта болаларнинг шаҳар тозалигида фаол қатнашмаганликлари фони қилинади.

Хуллас, Фарҳод Мусажон ўзининг мактабгача ва мактаб ёшидаги кичик болаларга бағишлаб ёзган ҳикояларида салмоқдор фикрларни содда, болаларбоп шаклда айтади. Адиб насиҳат қилиш йўлидан бормайди, аксинча, болалар ҳаётида кўп учраб турадиган оддий воқеаларни тасвирлайди ва айтмоқчи бўлган муҳим гапларини ана шу воқеалар маъзига сингдириб юборади.

Фарҳод Мусажоннинг «Орзуга айб йўқ», «Бўш келма, Алиқулов», «Булоқ суви» ва бошқа қиссалари ўзбек болалар адабиётида муҳим ўринда туради.

Фарҳод Мусажон драматург сифатида ҳам ёшларнинг меҳрини қозонган. «Хаёлпарастлар», «Оқ кабутарлар», «Сабил қолди», «Ўғлимни қайтариб беринг» пьесалари шулар жумласига киради.

Булар орасида айниқса, «Ўғлимни қайтариб беринг» асари машҳур бўлди.

Драматург унинг номини ўзгартириб, «Нажот истаб» деб қайтадан ишлади. У Ҳамза номидаги Академик драма театрида муваффақият билан қўйилди. Душанбе, Олмаота шаҳарларида Татаристонда сахна юзини кўрди.

Пьесада асосан бола тарбиясида ота-онанинг ўйнайдиган беқийс катта роли ҳақида гап боради.

Фарҳод Мусажон катталарга бағишлаб «Баҳор нафаси», «Бу кўзларга ишонса бўлади», «Хотин кишининг раъйи», «Кўр шофёр», «Зўраки кашанда», «Нозик масала», «Қалла-поча», «Ҳиммат», «Боғ кўча» каби китоблар ёзган.

Бир куни Оқилжоннинг дадаси уч-тўрт туп атиргул кўчати кўтариб келди.— Қани, ўғлим, қарашиб юборинг, гул экамиз,— деди.

— Хўп бўлади,— суюниб кетди Оқилжон.

Дадаси чуқурча қазиди. Оқилжон сув қуйиб турди, ҳар бир чуқурчага гул кўчати ўтқазиб устидан тупроқ тортишди.

Яқинда Оқилжон ҳовлида ўйнаб юриб гул кўчатлари барг очганини, биттаси ҳатто кичкинагина гунча туканини кўриб қолди. Қувониб кетди. Шундан кейин ҳар куни эрталаб ўрнидан турди дегунча югуриб гулнинг олдига борарди, гунча катта бўляптими, йўқми деб қарарди. Лекин гунча сира очилмас, қандай бўлса шундайлигича ўзгармай турарди. Оқилжон дадасидан сўради:

— Дада, гунча нега катта бўлмаяпти, қачон гул очади?

— Парваришга боғлиқ, ўғлим,— олма пиш, оғзимга туш деб ўтирсанг ўтираверасан,— деди Оқилжоннинг дадаси,— тагини тез-тез юмшатиб, сув қуйиб турсанг, ана ўшанда очилади.

— Бўпти, парвариш қиламан,— деди Оқилжон.

У сўзининг устидан чиқди, теша билан гул кўчатининг тагини юмшатиб кунора сув қуйиб турди. Кўп ўгмай гунчанинг учи ёрилиб қип-қизил гул кўрниниб қолди. Олдинига кичкина эди, бир ҳафтадан кейин эса пиёладек келадиған қип-қизил атиргулга айланди. Атиргул шундай чиройли эдики, Оқилжон қараб тўймасди.

Якшанба куни девор-дармиён қўшнилари Шоҳистанинг туғилган куни эди, чиқиб Оқилжонни меҳмонга таклиф қилди.

Оила аъзолари ўтириб Оқилжоннинг Шоҳистага қандай совға олиб чиқишини маслаҳатлашдилар. Оқилжоннинг бувиси, ойиси, катта акаси ҳар хил нарсаларни айтишди, лекин бирор қарорга келишолмади.

— Атиргулингни олиб чиқа қол,— деди дадаси.

— Ҳо...— деди Оқилжон,— ҳали мен Шоҳиста учун шунча овора бўлиб гулни очилтирган эканман-да. Керак эмас!

Ҳамма бирдан жим бўлиб қолди.

— Мен ёлғиз ўзинг учун гул ўстирганингни билмаган эканман,— деди хомуш овозда дадаси,— узмасанг

барибир уч-тўрт кундан кейин сўлиб, барглари тўкилиб кетади.

Оқилжон анчагина иккиланиб ўтирди, охири гулни шартта қайчида қирқди-да қўшнисиникига йўл олди. Шоҳиста гулни кўриб жудаям қувониб кетди, идишга солиб столнинг ўртасига қўйди. Бир уй бола меҳмон бўлиб ўтирган экан, ҳамманинг гулга ҳаваси келди. Айниқса, Нодира билан Нигора «чиройли гул экан», деб роса бижирлашди.

Шу пайт уйга Шоҳистанинг буvasи кириб келди.

— Бай-бай-бай, бундай ажойиб гулни ким парвариш-лаб ўстирди-ю, ким совға қилди сенга?— деб сўради набирасидан.

— Гулни мен ўстирдим,— бу гап оғзидан қандай чиқиб кетганини Оқилжон сезмай қолди.— Ҳали гунчаси кўп, мана кўрасизлар, очилганда Нодирага ҳам Нигорага ҳам бераман!

Бобо илжайиб унинг елкасига қоқди.

— Баракалла бўталоғим. Ниятингки бировларнинг кўнглини олиш экан, демак сендан ҳақиқий богбон чиқади!

Я Х Ш И Л И Қ

Фазлиддин ўртоғи Наби билан кўчада ўйнаб юрарди. Шу пайт узоқдан қўшнилари Нормамат бобонинг келатганини кўриб қолди. Чолнинг қўлида тугунчаси ҳам бор эди. Фазлиддин ҳовлиқиб ўртоғига керилди.

— Ҳозир-чи, мен бориб, Нормамат бобомларга ёрдам бераман. Қўлларига тугунчани кўтаришиб юбораман. Биласанми... мен қарияларга ёрдам бераман. Мени Нормамат бобо жуда яхши кўрадилар, доим одобли бола экасан, деб мақтайдилар. Ишонмасанг мен билан бирга юргин, ўзинг кўрасан. Болаларга яқинлашиб қолган Нормамат бобо Фазлиддиннинг сўзларини эшитди чоғи, мийиғида жилмайиб қўйди. Фазлиддин бобонинг олдига югуриб борди ва унинг қўлидан тугунчани олди.

— Бобо, келинг ёрдамлашиб юборай, сизга доим ёрдам бераман-а?— сўради Фазлиддин! Наби эшитсини учун жўрттага бақириб.

— Ҳа, ҳар доим ёрдам берасан,— бошини ликилла-тиб тасдиқлади Нормат бобо.

Фазлиддин олдинда, Нормамат бобо орқада йўлга тушдилар.

Уйига етгандан кейин Нормамат бобо Фазлиддиннинг қўлидан тугунчани олди. Лекин ҳар галгидек «баракалла, бўталоғим, одобли бола экансан», деб мақтамади, фақат қуруққина қилиб «рахмат» деди ва энгашиб Фазлиддиннинг қулоғига алланарсалар деб пичирлади. Кейин кулимсираганича уйига кириб кетди.

Фазлиддин ноқулай аҳволга тушиб қолди. Лабини тишлаб чап оёғи билан ер чизди. Унинг ёнига югуриб ўртоғи келди.

— Ҳа, нега нафасинг ичингга тушиб кетди?— сўради Наби.— Нормамат бобо нима дедилар?

Фазлиддин бошини кўтаролмасди.

— Нега индамайсан?

— Яхшилик қил, лекин мақтаниб, уни ювиб юборма, дедилар Нормамат бобо,— зўрға жавоб берди Фазлиддин.

ЛАТИФ МАҲМУДОВ

(1935 йилда туғилган)

1935 йилда Тошкент шаҳрида дунёга келган, Тошкент давлат университетини тамомлагандан сўнг 20 йилга қадар вақт мобайнида Ўзбекистон радиосида меҳнат қилган ва айни кунларда «Камалак» нашриётида бўлим мудири бўлиб ишлаётган Латиф Маҳмудов 1961 йилда ўзининг ilk китоби — «Чинор» ҳикоялар тўплами билан болалар адабиётига кириб келган эди. Ана ўшандан бери у ҳам наср, ҳам драматург сифатида болалар қалбига қувонч бағишлаб келмоқда.

Латиф Маҳмудов асарларининг қаҳрамонлари ўқишда, жисмоний меҳнатда, аҳилликда оққўнғилликда, бир-бирларига ғамхўрлик ва меҳрибонликда барчага намуна бўла оладиган болалардир.

«Чинор» ҳикоясининг қаҳрамонларига Салим бобонинг ҳар куни эрталабдан кечгача чинорнинг тагида ўтириши бошқача туюлади. Улар чинор остида бир яшин сир бор деб ўйлайдилар.

Маълумки, болалар ҳар бир нарсага қизиқувчан бўладилар. Улар ўзларни учун номаълум бўлган оламнинг

сир-асрорларини тезроқ билиб олишга, унинг поёнига етишга интиладилар. Шокир ҳам, Вали ҳам ана шундай болалар тоифасидан. Шунинг учун улар чинор ва унинг остидаги супага жуда қизиқиб қоладилар. Салим отанинг кеча-ю кундуз супада ўтириши уларни ҳайратга солади.

Аслида чинорда ҳам, супада ҳам ҳеч қандай сир йўқ эди. Бобонинг якка-ю ёлғиз ўғли бўлиб, у шоир табиат йигит бўлган. Бир вақтлар бу чинор олдида бир аёл анҳорга қулаб тушади. Уни Салим отанинг ўғли анҳордан олиб чиқади. Аммо ўзи анҳордан чиқолмай, сувга чўкиб ҳалок бўлади. Шу сабабли чол чинор остида, супа устида узоқ ўтириб ўғлидан қолган ёдгорлик — китобини қайта-қайта ўқийди.

Бундан беҳабар бўлган болалар ғор қазиб, бу ердаги сирни билиб олмоқчи бўладилар. Кутилмаганда болаларнинг ғори ўпирилиб, супа қулаб тушади. Бу ерда ҳеч қандай сир ҳам, тарих ҳам йўқ эканлигини билган болалар айниқса, бобонинг супа ўпирилиб тушгандан кейинги ҳолатини кўриб, ўзларини ўзлари кечира олмайдилар.

«Чинор» ҳамон севиб ўқилади, болаларни яхшиликка, кексаларга кўмак беришга, ажойиб инсон бўлиб камол топишга даъват этиб келмоқда.

Кимки жисмоний меҳнатга берилса, бадантарбия ҳамда спорт билан ошно бўлса, у ҳаётда соғлом ва тетик бўлади, олдига қўйган ният-мақсадига эришади, тенгқурлари ўртасида обрў-эътибор қозонади. Ёки бунинг тескариси бўлса ундай болалар ҳеч нарсанинг удасидан чиқа олмайдиган, ўқишда ҳам, спортда ҳам, ҳаётда ҳам бошқа болалардан ортда қолиб кетишга ўзлари сабабчи бўладилар.

Латиф Маҳмудовнинг «Дарвозабон» ҳикоясининг қаҳрамони Ориф юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, иккинчи тоифадаги болалар сирасига киради.

Бошқа болалар турли оромгоҳларда, дам олиш масканларида ёзги таътилни кўнгилдагидек ўтказиб, спорт билан шуғулланиб, янги куч-қувват тўплайдилар, ҳар томонлама чиниқадилар.

Ориф-чи? У на жисмоний меҳнат қилади, на спорт билан шуғулланади, на бадий китоб ўқийди. Кечаси-ю кундузи овқат еб, хомсемиз бўлиб қолганлигини Латиф Маҳмудов болаларга таъсир қиладиган даражада чиқиб беради.

Латиф Маҳмудов ҳикоялари мавзуи жиҳатдан ранг-баранг. Уларнинг ҳаммасида ҳам болаларнинг қайноқ ҳаёти уфуриб туради.

Латиф Маҳмудов ўзбек болалар адабиётида қисса-жанрини ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшиб келаётган талантили адиблардан бири ҳисобланади. Унинг «Эски дуторнинг сирлари», «Тоғдаги лолалар», «Тоғда отилган ўқ», «Икки дангасанинг саргузаштлари» каби қиссаларини ўқимаган ёш китобхон топилмаса керак.

Адиб ўз қиссаларида болаларнинг эзгу-ният, орзу ва интилишларини топиб ёзади. Қиссаларда аъло ва яхши ўқишга интилиш, катталарни ҳурмат қилиш ва кичкинтойларга ёрдам қўлини чўзиш, жонажон ўлкага фидокор кишилар бўлиб камол топиш каби масалалар ётади.

«Икки дангасанинг саргузаштлари» қиссасининг қаҳрамонлари — Мирвали, Ботирлар оддий, бошқалардан фарқ қилмайдиган болалар, аммо хатти-ҳаракатлари, интилишлари бир жаҳон. Иккаласи ҳам ёмон ўқувчилардан эмас. Хулқ-одоблари ҳам бошқаларга манзур бўладиган болалардан.

Ҳамма гап ўқувчиларни ўз фарзандидек яхши кўрадиган, уларнинг кўзига ҳатто чўп тушишини ҳам истамайдиган адабиёт муаллими Алижон Валиевичнинг Ботирнинг дадасига мактуб ёзиб беришидан бошланади.

Алижон Валиевичнинг болалар маъқул кўрмайдиган бир одатини ёзувчи таъсирчан қилиб ишлайди. Бунинг Мирвали тилидан берилиши янада ишончли чиққан: «Сиз Алижон Валиевич жуда баджаҳл одам экан, деб ўйламанг. Алижон Валиевич бировга қаттиқ гапирмайди, уришмайди, қовоғини ҳам солмайди. Ҳатто айбингизни ҳам айтмайди. Гуноҳингиз оғир бўлса, икки элик хат ёзиб конвертга солади, яхшилаб елимлайди, сизнинг оппоқ оқариб кетаётганингиздан завқланиб бепарволик билан қўлингизга тутлади...

— «Шуни дадангизга бериб қўйинг».

Ботир ўқитувчининг қўлидан мактубни олар экан, даҳшатга тушади, нима гуноҳ қилиб қўйганини билмай ўй-хаёлга ботади.

Ҳамфикр, дўст, сирдош, юрса-турса бирга бўладиган Мирвали билан ўқишда юриш-туришда йўл қўйган хатоларини ҳўп ўйлашади. Маълум бўлишича, улар кунлардан бир кун чолларга салом бермай ўтишган, қа-

чонлардир танаффусда бир марта ўқитувчилардан яшириниб папирос чекишган, дарс тайёрламай келишганда синфдошларидан уйга берилган вазифани кўчиришган. Аммо булар хатга асосий сабаб бўлмаслиги мумкин деб ўйлашади.

Ўқитувчининг мактубини олган болалар ўз айбларини ўзларидан қидиришади ва гуноҳларини ювиш мақсадида ўткинчи бир чолнинг қопини кўтариб унинг уйига олиб бориб беришлари ёш китобхонда катта таассурот қолдиради.

Кейинчалик мактубдаги: «— Заводингизга экскурсия уюштироқчимиз, пахта териш машинаси ҳақида гапириб берсангиз, қачон борсак бўлади», деб сўралган хат мазмунидан хабардор бўлган икки дўст териларига сизмай қувонишади ҳамда ўз хато ва камчиликларини-тузатиб олганликларидан беҳад шод бўладилар.

Латиф Маҳмудовнинг «Чўққидаги лолалар» қиссасида ҳам ғаройиб, фавқулодда ва ғоятда қизиқарли воқеа ҳикоя қилинади. Қиссада сирли йўловчилар ҳам, шаҳар ҳовлиларидан бирида содир бўлган ғалати воқеа ҳам, дом-дараксиз ғойиб бўлишлар ҳам, антиқа излашлар ҳам бор. Қиссага Қизбулоқ ҳақидаги афсона чуқур сингдириб юборилган. Ана шу бонсдан ҳам қисса қизиқиб ўқилади.

Латиф Маҳмудов ўзбек болалар адабиётида драма жанрини ривожлантиришда катта роль ўйнаб келаётган санъаткор сифатида ҳам эъзозланади.

Драматургининг «Э, аттанг», «Муҳим топшириқ», «Дангасанинг саргузашти», «Ҳақиқий ўгил бола», «Али билан Вали», «Бургут олиб қочган бола» асарлари узоқ йиллардан бери ёш томошабинлар қалбига қувонч бағишлаб келмоқда.

Латиф Маҳмудов драмаларида қаҳрамонлар кўпинча ўзларининг аъло-хулқ одоблари, меҳнатсеварликлари, ўқиш ва мактабни севишлари билан ажралиб турадилар. Баъзи ҳолларда эса ишёқмаслик, дангасаликлари туфайли ўз тенгқурлари даврасида қизариб қоладилар.

НОҚ

Бу ерга келганимизга уч-тўрт ой бўлди. Мен ҳам, ойим билан дадам ҳам янги уйга, қўни-қўшниларга аллақачон ўрганиб кетдик. Бироқ бувим эса, худди бирон нарсасини йўқотиб қўйган одамдек, туриб-туриб эски

ҳовлини қўмсаб қолади-ю ўзини қўйгани жой тополмай:

— Ҳой, болам,— дейди ялиниб,— эски маҳаллага бир бориб келсакчи-а?— Бу гап менга ёқмайди.

— Қизиқсиз-а, буви,— дейман,— эски маҳалла қолдими?

Шунда бувим бирдан бўшашиб:

— Эшикнинг олдидаги нок турганмикин, а?— дейди ва нима деб жавоб беришимни олдиндан билгани учун гапимни ҳам эшитмай уйга хомуш кириб кетади. Бувимга ҳайронман. Кўчаётганимизда бошқа нарсалар қолиб нокка ачинган. Мен-ку, нокни эсласам юрагим ғаш бўлади. Кесилиб кетсин деб юраман. Бироқ кесилганми, йўқми, кўзим билан кўрай десам, эски маҳаллага ҳеч йўлим тушмайди. Бувимнинг хомушлиги баҳона бўлди-ю кийиндим, бувимнинг олдига кириб:

— Қани, юринг,— дедим.

Шу топда бечора бувимнинг ёш боладек қувониб кетганини бир кўрсангиз эди.

Мана, иккаламиз автобусда эски маҳаллага кетяпмиз. Бувим ўз-ўзидан жилмаяди, ойнадан бош чиқаради, илҳақ бўлиб ниманидир қидиради. Мен эса қани энди, нок кесилиб тўнка-пўнкасини ҳам бульдозер қўпориб ташлаган бўлса, деб боряпман. Мен сизга айтсам, бундай дейишимнинг сабаби бор.

Эшигимиз олдида бир туп нок бор эди. Шохлари девор оша ҳовлимининг ярмини эгаллаб, қуюқ соя ташлаб турарди. Дадам чилангарликдан атайлаб темирдан сўри ясатиб, остига қўйиб берган эди. Доим ўша ерда овқатланардик. Мен бўлсам бутун ёз маза қилиб нокнинг тагида ётардим. Айни нок пишиғи эди. Мактабимизда ёзувчи Ҳаким Назирнинг «Чиранма ғоз...» пьесасини саҳналаштирмоқчи эдик. Мурод ролини мен ўйнайдиган бўлдим. Ўн беш кун деганда пьесани тайёрладик. Мактабимизга ота-оналарни, ёзувчини ҳам таклиф қилдик. Эртага томоша деган куни аллавақтгача ухлаёлмай юлдузларга қараб ётдим. Тонгга яқин кўзим илинган экан, пешанамга тушган аллақандай муштан додлаб ўрнимдан туриб кетдим. Қарасам, ёстигимнинг устида бир дона нок думалаб ётибди.

Энг ёмони шу бўлдики, ҳаш-паш дегунча чап кўзим кўкариб, қовоқларим шишиб чиқди. Бунақа башара билан саҳнага эмас, кўчага ҳам чиқиб бўлмас эди. Ўша куни ҳеч қабққа бормаи, аламимдан думалаб ётдим. Виқор билан кўкка бўй чўзган нокнинг «бопладимми»

дегандек шивиллашига чидаёлмай, деворга чиқдимму каттакан бир шохини арралаб ташладим. Шох кесилиб қарсиллаб ерга тушганда, уйдан бувим югуриб чиқди.

— Нима қилдинг, болам,— деди титраб-қақшаб ва секин остонага ўтирди.

...Ўша куни дадамнинг кўйинининг ҳисобга олмаганда бутунлай аламиндан чиққан эдим-у мана, ҳозир жуда олисда чайқалиб турган нокни кўриб, кўзимга оғриқ киргандай бўлди, бувим эса қадрдон ҳамроҳини қайта топгандай:

— Қара, болам,— деди мамнун илжайиб,— турибди-я турибди.

Автобусдан тушдик.

Жин кўчалардан, пахса деворлардан ном-нишон қолмаган. Қатор-қатор янги уйлар, баъзилари битган, баъзилари иккинчи-учинчи қаватгача кўтарилган. Тумшуги ҳавога санчилган кўтарма кранлар тақа-тақ тўхтаган, ҳамма овқатдан сўнг нокнинг қуюқ соясида ҳордиқ чиқарар эди.

Биз ҳам бувим билан бир чеккада ўтириб дам олдик.

Ишчилардан бири ботинкасини ечиб, шимини тиззагача қайирди. Шипиллаб нокнинг устига чиқиб, силкитган эди, нок дув этиб тўкилди. Қий-чув кулги билан қизлар нокни териб ўртага қўйишди. Мен ҳам олдимга тушганларини чўнтакка урдим. Нок қоққан киши пастга қараб:

— Бўлдими,— деди.

— Ҳа,— чувирлашишди қизлар.— Эртага ҳам қолсин. У оҳиста туша бошлади ва худди мен кесиб ташлаган жойга келганда назаримда беихтиёр тўхтагандек бўлди. Мен ўзимни алланечук сездим. У эса, дарахтнинг кесилган ерига қараб, пешанасини тириштирди, нимадир деб бошани чайқади, ғала-ғовурдан эшитолмадим, сўнг сирғалиб пастга тушди. Бувимга билдирмай секин нокка қарадим. Ўзим ҳам энг чиройли шохини олиб ташлаган эканман, шу топда нок бир қаноти синган бургутни эслатарди! Ўша воқеа бувимнинг эсига тушиб қолишидан чўчиб:

— Буви,— дедим нок чайнаб,— нега шу нокни яхши кўрасиз-а?

Бувим эса ҳадеганда жавоб бермади. Кўзлари ярим юмуқ, алланарсаларини эслаб илжаяди, ўз-ўзидан лаблари пичирлайди.

— Бунн,— дейди ниҳоят хаёл билан,— бунн... раҳматли буванг эккан. Одамларга эккан. Ана шу тағзда

Ўтирган одамларга эккан, болам.

Мен нима дейишимни, нима қилишимни ва қаерга қочишимни билмай қолдим!

Азим туп нок эса жазирамадан одамларни бағрига чорлаб, гуё бувимнинг гапларини тасдиқлагандек, тепамизда сирли шовуллар эди!

МИРАЗИЗ АЪЗАМ

(1936 йилда туғилган)

Ҳозирги замон ўзбек болалар шеъриятида шоир Миразиз Аъзамнинг ўз ўрни бор. Бу албатта, унинг изланиши, меҳнаткашлиги, болаларни ва уларнинг адабиётини қаттиқ севишидан. Ижодкор болалар ўрта-сидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик, она-Ватанга чексиз муҳаббат, одобли бўлиш, яхши ўқиш учун ҳаракат қилиш, курашиш каби масалаларни кўпроқ очиб беришга ҳаракат қилади.

Миразиз Аъзам 1936 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. Мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ шеърятга қизиқди. Шеърини машқларини Қуддус Муҳаммадий ва кейинчалик Қудрат Ҳикмат бошчилиқ қилган адабий тўғарақда синовдан ўтказар, ижодий изланиш, ўқиш ва ўрганишни қизғин давом эттирар эди. Адабиёт ва шеърятга бўлган чанқоқлик уни ТошДУ га етаклади. Адабий машқлари болалар ва ўқувчилар газеталарида, «Гулхан» ва «Гунча» журналларида босила бошлади.

Университетни муваффақиятли тамомлаган М. Аъзам бир қатор газета ва журналларда ишлади. Шоирнинг «Металлург», «Ақлли болалар», «Сенга нима бўлди?», «Ғалати туш», «Ер айланади», Ерга доврўқ соламиниз», «Бир чўнтак ёнғоқ» каби тўпламлари болалар китоб жавонларидан мустаҳкам ўрин олган.

Миразиз Аъзамнинг жуда кўп шеър, қўшиқ, эртақ-достонлари мактабгача тарбия ёшидаги болаларга бағишланган. У ҳар бир асарида болажонлар учун, албатта, бир янгилик, бир яхши гап айтиш иштиёқи билан қайнаб-тошади ва бунинг уддасидан чиқади. Масалан, «Ер айланади» шеърини олиб кўрайлик. Бундай олиб қарасангиз, бу бир оддий гап. Ахир неча минг асрдан бери у айланади, яна айланаверида, бу ҳақда қандай шеър бўлиши мумкин, деган тушунча ҳаёлинигиздан ўтади. Лекин шеърни ўқийдиган бўлсан-

гиз сизнинг тасаввурингиз бутунлай ўзгаради. Мурғак қалб у ёқда турсин биз катталар ҳам ернинг айланиши, онларнинг ўтиши, шамолнинг эсиб туриши билан ўсиб-улғайишимиз, камол топишимиз, бунёдкорлик ишларимиз кўз ўнгимиздан ўтади. Қилган яхши-ёмон ишларимизни ўйлаймиз. «Ер айланади» — худди шу ҳақда баҳс юритади:

Аста-аста шамол эсади,
Аста-аста ер айланади.
Аста-аста одам ўсади,
Аста-аста ер айланади.

Аста-аста улғаяр ақл,	Аста-аста ер айланади.
Аста-аста ер айланади.	Аста-аста ер айланади,
Аста-аста етилар нақл,	Мева пишар бир кун ногаҳон,
Аста-аста ер айланади.	Аста-аста ер айланади.
Биров «мен!» деб елдай елади.	Ўзлигини танир ҳар инсон,
Ҳар кимга ҳам навбат келади.	Аста-аста ер айланади.

Кичкинтойлар кўпинча ҳаёт мураккабликларидан беҳабар бўладилар. Улар катталарнинг кўмагида, ўзлари тинглаган бадий асарлари ёрдамида олам муъжизалари, турмуш билан танишиб борадилар. Мир-азиз Аъзамнинг «Бедананинг бувиси» шеъри бу ёшдаги болаларга жуда қўл келади. Бу шеър халқ оғзаки ижоди анъаналари таъсирида яратилган. Шеър мисралари содда, маъно ва мазмун боғча болаларига тўғри келади.

Ёш китобхон шеърда беданаларнинг турмуш тарзлари билан яқиндан танишиб оладилар. Худди инсонлар каби уларнинг ҳам қавм-қариндошлари, кекса-ёшлари бўлишини, касал-соғ юришларини буви-бедана кечмишлари орқали тушуниб етадилар. Буви дардга чалиниб, оғир касал бўлиб қолади, томоғидан овқат ўтмайди. Ҳамманинг тинчлиги, ороми бузилади, ҳар ким қўлдан келганча унга мададкор бўлишга интилади. Бу эпизод чиройли ва таъсирли чизилган:

Бедананинг отаси бор экан, нор экан,
Онасига орият ёр экан, ёр экан.
Дори-дармон, ўт-ўлан келтириб, келтириб,
Қари қушга тутишиб, ичириб, едириб,
Айланишиб бошида турдилар, турдилар.
Соғайишнинг чорасини кўрдилар, кўрдилар,
Миттивой ҳам қўлидан келганча, келганча,
Сув тутди бувисига билганча, билганча.
Уч кунда тандан ариб бор дарди, бор дарди,
Бувижон бошини кўтарди, кўтарди.

Хурсандликдан кўзлари ёшланди, ёшланди,
 Сайроқилик қайтадан бошланди, бошланди:
 Ва-вақ, ва-вақ,
 Бит-бил-диқ.
 Ва-вақ, ва-вақ,
 Бит-бил-диқ.

Биз ҳар доим болалар адабиётида ўй ўйлаш, хаёл суриш, ўзининг учқур хаёллари билан яшаш ҳақида ёзилган асарларни қизгин қўллаб-қувватлаймиз. Миразиз Аъзамнинг ҳам «Хаёл суриш» шеърининг қаҳрамони ҳар бир нарсани тезроқ билиб олгиси, унинг поёнига етгиси келади. Лекин у қанча ўйламасин, хаёл сурмасин ақлий тафаккури ҳали тўла ривожланмаганлиги сабабли кўп нарсаларни тушунмайди, ожизлик қилади. Ота ўғлини унча ўйламасликка чақиради. Отанинг насиҳати билан бола ўзини тинчита олмайди:

Қаттиқ ўйлайверма!— дейди юмшаб отам,—
 Каттароқ бўлганингда англарсан ҳаммасин.
 Ўйламай бўларканми шуларнинг барин одам?
 Ўйламай яшолмайман, масалан, ҳаммасини.
 Кун қисқа
 қандай қилиб кун чиқди, деб ўйлайман,
 Тун чўзилса, нега тун чўзилди,
 деб ўйлайман.
 Уни хаёл қиламан,
 Буни хаёл қиламан
 Ўйлайман,
 бари бир,
 ўйлайман.

Миразиз Аъзамнинг «Биз енгамиз бўронларни» шеъри бугунги мустақилликка жуда қийинчилик билан, курашлар билан етиб келганлигимизни жарагдор мисралар билан чиройли ифодалаб беради:

Бизни босди довул, селлар —
 Омон чиқдик бўронлардан,
 Омон яшар ботир эллар —
 Қўрқмас ваҳший ҳайвонлардан.
 Қорли, музли чўққилар ҳам

Қолиб кетар пойимизда
Жасур қўшиқ бизга ҳамдам
Ҳар бир қўнган жойимизда.

Шоир бу билан чегараланиб қолмайди. Ҳали олдинда қиладиган ишларимиз, улуғ мақсадларимиз борлигини таъкидлайди, болаларни юксак ахлоқ-одобли бўлишга, катталарнинг ишларини давом эттиришга чорлайди:

Мақсадимиз тоғдай улуғ —
Чамбарчасдир туташ қўллар.
Озодликнинг йўли қутлуғ —
Олға, дўстлар, оғайнилар!

Миразиз Аъзамнинг «Ғалати туш», «Нурхон билан Бурхон», «Ота билан бола», «Бир чўнтак ёнғоқ» (туркум), «Алла», «Бола ва она», «Йўтал бола» каби шеър ва қўшиқлари боғча ёшидаги болаларга бағишланган.

«Асрор», «Эрк қуши», «Она юрт осмонида», «Антиқа» каби дoston, эртақ-dostonлари ҳам болаларда катта қизиқиш уйғотиб келмоқда.

Миразиз Аъзамнинг «Асрор» dostonидаги Асрор образида болаларга хос жўшқинлик, шижоат, меҳнатсеварлик мотивлари, ҳақиқий ўқувчига хос фазилатлар ёрқин тасвирланади. Шоир бу гоияни очишда кичкинтойлар онги ва дунёқарашидаги ҳолатларни тўқнаштириш, уларнинг нарса ва воқеаларга бўлган муносабатларини солиштиришдан самарали фойдаланади.

Пилла қуртн боқиш dostonга асосий мавзу қилиб олинади-да, ўқувчи-ёшларнинг бу соҳага қизиқишларни, билимдонликлари меҳнат жараёнида очиб берилади.

Асарда Асрорнинг олнжаноб фазилатлари — оқкўнгил, софдил, қўли очиқлиги ишонарли тасвирланади; унинг тут дарахтларини севиши, табиятга ғамхўрлиги ёш китобхонлар учун дидактик қимматга эга.

Ғайрат, Нор, Раҳим, Раъно образлари орқали қалбни қайноқ, бир-бирига меҳрибон, жамоа иши учун фидойи ёшлар гавдалантирилади.

Болаларнинг мактабда пилла қуртн боқишлари — қўшимча соҳа — қишлоқ хўжалиги ишларига жондилдан ёрдам беришлари, фикр-мулоҳаза юритишлари, бирор ишга қўл уришса, дидил ҳаракат қилишлари китоб-

хонни хурсанд этади. Чунончи, асарнинг «Пилла қуртларининг лоҳас бўлиши» бўлими ўқувчида катта қизиқиш уйғотади.

Пилла қурти боқилаётган хона ҳаддан зиёд исиб кетгач, қуртлар барг емай қўяди. Шу дақиқада болаларда юз берган ҳолат: тушқунлик, хижолатпазлик, қуртларга ачиниш ҳисси тасвири кичик китобхонни чексиз ҳаяжонга солади:

Пиллачилар хонасин
Босган эди сукунат
Ўқувчилар чурқ этмас,
Қотиб туришар фақат.

Шоир ҳаётий лавҳалар чизишда давом этади. Сўнчақ енгиллатилиб, хона маълум даражада совитилгач, қуртлар яна аслига қайтади, бир меъёрда барг еишига киришади. Болалар олам-олам қувончга тўладилар, шодланадилар:

Бир-бирига қарашиб
Болалар жилмайдилар.
Хатар ўтган бўлса ҳам
Хонадан жилмайдилар.

Шоирнинг «Ўлмас қуш» эртак достонида тасвирланишича, жодугарлик билан баҳодирларнинг ёстиғини қуритган Чингизхоннинг гўзал канизаги Сайхун бўйида яшаётган Наҳанг қассобнинг ҳам оромини бузади. Жанг майдонида канизакни кўрган Наҳангнинг қиличи қўлидан тушади. Қизнинг макрига учиб, уни севиб қолади. Унинг хотини қазо қилиб, Ўлмас ва Олмос исмли фарзандлари қолган эди. Бироқ ота ўғли ва қизидан кечиб, канизакка уйланади. Достонда элчил қиз Олмоснинг акаси Ўлмас учун отаси ва ўғай онасидан ўч олиши анча қизиқарли ва ишонарли тасвирланади.

Болалар адабиёти тараққиётига катта улуш қўшаётган М. Аъзам ҳозир янги-янги асарлар устида ишламоқда.

ЗИЙРАҚ-ЗИЙРАҚ

(Ўйин)

Ўйлабшчи Ғайрат акам,
Ҳоят ажойиб экан.
Келдилару келдилар,
Қизик ўйин қилдилар.

Қўз юмингиз, дедилар,
Тез юмингиз, дедилар.
Юмиб турдик ҳаммамиз.
Жимиб турдик

Бири тушиб кетарди.
Ари дер:— Етмай қолар,
Ининг ҳам битмай қолар,
Териб ол, парвосиз қуш!
Қуш индамай бошлар

иш.

Ари олайиб кўзи,
Терволди бир-бир ўзи.
Яна олға кетдилар,
Қўп йўллардан ўтдилар,
...Маймун қушга қаратиб
Уй қуарди ясатиб.
Дўстларнинг гаши келди,
Ари ғинғиллаб деди:
— Маймунонжон, бу

тахтани

Нега одинг, айт, қани?..
— Бир оз дағал экан,
дер,—
Зирапчаси тикан,— дер,
— Рандаласанг

бўлади!—

Маймун қаҳ-қаҳ кулади.
Дўстлар териб оларлар,
Олдинга йўл соларлар.
Кетарлар йўл бошлашиб,

Шахдам қадам
ташланиб,
Темир, қамишдан тортиб
Ғиштгача барин ортиб..
Шаҳарнинг бир четида
Тўрт боласи кетида
Бир қуёни кўришиб
Тўхтарлар ҳол сўришиб..
Нега хафасан, Қуён?
Қўрдингми бирор зиён?
— Этим увишиб қолди,
Совуқ ҳам тушиб қолди,
Ҳали уйим битмаган,
Охирига етмаган..
Чумолибой, Ариой:
— Хафа бўлма, Қуёнтой,
Ёрдам берамиз биз,

деб,—

Кириб оласиз, сиз,— деб,
Йиққанларин бердилар,
Гўзал уйча қурдилар,
Ҳашарлашди қуёнлар
Ва барча қадрдонлар,
Ушалди мурад-мақсад,
Шундай битди саёҳат.

ТУРСУНБОЙ АДАШБОВ

(1939 йилда туғилган)

Ҳозирги замон ўзбек болалар адабиётининг таниқ-ли вакилларида бири Турсунбой Адашбоев 1939 йилда қардош Қирғизистоннинг Ўш вилоятига қарашли Олабуға туманидаги Сафед Билол қишлоғида туғилган. Тошкент давлат университетини ҳамда М. Горький номидаги Жаҳон адабиёти институтини битирган.

Т. Адашбоев университетни тамомлагач, ўқитувчилик қилди. Туман ва вилоят газеталарида ишлади. Ҳозир «Чўлпон» нашриётида хизматда. Т. Адашбоев «Ола-тоғ-молатоғ» китобида таъкидлаганидек, икки халқ фарзандидир:

Ўзбек, қирғиз қони синган,
Сизга айтсам тўғриман.

Шу бонс ўзбек ва қирғиз тилларида ижод қилади. Унинг «Қамолнинг олмаси» деб номланган биринчи китоби 1967 йилда талабалик чоғидаёқ нашр этилган. Кейинчалик Тошкентдаги «Ёш гвардия», Бишкек шаҳридаги «Мектеп» нашриётида «Биз саёҳатчилар» (1969), «Ала Толук боломун» (1971), «Арслонбоб шаршараси» (1973), «Сурнай», «Нур дарё», (1977), «Гулдаста» (1979), «Олатоғ-лолатоғ» (1982), «Оқбура тўлқинлари» (1985), «Совға» (1987), «Сичқоннинг орзуси» каби китоблари босилиб чиқди.

Турсунбой Адашбоев ўй ўйлашни, хаёл суришни яхши кўрадиган, ўзларининг учқур хаёллари билан яшайдиган болаларни севади ва уларни қаттиқ ҳурмат қилади. Шунинг учун ҳам у бундай болалар ҳақида кўплаб катта-кичик асарлар ижод қилган. Ҳа, биз кичкинтойларнинг ўзларига хос катта дунёси мавжуд эканлигини ҳамиша ҳам тушунавермаймиз. Улар доимо буюк орзулар, сўнгсиз умидлар билан яшади, турли ғаройиботлар билан танишишни истади. Учқур хаёллари ёрдами билан Африканинг инсон қадами етмаган ўрмонларида истиқомат қилаётган филлар, маймунлар, кўзойнак таққан илонлар билан «сўзлаша» оладилар. Бир сўз билан айтганда, болалар доимо хаёллар, саргузаштлар оламида яшашни ва шу олам орқали катта ҳаётнинг бош йўлига чиқиб олишни орзу қилишади.

Шу сабабли, табиийки, кичкинтойлар ўзларининг учқур хаёлларини бойита оладиган, маънавий завқ бера оладиган асарларни ўқишни севишади. Шу хилдаги асарлари орқали улар оламнинг «мўъжиза» лари билан ошно бўладилар. Турсунбой Адашбоев бу мавзуда ўнлаб шеърлар битган.

Шоирнинг шундай шеърларидан бири «Фазогир» кичкинтойларни ўйлашга, хаёл суришга, ўзларининг тезкор хаёллари билан дунёни кезишга, оламни сайр-томоша қилишга чорлайди. Шеър қаҳрамони Акмалжоннинг эзгу мақсади—фазогир бўлиш, самода парвоз этиб, ўзининг дойурак ва баҳодир эканлигини бутун оламга дoston қилишдир.

Ана шу ҳавасманд бола уйқусида туш кўради, тушида скафандр ва кетилар кийиб олиб самога парвоз қилади. Шу нарса қувончлики, тушида ўзи ўқиган эртакларидаги қаҳрамонлар унга зўр қизиқиш ва қувонч билан боқишади:

...Қўриб Войжоним
Еқасини ушлади,
Африкада Бармалей
Тушгин деса тушмади.
Италия устидан
Акмал учиб ўтаркан,
Қарасаки Буратино
Сал буринни кўтарган.
Мана буни айтишар,

Саёҳату сайр деб,
Силтаб қолди қўлини
Читполино хайр, деб.
Шум тулкига чап берган
Ўша машҳур Бўғирсоқ
Ва сеҳрли қалпоқча
Ур тўқмоғу Ўғирсоп.
Хайрон бўлиб, лол қолиб
Акмалжонга боқарди.

Шеърни ўқиган ҳар қандай боланинг кайфияти чор бўлади. Тушида бўлса ҳам ҳеч бўлмаса Акмалжон каби бир марта самога учиб нияти туғилади. Бунинг учун эса, албатта, яхши ўқиш керак эканлигини яна бир бор билди олади.

Ҳашар ота-боболаримиздан қолган бир ажойиб анъана. Шоирнинг «Шанбалик» шеъри ана шу ҳашарга бағишланган. Эрта баҳор келиши билан дала-дашт кўм-кўк бўлиб яшнаб кетади. Ҳамма далага чиқади. Қўчатлар экиш, дов-дарахтларнинг остларини юмшатиш ишлари қизғин тус олади.

Т. Адашбоев шанбаликнинг ниҳоятда мароқли ўтганлигини, болалар шанбаликка катта ҳисса қўшиб, меҳнат қилганликларини:

Дов-дарахтни боғбонлар,
Соч-соқолини қийишди.
Биз оқлаган дарахтлар
Ойпоқ пайпоқ қийишди,—

каби мисраларда тасвирлайди.

Маълумки, нозик таъб болалар ҳар доим ҳам катталарнинг ўз ишларига муносабат билдиришларини ис-тайдилар. Топоғон шоир уларнинг бу ниятларини чиройли қилиб тасвирлайди. Бу билан болаларни рағбатлантиради, кўнгилларини кўтаради:

Раис бобо шод бўлиб,
Қўлимизни қисадир;
Бу шанбалик тинчликка,
Сизлар қўшган ҳиссадир.

Шоир халқ оғзаки ижодиға мурожаат этиб, «Кураш» деган ёқимли шеър ёзади. «Йиқилган курашга тўймас», мақолини болалар ҳаёти билан боғлаб замонга мослаштиради.

Пикитиб қўйднинг қасддан.
Бу ҳисобмас, товонимни
Ерга таяб турибман.
Мен ҳам сени бошлардим-у
Лекин аяб турибман...

Т. Адашбоев барча болаларнинг аълочи, ростқўй, ҳалол бўлишларини истайди ва бу ҳақда ўнлаб шеърлар ёзган. Фикримиз исботи тариқасида «Дониёрнинг баҳонаси» шеърини қўришимиз мумкин. Дониёр қолоқ ўқувчи, бунинг устига у ёлғончи. Дарсга бориш ўрнига музда ҳориб-толғунча сирганиб ўйнайди. Мактабга боргач, тобим қочиб шифокор қабулига бордим, деб ўқитувчини алдайди.

Муаллим Дониёрнинг кийим-кечагига разм солиб, унинг ёлғон гапирётганлигини сезиб қолади. Сир фош бўлади.

Шоирнинг «Қўш қалдирғоч» шеъри болаларда катта таассурот қолдиради. Бу шеърда қалдирғоч мисолида болаларни худди шу қушча каби меҳнаткаш бўлишга, аҳилликка чақиради.

Қалдирғочнинг уясини икки чумчуқ эгаллаб олади. Қалдирғочларнинг ялиниб-ёлборишларига қарамай, чумчуқлар уядан чиқмайдилар. Икки ўртадаги зиддият янада кучаяди:

Қўш қалдирғоч чуғурлашиб,
Биринини турди пойлаб,
Иккинчисин дўст-ёрларни,
Бошлаб келди парвоз айлаб.
Энди аҳвол танглигини,
Икки чумчуқ кўриб турар.
Ҳашарчилар тўрт томондан
Ин оғзини кўриб турар.
Қалдирғочлар ишини бошлаб,
Допни ййлаб, қўшиб сомон
Эшик оғзини беркитдилар,
Оқибати бўлди ёмон...

Турсунбой Адашбоевнинг «Ҳарфларнинг саргузашти», «Адолатли қози», «Ориятли хўроз», «Олтин ёлли тулпор қиссаси», «Қоплонқўл», «Ростонхола — дostonхола», «Саёҳат-роҳат», «Оқёл», «Бургутнинг ўлими» каби эртақ-дostonларида ҳам болаларнинг қайноқ ҳаётлари уфуриб туради. Уларни нимагадир даъват этади. Яхши ўқишга, ишлашга, яшашга чақиради. Келажакда ажойиб инсонлар бўлиб камол топишга чорлайди.

Турсунбой Адашбоевнинг юморга бой, ҳазил-мутоиба билан йўғрилган асарлари жаҳон тилларига ҳам ўғрилган. Масалан, «Тегирмон», «Совға», «Олти оёқли хўтикча», «Олатоғ оҳанглари» сингари бир талай асарлари жаҳон халқлари тилларида чоп этилган. Сара шеърлари эса қирғиз ва ўзбек болалар шеърияти антологияларига киритилган.

Т. Адашбоев жаҳон болалар шеърияти вакиллари-нинг қитобларини ўзбек тилига таржима қилиш бора-сида ҳам фаол иш олиб бораётир. Уолтер Дэ Ламер, Ян Бжехва, Корней Чуковский, Самиул Маршак, Муса Жонғозиев, Қодир Мирзалиев, Оғагелди Алланазаров, Қанибек Жунушев, Сайдали Маъмур, Леонс Бриедис шеърларини ёш китобхонлар Турсунбой Адашбоев таржимасида ўқишади. Шоир кичкинтойларнинг улкан адабиётига бўлган юксак эътиқодини қуйидаги мисраларда рўй-рост баён этади:

Болажонлар, кўнглим найин
Сизлар учун созлаганман.
Қудрат Ҳикмат айтгандайин,
Ҳар мақомда ёзмаганман...

УҒЛИМГА

Жанг борарди юртда қаттол,
Қирза этик кўрмай ҳатто.
Қир-чир кўйлак, ёқавайрон,
Усган эдик, бўлма ҳайрон.
Туфли қайда, бошлар яланг,
Бошоқ териб ёшу яланг.
Зоғора-ю, думбул ердик,
Аталага шукр дердик.
Уруш деса кўнглим ғашким...
Сенга келар, рашким.
Ўзинг бундоқ кўргин ўйлаб,
Қўш-қўш костюм, сара кўйлак.
Бизнинг ёшлик, ўғлим, бир оз
Оғир ўтган, билсанг бу рост.
Ўйлаб иш қил, бошдан тортиб,
Такасалтанг бўлма ортиқ.
Ҳар нарса мўл тўкин юртим.
Тупроғини кўзга суртгин.

МЕҲНАТ ҚИЛИБ

Оқ чойшабли кўрпада
Ухлар эдим ўраниб.
Кириб келди Ҳотамжон,
Курс-курс чайнаб ўрани,
Бир қўлида ўткир чопқи,
Сопа мисдан тиллакор.
Ҳа, ойиси Ростонбуви,
Донги кетган пиллакор.
Қирқ йилдирки, қурт боқар,
Шу соҳада эс таниб.
Нари-бери чойни ичиб,
Кетдик биз барг кесгани.
Қаранг буни эшитиб,
Хурсанд бўлди отам ҳам,
Бир иш қилсак қараб турмас,
Синфдошим Ҳотам ҳам.

МОМОҚАЙМОҚ

Момоқаймоқ қуёш нури,	Оҳиста қўл узатсам,
Сенга кўпроқ оқарми?	Шамол турди аксига.
Е сариқ соч ўзингга	Сочинг тўзғиб бирданига
Ҳаддан ортиқ ёқарми?	Тушдинг елнинг рақсига.
Бугун кўриб танитай,	Умринг бекор ўтмабди,
Кўнлар ҳайрон боқарди.	Шунинг ўзи қадрли.
Қани айт-чи, сочинг нега	Раҳмат, уч кун бўлса-да,
Бир кечада оқарди?	Яшнатдинг қир-адирни.

БУҒДОЙЗОРДА

— Нега буғдой бош	Қимлар бўяб кетишган?
эгар?	— Қадоқ қўлли
Савол бердим дадамга,	деҳқонлар
— Меҳнатни олқишлаб,	Терлар тўкиб экишган.
Таъзим қилар одамга	Шу туфайли ҳар бошоқ,
— Тилла рангга уларни	Олтин бўлиб етишган.

ТОЛВАТЕРАК

Тол теракнинг ўсишини	Бўй-бастингга ишонмагин
Кўролмасдан деди.—	Бўлолмайсан кўкка
дўстим.	устун.

— Таъна қилма,
оғайнижон
Новчаликнинг нафи бор.

— «Мирзатерак — уйга
керак»,
Деган элнинг гапи бор.

К О Н Ф Е Т

Айвонда пиқ-пиқ йиғлаб	уйнасанг-чи,
Утирар эди Қамол.	Ҳадеб йиғлайвергунча.
Укасининг бу нишдан	— Ишинг нима,
Аччиқланди Ойжамол.	йиғлайман,
— Йор билан	Ойим конфет бергунча...

ҚАМБАР ОТА

(1941 йилда туғилган)

Табиати табнатни эъзозлайдиган, гўзал шеър, қўшиқ ва достонлар яратиб келаётган ажойиб шоирлардан бири Қамбар Отадир.

Қамбар Ота табнат ва болани бирдек яхши кўради. Ҳаётда булар тарбияга, меҳр-мурувватга муҳтож деб билади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ахир бир ниҳолни ерга экиб, унинг остини юмшатиб, тапасини оқлаб, кераксиз шохларини кесиб, сув қуйиб турмасангиз у ҳеч қачон дарахт бўлмагани каби чақалоқликдан бошлаб унга одоб-ахлоқни ўргатиб, таълим-тарбия бермасангиз бола ҳам эл-юрт орзу қилгандек инсон бўлиб улғаймаслиги мумкин. Бир сўз билан айтганда, кичкинтойларнинг меҳрибон шоири Қамбар Отанинг бутун ижоди болалар тарбияси ва табнат ҳимоясига бағишланган.

Қамбар Отанинг шеърларини ўқиган бола она-Ватанининг ўзига номаълум, сирли томонларини билиб, ўрганиб ўсади, уни ҳимоя қилишга, асраб-авайлашга шай бўлиб камол топади. Шоир қаҳрамони тилидан шуларни ёзади:

Ер чашқоғни қондирган
Ёмғир бўлсам ярашар,
Ут-ўланин яшнатиб,
Яйраб қулсам ярашар...
Денгизга ҳаёт берган
Дарё бўлгим келади.
Нур истасанг қўёшли
Дуё бўлгим келади.

Шоирга она-табиатнинг ўзи мавзу ва илҳом беради. «Оқ булут, кўк булут» шеърда ёмғирни олқишлайди. Ёмғир қанча кўп ёғса, сув шунча сероб бўлишини, майсалар, бутун борлиқ гулдек яшнаб, одамлар соғлом-у экин-тикин мўл-кўл бўлишини таъкидлайди. Шоир томчи — ёмғирнинг ҳар қандай турини маъқуллайди:

Жалаю дўл бўлсанг ҳам
Қаршилар майса, япроқ
Кутади сел бўлсанг ҳам
Бағри кенг она тупроқ.
Сени муштоқ кутгани
Ғуборини юв булут
Хўл бўлишдан қўрққани
Пана жойга қув булут.

Безрайган тун. Ота-бола
Пахтасига сув тарар.
Болажонин нон тугилган
Белбоғчаси белида.
Сув тарайди, ўзидан ҳам
Қатта кетмон қўлида.
Оёғида эски калиш,
Сал титилган почаси.
Жаво дим. Нақ эсноқ келиб
Уйқу босар кечаси.
Ташналикдан танглай қотар:
«Бир қултум сув бўлсайди,
Оҳ, топ-тоза, муздай совуқ
Бир ютим сув бўлсайди!..»
Эгатдаги сувдан секин
Ховучига олади.
Яхшиямки отажони
Буни пайқаб қолади:
«Чинда болам, бу нақ оғу,
Ҳа демайин тонг отар»
«Наҳотки биз ғўзаларга

Ичирсак шунча заҳар!»—
Болажонин бу саволи
Эзиб ўтар дилини.
Ҳайқиргиси келар, зўрга
Тишлаб қолар тилини.
Нотавону ожизликдан
Уйга чўмар беҳисоб:
Бизда зарра виждон борми,
Бизда борми бир инсоф!
Қани энди боболардан
Мерос биллур булоқлар.
Экинларга таралгучи
Юзлаб зумрад булоқлар!
Биз истаган ариқларга
Нон бўктириб ер эдик.
Етти марта думалаган
Сувни ҳалол дер эдик.
Салгина кўзни очиб
Боқсам ёруғ оламга,
Сўқир қисмат, жавоб бергин
Нима қилар боламга!

Шоирнинг ўилаб шеърларида табиатга муносабат, ҳайвонлар, жониворлар-у паррандаларини асраш, авайлаш, уларни кўпайтириш масаласи кўтарилади. Унинг кўпгина шеърлари мактабгача тарбия ёшдаги болалар берилиб тинглайдиган асарларга айланиб қолган. «Дўстлик керак», «Қалам дейди», «Мен отимни тақаладим», «Асил бобо», «Ўғул одоб, аъло хулқ», «Меҳрибонлар», «Ватанин яшнатайлик», «Китоб олиб берсангиз», «Боғча опам», «Фикрим ўсар», «Боғчамизда» шеърларини тингламаган боғча боласи ёки бошланғич синф ўқувчиси топилмаса керак.

Ўзбек болалар шеъриятида оддийгина қалам ҳақи-

да анча шеърлар битилган. Шоирнинг «Қалам дейди» шеъри бутунлай ўзига хос оригинал асар. Сарлавҳасидан сезилганидек бутунлай янги мазмун, янги ифодага эга бўлган янги шеър. Қалам синиб кетмай узлуксиз ишлашни, одамларга фойда, наф келтиришни истади. Ёш китобхонни тинмай ўқиш, ёзиш ва изланишга чорлайди:

Қалам дейди	Аяб, асло
Ёзавергин,	Тиндирмагин.
Илм конин	Қоғозларда
Қазавергин.	Изим бўлсин.
Фақат мени	Элга айтган
Синдирмагин.	Сўзим бўлсин.

Бола тетапоя қилиб юра бошлаши биланоқ ўзига шерик, дўст, ўртоқ қидиради. Улар қанча кўп бўлса шунча яхши, давра янада кенгайиб, ўйин-кулги авжга чиқаверади. Ўйинда ҳам, ўқиш-у меҳнатда ҳам дўст, бир-бирига қўлқанот:

Дўст мушкулини осон —
Қилишни истар инсон,
Олам тўлсин зиёга,
Дўстлик керак дунёга.

«Китоб олиб берсангиз» шеърининг қаҳрамони ҳали боғчага қатнайдиغان бола. У отаси олдида бир қатор масалаларни кўндаланг қилиб тахлаб ташлайди. Боланинг орзуси зўр, истак-нияти буюк. Мабодо ота унга от, туя ва дурбин олиб берса муроди ҳосил бўлади, мақсадига эришади. Агар китоб совға қиладиган бўлса, келажакда яхши ўқиб, илмда оламни лол қолдирмоқчи,

Китоб олиб берсангиз
Синқораман зиёни —
Илми зўрлар ёрқинроқ
Ёритади дунёни.

Шоир асарлари орасида «Гўзал одоб, аъло хулқ» шеъри алоҳида ажралиб туради. Шеър бор-йўғи саккиз мисрадан иборат. Шеърда ўқимишли, билимдонликдан ташқари, юксак ахлоқли бўлиш тўғрисида ҳам гап болади:

Чин юракдан тиришсанг
Аъло ўқишинг мумкин.
Билганларинг эҳтимол
Ёдингдан чиқар бир кун.

Ўзгал одоб, аъло хулқ
Ўрнашса юрагингга,
Сени мангу тарк этмай,
Етказар тилагингга.

Қамбар Ота анчагини «Эрка эгизаклар», «Чўлга сайҳат», «Бароқ мушук фожияси», «Богбон ҳикояси», «Рисботлар», «Ғилдираклар қўшиғи», «Ўн икки супа» каби йирик дoston, дoston-эртақлар ёзган. Булар орасида «Эрка эгизаклар» дostonи жуда оmmалашиб кетди.

Дostonда «Фарзанд азиз, одоби ундан азиз» мақоли атрофида гап боради. Шоҳ худодан тилаб-тилаб ўғил, қизли бўлади. Шоҳ фарзандлар тарбияси билан яхши шуғулланмайди. Тўғри, ўнлаб энага-ю бошқа тарбиячилар улар хизматида. Болалар жуда эрка ўсиб-улғайишади. Эркатойлар отанинг хазинасининг кулини кукка совурадилар. Одобсизлик, андишасизлик қилиб болалар шоҳни вайрон қиладилар. Шонр асарга таъсирли якун ясайди. Ёмонлардан, одобсизлардан қаттиқ равижийди:

Одоб-инсон зийнати.
Яхши фарзанд оширар
Ўз юртининг ҳислатин.
Ёмон кўп бўлса элда,
Ҳароб бўлар бир куни.
Нарсага ўч экан халқ
Киради ғафлат туни.
Ҳамма бола бўлишин

Ота ўғил, эл қизи.
Ўғил-юртнинг посбони,
Қиз-бахтимиз юлдузи.
Содиқ бўлсин ватанга
Ҳар ким кичик ёшида.
Бахт қуёшни мангуга
Аримасин бошидан!

Қамбар Отанинг «Қитобча ва бузоқча», «Чавандоз орзуси», «Тиним билмас Шамолвой», «Ширин сўз», «Ғилдирак», «Табиатга раҳмат» каби ўндан ортиқ китоблари ўқувчиларининг маънавий мулкига айланган.

ДУППИ КИЙГАН БОЛА

Дўпписин каштасида
Акс этади тилим ой,
Тепасида нур сочиб
Тураб гўё сўлим ой.
Дўппи кийган боланинг
Иўллари ёрқин бўлар.
Меҳр тўла юрагин
Халқига яқин бўлар.

Ассалом деган сўзи
Хаммага ҳурматлидир.
Дўппи кийган боланинг
Одоби қимматлидир.
Дўппи кийган болалар
Ҳаётда ўсиб унсин.
Пешанаси ярқираб
Бошларига бахт қўйсин!

ЧАРХПАЛАК

Чархпалак,
Чархпалак,
Чархпалак,
Сен нега бунчалик жонсарак?
Тинимсиз айланиб, бўласан
Кўп ҳалак,
Кўп ҳалак,
Кўп ҳалак.

БОҒЧАМИЗДА

Хамма бола иноқмиз,	Боғчамизда.
Яқин дўстмиз, ўртоқмиз	Юзлар ўхшар офтобга
Боғчамизда.	Урганамиз одобга
Соғ бўлгин деб ўйнатар,	Боғчамизда.
Кувноқ бўл деб куйлатар	Йўллар бизни ҳаётга,
Боғчамизда.	Миннатдормиз ғоятда
Танимиз кучга тўлар,	Боғчамиздан.
Тилимиз бурро бўлар	

ЎРТОҚЖОН

Қапи жилмай,	Тўлсин, ўртоқжон.
Юзинг ширмой	Ҳамма одам,
Бўлсин, ўртоқжон.	Бутун олам
Кулгинг зиё,	Кулсин ўртоқжон.
Нурга дунё	

ЧЕВАР

Кўйлакларнинг этагига	Ой аста.
Гул экар.	Чевар қизнинг қойил
Инак илдан ёқасига	касбга
Гул тикар.	Меҳрига
Қашта чатар сўзана-ю	Юраклар ром игнасининг
Белқарсга.	Сеҳрига
Дўпписидан мўралайди	

ЖАҲОН БОЛАЛАР АДАБИЁТИ

АЛЕКСАНДР СЕРГЕЕВИЧ ПУШКИН

(1799—1837)

Ҳар бир халқнинг донишмандлиги ва қалб назокатини ўзида мужассамлантирган шоири бўлади. Россияда инсон маънавий оламининг мусаввири, шубҳасиз,

Пушкандир. У нурга интилиб, донм озодлик учун курашувчи шоир, буюк оптимист бўлиб етишди. Рус халқининг яна бир буюк шоири Александр Блок: «Пушкиннинг номи нақадар жарангдор»,— деб таърифлаган эди.

А. С. Пушкин халқ оғзаки ижодини болаликдан берилиб ўрганди. Булоқдек қайнаб-тошган халқ оғзаки ижоди шоирнинг илҳомига илҳом қўшди. Келажакда машҳур шоир бўлиб, жаҳонга танилишида бой манба бўлиб хизмат қилди. У, айниқса, ўзининг эртак-дostonлари билан ёш китобхонларнинг ҳурмат-олқишига сазовор бўлиб келмоқда.

А. С. Пушкин ўзининг «Поп ва унинг хизматкори Балда ҳақида эртак» (1831), «Балиқчи ҳам балиқ ҳақида эртак» (1833), «Ўлик малика ва етти баҳодир ҳақида эртак» (1833), «Олтин хўроз ҳақида эртак» (1834) каби эртак-dostonлари билан жаҳон болалар адабиёти хазинасини янада бойитди.

Юқорида биз таъкидлаб ўтган асарларнинг ҳаммаси бой ва ранг-баранг халқ оғзаки ижоди таъсирида юзага келган. Бу асарлар замирида фактик материаллар ётганлигини кўрамиз. Масалан, шоир «Ажойиб болалар» халқ эртаги асосида «Шоҳ Салтан ҳақида эртак», «Қуримсоқ кампир» эртаги ва рус халқ фольклорининг тўпловчиларидан бири В. Даль ҳикоя қилиб берган сюжет асосида «Балиқчи ҳам балиқ ҳақида эртак», «Сеҳрли кўзгу» эртаги асосида «Ўлик малика ва етти баҳодир ҳақида эртак», узоқ йиллар халқни аёвсиз ишлатиб, унга раҳм-шафқат нима эканлигини билмай ўтган ва унинг ҳатто пок хизматларини ўзида мужассамлантирган «Шабарша батрак» асосида «Поп ва унинг хизматкори Балда ҳақида эртак» ётганлигини кўрамиз. Бу эртакларнинг ҳаммаси шоирнинг ижодий лабораториясида ишланиб, сайқалланиб, янада ўқимишли, таъсирли қилиб ярагилган. Дарвоқе, балиқ ва балиқчи ҳақидаги эртаги жуда оммалашиб кетган.

А. С. Пушкин оддий, меҳнаткаш халқни яхши кўради, уни иложи борича ҳимоя қилишга, ён босишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам унинг эртак-dostonларида халққа бўлган чексиз ҳурмат туйғуси барқ уриб туради.

Дадон шоҳни олинг («Олтин хўроз ҳақида эртак»). У ғирт аҳмоқ. На халқни севади ва на фарзандларига меҳрибон оталик қила олади. Дадон ўтакетган даражада маишатпараст ва калтабин. У бутун подшоли-

гидан, халқидан, фарзандларидан ўзга юртли маккор аёлни устуи қўяди. Бунн халқ, худо кечирмайди. Натн-жада шоҳ халқ қаҳр-ғазабига дучор бўлади. Олтин хўроз тепкисидан ҳалок бўлган шоҳга бировнинг раҳми келмайди, аксинча, шоҳнинг ўлими уларга шодлик ва озошлик бахш этади.

Поп («Поп ва унинг хизматкори Балда ҳақида эртак») образини шоир қаттиқ ишлайди. Текинхўр, очкўз, ўзгалар ҳисобига умр кечирадиган бир пасткаш кимса эканлигини кескин очиб ташлайди. Унга қарама-қарши қилиб оддий ва ҳалол, меҳнаткаш ва баҳодир йиғит Балда образини ижод чўққисига кўтаради.

Икки қаҳрамоннинг бозордаги ўзаро суҳбатиданоқ китобхон ким қандай одам эканлигини дарҳол сезади:

«Бўлсин ошпаз, отбоқар ҳам дурадгор,
Айт-чи бундай арзон малай қайда бор?»
Балда дебди: «Ҳхшн малай бўлайин,
Берган оби-ёвғонингга кўнайин.
Хизматингга ҳақ тўлайсан шу хилда:
Пешанангга уч чертаман бир йилда»,
Поп бўлса-чи анча ўйлаб қолипти,
Пешанасин қашиб қўли толлпти.
Поп ўйлармиш: бир гап бўлар—тўлар ҳақ,
Черткилардан черткнлар ҳам қилар фарқ,
Балда қўйган шартнга кўниб, дебди поп:
«Бу шарт сенга ва менга ҳам маъқул хул:
Энди менинг ҳовлимда кун кўравер,
Ғайрат билан хизмат қилиб юравер».

Ҳа, ҳаётда ҳар бир нарсанинг, жумладан, текинхўрлик, очкўзликнинг ҳам поёни, охири бор. Қалтабин поп черткнни еб ҳалок бўлади.

«Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак» достонига шоир пок муҳаббат мангу бўлишини орзу қилади. Бойлик, мансаб деб ўтган кунни унутмасликни истади. Бундан ташқари, кимки ҳалол пешана тери тўкиб бойлик орт-тирмаса, бировлар ҳисобига бўийдиган бўлса, у ҳеч қачон юқмаслигини, бировникими, тамом бировникилигича қолиб кетишини кампир қисмати билан чоғиштириб ҳикоя қилади. Ер юзи, бутун олам ҳукмронн бўлиб олган кампир чолни менсимаслиги учун, очкўз ва бадбахтлиги учун яна эски ҳаммом, эски тос билан қолиб кетаверади. Бунн шоир чолнинг сўзи билан жуда чиройли ифодалайди:

Қайтди кампир ёнига ахир,
Кўрса; тагин ўша ертўла,
Бўсағада ўтирар кампир;
Қаршисида тешик тоғора.

Ростғўй, ҳақиқатни ёқловчи шоир «Ўлик малика ва етти баҳодир ҳақида эртак», «Шоҳ Салтан ҳақида эртак» асарларида ҳақиқат бир кун эмас, бир кун ўз ўринини топади, ҳамма бахтли, бахтиёр бўлади, деган фикрни илгари суради.

А. С. Пушкиннинг халқ оғзаки ижодига асосланиб ёзган «Руслан ва Людмила» асари ҳам болалар қалбига анча яқин турадиган дostonлардан бири ҳисобланади. Рус эртаклари, қўшиқлари, афсоналари бу ғаройиб асарга фавқулодда гўзал мазмун берган. Юсак инсонпарварликни ўзида мужассамлаштирган ёрқин талант эгасигина шундай асар ярата оларди.

Машҳур рус романтик шоири Жуковский «Руслан ва Людмила» поэмаси нашр этилгач, Пушкинга «Ғолиб ўқувчимга мағлуб мураббийдан» деб ёзилган портретини совға қилади. Бу буюк шоир даҳосига, қайсики, устоздан ғолиб келиб ва замондан илгарилаб кетган курашчан Инсонга берилган ҳолисона баҳо эди.

Мана шунинг учун Пушкинга Россиянинг мангу, оташин шоири бўлиб қолмоқ бахти насиб этди.

БАЛИҚЧИ ВА БАЛИҚ ҲАҚИДА ЭРТАК

Ўтган чоғда денгиз бўйида
Чол ва кампир умр сурганди.
Ертўлада — эски уйида
Ўттиз уч йил бирга турганди.
Чол тўр солиб овларкан балиқ,
Кампир эса йигирар урчуқ.
Чол денгизга тўр солди бир гал,
Бақа япроқ илинди ёлғиз.
Тўр солганда чол иккинчи гал,
Илинди-ку денгиз ўлани.
Тўр солганда чол учинчи гал
Чиқиб келди бир чавоқ балиқ,
Жўн балиқмас, нақ олтин балиқ.
Олтин балиқ худди одамдай,
Тилга кириб, ёлвориб қолди:
«Қўйиб юбор денгизга бобо,
Катта тўлов тўлайман сенга.

Кўнглинг не тиласа бергайман».
Хайрон бўлди чол, қўрқиб кетди
Роса ўттиз уч йил овлади балиқ,
Аммо балиқ сўзлаганин у
Эшитмаган эди умрида.
Чол балиқни қўйиб юборди,
Шундай деди унга меҳрибон:
«Олтин балиқ, тангри ёр бўлсин,
Керак эмас менга тўловинг,
Майли тушгил зангор денгизга,
Эркин-эркин ўйнаб юравер!»
Чол қайтди-да кампир ёнига,
Айтди шундоқ қизиқ мўъжиза:
«Тутиб олдим бугун бир балиқ,
Жўп балиқмас, нақ олтин балиқ.
Балиқ тилга кириб сўзлади,
Қўп ялинди қўйиб юбор, дед.
Ўз уйига — яшил денгизга:
Қагга тўлов тўлайин деди.
Не истасанг берайин, деди
Мен олгани ботишолмадим.
Қўйвордим зангор денгизга».
Чолни қарғай бошлади кампир:
«Эй тентак чол, гўл, девона чол!
Ололмабсан балиқдан тўлов!
Ҳеч бўлмаса битта тоғора —
Сўраб олмайсанми унда сен,
Тоғорамиз тешик-ку ахир!»
Чол жўнади зангор денгизга,
Мавж урмоқда денгиз қараса,
Ҳам чақирди балиқни сувдан.
Балиқ чиқиб сўради унда:
«Нима керак сенга, чол бобо?»
Таъзим билан жавоб берди чол:
«Подшо балиқ, ҳолимга ачин,
Хўп уришди кампирим мен.
Тишчлик бермас, қариднинг демас,
Керак эмниш янги тоғора.
Тоғорамиз тешилган ахир».
Олтин балиқ айтади жавоб:
«Қайғурмагил тангри ёр бўлсин,
Боргил, янги тоғоранг бўлур!»
Чол қайтсакки кампир ёнига,
Тоғоралик бўлибди кампир.

Лекин уришди кампир баттарроқ:
 «Эй тентак чол, гўл, девона чол!
 Қир тоғора сўраб олдингми?
 Қир тоғора мол бўлармиди?
 Жуна тентак балиққа боргин.
 Таъзим қил-у уй сўраб олгин».
 Чол жунади зангор денгизга,
 (Зангор денгиз лойқаланганди.)
 Чақирди у балиқни сувдан,
 Балиқ чиқиб сўради ундан:
 «Нима керак сенга, чол бобо?»
 Таъзим қилиб, шундай деди чол:
 «Подшо балиқ, ҳолимга ачин,
 Мени кампир қарғади баттар,
 Тинчлик бермас, қаридинг демас,
 Жағи тинмас, уй сўрар нуқул».
 Олтин балиқ айтади жавоб:
 «Қайғурмагил, тангри ёр бўлсин.
 Боргил, уй ҳам бўлади насиб!»
 Ертўласи томон қайтса чол:
 Ертўладан из ҳам қолмабди.
 Мўрилари ғиштдан, оқланган,
 Эман ёғочидан ясалган —
 Дарвозали бир уй турибди.
 Уй ёнида меҳмонхона бор.
 Деразанинг ёнида эса,
 Утирибди кампир талтайиб.
 Қарғамоқда чолни баттарроқ:
 «Эй тентак чол, гўл, девона чол!
 Келиб-келиб уй сўрабсан-да!
 Жуна дарров балиқ ёнига,
 Таъзим қилгил унга сен тагин
 Қора деҳқон бўлмайман ортиқ.
 Мен бегойим бўлиш истайман!»
 Чол жунади зангор денгизга,
 (Денгиз нотинч, тўлқин урмоқда.)
 Чақирди у балиқни сувдан.
 «Нима керак сенга, чол бобо?»
 Таъзим қилиб, чол шундай деди:
 «Подшо балиқ, ҳолимга ачин.
 Кампирни жин урди баттарроқ.
 Тинчлик бермас, қаридинг демас.
 Қора деҳқон бўлмасмиш ортиқ
 У бегойим бўлиш истармиш!»

Олтин балиқ айтади жавоб:
 «Қайғурма, бор, тангри ёр бўлсин.»
 Чол қайтди-ку кампир ёнига,
 Нима кўрар? Баланд бир сарой:
 Иешайвонда турар кампир.
 Сувсар пўстин унинг эгннда,
 Бошида ҳам алвон дакана.
 Қатор-қатор инжу бўйнида,
 Қўлларида олтин узуклар,
 Оёғида қирмизи этик.
 Атрофида оқсоч хотинлар,
 Қоқ ўртада кампир турарди.
 Сочларидаи судраб урарди.
 Кампирига сўз қотди чол:
 «Салом, аслзода бегойим,
 Қўнглинг энди тўлди, шекилли?..»
 Кампир унга ўшқирди баттар.
 Отхонада ишлашга солди.
 Ўтди ҳафта кетидан ҳафта.
 Кампир тағин минди қаҳрига
 Балиқ томон йўллади чолни:
 «Тез бор, таъзим қилгил балиққа!»
 Ортиқ мен бегойим бўлмайин,
 Подшо хотин бўлиш хоҳлайман».
 Қўрқиб кетди чол, шундай деди:
 «Эшакмия едингми, кампир?
 Юриш-туриш нима, билмайсан.
 Подшолик масхара бўлдимми?»
 Кампир баттар минди қаҳрига,
 Чол юзига тарсаки урди:
 «Қора деҳқон, қандай ботиндинг,
 Ким қўйибди сенга сўз айтмоқ.
 Менга — мендай бегойимга-я?
 Яхшиликча жунаб қол дейман
 Жўнатгайман боғлаб бормасанг».
 Чол денгизга қараб йўл солди.
 (Зангор денгиз қора ранг олди.)
 Чақирди у балиқни сувдан,
 Балиқ чиқиб сўради ундан:
 «Нима керак сенга, чол бобо?»
 Таъзим қилиб, сўз айтади чол:
 «Подшо балиқ, ҳолимга ачин,
 Кампир тағин бошлади ғавғо
 Бўлмас эмиш ортиқ бегойим,
 Бўлар эмиш эркин малика!»

Олтин балиқ беради жавоб:
 «Қайғурмагил тангри ёр бўлсин,
 Майли кампир бўлар малика».
 Чол қайтади тез кампир ёнига,
 Қарасаки шоҳона қаср.
 Қаср тўрида кўринар кампир —
 Ўтирарди малика бўлиб,
 Хизматида беклар, амирлар,
 Асл шароб қуйиб бермоқда
 Ҳам малика қуймоқ емоқда.
 Атрофида талай ясовул,
 Ёлкаларда ойболталари,
 Ураб турар жуда баҳайбат.
 Буни кўриб қўрқиб кетди чол
 Ва сўз айтар етти букилиб:
 «Савлатли малика, саломалайкум!
 Шояд энди тўлгандир кўнглинг?»
 Қайрилиб ҳам боқмади кампир.
 Тез ҳайданг деб буюрди, холос.
 Сакраб турди беклар, амирлар,
 Чолни судраб, ҳайдаб солдилар.
 Ясовуллар эшнқ ёнида
 Сал бўлмаса чона ёздилар.
 Мазах қилиб қолди оломон:
 «Қилиғингдан топдинг, нодон чол!
 Бундан кейин бўлғуси сабоқ:
 Ўз кўрпангга қараб чўз оёқ!»
 Ўтди ҳафта кетидан ҳафта.
 Кампир баттар минди қаҳрига.
 Эрин излар чопар юбориб,
 Чолни топиб келдилар ахир.
 Кампир шундай деди чолнга:
 «Жўна тагин балиқ ёнига,
 Таъзим қилиб, ўтингил дарров.
 Бўлмагайман ортиқ малнка
 Денгиз шоҳи бўлиш истайман.
 Денгиз — океанда яшайман.
 Хизматимда турсин балиқ ҳам,
 Балиқ бўлсин менга хизматкор».
 Ботинолмас сўз айтишга чол,
 Бўла олмас кампир сўзини.
 Тагин борди зангор денгизга,
 Қора қуюн кўрар денгизда,
 Тўлқинлар ўшқирай ғазабкор,
 Ҳам тўлғанар, ҳам увлар тинмай.

Чол чақирар балиқни сувдан:
Балиқ чиқиб сўради ундан:
«Нима керак сенга, чол бобо?»
Таъзим қилиб унга айтар чол:
«Подшо балиқ, ҳолимга ачин!

Жонга тегди, лаънати кампир.
Ортиқ бўлмас эмиш малика,
Денгиз шоҳи бўлиш истармиш
Ва денгизда яшаш истармиш.
Сен ҳам борармишсан хизматга,
Бўлармишсан унга хизматкор».
Битта сўз ҳам демади балиқ,
Сувга уриб думичи фақат
Ғойиб бўлди денгиз тагига.
Жавоб кутиб турди шўрлик чол.
Узоқ қолиб денгиз бўйида...
Қайтди кампир ёнига ахир.
Кўрса тағини ўша ертўла.
Бўсағада ўтирар кампир,
Қаршисида — тешик тоғора.

НИКОЛАЙ АЛЕКСЕЕВИЧ НЕКРАСОВ

(1821—1878)

Таниқли рус адиби Николай Алексеевич Некрасовнинг болалик йиллари Волга бўйларида — ўзи туғилиб ўсган жойларда ўтган эди. Шоирнинг ёшлик тарбиясида оқила онасининг роли катта бўлган. Шу боис у кейинчалик «Она» поэмасини онасига бағишлаб ёзган эди. Ўғлининг деҳқон болалари билан ўйнаши, яйраб юришини хоҳлаган она — Елена Андреевна бўлажак шоирнинг халқпарварлик руҳида тарбияланиб ўсишига муносиб ҳисса қўшган эди.

Бугина эмас, Некрасовнинг энагаси ҳам деҳқон ҳаёти ва халқ ижоди руҳи билан суғорилган ажойиб эртаклар айтиб, бўлажак шоир ҳаёлини қанотлантирар эди. Шу-шу Некрасов эртакларни жуда севиб қолди. Ўз Ватанининг дала ва ўрмонларига, қор ва совуқларига, баҳорги «яшил шовқинига» муҳаббат боғлади.

Некрасов деҳқон болалари билан ҳаммиша ҳамнафас бўлганлиги учун довюрак, ботир ва жасоратли бола бўлиб ўсди. Бўлажак шоир 10 ёшга тўлганда уни Ярославль гимназиясига ўқишга беришади. Ўқитувчилар

билимга ҳавасманд, истеъдодли болага дуруст сабоқ бера олмадилар. Натижада у гимназияни ташлаб, мустақил ўқишга берилиб кетади. Отаси унинг офицер бўлиб етишишини истар эди. Шунинг учун ҳам уни Петербургдаги кадетлар корпусига ўқишга юборади. Лекин илм-фан чуққиларини эгаллашга интилгани туфайли Петербург университетига ўқишга киради. Аммо отаси ўғлининг ўзбошимчалигидан тажанг бўлиб, моддий ёрдам бермай қўяди. Бироқ мақсад йўлида собитқадам Некрасов моддий маҳрумликлар шароитида яшаш ва олға ҳаракат қилишга интилади. Ана шу йилларда оддий одамлар турмуши оғир эканлигини сезади ва умрининг охиригача улар ҳақида тўлиб-тошиб куйлайди.

Буни биз шоирнинг болаларга бағишлаб ёзган асарларида айниқса яққол кўрамиз. «Деҳқон болалари», «Ўзи митти — жуда миқти», «Болалар йиғиси» каби шеърларида болаларнинг турли-туман юмушларни бажариб, тирикчилик қилганликларини, уларнинг меҳнаткаш табияти ва оғир қисматини чуқур хайрихоҳлик билан ифодалайди. Эндигина олти баҳорни кўрган боланинг катталардек фикр юритиши кишини ҳайратга солади:

Нонхўрлар етгулик, ишловчи кам,
Фақат икки эркак: отам билан ман!

Некрасовнинг шеърлари гўзал, оҳангдор, мазмунан бой ва айни замонда содда тилда ёзилгандир.

Некрасов ўзининг дам олиш кунларида кўпинча Кострома, Ярославль, Новгород ўрмонларига борар, ов қилиш билан кунини ўтказар эди. Кострома ўрмонининг Малие Вежи деган қишлоғида яшовчи Мазай бобо унинг энг яқин дўстларидан бири эди. Шоир Мазай бободан кўп ажойиб вўқеаларни мароқ билан эшитади. Шулар асосида «Мазай бобо ва қуёнлар» номли шеърини ёзади.

Некрасовнинг тасвирлашича, оддий овчи Мазай бобо гўё ўрмон ҳокими. У қушлар ва йиртқич ҳайвонларнинг яқин дўсти.

Некрасов ишламай тишлайдиганларни ёмон кўради. Уларни ўз асарларида қаттиқ қоралайди. Чунончи, «Дарахт кесиш», «Ховли қароли қўшиғи» каби шеърлари фикримизга далил бўла олади.

«Дарахт кесиш»да халқ бойлиги — ўрмонларни шафқатсизлик билан кесиб юборилишини қаламга олади. Бирорта помешчикка пул керак бўлиб қолса, ўрмонни сотиб юбориши, пулдор бой эса ўрмонни таг-туғи билан кесиб юбориши ҳеч гап эмас, у зумрад ўрмонларнинг камайиб кетишидан шоир сингари қайғурмайди. Шунинг учун Некрасов:

Бир вақтлар асрий ўрмонлар
Шовиллаган катта майдонлар,
Энди ўша бепоен бўстон
Бўм-бўш, жимжит — гўё қабристон!—

деб алам чекади. «Темир йўл» номли шеърида Петербург билан Москва ўртасидаги темир йўл қурилишида Россиянинг турли шаҳар ва қишлоқларидан ҳайдаб келтирилган ишчи ва деҳқонларнинг аламли ҳаёти Ваня деган болага ҳикоя қилиб берилади. Бунинг билан Некрасов ёш авлоднинг диққат ва эътиборини замоннинг муҳим ижтимоий масалаларига — халқнинг кучи ва қудратига тортди, уни чуқур тушунишга, ўйлашга ундайди.

Шоир Волга дарёсига муҳаббат билан муносабатда бўлади:

Эй, сен, халқнинг тўйғизувчиси,
Баракали, муқаддас дарё!

Шоир «Бўлажак Волга» шеърида рус халқининг ёрқин истиқболига ишонч ҳисларини дилга жо этади:

Отиб қуллик кишанларини,
Чарчаш билмас халқим мардона,
Қирғоқдаги қақроқ чўлларни,
Айлантирар боғ-у бўстонга.
Сув қудрати фан билан ортар:
Шунда дарё сатҳида ётиб,
Сон-саноқсиз ва қатор бўлиб
Сузар бундан гигант кемалар.
Мангу яшар шу бардам меҳнат
Мангу дарё устида ҳар вақт...

Улкан санъаткорнинг ижоди поёни йўқ бир денгиз каби туюлади, кишига. Унга бизнинг ҳам меҳр-ва ихлосимиз чексиздир.

ЕРЕМУШКАНИНГ АЛЛАСИ

«Тўхта, ямшик, кун иссиқ жуда.
 Бўғилгудай одам нафаси».
 Қўрмайсанми, ўроқ вақтида,
 Пичанзорда қишлоқ ҳаммаси.
 Ҳовлисида, айвон тагида
 Ўлтиради энага ёлғиз.
 Беланчақини тебратар аста
 Ва ўзи ҳам мудрар юмиб кўз.
 Зўрға-зўрға чиқар овози,
 Эснар оғзини очиб баралла,
 Мен ёнига бориб ўлтирдим,
 Кампир мудраб айтарди алла:
 «Узоқ даврон сурайини десанг,
 Бадавлат бўл, хотиринг жам қил,
 Бушинг учун етимчам, бўтам,
 Хушомад қил, бошингни ҳам қил.
 Ўзни паст тут, хору ҳасдан ҳам.
 Тубанроқ қил, ўғлим, бошингни,
 Шояд етакласа улуғлар,
 Шояд артса кўзда ёшингни,
 Амалдорлар билан ҳамма вақт
 Дўстлашарсан, бирга юрарсан.
 Ёш ва танноз хонимлар билан
 Ўйнаб-кулиб умр сурарсан.
 Эркинликда турмушнинг ўтар
 Қувноқ, ғамсиз қуриб тантана».
 «Э-ҳа, алланг бемаза экан,
 Гўдагингни бер менга, эна!»
 «Ол, жонгинам, ўзинг қаердан?»
 — Шаҳарданман, ўткинчи меҳмон.
 «Ма ол, тебрат, бир нафас мен ҳам,
 Мизғиб олай... Куйлагин ўғлон,
 — Нега айтмай, айтаман, эна.
 Сеникига ўхшамас, аммо,
 Ўзим севган ўланларим бор:
 «Алла, қўзим, алла-аллаё!
 Лаънат сенга, доно ҳаётини
 Ялқовликка судрагувчиси,—
 Сенга-сенга, э, аҳмоқларнинг —
 Фаросатин кир тажрибаси!
 Биз туғилган бу она юртнинг
 Тупроғига тушганича йўқ;
 Тоза ҳаёт ва кишига хос

Мўл ҳосилли бирорта уруғ.
 Энди, сенчи, ўз ёшлигининг
 Қўнларидан қувват ол, сўлма.
 Бахтиёр бўл, янги одам бўл,
 Эски шаклларга, қуюлма!
 Ҳаёт эркин, шод бўлсин десанг,
 Унга жўшқин юрак билан кир,
 Қишилиқнинг амалларига
 Қўкрагингдан тўлдириб жой бер.
 Шулар билан сен туғилгансан,
 Меҳрингни қўй, дилнигда сақла.
 Булар: Дўстлик, Тенглик, Озодлик —
 Деб аталар — шуларни ёқла!
 Сев уларни! Унга хизмат қил,
 Сўнг дамгача интил — қучоқ оч!
 Бундан олний мақсад йўқ, гўё —
 Йўқдир бошқа порловчи гултож.
 Шунда, иним, гўзал Ватанда
 Нодир ва зўр одам бўлурсан,
 Хушомадгўй бир маҳлуқ бўлсанг,
 Унга талай зарар берурсан.
 Бебошроқ ҳам эзувчи, ваҳший —
 Золимларга қўрқмай душман бўл,
 Таъма қилмай, улуг меҳнатга
 Ишончинг бер ва гайратга тўл.
 Шу муқаддас ҳуқуқ ва ишонч —
 Билан бу оламга боқарсан.
 Адолатсиз ҳаёт устида
 Гуруллатиб чақмоқ чақарсан...
 Ана шунда... бола уйғониб,
 Бирдан қаттиқ йиғлаб юборди,
 Энага ҳам чўчиб кўз очиб,
 Чўққинди-ю гўдагини олди.
 «Ма, жонгинам, ма, ол маммангни,
 Қориниғ тўқми?...» деб, боласини —
 Овунтириб, бошлаб юборди
 Бир оҳангда ўз алласини...

БОЛАЛАР ЙИГИСИ

Ҳаёт курашида ҳалок бўлганлар —
 Қарғинини тинглайсиз печун хотиржам?
 Дўстлар! Тингланг, унга қўшилиб келар
 Шўрли болаларнинг оҳи-зори ҳам.

«Ёшликнинг энг ноёб олтин чоғида
 Қандайки жонлик бор — яшар бахтиёр.
 Меҳнат нима билмай ҳаёт боғида
 Яшар қувноқ, ҳамда беозор.
 Фақат бизга насиб бўлмади шундай
 Дала, адирларда ўйнамоқ, кулмоқ.
 Қисмат: фабрикада кун бўйи тинмай
 Ғилдирак бурмоғу, бурмоғу, бурмоқ!
 Тинимсиз айланар чўян ғилдирак;
 Гувуллаш шамоли, кўнгил айнитар,
 Бошинг мисдек қизир, тез урар юрак.
 Кўз тиниб, бор нарса чарх уриб кетар;
 Кўзойнак остида таъқиб этади.
 Шўртумшук кампирнинг ёвуз кўзлари,
 Ҳаттоки, бу жойда учган пашшалар,
 Эшиклар, деворлар, ойналар — бари.
 Ғазабимиз тошиб, сўнг қичқирамиз:
 — Тўхта эй, даҳшатли сабил ғилдирак!
 Фурсат бер, чарчадик, ҳсридик, ожиз —
 Эсу ҳушимизни йиғмоққа андак!
 Йиғлашу ёлбориш фойдасиз — бекор,
 Ғилдирак эшитмас, раҳм этмас, билмас.
 Ўлсанг ҳам лаънати айланар такрор.
 Ўлсанг ҳам гувиллар, гувиллар, тинмас!
 Биз эрксиз, қийналган бечораларга
 Қани шўхлик билан қувнашлик, шодлик?
 Юборсалар эди бизни қирларга,
 Утларга ағанаб, ухлаб кетардик.
 Аввал уйга кетсак эди ва тезроқ,
 Лекин, уйда не бор, қандай кўргилик?
 Уйда ҳам топилмас ҳаловат бироқ.
 Бизни кутиб олар очлик, йўқчилик:
 У ерда чарчаган — ҳорғин бош билан
 Она кўкрагига ташланиб зор-зор
 Нолиб бу қисматдан, аччиқ ёш билан,
 Унинг юрагини эзамиз такрор...»

ЛЕВ НИКОЛАЕВИЧ ТОЛСТОЙ

(1828—1910)

Рус болалар адабиётининг тараққиётида Л. Н. Толстой катта роль ўйнади. Болалар учун асарлар ёзиш ҳар бир қаламкашнинг фуқаролик бурчи деб билган педагог-адиб ижодда кўп нарсаларга эришди.

Толстой 1859 йилдан эътиборан ўз она қишлоғи Ясная Полянада мактаб очиб, муаллимлик қилар экан, ўқувчилару ўқитувчилар учун дарслик ва қўлланмаларнинг йўқлигини, борлари ҳам бугунги кун талабларига яхши жавоб бера олмаслигини тажрибадан ўтказди. Эндигина савод чиқариш ишига киришган болаларга мос эртақ, ҳикоя, шеър, масал ва ҳикоялар дарсликларда ўз аксини топиши даркор, деб тушунди ва бу хайрли ишга қўл урди.

Дарслик жуда қийинчилик, оғир ижодий меҳнат билан 1872 йилда «Алифбе» номи билан нашр этилди. Деҳқон болаларига мўлжалланган бу китоб алифбедан ташқари, русча ўқиш учун тўрт китоб, славянча ўқиш учун тўрт китоб, арифметика ва муаллим фаолиятдан ташкил топган эди. Бу дарслик ҳам болаларга ҳеч қандай енгиллик бермади. Айниқса, бадий асар кўп бўлса-да, китобда давр, замон руҳи деярли йўқ эди. Шу сабабларга кўра педагог-олим қаттиқ танқидга учради. Заҳматкаш адиб танқидлардан тўғри хулоса чиқаради. Ўлоғи борича меҳнат аҳли болаларига ўқимишли, таъсирли, энг муҳими уларнинг саводини чиқаришга мўлжалланган «Янги алифбе» ва унга қўшимча қилиб «Рус тили ўқиш китоби»ни 1875 йилда нашр эттиради. Бу китоб учун адиб юздан зиёд ҳикоя, эртақлар ёзади. «Ўч айиқ», «Филиппок» лар шулар жумласига қиради. Адабий жамоатчилик ва педагоглар асарни зўр мамнуният билан қабул қиладилар. Бу китоб ҳар томонлама болаларга мос тушади. Толстой китоб ҳақида: «Мазкур «Алифбе» ҳақидаги орзуларим рўёбга чиққанидан, уни рус болаларининг икки авлоди ўқиб, дастлабки поэтик завқни шу китобдан олишларидан фахрланаман. Бу китобга ҳаммасидан ҳам кўп меҳнат ва муҳаббатимни жо қилдим, у ҳаётимнинг муҳим саҳифаси бўлишига аминман»,— деб ёзган эди.

Бу дарслик қайта-қайта босилди. Ҳатто, 1921 йилда ҳам унинг сўнгги нашри чоп этилади.

Толстойнинг ҳар бир асари турмушнинг, болалар ҳаётининг бир томонини очиб беришга қаратилиши билан муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳаётни, болаларни қаттиқ севган ва унга меҳр-оқибати жуда катта бўлган адиб кичикинтойларга қарата ёзилган ҳар бир катта-кичик асар ҳаётий бўлишини истайди ва ўзининг бу қарорига бутун ижоди давомида содиқ қолади.

Толстойнинг болаларга бағишлаб ёзган барча кат-

та-кичик асарларида оддий инсон образи кўзга яққол ташланиб туради. Бунинг исботи тариқасида адибнинг бир қатор асарларига назар ташлаб ўтишга тўғри келади. Бир боғбон болалари ишёқмас, ялқов бўлиб ўсаётганликларидан қаттиқ изтироб чекади. У ўлими олдидан ўғилларимни бир алдасам, зора ишлаб ўзларида меҳнат кўникмаси ҳосил бўлса, деган ўй-хаёл билан: «Болалар, мен ток тагига олтин кўмиб қўйдим, уни менидан кейин қазиб олинглар», деган ғояни «Боғбон ва болалар» ҳикоясида жуда қойил қилиб ёзади.

Кўчат экиш, боғ қилиш жуда оғир ва машаққатли иш. Бу боғбондан оғир меҳнат, сабр-тоқат талаб этадиган иш. Боғбон ўзи учун боғ қилмайди, балки болачақаси, эл-юрт учун, қолаверса келажак авлод учун кўчат экади. Шу нуқтан назардан адибнинг «Мўйсафид олма экди» ҳикояси диққатга лойиқдир.

«Кекса берилиб кўчат ўтқазар эди. Одамлар унинг кексалигидан ва қилаётган ишидан кулиб:

— Сизга олма экиш нега керак бўлиб қолди. Бу дарахт ўсиб вояга етгунча бу дунёда яшайсизми ёки йўқми?— дейишди.

— Мен олмасини емасам ўзгалар ейишади ва менга раҳмат дейишади. Нима бўлганда ҳам олмани экканим фойда»,— дебди.

Толстой очкўз, фақат ўз манфаатларини ўйлайдиган баъзи одамларни кўпгина асарларида танқид қилади, уларнинг устидан очикдан-очик кулади. «Одамга қапча ер керак?» деган ҳикоянинг сарлавҳасини ўқиган одам ҳайрон бўлиб қолади. Ростдан, одамга қанча ер керак? Фомага мулкдор ер беради. «Бугун қанча ўлчасанг, ҳаммаси сеники»,— дейди. Фома югуриб-елиб, одимлаб кун бўйи ер ўлчайди. Ахийри, очлик ва чарчагипдан йиқилади-ю жон беради. Адиб Фома чўзилиб ётган ерни кўрсатиб, одамга икки метр ер керак бўлади, холос, дейди.

Толстой асарлари орасида ҳайвонлар, жониворлар, паррандалар ҳақида ҳам ёзилганлари кўп. Дўстлик, биродарлик, дўстга садоқат, меҳр-оқибат нафақат одамлар ўртасида, балки ҳайвонлар ўртасида ҳам мавжуд эканлигини биз адибнинг «Арслон билан ит» ҳикояси мисолида билиб оламиз.

Толстойнинг болаларга бағишлаб ёзган асарлари жуда кўп. Муҳими шундаки, бу асарлардан ҳам ўқитувчилар, ҳам ота-оналар баб-баравар фойдаланишлари

мумкин. Улар бир томондан дарс материални ооинтса, иккинчи томондан ота-оналар ва тарбиячиларнинг болалар билан қиладиган тарбиявий суҳбатларида қўл келиши мумкин.

Толстойнинг «Болалик», «Кавказ асири» каби повестлари ҳам болалар севиб ўқийдиган асарлар сирасига киради.

Л. Толстойнинг ибратли ҳикоя, эртақ ва масаллари ҳозирги кунда ҳам ўзининг бадий ҳамда тарбиявий кучини йўқотган эмас. Унинг бу мавзудаги асарлари қатор дарслик ва мажмуаларга кирган, алоҳида китоб ҳолида ҳам чоп этилган.

И К К И Ў Р Т О Қ

Икки ўртоқ ўрмонда кетаётган эди. Олдиларидан бир айиқ чиқиб қолди. Улардан бири қочиб, дарахтга чиқиб бекинди, иккинчиси эса йўл устида қолди.

У нима қилишини билмай, узала тушиб ётиб олиб, ўзини ўликка солди. Айиқ унинг ёнига келиб, ҳидлай бошлади. Шунда у нафас олишдан ҳам тўхтади.

Айиқ уни ҳидлади-да, ўлик деб гумон қилиб, қайтиб кетди.

Айиқ кетгандан сўнг шериги дарахтдан тушди ва кулиб сўради:

— Хўш, айиқ қулоғингга нима деди?

— Айиқ менга: «Хавфли пайтларда ўз ўртоғини ташлаб кетадиганлар — ёмон одамлар»,— деб айтди.

С О Қ Ч И М У Ш У Қ

Боғда бир неча чумчуқ боласи сакраб ўйнаб юрар эди. Она чумчуқ дарахтнинг баланд шохига қўниб, йиртқич қушлар келиб қолмасин деб, зийраклик билан қараб турар эди.

Узоқдан қароқчи қирғий учиб кела бошлади. У майда қушларнинг ашаддий душмани. Қирғий астагина товушсиз учиб келарди.

Бироқ она чумчуқ ёмон ниятли қирғийни дарров кўрди ва кузата бошлади.

Қирғий жуда ҳам яқинлашиб қолди. Она чумчуқ қаттиқ чирқиллади, шунда ҳамма чумчуқ болалари дув этиб учиб, шохлар орасига бекинди ва товуш чиқармай жим турди.

Она чумчуқнинг ўзи шохда қимирламай, кўзини қирғийдан узмай қараб турди.

Қирғий она чумчуқни кўриб қолди. Қанот қоқиб, чангалларини очиб, она чумчуқ томонга ўқ каби отилди.

Она чумчуқ эса ўзини дарров шохлар орасига олди. Қирғийнинг ҳаракати бекор кетди, қирғий атрофга аланглаб қарай бошлади, жаҳли чиқди, сариқ кўзлари олов каби ёнди. Кейин қанотларини қоқиб, узоққа учиб кетди.

Она чумчуқ аввалги шохга яна қўниб олди-да, шодлик билан чириллай бошлади.

Шохлар орасидан чумчуқ болалари яна дув этиб учиб чиқди ва боғда сакраб юра бошлади.

ҚИЗЧА ВА ҚЎЗИҚОРИН

Иккита қизча қўзиқорин кўтаришиб, уйга қайтар эдилар. Улар темир йўлни босиб ўтишлари керак эди.

Қизчалар: «Паровоз ҳали узоқда» деб ўйлаб, икки из ўртасидан юриб боравердилар.

Бирдан паровоз вишиллаб келиб қолди.

Каттароқ қизча орқага қараб қочди, кичкинаси эса темир йўлдан олдинга қараб югуриб кетди.

Опаси синглисига қараб: «Орқангга қайтма!» деб қичқирди. Лекин паровоз жуда яқинлаб қолган эди, шунинг учун ҳам синглиси опасининг сўзини фаҳмламай қолди, у «Орқангга қараб қоч» деяпти деб ўйлади-да, орқага қараб қочди ва қоқилиб кетиб, қўзиқоринларни сочиб юборди, кейин уларни тера бошлади.

Паровоз жуда яқинлашиб қолган, машинист зўр бериб ҳуштак чалар эди.

Опаси «Қўзиқоринларни ташла» деб қичқирди. Синглиси бўлса опаси қўзиқоринларни териб ол деяпти, — деб ўйлаб, йўл устида ўралаша берди.

Машинист паровозни тўхтата олмади. Паровоз қаттиқ ҳуштак чалиб, қизчанинг устига юриб кела бошлади.

Опаси дод солиб йиғлай бошлади. Йўловчиларнинг ҳаммаси вагонларнинг деразаларидан бошларини чиқариб қарадилар. Кондуктор бўлса қизчага нима бўлганини билиш учун поезднинг охирига қараб югурди. Поезд ўтиб кетгандан сўнг, қизчанинг икки из ўртасида бошини ерга эгиб, қимирламай ётганини кўрдилар.

Поезд анча нари кетгандан кейин қизча бошини кўтарди ва тиз чўкиб қўзиқоринларини терди-да, опасининг олдига чопиб борди.

КОРНЕЙ ИВАНОВИЧ ЧУКОВСКИЙ

(1882—1969)

Рус болалар адабиётининг улкан даҳоларидан бири Корней Чуковский йирик ёзувчи, шоир, таниқли олим, моҳир таржимон сифатида танилган сўз устаси эди. У ўз асарларида болаларга хос ажойиб хислатларни — раҳмдиллик ва инсонийлик, дўстлик ва биродарлик, ёвузликка нисбатан шафқатсизлик, ватанпарварлик каби фазилатларни тарғиб этади. К. Чуковский болалар учун асарлар яратиш, ижод қилишни ўзи учун катта бахт деб билди.

Кичкинтойлар ва уларнинг адабиётини умр бўйи ардоқлаган Корней Чуковский 1882 йилда Петербург шаҳрида дунёга келди. Тез орада Чуковскийлар oilаси Одессага кўчади. Бу ерда она минг машаққат билан ўғлини гимназияга жойлайди. Бу бахт узоққа чўзилмайди. «Ошхона хизматчисининг ўғли» бўлганлиги учун К. Чуковский гимназиядан ҳайдалади.

Корней oilага кўмаклашиш, тирикчилик ўтказиш мақсадида турли юмушларни бажаришга мажбур бўлади. Шунга қарамай, у бўш вақтларида мустақил ўқишга, Пушкин, Некрасов, Чехов асарларини мутлоаа қилишга ҳаракат қилади.

Чуковскийнинг дастлабки «Санъат нима?» мақоласи 1901 йилда «Одесские новости» газетасида босилиб чиққан. 1903 йилда у газета муҳбири сифатида Англияга боради. Лондонда хизмат қила бошлайди. Лекин бу ердаги фаолияти узоқ давом этмайди. Газета унга маош тўламай қўяди. У Британия музейига ишга кириб, тирикчилик ўтказишга мажбур бўлади.

1905 йилда К. Чуковский Одессага қайтиб келади ва бу ерда «Сигнал» деган журнал чиқара бошлайди. Журнал саҳифаларида чор ҳукумати сиёсатига қарши материаллар босилганлиги учун уни суд қилишади.

Кейинги йилларда у болалар адабиёти билан машғул бўлади, болалар адабиёти тўғрисида кўплаб мақолалар ёзади. 1907 йилда «Болалар тили» асари майдонга келади.

К. Чуковский дастлаб А. М. Горький ҳикоя қилиб берган сюжет асосида бугунги кунда ўз аҳамиятини йўқотмаган бадиий бақувват «Тимсоҳ» эртагини ёзди. 1918 йилда эса «Арча» номли тўплами босилиб чиқди.

Уша йили «Жаҳон адабиёти» нашриётига ишга кирди. 1919 йилда Н. А. Некрасов асарларининг тўла тўпламини нашр эттирди. Шу йилларда унинг машҳур «Мой-додир», «Суваракхон» эртаклари, «Кичик болалар» китоби босилиб чиқди.

«Пашша — хархаша», «Бармалей», «Телефон», «Фёдора ўтказган алам», «Ўғирланган қуёш», «Доктор Войжоним» асарлари Корней Чуковскийнинг номини оламга ёйди, китобхонлар ҳурматини қозонди.

Корней Чуковскийнинг эртақ-поэмаларида эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси, бахт, ёрқин ҳаёт сари кескин кураш бўртиб туради. Масалан, шоирнинг «Мой-додир» асарида болаларнинг одобли, озода, ҳар донм тўғри сўз бўлиши ва тозалikka риоя қилиш мавзуси илгари сурилган.

Асар қаҳрамони қатор фазилатларга лойиқ. Лекин бир айби бор, фақат кир-чир юради. Шунинг учун бир куни унга хизмат қилувчи барча нарсалар иш ташлайди, ундан юз ўгириб қочиб кетишади. Бола воқеага тушунмай, хафа бўлиб турганида жонига юз-қўл ювгич оро киради.

Еш китобхон ҳайвон, жонивор ва ҳашаротлар ҳақидаги воқеа-саргузаштларни севиб ўқийди. К. Чуковскийнинг «Суваракхон» асари ҳам кичкинтойларнинг сеvimли асарларидан ҳисобланади. Асарда шоир ҳайвон, ҳашарот ва йиртқичларнинг тузилишлари, феъл-атворлари, доvюраклик ва қўрқоқликлари тўғрисида баҳс юритади:

Шўрлик, бахтсиз ҳайвонлар,
Бўкириб, додлаб йиглар!
Ҳар бир уяда
Ғору қияда —
Очкўз ёвга
Тиз чўкар.

Ана шундай вазият туғилиб турган бир пайтда пайдо бўлиб қолган чумчуқнинг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги, чаққонлиги қўл келади, у суваракни тириклайин ютиб юборади. Шу зайлда чумчуқ ўрмону қуруқликда яшайдиган қушлар, жониворлар, ҳайвон ва йиртқичларни озодликка, эркка, бахтли ва тотли ҳаётга олиб чиқади. Бу воқеа эса болаларнинг эстетик дидларини оширади, ҳайвонот оламига нисбатан қизиқишларини шакллантиришда, она Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатларини камол топтиришда етакчи омил ҳисобланади.

Шоирнинг «Пашша-хархаша», «Телефон», «Фёдора ўтказган алам», «Ўғирланган қуёш», «Филниса китоб ўқир», «Қирпилар кулади» сингари асарлари ҳам болалар учун мароқлидир. «Доктор Войжоним» асари бир умр болаларга шодлик—қувонч бағишлаб келмоқда. Войжонимнинг оққўнгиллиги, меҳрибонлиги, жонкуярлиги, ҳайвонлар билан иноқ, дўстлиги ибратомуз чизиб берилган.

Корней Чуковский севимли шоир, талантили адиб, шунингдек, йирик адабиётшунос олим бўлибгина қолмай, билимдон таржимон ҳам эди. Унинг «Иккидан бешгача» номли машҳур тадқиқотида кичик ёшдаги болалар характер хусусиятлари нутқи ва руҳияти хусусида қизиқарли ҳаётий маълумотлар берилади.

Улкан сўз санъаткори Корней Чуковский болалар қалбини тўлқинлантирадиган, ҳаяжонга соладиган китоблар муаллифи сифатида ҳурматга сазовор. Эъзозли муаллифнинг умри, босиб ўтган ҳаёт йўли ҳам худди китоблари сингари эъзозланади.

М О И Д О Д И Р

Тўшагим
Кочиб кетди.
Чойшабим
Улиб кетди.
Ёстиқ бўлса
Бақадай
Ҳаккалаб шошиб кетди.
Мен шамни қувиб қолдим.
Кочди печка ичига!
Китобимга қўл солдим,
У—каравот тагида!
Менинг чой ичгим келди.
Чопдим самовар томон.
Ишиллаб жўнаб қолди
Ўгдан қочгандай чаққон.
Нима бўлди?
Қандай гап?
Айланишиб
Учмоқда?
Бир-бир чопиб
Ўнгдан-чап,

Юмалашиб
Тушмоқда?
Дазмол —
этик ортидан
Этик —
сомса кетидан,
Сомса —
дазмол,
Қосов —
кўмир кетидан.
Учишар худди қуюн,
Бари ўмбалоқ ошар.
Нима гап?
Нима учун
Ҳаммаси мендан қочар?
Онам уйдан шу чоқ
Умивальник чиқади.
Оёғи чўлоқ, маймоқ,
Сўзларкан, бош
чайқади:

— Эҳ, сен кир босган
бола.

Ифлос бетинг —

ювиқсиз,

Афтинг кўмирдек қора

Кўр ўзингни, эҳ, эссиз!

Бўйнинг бўёқ, қора ёғ

Қўлларинг ундан ўтган.

Оғиз-бурнинг куя-доғ,

Қасмоқ, кир босиб кетган.

Хатто қочади сендан

Кийим-бошинг,

чолворинг.

Нега бундай бўлдинг сен,

Борми ҳеч номус-оринг?

Сичқончалар тонг эрта

Тўришар, ювинишар,

Мушукчалар шу пайтда

Юз юиб, севинишар —

Ювинар қўнғизлар ҳам,

Қурт-қумурсқа ҳаммаси.

Битта ювиқсиз—беғам

Сен қолибсан чамаси...

Шунинг учун қочади

Сендан этик ҳам пайпоқ,

Айланишиб учади

Ёндашмай дўппи,

қалпоқ

Мен—улуғ Умивальник

Машҳур отим—

Мойдодир,

Шуларга мен

Начальник,

Мочалкага Командир!

Агар тепинсам, сўсиз,

Аскарларим келажак.

Бир нафасда ювиқсиз

Адабингни беражак.

Бўкирар, қичқаришар,

Ер тепишар уйингда.

Бошинг жомга тиқишар,

Қўйишмас шу куйингда.

У мис жомга бир урди

Қичқирди: «Қора —
бароз!»

Чўткалар тез югурди

Мен томон, ўтмай бир оз.

Ювинг, ювинг, ювинг тез,

Ювамиз, бўлсин тоза.

Кирланган қора

қўнғиз —

Бўлсин оппоқ, покиза.

Қирс-қирс қирсиллашар,

Ишқалашар қўймасдан.

Чирс-чирс чирсиллашар,

Тарсакини олмасдан.

Совун ҳам сакраб турди,

Сочга илашиб олди.

Қўпиртириб танга урди,

Аридай чақиб қолди...

Қутирган мочалкадан

мен

Калтакдан қочгандай

қочдим,

У қувиб қолди кетимдан,

Эшикдан ўмбалоқ ошдим.

Ташлаб юбордим

ўзимни,

Боғчанинг панжарасидан,

У бўлса, юзу кўзимни

Тишлар бўри боласидай,

Бирдан менинг яхши

кўрган

Дўстим тимсоҳ, учраб

қолди.

Ўғли, қизи бирга экан,

Мочалкани тутиб олди.

Ўғлининг оти Тўташ

бой,

Қўлтиғида бирга ўтди,

Қизининг оти Қўкашой,

Тимсоҳ мочалкани ютди.

Кейин бақириб қолди-ку,

Менга, у,

Депсиниб шовқин

солди-ку,

Менга у,
 «Тезроқ уйингга жўнаб
 қол!»
 Деди у.
 «Юзинг ювиб тозалаб ол!»
 Деди у.
 «Бўлмаса, сийлаб
 қўяман!»
 Дер менга.
 «Тепкилаб, ямлаб
 ютаман»
 Дер менга.
 Кўча бўйлаб югурдим
 мен.
 Гўгри уйимга.
 Умивальникка келдим
 мен,
 Унадим унга
 Совун кўпиртира
 бошладим.
 Ювиндим сўнгсиз
 Доғ, кирни ювиб
 ташладим,
 Бўлдим оппоқ юз,
 Чолвор сакраб кела
 қолди,
 Қўлларимга қўниб олди.
 Сомса келди орқасидан,
 Деди: «Мени енг
 ўртоқжон!»
 Ундан сўнг ёғлиқ нон
 учди,
 Оғзим очдим, келиб
 тушди.
 Китобим ҳам келди
 қайтиб,
 Дафтарим билан
 бирга.
 Грамматика қўл тутиб,
 Ҳисоб-ла тушди ўйинга.
 Шунда улў
 Умивальник —
 Машҳур номи Мойдодир.
 Тоғора, жоми

Начальник
 Мочалкага командир,
 Ўйнаб, тез ёндашди
 менга
 Ўпиб-ўпиб юзларимдан
 Деди: «Энди дўстим
 сенга,
 Ургилайин
 кўзларингдан,
 Мақтайман, севаман
 сени,
 Мойдодирни қилдинг
 хурсанд.
 Ҳар қачон юваман сени,
 Бўл озода, омон-эсон!»
 Ҳар кун эрта ҳам
 кечқурун
 Ювинишинг керак тоза.
 Ифлос бола—қасмоқ
 бурун —
 Уят, бадном ҳам бемаза
 Уят, уят, жуда уят —
 Ювинмаган бола учун,
 Бу масхара, бу ёмон от,
 Кулги, мазах бўлмоқ
 нечун?
 Яшасин юз сочиқ юмшоқ,
 Бор бўлсин тиш чўтка
 бу кун
 Омон бўлсин яхши тароқ.
 Келинг доим оппоқ —
 тоза
 ювинайлик
 Тоғорада, жом ичида,
 ариқчада,
 Сув сачратиб, сузиб,
 шўнғиб чўмилайлик
 Дарёларда, денгизларда
 қайиқчада..
 Ҳаммомларда,
 ванналарда
 тиниқ сойда
 Қувнаб-қувнаб, тоза
 бўлсак
 ким десин чурқ.

Қачон деса бор
Ва тайёр
Ҳамма жойда.

Раҳмат сувга
Мангу шуҳрат,
Мангу довруқ!

САМУИЛ ЯКОВЛЕВИЧ МАРШАК

(1887—1964)

Самуил Яковлевич Маршак рус болалар адабиётида кичкинтойлар учун катта шеърят яратиб берган улкан санъаткор, таниқли таржимон, етук драматург, моҳир педагог ва билимдон муҳаррирdir.

С. Я. Маршак 1887 йилда Воронеж шаҳрида тиш техниги онласида туғилди. Бўлажак санъаткорда шоирлик таланти жуда эрта уйгонди. «Тўрт-беш ёшларимда,— деб эслайди шоир ўзи ҳақида,— шеърлар ёза бошладим. Ўн бир ёшларимда, бир қанча поэмалар яратдим. Горацийнинг «Одамлар»ини таржима қилдим».

С. Я. Маршак 1897 йилда Острогж гимназиясига ўқишга киради. Лекин бу ерда кўп ўқимай, Петербургга боради, бадий гимназияга ўқишга жойлашади. Бу ерда бўлажак шоир ўз замонасининг етук санъаткорлари билан яқиндан танишади. Маршакнинг ижодий фаолияти шу ерда чечак отади. 1906 йилдан бошлаб фелъетонлари, шеър ҳамда таржималари билан матбуотда чиқа бошлайди.

С. Я. Маршак 1912 йилда Англияга жўнайди. Лондон университетининг санъат факультетига ўқишга киради. Таътил кунлари у мамлакатнинг диққатга сазовор жойларини яёв кезиб томоша қилади: балиқчилар билан денгизда сайр қилади, қишлоқ мактабларида бўлади. Инглиз халқ қўшиқларини, эртакларини севиб тинглайди. Бу ерда Маршак В. Блейк, Рабиндранат Тагор ва бошқаларнинг шеър ва поэмаларини инглиз тилидан таржима қилади.

1914 йилда Россияга қайтиб келган Маршакнинг ҳаёти болалар олами билан чамбарчас боғланиб кетади. У 1915—22 йилларда болалар уйларида тарбиячи, ўқитувчи бўлиб ишлайди. Бу эса Маршакнинг болалар шоири бўлиб камол топишида катта роль ўйнайди.

С. Я. Маршак 20-йилларда ўзининг шеър, эртак ва поэмалари билан ёш китобхонларнинг сеvimли шоири сифатида танилди. «Қаерда овқатландинг, эй чумчуқ», «Аҳмоқ сичқонча ҳақида эртак», «Кеча ва бугун»,

«Цирк» ва бошқа шу каби машҳур асарлари ўша йилларда майдонга келган эди.

С. Я. Маршак рус болалар адабиётини ривожлантириш учун А. М. Горький ҳамда В. В. Маяковскийлар билан елкама-елка туриб меҳнат қилди.

1939 йилда Маршакнинг «Петя нимадан қўрқар эди?», «Кораблча» сингари машҳур шеърлари босилиб чиқди.

Ватан уруши даврида шоир ижодининг асосий темасини уруш, босқинчиларга қарши кураш мавзуи ташкил этди. Айниқса, 1943 йилда яратилган «Ўн икки ой» номли эртак-драмаси тез орада миллионлаб ёш китобхонлар орасида машҳур бўлиб кетди.

С. Я. Маршак 1964 йилнинг 4 июнида Москва шаҳрида вафот этди. «Ҳар қандай болалар адабиётида икки ёш мавжуд бўлади, у оламга болалар нигоҳи билан қарайди, аммо уни катталардек идрок қилади, ақл-тажрибасига суяниб иш кўради»,— деган шоир бир умр болаларни севди, улар учун ғоявий-бадий юксак асарлар яратиш учун тинмай ижодий иш олиб борди.

С. Я. Маршакнинг номини оламга ёйган, болалар шоири сифатида танитган шеърларидан бири «Аҳмоқ сичқонча ҳақида эртак»дир. Бу эртакда шоир болалар ҳаёти ва характерига мос бўлган қизиқарли сюжет топа олган. Қимки ўзига ортиқча оро берса, оқибатини ўйламай кўр-кўрона иш тутса, ўзидан катталарнинг панд-насиҳатига амал қилмаса, ҳаётда кўп нарса юз қазади, ўз бахтини қўлдан бой беради, деган фикр эртакнинг асосий ғоявий мазмунини ташкил этади.

С. Я. Маршак «Аҳмоқ сичқонча ҳақида эртак» аса-рида мажозий образлар орқали болалар ҳаётига оид муҳим масалаларни илгари суради. Шоир ношукур, фаросатсиз, меҳнатсиз кун кечирувчиларни аҳмоқ сичқонча образи мисолида фош қилади.

С. Я. Маршак «Ёнғин», «Почта», «Мусобақалар доскаси» асарлари билан ҳам рус болалар адабиёти та-раққиётига катта ҳисса қўшди.

С. Я. Маршак яратган жуда кўп қаҳрамонларни шахсан таниган, билган ёки эшитган бўлади, баъзан эса газета материаллари асосида яратади. Бинобарин, бу қаҳрамонларнинг албатта ҳаётини прототипи мавжуд. Жумладан, студент В. Бурацкий («Номаълум қаҳрамон ҳақида қисса»), Игорь Чкалов («Қаҳрамоннинг

ўғли»), Катя Буданова («Катя Буданова»), Серёжа Смирнов («Сизнинг китобингизни қандай нашр қилдилар») ва бошқалар шундай қаҳрамонлар сирасига кирази. Шоир «Номаълум қаҳрамон ҳақида қисса» поэмасида оддийгина ҳаётий бир воқеани акс эттириш билан 30-йиллар рус болалар дostonчилигида ижобий қаҳрамон образини яратиш йўлларини кўрсатиб берди.

С. Маршак Россияда ҳаёт кечираётган ҳар бир киши бир-бирига меҳрибон, жонкуяр, шунингдек, вақти келганда мардлик, жасорат кўрсатишга тайёр эканликларини, айни пайтда оддий, камтарин, ўзларининг қўлга киритган улкан муваффақиятлари, эришган жасоратлари билан керилмасликларини, манманликка берилмасликларини, оддий ҳаётий деталь—ўт ичида қолган бир қизчанинг ҳаётини сақлаб қолган бола мисолида тасвир этади. Бола мана, кўриб қўйинглар, мен жасорат кўрсатдим, дея кўкрагига уриб мақтаниш ўрнига, тезгина одамлар орасига кириб, кўздан ғойиб бўлади. Бу қаҳрамонни кейинчалик барча қидиради. Лекин ҳеч ким топа олмайди.

Ҳозир ҳам ўқувчилар ўртасида мактаб мебелларини асраб-авайлаб тутмайдиганлари топилиб туради. Бундай болаларга шоир ўзининг «Стol келган қаердан?» деган шеърида мактаб мебеллари ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаганлигини, бунинг учун катталарнинг қанчадан-қанча вақтлари, меҳнатлари сарф этилганлигини тушунтириб берса, «Бир йил нима?» асарида эса жуда қимматли вақтини беҳуда ўтказиб, мактабда яхши ўқимай, ўқитувчи-устозларнинг панд-насиҳатларига амал қилмай, ўз вақтида дарсларини тайёрламай, натижада синфдан-синфга ўта олмай хижолат бўлиб юрадиган қолоқларга қарата:

Далаларда саранжом иш,
Заводда ҳам план қойил,
Мактабда йўқ
Қолоқлар ҳеч.

Бил,

бир синфда ўқиш —
бир йил!—

дейди шоир.

Маршак бизнинг болалар адабиётимизнинг асосчиси ва билимдони,— деб ёзган эди машҳур рус ёзувчиси

А. М. Горький. Бундай юксак мақтовга С. Я. Маршак
ҳалол меҳнати, кичкинтойларни астойдил севиши, ар-
доқлаши сабабли эришди.

АҲМОҚ СИЧҚОНЧА ҲАҚИДА ЭРТАК

Тунда сичқон инидан
Алла айтар:— Жон
қўзим,
Жим ёт, болам, куюк
нон
Ва шам берай юлдузим.
Жавоб берар сичқонча:
— Овозинг — ип —
ингичка.
Чийилламай сен менга,
Топиб бер бир знага.
Она сичқон тез бориб,
Дер ўрдакка ёлвориб:
— Ўрдак хола, уйга юр
Боламни тебратиб тур.
Алла айтиб, дер ўрдак:
— Га-га-га, тинч ёт
гўдак.
Ёмғир тинса боғчадан
Топиб берай лойхўрак.
Аммо аҳмоқ сичқонча
Уйқусираб зинқарча:
Айтар:— Ёқмади
созинг,
Бақироқ экан овозинг.
Она сичқон тез бориб,
Дер бақага ёлвориб:
— Бақа хола уйга юр,
Боламни тебратиб тур.
Уни аллалар бақа:
— Йиғлама, қўй
вақ-вақа,
Тонг отгунча тинчиб ёт,
Чивин берай мукофот.
Аммо аҳмоқ сичқонча,
Уйқусираб зинқарча,
Айтар:— Ёқмади созинг,
Қур-қур экан овозинг!

Она сичқон тез бориб,
Отга дейди ёлвориб:
— Амма, амма, уйга юр,
Боламни тебратиб тур!
Кишнаб алла айтар от:
— Ҳи-ҳинг, жоним
тинч ёт!
Ёнбошлагин, бўлгин жим,
Сенга берай тўрва ем.
Аммо аҳмоқ сичқонча
Уйқусираб зинғирча,
Дер:— Менга ёқмас
созинг,
Шанғи экан овозинг.
Она сичқон тез бориб,
Дер чўчкага ёлвориб:
— Чўчка хола уйга юр,
Боламни тебратиб тур!
У бўғилиб, хириллаб,
Шундай деб алла қилди:
— Жонгинам, қилма
ғавғо,
Жуфт сабзи сенга совға!
Она сичқон тез борар,
Оқ товуққа ёлворар:
— Товуқ хола, уйга, юр,
Боламни тебратиб тур!
Товуқ аллалар қувноқ:
— Дўндиқчам, қўрқма,
қа-қаҳ.
Қанотим остига кир,
У ер иссиқ, тинч, ахир.
Она сичқон тез бориб,
Дер балиққа ёлвориб:
— Чўртон хола, бизга
юр,
Боламни тебратиб тур!
Балиқ очиб оғзини,

Дарров аллалар уни.
Бироқ эшитилмас соз,
Чунки чиқмас ҳеч овоз.
Шунда аҳмоқ сичқонча
Уйқусираб зинғирча,
Айтар:— Ёқмади
 созинг,
Чиқмас экан овозинг!
Она сичқон тез бориб,
Дер мушукка ёлвориб.
— Мушук хола, уйга юр,
Боламни тебратиб тур!

Мушук келиб бир палла,
Хириллаб айтар алла:
— Миёв, миёв! Юлдузим,
Каравотга ёт қўзим.
Шунда аҳмоқ сичқонча
Уйқусираб зинқарча,
Дейди:— Ёқимли созинг,
Бунча ширин овозинг!
Она сичқон келиб тез
Каравотдан ўша кез
Тополмай ўз боласин,
Ахтарар кўз қорасин.

ВЛАДИМИР ВЛАДИМИРОВИЧ МАЯКОВСКИЙ

(1893—1930)

Владимир Владимирович Маяковский Грузиянинг тоғ ва ўрмонлар билан қопланган кичик, аммо ғоят гўзал ери Боғдоди қишлоғида 1893 йилда ўрмончи оиласида дунёга келди. У етти ёшга етганида Пушкин, Лермонтов, Некрасовларнинг кўпгина шеърларини ёддан билар эди.

Маяковский 8 ёшга тўлганида уни Кутаиси шаҳридаги эрлар гимназиясига ўқишга берадилар. Бу ерда намунали ўқиб юрган пайтда Маяковскийлар оиласида бахтсизлик юз берди. Отаси Владимир Константинович вафот этди. 1906 йилда уларнинг оиласи Москвага кўчиб келди. Моддий етишмовчилик сабабли бўлажак шоир бу ерда ўқишни давом эттира олмади.

1911 йилда Маяковский Москва тасвирий санъат билим юртига кириш имтиҳони топширди. У билим юртида бир неча йил ўқиди. Аммо тасвирий санъатдан кўра уни шеърят қизиқтиради. 1912 йилда матбуотда Маяковскийнинг дастлабки шеърлари кўрина бошлади.

В. Маяковский болалар учун 20 дан ортиқ асар яратиб, уларни «Ёж» ва бошқа журналларда нашр эттирди. Болаларни жон дилидан севган шоирнинг бу шеъраларида ўтмишнинг чиркин иллатлари қораланади, янги ҳаётнинг бадий сурати чизилиб, у асосли равишда улуғланади. В. Маяковский болаларни касб-ҳунарни эгаллашга, меҳнатни қадрлашга, бепоён рус ерини севишга, у билан фахрланишга чорлайди.

В. В. Маяковский болалар учун асарлар ёзар экан, болалар диққатини меҳнатни қадрлашга, Ватанни севишга, унинг ютуқларидан фахрланишга жалб этди. Рус адабиётидаги маслаксозлик, ғоясизликка қарши курашар экан, болалар адабиётининг ҳам юксак ғоявий, ёш китобхонга тушунарли ҳамда қизиқарли бўлиши лозимлигини таъкидлади ва бундай талабларни амалга ошириш учун астойдил кураш олиб борди.

Шоирнинг «Семиз бола Петя билан миқти бола Сима ҳақида эртак», «Яхши деган сўз нима-ю, ёмон деган сўз нима?», «Бу менинг денгиз ва моряк ҳақидаги китобчам», «Ўқи-да, бор Хитойга ҳам Париж деган жойга», «Учқур от», «Май қўшиғи», «Қўлга янги милтиқ оламиз», «Сайр-томоша қиламиз» каби асарлари рус болалар адабиётида катта тарихий воқеа бўлди.

«Яхши деган сўз нима-ю ёмон деган сўз нима?» асари ахлоқ нормалари ҳақида рус болалар адабиётидаги энг яхши намуналардан биридир. Болалар тақдири учун энг муҳим бўлган яхши нима-ю ёмон нима эканлигини шоир аниқ, содда, ҳаётий мисоллар орқали поэтик тарзда тушунтириб беради.

Маяковский яхшилик тушунчасини болаларга шу қадар содда ифодалар орқали сингдирадики, натижада ёш китобхон завқ-шавқ билан «ёмон бўлмайман жиндек» деган қатъий хулосага келади.

Шоир шеъриятида меҳнат ва қурилиш мавзун ҳам асосий ўринлардан бирини эгаллайди. У болаларга ишлаб чиқариш жараёнининг асослари ҳақида поэтик тушунча беради. Шоир энг оддий бир ўйинчоқ ясаш тасвири орқали фойдали меҳнатнинг ижтимоий моҳиятини очишга интилади. Бундай ғоя шоирнинг «Ким бўлсам экан», «Учқур от» шеърларида ўз аксини топган. Айниқса, «Ким бўлсам экан?» асарида шоир меҳнатсевар ишчи, кўркам, шинам уйлар ясовчи муҳандис, қўрқмас, ботир учувчи, қувноқ ва чаққон доктор образларини яратиш орқали ёш китобхонда касб-ҳунарга бўлган қизиқишни кучайтиради. Шеърни ўқиган кичик ёшдаги болалар шулар каби бўлишни орзу қиладилар.

Маяковский ҳар бир касб ва ҳунарнинг ўзига хос хусусиятларини болалар тушунчасига мос деталларда, бадиий тасвирларда ишонарли тарзда ифодалаб, уларнинг бири иккинчисидан афзал ва гаштли эканини бўрттириб кўрсатади.

Рус болалар ижодкорлари ижтимоий-сиёсий мавзуларда болаларбоп асарлар яратишда Маяковский ижодидан жуда кўп ўрганадилар. Зеро, шоир болаларга ҳар қандай мавзуда сиёсий, ахлоқий ва бошқа мавзулар ҳақида ҳам бадний мукаммал асар ёзиш мумкин эканлигини ўз ижоди орқали исбот қилиб берди. Энг муҳими, унинг болаларга атаб ёзган шеърларининг шакли ҳам, мазмуни ҳам ранг-баранг ва янгича эди. Шоир болаларга энг муҳим ва жиддий мавзуларда асар яратганда ҳам улар диққатини жалб қила оладиган деталь ва ташбеҳлардан моҳирона фойдалана олади. Шу жиҳатдан шоир асарларининг тугалланиши ибратли: у ўз шеърларини шундай якунлайдики, болалар ғоясини осонликча ўзлаштиришга, эстетик завқ олишга муваффақ бўлишади.

Маяковскийнинг асарлари Россияга муҳаббат, мустақкам жамият қуришга қизғин чақириқ, келажакка зўр ишонч руҳи билан суғорилгандир.

Я Х Ш И Н И М А - Ю Е М О Н Н И М А ?

Мурғаккина ўғил бола
отасига йўлиқди.
Узоқ шундай сўради:
— Яхши деган сўз нима-ю,
Ёмон деган нимадир?
— Менда сир йўқ яширин,
Болалар, тинглаш мендан отасининг жавобин,
китобимга ёзаман.
— Шамол эсиб томин бузса,
Дўл қуйилса осмондан,
Бу ҳар кимга равшан нарса —
Қуёш чиқиб юриш учун кўп ёмон.
бутун дунё
чарақлаб кетса кўркам,

Бу, албатта,
 жуда яхши
 каттага ҳам,
 ёшга ҳам.
 Гар ўгилнинг
 кечасидан ҳам қора
 кирлар ётса бетида —
 Бу албатта
 жуда ёмон
 бир карра
 ёш ва нозик терида,
 Агар бола
 севса совун,
 порошок,
 топ-тоза бўлса тиши —
 Бундай бола
 ёқимли, жуда тузук.
 Бу қилган иши яхши
 Агар бўлса
 урншқоқ ҳам ярамас,
 урса кучсиз болани.
 Бундайларни
 истамайман, керакмас,
 китобимга ёзгани!
 Ўзингдан кичикларга:
 — Тегма!— деб қичқиради.
 Маана бу бошқа бола.
 Бу бола —
 яхши, балли!
 Куруниши ҳам сара.,,
 Ҳар болаки
 ишлашни яхши кўрса,
 Бармоғини
 доим қўйса
 китобга,
 Бундайни мумкин ёзса,
 ўтар яхши ҳисобга.
 Қаргадан
 додлаб қочди
 битта бола бақалоқ.
 Бу бола
 чиндан қўрқоқ, жуда ёмон
 бу иши.

Бу бола-чи,
 бир вершок бўйи билан
 зўр ишга чанг уради.
 Бэтир ҳам
 яхши экан,
 турмушга ҳам
 ярайди.
 Бу бола
 ётиб олиб
 балчиққа,
 севинади
 кўйлагин кирлигичун,
 У туғрида
 ким кўринган айтади:
 — Емон, ирkit,
 чиппа-чин.
 Гу
 тозалаб пиймасин,
 ўзи ювар
 калишин.
 У бола
 кичик ҳали,
 яхши дерлар
 бу ишин.
 Ёдда тутсин
 буни ҳар бир
 ўғил билан
 қиз бола:
 Емон ўғил
 чўчқа бўлиб
 ўсади,
 ёшликда
 чўчқа бўлса.
 Бу сўзларни тинглаган
 бола қувониб кетди
 Ва қарор қилди мурғак:
 «Бундан кейин
 мен энди
 Дарҳақиқат яхши бўламан,
 ёмон бўлмайман жиндак».

СЕРГЕЙ ВЛАДИМИРОВИЧ МИХАЛКОВ

(1913 йилда туғилган)

Ростов-Донда нашр этиладиган «На подъёме» журнаlining 1928 йилдаги июль сониди саккиз мисрадан иборат «Йўл» сарлавҳали шеър босилиб чиқди. Бу шеър эндигина ўн беш баҳорни қаршилаган. С. Михалков қаламига мансуб эди. Шундан кейин таҳририят унга мактуб йўллаб, Сергейни яхши ўқишга, бадий ижодга қунт қилишга, яна бошқа шеърларини ҳам йўллаб туришга даъват этади.

Бу хат ёш Сергейнинг ўз устида тинимсиз ишлашга қайта-қайта машқ қилишга, бадий асарларни қунт билан ўқишга шижоат бағишлади. Натижада шоир яратган асарлар Россиядагина эмас, балки жаҳон болалар адабиётида ҳам муносиб ўринга эга бўлади...

Сергей Михалков 1913 йилнинг 12 мартда Москва шаҳрида дунёга келади. Унинг отаси В. А. Михалков паррандачилик соҳаси бўйича таниқли олим бўлиш билан бирга шеърятга ихлосманд кишилардан бири эди. Отанинг таъсири билан Сергей болаликдан бошлаб А. С. Пушкиннинг ажойиб-ғаройиб эртакларини, М. Ю. Лермонтов ҳамда Н. А. Некрасовларнинг маъно ва мазмунга бой шеърларини, Н. А. Криловнинг зеҳни чархловчи масалларини, кейинчалик эса В. Маяковский, Д. Бедний, С. Есенин сингари шоирларнинг қайноқ мисраларини меҳр билан ўқиди.

Бўлажак шоирнинг болалик йиллари Пятигорск шаҳрида ўтди. Бу ерда ўрта мактабни муваффақиятли тамомлагач, Сергей Михалков ўқишни давом эттириш ниятида Москвага қайтиб келади. Тўқимачилик комбинатида, Шарқий Қозоғистон геология-разведка экспедициясида, Волгада уч йил турли юмушларни бажарди.

1933 йилда Сергей Михалковнинг болаларга бағишлаб ёзган шеърлари марказий матбуотда кўрина бошлайди. Дастлаб «Уч гражданин» шеъри болалар журналинда ёритилади. Шундан кейин «Қайсар Фома», «Қувноқ турист», «Светлана» асарлари босилиб чиқди. Айниқса, ёш шоирнинг А. Гайдар, А. Толстойлар билан танишуви ижодий камоли учун муҳим роль ўйнади.

С. В. Михалков устоз-шоир С. Я. Маршакка бўлажак машҳур поэмаси— «Стёпа оға»ни кўрсатди. С. Я.

Маршакка бу асар маъқул бўлди. Поэмани мақташ билан бирга унинг жузъий камчиликларини ҳам кўрсатади. Маршакнинг фикрича, асар қаҳрамони бўлган жуда кулгили дароз Стёпа образида ҳали маънавий олам тўла-тўқис ўз аксини топмаган, бундан ташқари лирик туйғу етишмас эди.

Маршак кичкинтойлар учун яратилаётган ҳар бир шеърый асар болаларни ҳаяжонлантирмаса, ундай асар чинакамига болалар қалбига етиб бормайди, уларнинг маънавий оламини бойитмайди, деб таъкидлар эди. Ўстознинг кўрсатмалари С. В. Михалков учун бир умр ҳаётий дастур бўлди.

1936 йили «Огонёк» кутубхонаси сериясида шоирнинг йигирмага яқин шеъридан ташкил топган биринчи китобчаси босилиб чиқди.

30-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб С. В. Михалков бадийи пишиқ асарлар ярата бошлади.

1938 йилда «Правда» газетасида таниқли адиб А. А. Фадеевнинг «Михалковнинг шеърлари» деган мақоласи босилиб чиқди ва унда адиб Россиянинг ёш фуқаролари ҳақида яратган шеърлари тўғрисида илиқ сўзлар айтди.

Сергей Михалков «Стёпа оға» асарида туман дарозларининг дарози бўлган Стёпа образида жуда новча одам қиёфасини ёш китобхон кўз ўнгиде яққол гавдалантиради:

Бульвар бўйлаб бир киши
Эшакни миниб борар:
Бу Стёпа оғамиз.
Оёғи ер шипирар,
«Сизга,— дейди
халойиқ,—
Туяни минмоқ лойиқ!»
У туяга минади —
Бор халойиқ кулади:
«Эй, сиз, қандай кемасиз?
Туяни мажақлайсиз!
Новча экан бўйингиз!
Филга миниб юрингиз!»

Стёпа қанчалик улкан бўлмасин, у жуда оддий ва содда. Одамларга нисбатан меҳрибон ва ғамхўр. Юрсатурса яхшилик қилиш одат тусига айланиб қолган. Шоир Стёпа мисолида рус кишиларининг характерини, уларда учрайдиган соддалик, инсонийлик, бир-бирига меҳрибонлик, ғамхўрлик фазилатларини очиб беришга мулассар бўлган.

«Том кетти», «Чанғи», «Муҳим топшириқ», «Кулги ва кўз ёшлари», «Уйга кетаман», «Бегона роль», «Сам-бреро» ва бошқа асарлари билан Сергей Михалков ҳозирги замон рус болалар драматургияси бисотини бо-йитди. 200 дан зиёдроқ масалалар ижодкори сифатида кенг китобхонлар оммасига танилди. Рус болалар ада-биётини ривожлантириш тўғрисида юзлаб илмий-пуб-лицистик мақолалар яратди.

ЎТТИЗ ОЛТИ-Ю ЯРИМ

Яна иссиғим:
Ўттиз олти-ю ярим!
Термометрга худди
Еб қўйгудек қарайман.
Ховрим ошмаса энди
Қай чорага борай мен?
Нега касал эмасман?
Соппа-соғ бешикастман.
Яна иссиғим:
Ўттиз олти-ю ярим!
Юрагим ҳам оғримайди,
Акса урсам аксамас!
Нўталим йўқ! Юзим
ойдай,
Ҳеч касалга ўхшамас!
Эртага нақ тўққизда
Бориб мактабимизда
Утираманми ўйлаб,
Ўқиб, ёзиб ва қуйлаб?
Доскада индолмасам,
Жавоб ҳам айтолмасам...

Яна иссиғим:
Ўттиз олти-ю ярим.
Термометрни силаб,
Учин тез-тез ишқалаб,
Ялиниб, шафқат тилаб,
Сўнгра унга «пуф-
пуфлаб»,
«Симоб,— дедим,— ҳой
симоб,
Ўзинг ёқимтой симоб,
Сал-пал кўтарил битта!
«Ўттиз етти»да тўхта!»
Яшасин! «Ўттиз етти!»
Кўзларим тиниб кетди!
(Уят!) Ловуллар юзим...
— Ўғлим, касалмисан?
— Ҳм!..
Яна ўрнимга ётдим,
Турғазмас жоним ойим...
Аслида ҳароратим:
Ўттиз олти-ю ярим!

СИЗДА-ЧИ

Ким курсида ўйнар сим,
Кўча кузатмоқда ким.
Толя жим,
Борис, куйлар,
Николай оёқ чайқар.
Кеч-у кўнгил тўқ эди,
Қиларга иш йўқ эди.
Галя четга ўтирди,
Мушук чиқди олмага,

Шу пайт Боря савол
берди.
Ҳаммага:
— Бизда кичик михдан
бор,
Сизда-чи?
— Бизнинг уйда меҳмон
бор,
Сизда-чи?

— Бор эди, бизнинг
мушук
Тўрт мушук туғди кеча,
Ўсди-ку туппа-тузук
Овқат емайди ҳечам,
— Бизда-чи, бор газ
ўчоқ.

Сизда-чи?
— Бизнинг водопровод
Полиздан чиқарар ўт!
— Ўйнаб келдик биз
кўчада,
Хиёбонга бордик биз,
Яшил
Қизил,
Жуда-жуда
Кўм-кўк пуфак олдик
биз.

Бизникида ўт ўчди—
Биттами?
Бир машина ўтин
тушди —

Иккитами?
Тўртинчидан, ойимиз,
Ўзи учиб кетарлар,
Чунки бизнинг ойимиз
Қўрқмас пилот аталар,
Вова дейди шу тонда:

— Учувчи?
Нима бўпти?
Коля, ўзинг айтиб бер:
Ойинг — милиционер!
Толя билан Вера дер:
— Бизнинг ойи инженер.
Левнинг ойиси ошпаз,
Учувчи нима бўпти?
— Бизнинг ойи зўр,—
дер Ната,—
Ойим вагонга вожатий,
Трамвайни бошқариб
Кетар вокзалдан нари.
— Тикувчилик ёмонми?—
Сўрайди секин Тома,—
Ҳамма кияди кўйлак,
Пилот тикмаса керак
Лётчик ҳайдар самолёт —
Бу иш жудаям яхши.
Ошпаз тайёрлар компот —
Бу иш ҳам жуда яхши.
Доктор бизни соғ этар,
Муаллима ўқитар.
Ҳамма ойилар керак,
Ҳар хил ойилар керак.
Кеч-у ҳамма тўқ эди.
Баҳсга ўрин йўқ эди.

ШАРЛЬ ПЕРРО

(1628—1703)

Буюк француз шоири ва танқидчиси Шарль Перро бадий эртақ асосчиси сифатида маълум ва машҳур-дир. У ўзининг «Қизил Шапкача», «Золушка» ва «Этик кийган мушук» асарлари билан жаҳонга танилди.

Ш. Перро бадий эртақлар ижод этишдан олдин халқ оғзаки ижодини меҳр ва иштиёқ билан чуқур ўрганди. Шунинг учун ҳам у ўз эртақларида халқ удумларини дадил илгари сурди. Перро қаҳрамонлари ўз меҳнатсеварликлари ҳамда сахийликлари билан ажралиб турадилар. Ғаразғўйлик, мақтанчоқлик, қизғанчиқлик ўрнини яхшилик, меҳрибонлик босиб кетиши ҳамон китобхонни шод этиб келмоқда.

Шарль Перродан бор-йўғи 11 эртақ сақланиб қолган. Қайси эртагига назар ташламанг, барчасида болалар завқ оладиган қирралар бор эканлигини дарров найқайсиз. Дунёда унинг «Этик кийган мушук» эртагини ўқимаган ёки эртақ асосида яратилган мультфильмни мириқиб томоша қилмаган бола топилмаса керак.

Эртақда ақллилик, билимдонлик, топоғонлик бош масала қилиб қўйилади. Бошқа асарларида бўлгани каби Ш. Перро бу эртақда фольклор аъёналарига яна бир бор содиқ қолади. Эртақ қаҳрамони тегирмончининг кенжа ўғли Қарабас фаҳм-фаросат, ақл билан иш кўриб, ўз мурод-мақсадига етади, бахтиёр бўлади.

Шарль Перронинг барча персонажлари пишиқ-пух-таликлари билан ажралиб турадилар. Уларнинг катта-кўпчилиги одамларни, ҳайвону паррандаларни севиб, эркалаб, эъзозлайдиган бўладилар. Золушкани («Золушка») олиб кўрайлик. Уни ўғай она-ю қизлар ҳуш кўрмайдилар, холос. Қолган барча жонзот Золушкани дейди. Уни ўз бахтини топиб, осойишта турмуш кечиршини истайди. Золушка жуда чиройли, одобли, ширинсўз, камтарин, одамларга, жониворлару паррандаларга нисбатан меҳрибон. Унинг бундай фазилатлари, меҳнат, ҳаллоллик ва поклик билан ҳаётда ўз ўрнини топиши, севганига турмушга чиқиб бахтли бўлиши эртақ тингловчисида яхши таассурот қолдиради.

«Қизил Шапкача»да адиб қишлоқ ҳаёти картинасини чизиб беради. Асар қаҳрамони соғлом, тетик қизча. Қизил Шапкача ғам, ўй-ташвишлардан холи. Шунинг учун ҳам бўрининг ёвузлигини, писмиқ ва муғомбирлигини сезмаган ҳолда қаёққа ва нега кетаётганлигини бўрига бирма-бир айтиб беради.

Бошқа эртақларда бўлгани каби «Қизил Шапкача»да ҳам воқеа яхшилик билан тугаши болаларнинг қувончига қувонч қўшади.

Шарль Перронинг «Ҳаворанг соқол», «Боб», «Эшак териси», «Уйқудаги малика» каби эртақлари худди «Қизил Шапкача» каби болаларбопдир.

Қ И З И Л Ш А П К А Ч А

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир қишлоқда жажжигина бир қизча бор экан: у дунёда тенги йўқ, жуда ёқимтой қиз экан. Ойиси уни жонидан ҳам яхши кўрар экан, бувиси бўлса ундан ҳам яхши кўрар экан.

Бувиси неварасининг туғилган куни муносабати билан қизчага битта қизил шапкача совға қилибди.

Ушандан бери қизча қаёққа борса, шу чиройли, янги қизил шапкачасини кийиб борар экан. Шунинг учун қўни-қўшнилари уни кўрганда:

— Ана, Қизил Шапкача келяпти!— дер эканлар.

Бир куни ойиси сомса пишириб, қизчага айтибди:

— Ойинг айлансин, Қизил Шапкача, мана бу сомса билан кувачадаги ёғни бувингга обориб бергин, эсон-омонлигини билиб келгин.

Қизил Шапкача кийиниб, бувисини кўргани нариги қишлоққа кетибди. У ўрмондан ўтаётса, олдидан бўз Бўри чиқиб қолибди. Бўри Қизил Шапкачани ямлаб юборгуси келибди-ю лекин ботинолмабди, чунки шу яқин орада ўтинчилар дарахт кесиб юрар, болталарининг тарақ-туруқ овози эшитилиб турар экан.

Бўри ялиниб қиздан:

— Қизил Шапкача, қаёққа кетяпсан?— деб сўрабди.

Қизил Шапкача бўлса, ўрмонда тўхтаб, Бўри билан гаплашишнинг қандай қўрқинчли эканини билмас экан. Шунинг учун ҳам у Бўри билан саломлашибди-да, кейини дебди:

— Бувимни кўргани кетяпман, бувимга мана бу сомсалар билан кувачада ёғ оборяпман.

— Бувингнинг уйи узоқдами?— деб сўрабди Бўри.

— Ҳа, анча узоқда,— деб жавоб берибди Қизил Шапкача,— тегирмон орқасидаги қишлоқ бор-у, ҳов ана, энг чеккадаги уйни кўряпсанми — ўша.

— Яхши,— дебди Бўри,— мен ҳам бувингни кўриб келаман. Манави йўлдан бораман, сен бўлсанг анави йўлдан бор. Кўрамиз, ким олдин бораркан.

Бўри энг яқин йўлдан ғизиллаб чопиб кетибди.

Қизил Шапкача бўлса, энг узоқ йўлдан юриб кетибди.

Қизча йўлма-йўл тўхтаб, гуллар терибди, гулдаста ясабди. Қизил Шапкача ҳали тегирмон йўлига етмаган экан, Бўри кампирнинг уйига етиб келиб, эшикни тақиллатибди:

— Тақ-тақ!

— Ким?— деб сўрабди кампир.

— Мен неварангиз Қизил Шапкачаман,— деб жавоб берибди Бўри, овозини ингичка қилиб. — Сизникига меҳмон бўлиб келдим, сомса билан кувачада ёғ келтирдим.

Кампир бу вақт тўшакда касал бўлиб ётган экан. У чиндан ҳам Қизил Шапкача келгандир деб ўйлаб, шундай дебди:

— Жонгинам, ипни торт, эшик очилади!

Бўри ипни тортибди — эшик очилибди. Бўри чопиб бориб, кампирни бир ямлаб ютиб юборибди. Бўри жудаям оч экан, негаки у уч кундан бери овқат емаган экан-да.

Кейин Бўри эшикни ёпиб, кампирнинг тўшагига кириб ётибди-да, Қизил Шапкачани кута бошлабди. Тезда қизил Шапкача келиб, эшикни тақиллатибди:

Тақ-тақ!

— Ким?— деб сўрабди Бўри.

Қизил Шапкача Бўрининг хунук овозини эшитиб, аввал қўрқибди, кейин: бувим тумов-пумов бўлгандир, — деб ўйлаб, жавоб берибди:

— Мен, неварангиз Қизил Шапкачаман. Сизга сомса билан кувачада ёғ келтирдим.

Бўри йўталиб олиб, ингичка овоз билан:

— Ипни торт, жонгинам, эшик очилади,— дебди.

Қизил Шапкача ипни тортса — эшик очилибди.

Қизча уйга кирибди. Бўри бўлса кўрпага бурканиб олиб, дебди:

— Сомсани столга, кувачани токчага қўй, ўзинг ёнимга келиб ёт! Жуда чарчагансан.

Қизил Шапкача, бўри билан ёнма-ён ётиб, ундан сўрабди:

— Вой бувижон, қўлларингиз бунча узун?

— Сени маҳкамроқ қучоқлаш учун, жонгинам!

— Бувижон, оёқларингиз бунча катта?

— Тезроқ чопиш учун, жонгинам!

— Бувижон, қулоқларингиз бунча катта?

— Яхшироқ эшитиш учун, жонгинам!

— Бувижон, кўзларингиз бунча катта?

— Сени яхшироқ кўриш учун, жонгинам!

— Бувижон, тишларингиз бунча катта!

— Сени тезроқ еб қўйиш учун, жонгинам!

Қизил Шапкача дод дегунча қўймай, ёвуз Бўри унга ёпишиб шиппаги ва қизил шапкаси билан бирга ютиб юборибди.

Бахтни қарангки, шу вақт уй ёнидан ўтинчилар ўтиб бсраётган эканлар.

Улар шовқин-суронни эшитиб, уйга чопиб кирибдилар ва Бўрини ўлдирибдилар. Кейин унинг қорнини ёр-

салар, ичидан Қизил Шапкача билан бувиси эсон-омон чиқибди.

АКА-УКА ГРИММЛАР

Ака-ука (Якоб 1785—1863, Вильгельм 1786—1859) Гриммлар Маргбург университетидида ўқишиб юрган чоғларидаёқ ўрта аср немис тарихи ва маданияти, ҳуқуқ ва мифологияси, халқ оғзаки ижоди ҳамда тил ва адабиёти билан шуғуллана бошладилар.

Ўқиш, ўз устларида қаттиқ ишлаш Гриммлар учун бахт йўли бўлди. Улар аввал Гёттинген, кейинчалик эса Берлин университетининг профессорлари бўлдилар. Якоб немис тили тарихи грамматикасини мифология билан, Вильгельм эса ўрта аср немис адабиёти ва халқ оғзаки ижодини чоғиштирган ҳолда ўргана бошладилар. Немис халқ оғзаки ижодининг гуллаб-яшнашига, олам кезишига бир кўприк ясадилар. Ниҳоят, 1812 йилда Гриммлар томонидан яратилган эртакларнинг биринчи жилди «Болалар ва оилавий эртаклар» юзага келди. 1815 йилда иккинчи жилд, 1822 йилда эса ҳар иккала жилдни умумлаштирувчи, учинчи жилд босилиб чиқди.

Гриммлар эртакларнинг катта-кўпчилигини бевосита эртақ айтувчилардан тинглаб, баъзиларини эса деҳқонлар билан суҳбатлашиб ёзиб оладилар. Халқдан олинган эртакларнинг ҳар бири Гриммлар томонидан қайта ишланиб, бадий тус олиб яна халққа қайтарилади.

Гриммларнинг уч жилдлик китобларига икки юздан ортиқроқ эртаклар жамланган бўлиб, унда муаллифлар кўпроқ афсонавий, маиший ва ҳайвонлар ҳақидаги эртакларни умумлаштиришга ҳаракат қилганлар. Ҳар бир эртақда сахийлик, меҳнатсеварлик, ботирлик каби фазилатлар билан бирга, қўрқоқлар устидан кулиш, дангасалик ва ёлғончиликни қаттиқ қоралаш биринчи ўринда туради. Шуниси ҳам қувончлики, кўпинча Гриммларнинг эртакларининг асосий қаҳрамонлари шоҳ ва шаҳзодалар эмас, балки камбағал, бева-бечораларнинг ўғил-қизи, чўпон ёки солдат бўлади. Улар ўзларининг ибратомуз ишлари билан эртақ тингловчида чуқур таассурот қолдиради.

Ақл билан иш кўриш, билимдонлик «Тилла ғоз», «Шишадаги арвоҳ», «Уч ака-ука», эртакларида яхши берилган.

Гриммларнинг дунёга машҳур бўлган «Золушка», «Қор қиз» эртакларининг қаҳрамонлари ҳаммадан туртки ейдиган, сўкиш эшитадиган ва энг паст ҳолда қийин юмушларни бажарадиган қизлар бўлиб, эртак давомида ўзларининг ҳалол меҳнатлари, ёқимли сўз ва табассумлари билан бахтиёр бўладилар.

Гриммларнинг «Қуён билан типратикан», «Бўри ва тулки» асарлари масал жанрига яқин туриши китобхонда катта таассурот қолдиради.

«Ялқов Гейц», «Ганснинг бахти», «Ботир тикувчи», «Ёш паҳлавон», «Бремен мусиқачилари» каби эртаклари ўзбек болаларининг ҳам севимли асарларига айланиб қолган.

БИР ХУРМАЧА ШАВЛА

Бор экан, йўқ экан, бир қизча яшар экан.

Қизча бир кунни ўрмонга маймунжон олиб келиш учун борди ва у ерда бир кампирни учратди.

— Салом,— деди кампир қизчага.

— Менга раҳм этиб маймунжонингни берсанг-чи!

— Ма, кампир,— деди қизча.

Кампир маймунжонни еб бўлиб:

— Сен менга маймунжон бердинг, мен ҳам сенга бирон нарсаси совға қиламан. Мана сенга хурмача, сен фақат шуни айтишинг керак:

— Бир, икки, уч,

Хурмачада шавла пиш.

Шунда у ширин, мазали шавла пишира бошлайди! Шундан сўнг айтасанки:

— Бир, икки, уч,

Пиширишдан кеч.

Шундан сўнг хурмача шавла пиширишдан тўхтайди.

— Раҳмат буви,— деди қизча ва хурмачани олиб, уйига — онасининг олдига кетди.

Онаси бу хурмачага жуда суюнди.

Меҳнатсиз, оворасиз, ҳамма вақт ширин ва мазали шавла бўлса-ю, тағин нега суюнмасин?

Бир вақт қиз уйдан қаёққадир кетди. Онаси бўлса хурмачани ўз олдига қўйиб:

— Бир, икки, уч,

Хурмачада шавла пиш,—

деди. Хурмача шавла пишира бошлади. Кўп шавла пи-

ширди. Онаси тўйиб-тўйиб еди. Хурмача эса шавлани ҳадеб пишира берди.

— Бир, икки, уч,

Пиширишдан кеч,—

дейиш керак эди. Лекин онаси бу сўзни эсидан чиқариб қўйган эди. Хурмача ҳамон шавла пишира берди. Уй ҳам шавлага тўлди, уй олди ҳам, томда ҳам шавла, ҳатто кўчалар ҳам шавлага тўлди, у ҳамон тўхтамай, шавла пишира берди. Онаси жуда қўрқди ва қизчасига югурди. Лекин йўлда иссиқ шавла дарё бўлиб оққани учун ўтиш жуда қийин эди. Яхшиям қизчаси уйдан узоқда эмас эди. Қизча кўчадаги воқеадан хабардор бўлиб, дарров уйга югурди. Жуда қийинлик билан келиб, эшникнинг ҳалқасидан ушлаб очди ва:

— Бир, икки, уч,

Пиширишдан кеч,—
деб қичқирди.

Шунда хурмача шавла пиширишдан тўхтади.

Аммо хурмача шундай шавла пиширдик, кимнинг қишлоқдан шаҳарга боришига тўғри келган бўлса, унга бу шавла шаҳарга етгунча кифоя қилар эди.

Ҳеч ким бундан шикоятланмади. Чунки шавла жуда ширин ва мазали эди.

ТУЛКИ БИЛАН ҲОЗЛАР

Бир кун бир Тулки ўтлоққа келибди. Ўтлоқда ажойиб, семиз-семиз ғозлар сайр этиб юрган экан. Тулки уларни кўриб, жуда севиниб кетибди-да:

— Маза бўлди, ҳозир ҳаммангни ейман!— дебди.

Ҳозлар эса:

— Тулкижон, бизларни ема, раҳм қил! — деб ялғишибди.

— Раҳм қилиш-а, бўлмаган гап. Ҳаммангни ейман,— деди яна Тулки.

Энди қандай қилиб қутулсак экан деб ўйлаб қолишибди, ғозлар.

Шунда биттаси:

— Тулкижон, ўлиш олдидан битта қўшиқ айтишимизга рухсат бер. Қўшиқни айтиб бўлганимиздан кейин ҳаммамизни ейсан. Ҳатто ўзимиз қаршингда қатор тизилиб турамиз, семизроғимизни танлашинг осон бўлади,— дебди.

— Майли, қўшиқ айтсанглар айта қолинглар,— дебди Тулки. Дастлаб битта ғоз қўшиқ айтибди. Унинг қўшиғи мана бунақа узундан узоқ экан: «Ға-ға-ға, ға-ға-ға!»...

Ундан кейин иккинчи ғоз жўр бўлибди: «Ға, ға, ға, ға-ға, ға-ға-ға!»

Ундан кейин учинчи ғоз: «Ға-ға-ға, ға-ға-ға, ға-ға-ға, ға-ға-ға!»— деб қўшиқ бошлабди.

Улардан сўнг тўртинчиси хониш қилибди: «Ға-ға-ға, ға-ға-ға, ға-ға-ға, ға-ға-ға, ға-ға-ға».

Тўртинчи ғоздан кейин бешинчи ғоз ҳам: «Ға-ға-ға, ға-ға-ға...»— деб қўшиқ бошлабди.

Охири ҳамма ғозлар биргаликда қичқириб, «ға-ға-ға»лашишга тушибдилар. «Ға-ға-ға, ға-ға-ға, ға-ға-ға, ға-ға-ға, ға-ға-ға, ға-ға-ға, ға-ға-ға...»

Қачонки ғозлар қўшиғи тамом бўлса, эртақ ҳам тугайди. Шундагина тулки ғозларни ейди.

Бироқ ақлли ғозлар қўшиқни тўхтатишни ўйлашмабди. Улар ҳозир ҳам: «ға-ға-ға, ға-ға-ға»,— деб қичқиришиб туришган эмнш.

ХАНС КРИСТИАН АНДЕРСЕН

(1805—1875)

Ўзининг ажойиб-ғаройиб эртаклари билан жаҳонга танилган буюк сўз усталаридан бири Ханс Кристиан Андерсен Даниянинг Оденсе шаҳрида 1805 йилда дунёга келди. Бўлажак адиб Спегельс мактабига ўқишга кирди. 1828 йилда Копенгаген университетида ўқишни давом эттирди. У 30-йилларда Франция, Швейцария, Италия, Греция ва Испания бўйлаб саёҳат қилди. Саёҳат давомида ёзувчи жуда кўп нарсаларни кўрди, эшитди. Халқ оғзаки ижоди билан яқиндан ошно бўлди.

Ижодий машқини 20-йиллардан бошлаган Андерсен ўз кучини лирика, роман, драматургия, саёҳат очеркларидан синаб кўрди.

Унинг, айниқса, тарих-эртақ асарлари ёш китобхонлар учун мароқлидир. «Болалар учун айтилган эртақлар» (1835—1842), «Янги эртақлар» (1843—1848), «Тарих» (1852—1855), «Янги эртақлар ва тарих» (1858—1872) ва бошқа китоблари Андерсеннинг номини машҳур қилди, жаҳонга танитди.

Андерсен бу китобларни яратишда халқ оғзаки ижодидан унумли фойдаланди, уларнинг орзу-армонларини қоғозга туширишга ҳаракат қилди. Эртаклардаги характер ва жонли нутқни янада мукамаллаштиришга эришди. Шунинг учун ҳам Андерсен яратган барча эртаклар содда, китобхон учун тушунарли бўлиши билан бирга, ўқувчилар хотирасида узоқ вақт сақланади.

Андерсен эртакларининг қаҳрамонлари ўзларининг самарали меҳнатлари, ақл-идроклари, ахлоқ-одоблари билан китобхон таҳсинига муваффақ бўладилар. Унинг «Қўнғироқли гирдоб», «Кумуш танга», «Қолбаса сихидан шўрва», «Гўнг-қўнғиз» ва бошқа эртаклари фикримизга ёрқин мисол бўла олади. Масалан, «Қўнғироқли гирдоб» асарини олиб кўрайлик. Эртақда асрлар мобайнида эзилган, оғир меҳнат ва зулмдан тинка-мадори қуриган меҳнаткаш халқ вакили Блакенинг ўз хўжасига қарши кураши китобхонни қувонтиради.

Эртақчининг «Нўхат устидаги малика» асари ҳам ёш китобхоннинг кулгусини қистатади, ҳам танноз маликага нисбатан қаҳр-ғазабини келтиради.

Бир шаҳзода ҳақиқий маликага уйланиш учун бутун ер юзини, шаҳару қишлоқларни қидириб ҳеч қаердан ҳақиқий маликани топа олмайди. Ҳафсаласи пир бўлган, тарвузи қўлтиғидан тушган шаҳзода қасрга қайтади.

Кунлардан бир кун кўз кўриб, қулоқ эшитмаган мўъжиза юз беради:

— «Бир оқшом ҳаво айланигандан-айнибди: шундай чақмоқ чақиб, момақалдироқ гулдурос солибдики, ёмғир чунонам челақлаб қуйиб берибдики, даҳшатнинг ўзгинаси!

Тўсатдан шаҳар дарвозаси тақиллаб қолибди: кекса қирол бориб дарвозани очибди.

Дарвозада малика турарди. Ё қудратингдан, уни нимага ўхшатиш мумкин! Сув маликанинг сочлари, кўйлакларидан шариллаб оқиб, тўппа-тўғри бошмоқларининг учларига, товонларига тушарди, у бўлса пинагини бузмай, мен ҳақиқий маликанинг худди ўзиман дерди».

Маликани синаб кўриш ишлари ҳам жуда ғалати бўлади. Тунда қирқ қават кўрпа остига битта нўхатни яшириб, жой солиб берадилар. Танноз, оқбилак қиз эрталаб ўрнидан турар экан, «қандай ухлаб турдингиз?» дейилган саволга нолиш, ички дард билан жавоб беради:

«Эй, жуда ёмон!— дейди у.— Кўзимни юмадим, деса ҳам бўлади! Мен қандайдир қаттиқ нарсанинг устида ётдим, бутун аъзойи-баданим кўкариб кетибди! Нақадар даҳшат!»

Шаҳзода қизнинг ҳақиқий малика эканлигини билиб, унга уйланади.

БОЛАЛАР ГУРУНГИ

Бир бадавлат савдогар болаларга зиёфат берди. Зиёфат кечасига бой ва донгдор хонадонларнинг болаларини таклиф қилди. Савдогар ишлари гумбурлаб юришиб турган, ўзи ҳам ўқимишли одам эди, ўз вақтида гимназияни битирганди. Гимназияда ўқишга унинг ҳурматли отаси мажбур қилган эди. Отаси ёшлигида чайқовчиллик қилган бўлса-да, лекин ҳалол, меҳнаткаш одам эди. Серҳаракат ота қанча мол-дунё орттирган бўлса, ўғли уни янада кўпайтирди. Савдогар ҳушёр, раҳмдил киши бўлса-да, лекин одамлар унинг бу фазилатларидан кўра, бойликлари ҳақида кўпроқ гапиришарди.

Унинг «аслзодалар» ва «улуғвор боёнлар»дан таниш-билишлари кўп эди. Шунингдек, на у ва на бу муътабар тоифага алоқаси бўлмаган кишилар билан муомала қилар, таниш-билиш орттирар эди.

Хуллас, унинг уйида каттагина йиғин бўлди, кейин йиғилганлар фақат болалар эди. Улар тинимсиз жаврашар, тилларига келганини қайтармай гапиришар эди. Болалар орасида ғоят чиройли, лекин ўтакетган димоғдор бир қизча ҳам бор экан. Қизчанинг жисмига кибр-ҳаво атайлаб киритилмаган, балки мақтов-эъзозлар билан сингдирилган экан. Яна кимлар денг, қизчанинг ота-онаси эмас, унга қарайдиган хизматкорлар уни шундай «касалга» чалинтириб қўйишган экан. Қизчанинг отаси камер-юнкер бўлган экан. Қизчанинг тасаввурида бу «фавқулодда муҳим» унвон бўлиб туюлган.

— Мен камер-юнкер қизиман!— дерди у.

Бу қизча баққол ёки бирор бошқа касб-корли кишининг фарзанди бўлиб туғилиши ҳам мумкин эмасмиди? Ҳа, дарвоқе, у ёки бу оилада туғилиш бизнинг истак-ихтиёримиздан мустасно ҳол. Хуллас, қизча бошқа болаларга ўзининг «аслзода»лардан эканини, оқсуяклар насабиданлигини уқтириб, кимки оддий тоифадан бўлса, ундан бирор эътиборли одам чиқмайди, деди. Ҳар қан-

ча ўқима, интилма, ўрганма — барибир қонинг тоза бўлмаса, аслзода бўлмасанг ҳеч нарсага эришолмайсан, дерди.

— Фамилияси «сен» билан тамомланадиган кишиларни тилга олмаса ҳам бўлаверади — улардан одам чиқмайди! Биз аслзодалар ҳар қандай «сен»лардан на-рироқда, қўлни белга қўйиб, уларга қиё боқмай туришимиз лозим.

Шундан сўнг фуқаро олдида ўзини қандай тутиш кераклигини кўрсатиш учун нозик қўлларини икки биқинига қўйиб, тирсакларини олдинга чиқарганча ғурур билан турарди. Унинг нозик қўллари чиройли, ўзи бағоят истараси иссиқ, гўзал эди.

Бироқ савдогарнинг қизи ундан ранжиб қолди, нега десангиз, унинг отасининг фамилияси Массен эди. Мана шу заҳоти у бошини баланд кўтарди-да, шундай деди:

— Меннинг отамни биласанми, отам юз регсдалернинг ҳаммасига новвот сотиб олиши ва уни сочиб ташлаб юбориши мумкин. Сенинг отанг шунақа қила оладими?

— Мана, менинг отам эса,— деди бир ёзувчининг қизчаси,— сенинг отанг, ҳозирги дунёдаги ҳамма оталар ҳақида ҳам газетага ёзиши мумкин. Ойим «Ҳамма отангдан қўрқади»,— дейди, ахир газета унинг айтганини қилар экан-да.

Шу сўзлардан сўнг қизча такаббуруна кеккайганча туриб олди, унинг кибр-ҳавосига гўё олам торлик қиларди.

Девор орқасида камбағал бир бола турган эди, у қия очиқ турган эшикдан астагина мўралаб болаларга қаради. Эшикни очиб, тенгқурлари олдига келишга журъат эта олмасди. Бундай камбағал бечора болага бадавлат, аслзода, болалар даврасига кириш йўл бўлсин? Бола бугун ошпаз хотиннинг буйруғига кўра ошхонага қарашиб юрган эди, юмушни тугатгач, болага қия очиқ эшикдан ясаниб-тусаниб олиб, ўйин-кулги қилаётган болаларни томоша қилишга рухсат берилди. Шунинг ўзи ҳам камбағал бола учун катта бахт эди.

«Қани энди мен ҳам шуларнинг ўрнида бўлсам!»— деди ўзича ҳаваси келиб, бироқ шу пайтда у маҳмадана-лик қилаётган қизчаларнинг гап-сўзларини эшитиб қолди. Бола уларнинг гапидан ўсал бўлиб, умидсизликка тушиши мумкин эди. Нега десангиз, бу боланинг ота-опа-асида ортиқча қора чақа ҳам йўқ эди-да, газетага обу-

на бўлишга келганда, ҳеч имкони йўқ эди. Бундай одамлар газета нашр этишни лоақал хаёлига келтира олармиди? Лекин энг ёмони шундаки, отасининг фамилияси, демак унинг ўз фамилияси ҳам «сен» билан тамом бўларди! «Хуллас, мендан ҳеч қачон бирор дуруст одам чиқмайди!»— деб ўйлади камбағал бола.— Мана, бахтсизлик. Лекин менинг томиримда чинакам тоза қон айланыпти! Бу ҳақда тортишиб ўтиришга ўрин ҳам йўқ!»

Ўша куни кечқурун болалар гурунгида мана шундай гап-сўзлар бўлиб ўтган эди.

Орадан кўп йиллар ўтиб кетди, ўша болалар аллақачон улғайиб, катта бўлишди.

Бу вақтда ўша шаҳарда хазиналар лиқ тўла бир уй пайдо бўлди. Ҳамма шу уйга киришни, ундаги мўъжизаларни томоша қилишни истарди, ҳатто бу ерга ўзга шаҳарлардан ҳам одамлар келишарди.

Хўш, савдогар уйига йиғилишган ўша болалардан қайсиниси энди бу менинг уйим дер экан-а? Бундай қараганда «фалончи аслзоданики бўлиши мумкин», деб айтиш турган гап, лекин бундай эмас, ҳа. Бу уй ўша куни кечқурун ошхонада хизмат қилиб, эшикдан маҳмаданалик қилаётган болаларга қараётган камбағал боланики! Ана ўша боланинг фамилияси «сен» билан тамом бўлса-да, лекин ундан одам чиқди. Машҳур рассом Торвальдсенни ким танимайди, дейсиз?

Бошқа болалар-чи? Насл-насаби, бойлик ва отасининг ўткир фаросатини пеш қилиб, гердайган болалар энди ким бўлган экан? Албатта, бирор кимса бўлгани турган гап. Ахир, улар ҳаммаси бола эди-да, болаларда содда, соф тушунча, мурғак, ўткир зеҳн бўлади. Ўша кечки гурунгдаги уларнинг фикр-хаёли, гап-сўзлари шунчаки бир болалик эди, холос.

МУНДАРИЖА

Болалар адабиётининг мақсад ва вазифалари	3
Мактабгача тарбия ёшидаги болалар китобхонлиги	4
Мактаб ёшидаги кичик болалар китобхонлиги	6
Урта ва катта ёшдаги болалар китобхонлиги	6
Халқ оғзаки ижоди ва болалар китобхонлиги	7
Алла	7
Мақоллар	9
Топишмоқлар	13
Тез айтиш	16
Эртаклар	17
Оч бўри	18
Лайлак билан тулки	20
Ур туқмоқ	20
Шолғом (Рус халқ эртаги)	24
Зумрад ва Қиммат	25
Тулки билан турна (Рус халқ эртаги)	30
Деҳқон билан айиқ	31
Ўзбек болалар адабиёти	32
Алишер Навоий	51
Лисон ут-тайр (қуш тили)дан	55
Муҳаммад Шариф Ғулханий	57
Маймун билан Нахжор	60
Туя билан бўталоқ	62
бдулла Авлоний	63
Ямонотлиқ жазоси	65
Қаноат	67
Яхшилик ерда қолмас	67
Тўғрилиқ	68
Иттифоқ	68
Ит ила гадо	68
Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий	69
Уқи!	72
Илм иста	72
Китоб	72
Тўғри сўз бола	73
Ғафур Ғулом	73
Менинг куйларим	78
Оқ теракми, кўк терак	79
Ўйлашни ўрганамиз	80
Буни топинг, қизларим	81
Читти гул	81
Ойбек	81
Алишернинг болалиги (Қиссадан парча)	84
Уйғун	89
Лайлак	93
Бойчечак	93

Елғончи чўпон (Халқ эртаги)	93
Ҳамид Олимжон	95
Бунёднинг жанги («Семурғ» поэмасидан парча)	98
Зафар Дийр	104
Гунафша	109
Қапалак	109
Тўп	109
Қуддус Муҳаммадий	110
Она ҳурмати	115
«Дадажон, нима учун офтоб ерга қараб туради?»	116
Чўпон Тарвуз (Сахро янтоғида тарвуз ундирган чўпон тарвуз қиссаси)	116
Дум	117
Илёс Муслим	117
Бойчечак	120
Лола	121
Биринчи совға	121
Турналар	121
Тойчоғим	121
Адҳам Раҳмат	122
Тулкининг ҳийласи	127
Султон Жўра	130
Тиниш белгиларининг мажлиси	134
Шукур Саъдулла	136
Тўғри сўз	140
Анқов	140
Ялқов	141
Ҳаким Назир	141
Икки ўртоқ	145
Опоқ буванинг неваралари	146
Расмли китобча	147
Ўткир Рашид	152
Укачамни кўчада кўрдим	152
Бу — биз бўламиз	152
Кичкина деманг бизни	153
Қайси катта	154
Пулат Мўмин	159
Офтоб ҳам яхши, одоб ҳам яхши	159
Аясини аясин	159
Кўзим ва ўзим (Ҳазил)	160
Тиш чўтка, порошок ва атир совун эртаги	162
Қудрат Ҳикмат	165
Алишер ва китоб	165
Мен ва Али	165
Тойчоқ	166
Кекса кулол ва шогирд (Ҳикоя)	167
Худойберди Тўхтабоев	173
Омонбой билан Давронбой саргузашти (Қиссадан парча)	180
Фарҳод Мусажон	183
Совға	184
Яхшилик	185
Латиф Маҳмудов	188
Нок	191
Миразиз Аъзам	195
Зийрак-зийрак (Ўйин)	

Чумолибой билан Арионнинг саёҳати	196
Турсунбой Адашбоев	197
Ўғлимга	201
Меҳнат қилиб	202
Момоқаймоқ	202
Бугдойзорда	202
Тол ва терак	202
Конфет	203
Қамбар Ота	203
Дўппи кийган бола	206
Чархпалақ	207
Богчамизда	207
Ўртоқжон	207
Чевар	207

Жаҳон болалар адабиёти

Александр Сергеевич Пушкин	207
Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак	210
Николай Алексеевич Некрасов	215
Еремушканинг алласи	218
Болалар йиғиси	219
Лев Николаевич Толстой	220
Икки ўртоқ	223
Соқчи мушук	223
Қизча ва қўзиқорин	224
Корней Иванович Чуковский	225
Мойдодир	227
Самуил Яковлевич Маршак	230
Аҳмоқ сичқонча ҳақида эртак	233
Владимир Владимирович Маяковский	234
Яхши нима-ю ёмон нима?	236
Сергей Владимирович Михалков	239
Ўттиз олти-ю ярим	241
Сизда-чи	241
Шарль Перро	242
Қизил шапкача	243
Ака-ука Гриммлар	246
Бир хурмача шавла	247
Тулки билан ғозлар	248
Ханс Кристиан Андерсен	249
Болалар гуруҳи	251